

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК 372:890.821:(37.001(077) (575.1)

КАДИРОВ ВАЛИЖОН АБДУРАҲМАНОВИЧ

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА МУМТОЗ АДАБИЁТ
НАМУНАЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек адабиёти)

**Педагогика фанлари доктори (DSc) илмий даражасини
олиш учун тайёрланган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий маслаҳатчи: ЙЎЛДОШЕВ. Қ. Б. Педагогика
фанлари доктори, профессор**

НАМАНГАН – 2019

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I боб. УМУМТАЛЬЛИМ МАКТАБЛАРИДА МУМТОЗ АДАБИЁТНИ ЎҚИТИШ АҲВОЛИ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ	
I.1. Умумтаълим мактабларида мумтоз адабиёт ўқитишнинг ҳозирги кундаги ҳолати	14
I.2. Мумтоз адабиётни ўқитишдаги мураккабликлар тавсифи	35
Боб юзасидан хуносалар.....	51
II боб. МУМТОЗ АДАБИЁТ ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ИМКОНИЯТЛАРИ	
2.1. Мактабда мумтоз адабиёт ўқитишнинг бадиий-эстетик ва илмий- педагогик асослари	52
2.2. Мумтоз бадиий тафаккур тарзини шакллантириш – ўқитиш самарадорлигининг бош омили	80
Боб юзасидан хуносалар.....	111
III боб. МУМТОЗ АДАБИЁТ НАМУНАЛАРИНИ ЎРГАНИШ АСОСЛАРИ	
3.1. Ўқувчиларда назарий билимларни шакллантириш.....	112
3.2. Лирик асарлар таҳлилида жанр хусусиятларини ҳисобга олиш.....	140
3.3. Насрий асарларни ўргатиш самарадорлигини ошириш усуллари...	184
3.4. Лиро-эпик асарларни таҳлил қилиш методикаси	221
Боб юзасидан хуносалар.....	238
IV боб. ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИНГ МАЗМУНИ ВА НАТИЖАЛАРИ	
4.1. Тажриба-синов ишларининг мазмuni ва ташкилий жиҳатлари.....	239
4.2. Тажриба-синов натижалари таҳлили.....	247
Боб юзасидан хуносалар.....	256
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.....	257
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	261

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёдаги ҳар бир ҳалқнинг жаҳон ҳамжамиятида тан олинган ўрни ва овозига эга бўлишида умуминсоний манфаатларга мос қадриятлари, борлиқни, ҳаётни, дунё воқеликларини идрок ва талқин этишнинг ўзига хос шакл ҳамда тизимиға эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бу тизимда сўз санъати, хусусан, мумтоз адабиёт бекиёс имкониятларга эга. Аждодлардан ўтиб келаётган маънавий меросни жамият аъзолари, хусусан, ёшлар онгу қалбига сингдириш таълим-тарбия соҳасидаги устувор йўналиш сифатида қаралмоқда. Мумтоз адабий мерос воситасида ёшларда маънавий, мафкуравий иммунитетни шакллантириш, ёш авлод таълим-тарбиясига даъват этилган таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ривожланган мамлакатларида миллий қадрият ва тарихий меросга жамиятдаги маънавий таназзулларни олдини олиш омили сифатида қаралаётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Дунёда маънавий мерос, жумладан, мумтоз адабиёт воситасида юртнинг эртанги эгалари бўлмиш ёшларни маърифати юксак жамият аъзолари этиб шакллантиришнинг модернизациялашган таълим-тарбия тизимини ишлаб чиқиш, таълим муассасалари педагогик ходимларининг касбий компетентлигини ривожлантириш моделини такомиллаштиришга доир илмий тадқиқотлар кенг миқёсда олиб борилмоқда. Айни пайтда мумтоз адабиёт намуналарини ўқитишнинг аниқ илмий хулосаларга таянган бадиий-эстетик, илмий-педагогик асосларини белгилаш, ўқувчиларда шакллантириладиган билим, қўникма ва малакаларни ривожлантириш шакли ва босқичларини аниқлаш, тарбияланувчиларнинг ёш хусусиятлари, тавсия этилган асарларнинг тур ва жанр талабларидан келиб чиқиб бадиий матнни таҳлил қилиш компетенцияларини мукаммаллаштириш усуллари ва

методларини ишлаб чиқиш ва бу жараёнга илғор инновацион таълим технологияларини татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда ёш авлодни маънан юксак инсонлар қилиб тарбиялаш давлат миқёсидаги муҳим вазифа даражасига кўтарилиган. “Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатлан”ган [1] юртимиизда аҳолининг, хусусан, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ўстириш билан бир қаторда жамиятнинг маънавий юксалиши учун қонуний асослар яратилган [2,3]. Чунки маънавияти бой кишилар яшайдиган мамлакат қучли бўлиши ҳам муқаррардир. Тарғибот-ташвиқот, таълим-тарбияга дахлдор шахслар, идораларнинг ўз фаолиятларида жонкуяр, ташаббускор ҳамда ижодкор бўлишлари бу борадаги ишларнинг самарасини таъминлайдиган етакчи омиллардан саналади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармонида “Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содик, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш...” [4] муҳим вазифа этиб белгиланган. Бу қонуний асос умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларда китобхонлик маданиятини, юксак эстетик дидни, бадиий таҳлил компетенцияларини шакллантириш орқали адабий таълимни янги босқичга кўтариш ва нутқий компетентликни таъминлаш тизимини ривожлантириш долзарб масала эканлигини кўрсатади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонидаги таълим соҳасига оид бандлар ижросини таъминлашда [4], 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълимни тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармонида таъкидланган “...ўқитиши методикасини такомиллаштириш,

таълим-тарбия жараёнига индивидуллаштириш тамойилларини босқичмабосқич татбиқ этиш” кўрсатмасини таълим амалиётига татбиқ этишда [5], шунингдек, мамлакат раҳбари томонидан илгари сурилган “Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббус”даги тўртинчи “ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган” ташаббусини ҳаётга жорий қилишда [6] ҳамда мазкур масалага оид бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг: I. «Демократик ва хуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹.

Шарқ адабиётини, жумладан, Марказий Осиё халқлари адабиётини ўрганиш, уларнинг инсоният ахлоқий, маънавий-маърифий оламида тутган аҳамиятини тадқиқ этишга доир илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Marmara Üniversitesi (Турция), Princeton University (АҚШ), Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters, Oxfords university (Буюк Британия), Belfield pedagogical university Germany (Германия), Научный центр гуманитарных исследований (Россия) каби қўплаб илмий марказларда амалга оширилмоқда. Касбий тайёргарликкача бўлган адабий компетенция (допрофессиональная литературная компетенция)ни шакллантириш муаммолари, мумтоз адабиёт намуналарини ўрганишнинг ўзига хос

¹ Ушбу кисм Смагулов К.Н., Смагулов М.Н. Классические образовательные практики ислама на примере Центральной Азии: традиции и современность. М.: «Мусульманский мир», 2016. – 318 с.; Ballantine J.H. The Sociology of Education: a systematic analysis. – Prentice Hall, 2001. – 400 р. каби манбаларга асосланган холда ёзилди.

хусусиятлари синфлар кесимида ўрганилиб, бу борадаги мустақил ҳамда синфдан ташқари ишларни ташкил қилиш тизими ишлаб чиқилган (Ульяновский государственный университет); мумтоз адабиёт намуналарини бошланғич, ўрта ва юқори мактабларда ўқитиш (Teaching Classic Literature in Elementary And High School) муаммолари юзасидан кузатишлар олиб борилган (Bright Hub Education); Шарқ мумтоз адабиёти намуналарини тушуниш ва тушунтиришнинг методологик асоси бўлмиш тасаввуф намоёндаларининг фалсафий қарашлари тадқиқ қилинган (Паёми Донишгоҳи Миллий Тоҷикистон).

Жаҳон таълим тизимида интерактив ўқитиш тизимидан фойдаланиш (interactive E - learn) бўйича тадқиқотлар етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказларда амалга оширилмоқда. Жумладан, Purdue University (АҚШ), интерактив таълимни амалга ошириш БМТнинг International Institute for Sustainable Development (IISD), миллий адабиёт тарихини ўрганиш муаммолари (Baku: Azərbaycan Dövlet Pedagoji Universiteti), миллий адабий мерос ва маънавият масалалари (Magtymguly adyndaky Turkmen dovlet universiteti) мавзуларида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мактабда адабиёт ўқитиш муаммолари С. Долимов, А. Зуннунов, Ҳ. Убайдуллаев, Қ. Аҳмедов, Ж.Эсонов, Н. Хотамов каби методист олимлар томонидан ўрганилиб, маҳсус кўлланма ва рисолалар шаклида нашр этилган [145,153,154]. Уларда адабиётни ўқитишнинг умумий муаммолари қаторида мумтоз адабиёт намуналарини ўрганиш ва таҳлиллаш бўйича ҳам методик тавсиялар берилган. Бир мумтоз адаб ёки муайян бир асар ёхуд бирор муаммо ўрганишга бағишлиланган кўлланмаларда қўйилган масалагагина доир йўриқлар берилган [131,132,133,134,209,136].

Мустақиллик йиллари адабиёт ўқитиш методикаси бўйича бир қатор жиддий тадқиқотлар амалга оширилди. Методист олимлардан Қ. Йўлдошев, Б Тўхлиев, С. Матчонов, М. Мирқосимова, Қ. Ҳусанбоева, Улуғбек Долимов, Роза Ниёзметова ва бошқаларнинг илмий ишларида ҳал қилинаётган

муаммолар билан боғлиқ равища мумтоз адабиёт намуналарини ўқитиш масаласига бевосита ёки билвосита дахлдор жиҳатлар борлигини эътироф этиш ўринлидир[210,51,192,193,194,161,66,117,43].

Мустакил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларида А.Джафар, И.Стеблева, А.Сатторов, Р.Мусульманкулов, В.Кан-Калик, В. Хазан, К.Смагулов, М.Смагулов, Л.Петриева каби олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда Шарқ мумтоз адиблари, жумладан, ўзбек шоирлари асарларини талқин қилиш, уларнинг ғоявий, бадиий жиҳатларини таҳлил қилиш усулларини кўрсатиш, адабиёт ўқитишгагина хос бўлган вазифаларни аниқлаш ва уларни тавсифлаш, мумтоз асарларни ўқувчилар ёш хусусиятидан келиб чиқиб ўқитиш масалалари ёритилган [41, 88,84,69,56,86,78].

Мумтоз адабиёт намуналарини турли аспектларда ўрганишга доир тадқиқотлар хорижий олимлар Л.Элвелл Сэттон, Ж.Гарсин де Тасси, А.Бомбажи, М.Кўпрулузода, Д.Селвилар томонидан амалга оширилган бўлиб, мазкур илмий изланишларда шарқ адабиёти поэтикаси, мумтоз адабиёт назариясининг муайян қирралари ва уларни ўрганиш, шунингдек, тасаввуф таълимоти ва тасаввуф адабиётини ўқитиш муаммолари, мумтоз мерос ва тарбия масалалари тадқиқ қилинган. [45,36,29,60,85].

Ҳозирга қадар адабиёт тарихига мансуб асарларни ўқитиш масаласи назарий-монографик планда маҳсус тадқиқ этилмагани мумтоз адабиёт намуналарини ўрганишнинг илмий-методик асосларини ишлаб чиқиш долзарб масала эканлигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Иш Андикон давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари рўйхатига киритилган. Хусусан, тадқиқот университетнинг филология факультети Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси томонидан 2016-2019 йиллар учун белгилаб олинган “Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб муаммолари” мавзусидаги йўналишларга мувофиқ тарзда олиб борилди.

Тадқиқотнинг мақсади умумтаълим мактабларида мумтоз адабиёт намуналарини ўқитишнинг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш, ўқитиш самарадорлигини оширишнинг илмий-педагогик асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари сифатида қуидагилар белгиланди:

ўрта мактабларда мумтоз адабиёт ўқитишнинг ҳозирги кундаги аҳволини ўрганиш ва уни таҳлил қилиш;

мумтоз адабиёт ўқитишдаги мураккабликлар тавсифини бериш;

мумтоз адабиётни ўқитишнинг эстетик-педагогик асосларини ишлаб чиқиши;

ўқувчиларда мумтоз бадиий тафаккур тарзини шакллантириш йўриқларини амалий тажриба ва кузатувлар асосида ишлаб чиқиши;

диний-тасаввуфий адабиёт намуналарини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

мумтоз адабиёт намуналарини адабий тур ва жанр хусусиятларидан келиб чиқиб таҳлил қилиш методикасини яратиш;

тажриба-синов натижаларига суюнган ҳолда адабиёт муаллимларининг кундалик фаолиятида аскотадиган амалий йўриқлар тизимини тавсия этиш.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида умумий ўрта таълим мактабларнинг 5-9-синфларида мумтоз адабиёт намуналарини ўқитиш жараёни танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети умумий ўрта таълим мактабларида мумтоз адабиёт намуналарини ўқитишнинг назарий ва амалий жиҳатлари ҳамда таълим самарадорлигини ошириш йўлларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуслари. Тадқиқотни амалга ошириш, илмий хуносаларга келишда назарий-мантиқий таҳлил, умумлаштириш, таҳлил қилиш, педагогик тажриба ўтказиш, кузатиш, сухбат, сўровномалар тарқатиш, солишлистириш, ёзма ишлар олиш, мустақил ва ижодий ишлар ташкил этиш, математик-статистик таҳлил сингари илмий-тадқиқот методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

мумтоз адабиётни ўқитиш самарадорлигини оширишнинг дидактик асоси бўлган “мумтоз бадиий тафаккур тарзи” тушунчаси илк бор илмий-методик муомалага киритилган ҳамда уни амалда қўллаш методикаси ишлаб чиқилган;

мумтоз асарларни ўқитишдаги энг мураккаб бўлимлар ҳисобланган аруз ўлчамлари, мумтоз қофия, илми балогага доир назарий маълумотларни ўқувчиларга сингдиришда вазнлар қиёси, оптимал шарҳ ҳамда ижодий лавҳа сингари таълим технологиялари ишлаб чиқилган, улардан амалда фойдаланиш методикаси яратилган;

мумтоз асарлар серқатламлигининг анъанага таяниш, ҳасби ҳолдан келиб чиқиш ва маънавий-мафкуравий муҳит сингари омиллари аниқланган ҳамда уларни адабий таълимга татбиқ этишнинг методик тизими белгилаб берилган;

ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиб тасаввуф таълимоти тўғрисида илк тушунча бериш, сўфиёна руҳдаги битикларни ўргатишни осонлаштириш орқали агиографик асарларни ўқитиш самарадорлигини ошириш тизими такомиллаштирилган;

адабий таълимда мумтоз асарни унинг жанри, композицион қурилиши ва семантик қолипини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш улкан дидактик самара келтириши конкрет асарлар таҳлили мисолида исбот этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

адабий таълим жараёнида мумтоз адабиёт намуналарини ўқитишнинг аҳволи таҳлил қилиниб, адабиёт муаллимлари фаолиятида учрайдиган типик хато ва камчиликларнинг умумий манзараси очиб берилган;

таълим амалиётида мумтоз адабиёт намуналарини ўқитиш билан боғлиқ мураккабликлар тавсифи берилиб, уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилган;

тадқиқот натижалари сўнгги ўн йилда яратилган дастур, дарслик ва методик қўлланмаларда акс этди ва тадқиқот муаллифи иштирокида уларни инобатга олган ҳолда такомиллаштирилган;

мумтоз адабиётни тушуниш ва тушунтириш асоси бўлган мумтоз бадиий тафаккур тарзини шакллантириш ва ўқувчиларга сингдириш йўллари баён этилган;

диний-тасаввифий ва агиографик асарларни шарҳлаш, таҳлил қилиш омиллари кўрсатилган ва бу борадаги методик йўриқлар берилган;

мумтоз адабиёт намуналарини жанр хусусиятига қўра ўрганишнинг ўзига хос жиҳатлари, босқичлари, усул ва методлари тавсия этилган ҳамда таълим натижаларига қўра ўқувчиларда шакллантирилган бадиий таҳлил компетентлик даражасини аниқлаш ва баҳолаш мезонлари такомиллаштирилган;

ўтказилган тажриба-синовлар якунига қўра ўқувчиларда мумтоз адабиётни тушуниш, таҳлил қилиш компетентлиги назорат синфларига қараганда юқори бўлган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Билиш назариясининг диалектик методи, адабиёт ўқитиши жараёни ва ҳодисаларини тизимли ўрганиш технологияси, Ўзбекистон Республикаси, хориждаги педагог ва психолог олимларининг илмий-назарий ғояларига асосланилганлиги, бир-бирини узлуксиз тўлдириб борувчи янги метод ва усуллар кўлланилганлиги, мумтоз матнлар устида ишлаш, бадиий таҳлил компетенциясини такомиллаштириш механизми яратилганлиги, тадқиқотда олға сурилган илмий ғоянинг тажриба-синовда ижобий натижа берганлиги, олинган натижанинг математик-статистик таҳлил методи асосида умумлаштирилганлиги тадқиқот натижаларининг ишончлилигини таъминлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ишнинг илмий аҳамияти мактабларда мумтоз адабиёт намуналарини ўқитиши муаммоси илмий-назарий ҳамда амалий аспектда ўрганилганлигига;

мактабда мумтоз адабиёт ўқитишининг эстетик-педагогик асослари белгилаб берилганлигида; “мумтоз бадий тафаккур тарзи” тушунчаси илмий муомалага киритилганлиги ва унга таъриф берилганлигида; мумтоз асарларда маъно серқатламлигини юзага келтирувчи омилларнинг аниқланганлиги ва бу ҳодиса билан боғлиқ жиҳатларни таҳлиллаш йўриқлари ишлаб чиқилганлигида; бадий-эстетик қонуниятлар ҳамда диний, миллий қадриятларни уйғунлаштирган ҳолда тасаввуфий руҳдаги, шунингдек, агиографик асарларни ўқитиш методикаси ишлаб чиқилганлигида; бир қатор адабий шаклларнинг жанр хусусиятларига аниқлик киритилганлиги ҳамда уларни инобатга олган ҳолда матнларни ўрганиш бўйича илмий хуносаларга келинганликда кўринади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти мумтоз адабиёт намуналарини ўқитишда ўқитувчиларнинг ўз фаолиятларини назорат қилиш ва унга баҳо беришга асос бўладиган мезонлар белгилаб берилганлиги; мумтоз адабиёт намуналарини ўқитищдаги мураккабликларни бартараф этиш йўллари кўрсатилганлиги; ўқувчиларнинг эгаллаган назарий билимларини амалиётга татбиқ этиш кўнималарини ҳамда уларда мумтоз бадий тафаккур тарзини шакллантириш юзасидан тавсиялар ишланганлиги; ўқувчиларда мактаб адабий таълим дастурига киритилган асарларни жанр белгиларига кўра таҳлил қилиш малакаларини такомиллаштириш йўриқлари ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мактаб адабий таълимида мумтоз адабиёт намуналарини ўқитишининг илмий-методик асослари тадқиқи бўйича эришилган илмий натижалари асосида:

илмий муомалага киритилган ва мумтоз адабиёт намуналарини тушуниш ва тушунтиришда калит вазифасини ўтайдиган “мумтоз бадий тафаккур тарзи” тушунчаси 7-синф Адабиёт (Тошкент, “Шарқ” нашриёти, 2017, 4-нашр), 9-синф Адабиёт (Тошкент, “O’zbekiston”, 2019, 4-нашр) дарслкларидағи мақолалар, назарий маълумотлар, савол ва топшириқлар мазмун-моҳиятига сингдирилган (Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги

Республика таълим марказининг 2019 йил 22 июлдаги 01/11-03/4-1676-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларда мумтоз бадий тафаккур тарзига хос поэтик компонентларни шакллантиришда сезиларли ижобий натижаларга эришилган;

назарий маълумотларни сингдириш борасидаги йўриклардан келиб чиқиб, мавзулараро ҳамда фанлараро интеграцияни қўллаш бўйича тавсиялардан 7- ва 9-синф Адабиёт дарсликларини яратишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Республика таълим марказининг 2019 йил 22 июлдаги 01/11-03/4-1676-сонли маълумотномаси). Бу орқали ўқувчиларнинг назарий маълумотларни идрок этиш, уларни амалий қўллаш кўникмалари ортган;

тадқиқотда ишлаб чиқилган адабий таълим учун ғоят мураккаб ҳисобланган агиографик асарларни ўрганишнинг самарали йўллари, хусусан, тасаввуф тўғрисида тушунча бериш, сўфиёна руҳдаги асарларни ўрганиш йўриклари ўқувчилар ёш хусусиятларини ҳисобга олиб 7- ва 9-синф Адабиёт дарсликларини яратишда инобатга олинган (Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Республика таълим марказининг 2019 йил 22 июлдаги 01/11-03/4-1676-сонли маълумотномаси). Натижада ўқувчиларда агиографик асарларни шарҳлаб ўрганиш кўникмалари, тасаввуф адабиётига мансуб асарларни таҳлил қилиш малакалари шаклланган;

мумтоз асарларга хос маъно қатламлилик ва уни вужудга келтирувчи омилларга тааллуқли диссертация бўлимларидан қисман 7-синф Адабиёт, батафсилроқ тарзда 9-синф Адабиёт дарсликларини яратишда истеъфода этилган (Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Республика таълим марказининг 2019 йил 22 июлдаги 01/11-03/4-1676-сонли маълумотномаси). Натижада ўқитувчиларнинг касбий компетенциясида, ўқувчиларнинг мумтоз асарларни идрок этиш даражасида ижобий натижалар кузатилган;

бадий матнларни таҳлил қилиш ва шарҳлашда қайси адабий тур ҳамда жанрга мансублигини ҳисобга олиш йўллари, ҳар бир жанрга хос бўлган таҳлил босқичлари ўқувчилар ёш хусусиятларини ҳисобга олиб 7- ва 9-синф

Адабиёт дарсликларини яратишда фойдаланилган (ЎзР Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2019 йил 22 июлдаги 01/11-03/4-1676-сонли маълумотномаси). Натижада ўқувчиларнинг мумтоз матнларни адабий тур ва жанр хусусиятига кўра таҳлил қилиш компетенциялари ривожланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот доирасида қўлга киритилган илмий натижалар 11 та республика ва 3 та халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 61 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан, 1 та монография, 5 та дарслик, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 24 та мақола, шундан 21 таси республика, 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация “Кириш”, тўрт асосий боб, “Умумий хуносалар” ва “Фойдаланган адабиётлар рўйхати”, иловадан иборат бўлиб, асосий ҳажми жами 260 саҳифани ташкил этади.

І БОБ. УМУМТАЛЬИМ МАКТАБЛАРИДА МУМТОЗ АДАБИЁТНИ ЎҚИТИШ АҲВОЛИ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

1.1-§. Умумтаълим мактабларида мумтоз адабиёт ўқитишнинг ҳозирги кундаги ҳолати

Республикамиз маориф тизимида қилинаётган янги ислоҳотлар таълимтарбия жараёнининг ижтимоий-сиёсий, илмий-назарий, иқтисодий ҳамда ташкилий асоси бўлмиш “Таълим тўғрисидаги Қонун” [2] ва у билан боғлик меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқишини талаб қилмоқда. Таълим муассасалари фаолиятини самарали ташкил этиш, жамиятда ўқитувчи нифузини кўтариш, унинг сифатли амалий фаолият кўрсатиши учун шароит яратиш, моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ҳаракатларнинг барчаси кундалик таълим амалиётини аввало мазмун, шунингдек, шаклий жиҳатдан мукаммаллаштириб, охир оқибат ўқувчиларнинг ахлокий тарбияси, билим ва савиясида акс этмоғи керак. Мазкур вазифани адо этиш учун эса ҳар бир фан, предметнинг ўқитилишидаги жорий ҳолатни таҳлил қилиб, ютуқ ва камчиликларни аниқлаб олиш муҳим. Ана шу нуқтаи назардан мактабларимизда мумтоз адабиёт намуналарини ўқитишнинг айни пайтдаги ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш муаммони ҳал этишнинг омили саналади десак, хато бўлмайди.

Шундай қилиб, ўрта мактабда мумтоз адабиёт қандай ўқитилмоқда? Аслида бу риторик саволга ўхшаб кетади – жавоби аниқ: яхши эмас. Лекин бу “яхши эмас”ликлар нималарда намоён бўлади? Сабаби нимада? Уларнинг илдизлари қаерга бориб тақалади? Ана шу саволларга жавоб топиш муҳим. Бу ташхис қўйишидек бир гап. Шунга қараб чора изланади, тадбир белгиланади.

Бизнингча, қониқарсиз аҳволнинг икки: объектив ва субъектив сабаблари мавжуд бўлиб, уларнинг бири бошқасининг чуқурлашувига сабаб бўлмоқда. Объектив омиллар ўқитувчи шахсиятидан кўра кўпроқ таълим

мазмунига масъул муассасалар, директив ҳужжатлар билан боғлиқ. Биз бунда, аввало, стандартлар, дастурлар, дарслик ва методик ҳамда ўқув кўлланмаларини назарда тутмоқдамиз. Мустақиллик йиллари адабиёт бўйича ДТС ҳамда ўқув дастурлари ишлаб чиқилиб, бир неча бор такомиллаштирилди, дарсликларнинг бир неча авлоди чоп этилди. Мазкур ҳужжатлар шўро даврига нисбатан олинганда инқилобий дегулик даражада ўзгарган, такомиллашган. Улар олдиндан белгилаб қўйилган сунъий қолиплар асосида эмас, балки миллий ва умуминсоний қадриятларга, жаҳон таълим тизимида эришилган ютуқларга асосланган, янги педагогик тафаккурга таянган ҳолда яратилган. Ўрганиш учун танлаб олинган асарларнинг юксак бадиий мезонлар талабига жавоб бериши, тарбияланувчиларнинг бадиий дидини ўстиришга, маънавий оламини шакллантиришга, уларда юксак ахлоқий сифатлар шакллантира олишига, болаларнинг ёш хусусиятига мос келиши каби жихатларга қараб танлаб олинган. Педагогика ва психологияга оид адабиётларда айнан шу жихатга алоҳида эътибор қаратилади [60; 65-б., 30; 99-б, 31; 129-б]. Мазкур давлат ҳужжатлари, дидактик ва методик ашёлар эълон қилиниб, нашрдан чиққач, ўз вақтида матбуотда муносабат билдирилган, асосан уларнинг ютуқлари, фазилатлари тўғрисида фикрлар билдирилган.

Биз стандарт ва дастурлардаги тўлдирилиши керак бўлган ўринлар, дарслик ва кўлланмалардаги бартараф этилиши лозим кўринган нуқсон ва камчиликлар борасида мулоҳазаларимизни баён этамизки, ечимини кутаётган муаммоларнинг талай қисми улар билан ҳам боғлиқ. “Давлат таълим стандартлари умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди” [9; 6-б.]. Умуман олганда адабиёт бўйича ДТС ушбу фаннинг мазмун ва сифатига қўйилган талабни қониқарли даражади акс эттиради. Мазкур ҳужжатнинг моҳият жихатдан яхлит, умумий характерда бўлишини назарда тутсак, унга жиддий эътиroz билдиришга асос йўқ. Фақат назаримизда, янада аниқлаштирилиши керак бўлган ўринлар, хусусан, унда мумтоз адабиёт

ўқитилишига доир мазмуний тафсилотлар, сифатий кўрсаткичлар алоҳида ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Фикрни ойдинлаштириш учун “Тил ва адабиёт таълими” журналида эълон қилинган адабиёт бўйича Давлат таълим стандартига эътибор қаратамиз. Унда адабий таълимнинг мактабда икки: а) бошлангич таълим (I – IV синфлар); б) ўрта таълим (V – XI синфлар) босқичи белгилаб қўйилган. Биринчиси хақида “Бошлангич таълим босқичида машғулотлар ўқиш дарслари тарзида ташкил этилади” деган бир жумлагина бор холос. Иккинчи босқич ўз ичида икки бўғинга бўлинади: ўрта таълим босқичи (V – VII синфлар) ҳамда юқори бўғин (VIII – IX синфлар). Биринчи бўғинда “ўқувчиларда бадиий адабиётга доир энг ибтидоий ва содда билим, кўникма ҳамда малакаларни шакллантириш кўзда тутилади... Бу бўғинда ўзлаштириладиган адабий-назарий тушунчалар адабнинг тасвир маҳоратини кўрсатишдан кўра матнни чуқурроқ англашга йўналтирилади...” [9; 23-б.] Иккинчи бўғинда эса “Ўқувчиларга ўзбек адабиёти тарихи яхлит бир эстетик жараён эканлиги сингдирилади. Бу босқичда бадиий матн жозибаси ва тароватини таъминлаган омиллар, адиларнинг маҳорати, услубини аниқлашга эътибор қаратилади” [9; 24-б.]. Ана шу белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, мумтоз адабиёт намуналаринигина ўрганиш нуқтаи назаридан синфлар бўйича адабий таълим мазмунига қўйилган сифат кўрсаткичларга диққат қаратамиз.

Эслатилган ҳужжатда 7-синфда “Мозийдан садолар” рукни остида мумтоз адабиёт намуналаридан Навоийнинг “Мехр ва Суҳайл” ҳикояси, Турдининг шеърлари, Увайсий лирикаси, Завқийнинг саёҳатномаси, Махтумкули шеъриятидан намуна ўрганилиши кўрсатилган. Куйидаги назарий маълумотлар ўзлаштирилиши кўзда тутилади: бадиий тимсол, муболага, тазод, қофия, тажнис, ташбих, мухаммас, маърифатчилик адабиёти, бадиий адабиётнинг турлари, лирика, табиат лирикаси тўғрисида тушунчага эга бўлиш. Ўқувчилар томонидан эгалланиши керак бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳам ана шу назарий маълумотлар асосида

белгиланган. Стандартда мумтоз адабиётнинг ўзигагина хос бўлган хусусиятлари, матнни мустақил ўқиб тушунишга йўллайдиган назарий маълумотлар ўқувчининг ёш хусусиятидан келиб чиқиб берилиши алоҳида кўрсатилмаганлиги боис адабиёт ўқитувчилари ўқувчи барибир мумтоз матнни тушунмайди, ундан маъно чиқаришга қийналади деган баҳонани рўкач қилиб, асарлар мазмунини сўзлаб берадилар ва болалардан ҳам шуни талаб қиласидар. Бу билан гўё стандартдаги “...адибнинг тасвир маҳоратини кўрсатишдан кўра матнни чуқурроқ англашга йўналтири” иш кўрсатмасини адо этадилар ва адабиёт ўқитишдаги энг катта хатога йўл қўядилар. Аксар ҳолларда матнни таҳлил қилиш “муаллиф бу ерда ундай деяпти, бу ерда бундай деяпти” қабилидаги ҳиссиз баёнлардан иборат бўлиб қолаётганлиги кузатилиди. Ифодадаги ўзгачалик, тасвирдаги янгилик, бадиий маҳорат масаласи очик қолади. Аслида стандартдаги ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига кўйиладиган талабларда мавжуд бўлган “ўрганилган асарнинг асосий бадиий хусусиятларини” [9; 27-б.] тезисидан келиб чиқиб, зикр этилган назарий маълумотлар дастурга ҳам, дарсликка ҳам киритилиши керак эди. Адабиёт фанидан Давлат таълим стандартида ўқувчини мумтоз матн бағрига етаклайдиган, матнга маъно беришга ўргатадиган назарий маълумотларнинг берилиши алоҳида белгилаб кўйилиши керак. Ўқувчиларга мумтоз матнни мустақил ўзлаштириш кўникма ва малакаларини шакллантирадиган маълумотлар тизими ишлаб чиқилиб, дастур ва дарсликларда акс эттирган ҳолда синфма-синф тадрижий тарзда бериб борилиши мақсадга мувофиқ бўлади [37; 81-б.].

Энди диққатни дарсликларга қаратамиз. Адабий таълим стандарти ва дастурларидаги ижобий жиҳатлар дарсликларда, хусусан, мумтоз адабиёт намуналарининг танланиши ва берилишида ҳам акс этган. Дарсликлар мустақилликнинг дастлабки йилларидан адабий таълим эътибор марказига кўйилган янгиланган педагогик тафаккур талаблари асосида яратилмоқда. Унга кўра 5–7 синфларда асарлар тарбияланувчиларда шакллантириш кўзда

тутилган маънавий сифатларга мувофиқ рукилар остида берилган [145,146; 5-6-б.].

8 – 9- синфларда эса (кейинги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда 10-11 синфларда ҳам) материаллар хронологик (тарихий курс) тарзда жойлаштирилган бўлиб, унда адабий-тарихий курснинг бошланғич унсурлари кўзга ташланади. Дарсликларда ўзбек адабиёти тарихи яхлит бир эстетик жараён эканлигини сингдириш учун йирик адабий сиймоларнинг энг сара асарлари ўрганиш учун тавсия этилган. Қ. Йўлдошевнинг дастур, дарслик яратиш бўйича мазкур тажрибаси методика фанининг жиддий ютуғи бўлиб, у адабиёт дарслари самарадорлигини оширишнинг омили бўлиб хизмат қилмоқда. Бу муваффақиятларга қарамай, яратилган дарсликларда машғулотлар савиясига салбий таъсир кўрсатадиган, адабий таълимда кўзланган мақсаддан ўқитувчини ҳам, ўқувчини ҳам чалғитадиган ҳолатлар борки, улар тўғрисида тўхталиб ўтиш жоиз бўлади.

Аксар ҳолларда кузатилаётган, афсуски, кўпчиликка мақбул кўрилаётгани – дарсликларда мумтоз адабиёт намуналаридан сўнг бу матнлар мазмuni насрий баён тарзида алоҳида берилишидир. Бир қарашда ҳақиқатан ҳам яхши: мумтоз адабиётни тушуниш қийин, ўқувчи аввал матнни ўқиб кўради, тушунмаса, уни берилган мазмуний баёнга солишириб, маънони уқиб олади. Аста-секин унда мумтоз матнни ўқиш ва уқиш малакаси шаклланади. Шундай бўлса, қани эди. Дарслик муаллифлари ана шундай ижодий ёндашувни кўзда тутиб насрий баённи берганлар. Лекин амалиёт бу мақсадга бутунлай зид ҳолатни намоён этмоқда. Бундай дарсликлар билан ишлашда ўқитувчиларнинг аксарияти асосий матнни ташлаб, ҳатто ўқувчилар эътиборини сал бўлса ҳам унга қаратмай, тўғридан-тўғри мазмуний баённи ўқитиб қўя қолмоқдалар. Ўқувчилар мумтоз асарларни эмас, балки уларнинг дарслик муаллифларининг тушунган даражасидаги мазмуни билан танишмоқдалар холос. Жуда инсоф қилган, адабиёт дарси масъулиятини ҳис этган муаллимлар бир сира оригинал матнни ўқитиб қўйиши мумкин. Бундай муаллимларни ҳозирги кунда топиш қийин.

Бўлганда ҳам барибир натижа ўша-ўша – мақсад амалга ошмай қолаётгани кўрилади. Мазкур тажриба даставвал А. Каттабеков, В. Раҳмонов ҳамкорлигидаги 8-синф учун тузилган дарслик-мажмуада [153,154] кўрилган эди. Буни Наим Каримов раҳбарлигидаги муаллифлар гурухи томонидан яратилиб, 2002 йили чоп этилган 9-синф учун [150,151], С. Аҳмедов ва бошқалар томонидан ёзилиб, 2007 йили нашрдан чиққан 5-синф [121,122] Адабиёт дарсликларида ҳам кузатиш мумкин.

Иккинчи ҳолатда эса бундан ҳам ночор тажриба қўлланган, яъни мумтоз асарлар матни берилмай, уларни ҳозирги тилга табдил қилиб берилган ҳолатлар ҳам бўлган. Бу юқорида эслатилган 9-синф дарслигининг 2002 йил нашрида ажабтовур тарзда намоён бўлади. Унда “Хамса”даги “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр”, “Садди Искандарий” каби уч буюк достон мазмуни бор-йўғи икки саҳифада баён этиб берилган. Бу ҳолатда битираётган ўқувчилар бу достонларнинг ҳар бири тўғрисида ярим бетдан чоғроқ баён билангина танишиб ўрта мактабни тугатганлар. Бу ҳол ўқувчини, умуман, бадиий, хусусан, мумтоз матндан узоқлаштириш, бегоналаштиришдан бошка нарса эмас. Матнларнинг шу каби номақбул берилишини С. Аҳмедов ва бошқаларнинг 6-синф учун ёзган дарсликларида ҳам кўрамиз [122].

Навбатдаги фикрлар дарсликлардаги савол ва топшириқлар хусусида. Мустақилликнинг ilk йиллари яратилган дарсликларнинг айримларида мавзулар, ўрганишга тавсия этилган матнлардан сўнг савол ва топшириқлар берилмаган эди [155,156]. Бизнингча, бунга сабаб янги талаблар асосидаги дарсликларнинг тезлик билан яратилганлиги ҳамда матнлар бўйича савол ва топшириқларни ҳар бир ўқитувчи ўзининг тушунчаси, синфининг билим, савияси, тарбияланувчиларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб мустақил тузиши назарда тутилган бўлса керак. Тажрибада шўро даврида билим олган адабиёт муаллимлари бу дарсликлардаги асарларни мустақил таҳлил қила олмасликлари, тақдим этилган асарларни ўрганиш бўйича дарсларни қандай ташкил қилишни билмасликлари маълум бўлиб қолди. Шунда ҳар бир мавзудан, матндан кейин унинг моҳиятини очишга қаратилган, асар

бадииятини англашга йўналтирувчи, қаҳрамонларнинг руҳий олами тадқиқига йўл очувчи савол ва топшириқлар берилиши зарурлиги ойдинлашди. Жўяли ва аниқ мақсадни кўзлаган савол, топшириқлар адабиёт дарсларининг самарадорлигини таъминласа, фактларнигина қайд этишни талаб этувчи сўровлар машғулотлар савиясининг паст бўлишига олиб келади. Амалиётда савол ва топшириқлар моҳиятига кўра а) фактологик; б) концептуал каби икки турга ажратилади.

Фактологик саволлар асосан дарсликда мавжуд бўлган ёки ўқитувчи сўзлаб берган фактларни қайта сўзлаб беришни кўзлайди. Бундай саволлар устувор бўлган дарсларда ўқувчи фикрламайди, матн устида изланмайди. Чунки уларнинг жавоблари дарсликнинг ўзида берилган, фақат бирров ўқиб топиб олинса бас. Кўпинча амалиётда ўқувчилар дарсликдаги саволларга жавоб топиш уйга вазифа қилиб берилганда, дарслик саҳифаларининг четига жавоблари баён этилган ўринларга шу савол ракамларини қўйиб чиқишиди. Энг ачинарлиси, баъзан уйга вазифани шу тарзда бажаришни ўқитувчиларнинг ўzlари кўrsatiб берадилар. Бир қарашда бу ҳамма учун қулай: бола қийналмайди, ортиқча зўриқмайди, бир зумда дарсни тайёрлаб кўяди. Аммо бу ҳолат адабий таълим учун қимматга тушмоқда. Оқибатда бадиий сўзни ҳис қилишдан маҳрум, бадиий асар таҳлили бўйича кўникма ва малакаси шаклланмаган, мутолаадан завқ туймайдиган битиравчиларга эга бўлинмокда.

Концептуал савол ва топшириқлар ўқувчини ўйлашга, мустақил фикрлашга, изланишга чорлайди, асар бадиияти, унинг мазмунига мустақил назар ташлаш, ўзига хосликларини, фарқли жиҳатларини топишга йўллаши жиҳатидан ғоят муҳим методик аппарат саналади. Китобдан уларга чайналган луқма каби тайёр жавоблар топилмайди, ҳар бир саволга тайёрланиш, матнни синчковлик билан ўқиш, қаҳрамонларнинг руҳий кечинмаларини ўз қалбидан ўтказишга тўғри келади. Жавоб топиш йўлидаги ақлий, руҳий зўриқишлиар аввалига қийин туолса-да, кейинчалик излаб топилган ҳақиқатлар, кашф этилган гўзалликлар ўқувчилар учун ширин

“азоб”, эстетик лаззат манбаига айланиши методикага оид адабиётларда таъкидланади [36; 302-б.]. Тасаввур учун икки муаллифлар гурухи томонидан бир (6-) синф дарслигидаги битта мавзу юзасидан берилган савол-топшириқларга диққат қаратайлик. Биринчи дарслик 6-синф учун К. Йўлдошев, К. Ҳусанбоева, Н. Ғуломова томонидан ёзилган бўлиб [140,141], 2000-2004 йилларда амалда бўлган. Унда “Қисаси Рабғузий”дан икки матн келтирилган. Бу асар [184] ўзбек мумтоз насрининг бебаҳо намунаси саналади. Дарсликда берилган намуналарнинг биринчиси “Қисаси Одам алайҳиссалом” бўлиб, уч саҳифага яқин ва бу матн учун ўн савол ва топшириқлар берилган. Мана уларнинг айримлари:

1. Оллоҳнинг Одамни яратишдан мақсади нима эканлигига эътибор беринг. Одамзот олам яратилганлиги туфайли пайдо бўлганми ёки олам одамзот яратилиши учун бино қилинганми? Одам сабабми ёки оқибат?

2. Одам алайҳиссалом вужудини ясаш учун Ердан бир ҳовуч тупроқ сўраган Жаброил, Исрофил, Мекоил ва Азроил сингари малойикаларни бир-бирига таққосланг. Муносабат билдиринг.

3. Одамларнинг ҳар хил табиатли бўлишининг асл сабабларини асар матнидан топиб изоҳланг.

4. Одамларнинг тупроқдан яратилиши сабабини матнга асосланган ҳолда изоҳлаб беринг. Тоғ, денгиз, осмон, олтин ва ернинг хатти-харакатларини бир-бирига солиширинг...

6. Биринчи эркак ва аёлнинг ўзаро муносабатига эътибор қилинг. Ўша қадимий муносабат тарзининг ҳозирда ҳам мавжудлигига мисол келтира оласизми?

7. Оллоҳнинг наздида олимнинг мартабаси обидникидан минг карра баландлиги сабабини тушунтириб беринг.

8. Одам алайҳиссаломнинг қайси сифатлари туфайли фаришталар у кишига сифинишга мажбур этилганлар деб ўйлайсиз? Фикрингизни қисса матнига таяниб асосланг...

“Қисаси Нұх набий алайхиссалом” деб номланған иккінчи матн учун ўн уча савол ва топшириқ берилған. Характерига күра юқоридагиларга ўхшаш бўлғанлиги учун уларни келтиришни лозим кўрмадик.

Иккінчи дарслик шу синф учун С. Аҳмедов, Р. Қўчқоров, Ш. Ризаев томонидан ёзилған [122; 199 – 219-б.] ва унда “Одамнинг яратилиши”, “Шайтоннинг лаънатланиши”, “Одам Ато ва Момо Ҳавонинг жаннатдан ҳайдалиши”, “Нұх алайхиссалом қиссаси”, “Қалдирғочнинг инсониятга дўстлиги”, “Корун қиссаси”, хуллас, ҳаммаси бўлиб асардан олти матн бор. Шу олти матн учун умумий қилиб охирида қуйидаги ўн еттига савол ва топшириқ берилған:

1. Рабғузий ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзлаб беринг.
2. «Қисаси Рабғузий» асарининг яратилиш тарихи қандай кечган ва асар қанча муддатда яратилған?
3. Оллоҳнинг оламни яратишдан мақсади инсон эди. Инсонни яратишдан мақсади нима эди?
4. Оллоҳ нима учун инсонни тупроқдан яратди? Бундан ҳикмат нима эди? Бу ҳикматни тушунтириб беринг.
5. Оллоҳга тупроқнинг қайси хислати маъқул келди?
6. Оллоҳнинг менинг ҳузуримда “минг обиддан бир олим афзалроқдур” деган сўзларини насрий баёндан фойдаланиб шарҳланг.
7. Азозил қайси қилиғи учун Оллоҳнинг ғазабига учради ва унга нима деб ном берди?
8. Одам Ато ва Момо Ҳавонинг жаннатдан ҳайдалиши тафсилотини ва уларнинг хатога йўл қўйишига ким ким сабабчи бўлганини гапириб беринг.
9. Нұх пайғамбарнинг инсоният олдидаги хизматлари нимада?
10. Оллоҳнинг бирлигини хоҳламаганлар қандай жазоландилар?
11. Нұх пайғамбар ўз кемасини нима мақсадда ясади?
12. Нұх пайғамбар ўғилларига тавсиф беринг...

Агар диққат қилинса, биринчи дарсликдаги савол ва топшириқларнинг барчаси концептуал характерга эга бўлиб, ҳар бир матнга алоҳида тузилған. Уларга жавоб топиш учун ўқувчи матнга мурожаат қилиши, унинг моҳияти тўғрисида фикр юритиши лозим бўлади. Яъни бола тафаккурида бир неча идрокий босқичларни ўташи орқали бадиий ҳақиқатдан ҳаётий ҳақиқат томон боради. Бу ерда қизиқ бир ҳолат қузатилади. Ижодкор бадиий асар

яратар экан, ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантиради. Адабиёт дарсларида муваффақиятли тузилган савол, топшириқлар эса терс жараённи вужудга келтиради: ўқувчи бадиий ҳақиқат орқали ҳаёт ҳақиқатига қайтади, турмушга чуқурроқ назар ташлайди, олам ва одам муаммолари борасида фикр юрита бошлайди.

Кейинги дарсликдаги муаллиф ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги мақолани ҳам қўшганда етти матн учун ўн еттита, яъни ҳар бир матн учун уттага яқин савол ва топшириқлар таҳлилнинг бироз ғарib бўлишига олиб келиши мумкин. Ижодкор, изланувчи ўқитувчи бу камчиликни тўлдириб кетади, лекин бундай ўқитувчиларнинг камлиги дарсликларнинг мукаммал бўлишини тақозо қиласи. Бу дарсликдаги савол-топшириқларнинг сифатига келсак, олтитаси концептуал (5-, 6-, 8-, 9-, 12-, 16- саволлар), қолган ўн биттаси фактологик характерда эканлиги кўринади. Мазкур дарслик устида ишлашдан келадиган самара ҳам тахминан шу нисбатда бўлади.

Шу ерда бир эътиroz туғилиши мумкин: дарсликка ёпишиб олиш шартми, ўқитувчи умуман уларга қарамай, янги, сифат ва мазмун жиҳатидан фарқланувчи бошқа савол ва топшириқларни тузиб олса бўлди-ку! Замонавий адабиёт намуналарини ўқитища балки айrim ўқитувчилар бунинг уддасидан чиқарлар, лекин мумтоз намуналарга келганда бунга ишониш қийин. Негаки ўқитувчиларимиз мумтоз адабиётни тушунишга қийналадилар. Ўзи тушунишга қийналадиган муаллим қандай қилиб дарслик ёзган муаллифдан ўтказиб савол, топшириқлар тузиши мумкин?

Айтилган фикрлардан фактологик савол ва топшириқлар машғулотларда доим ўзини оқламайди, амалиётда қўлланмаслиги маъқул деган хulosи келиб чиқмаслиги керак. Биз дарснинг фақат шу типдаги саволлар асосига қурилишига қаршимиз. Аслида фактологик савол ва топшириқлар ўз ўрнида қўлланса, асар таҳлилига усталик билан сингдириб юборилса, самарадорликни таъминлашга хизмат қиласи. Масалан, Бобур ижоди ўрганилаётганда аввал шоир ҳаёти ва фаолияти тўғрисида сўраш жоиз. Фактлар дарсликларда бор ва бунинг устига муаллим қўшимча

маълумотлар берган бўлиши мумкин. Бу орқали ўқувчиларга Бобурнинг шонли ҳаёт йўли, аччиқ қисмати тўғрисидаги тасаввур жонлантирилади, шахсиятидаги улуғворлик, бутунлик эслатилади. Мазкур фактологик саволдан сўнг шоирнинг шахсий тақдири унинг ижодига, асарларининг поэтик мазмунига, образлар тизимига таъсири билан боғлиқ концептуал топшириқлар берилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Б. Тўхлиев раҳбарлигига яратилган 10- синф ҳамда 11- синф Адабиёт дарсликларида [195, 196] савол ва топшириқларнинг ана шундай жўяли берилганлигига гувоҳ бўламиз. Мисол тариқасида 11- синф дарслигининг 142-бетида “Садди Искандарий” асаридан олинган матнлар учун берилган савол ва топшириқларга эътибор берайлик:

1. Ҳикоятни қайта ўқинг. Унга қандай сарлавҳалар қўйиш мумкин.
2. Ҳикоят қаҳрамони бўлган йигит портрети қандай чизилган? Унинг сурати ва сийратида қандай фарқлар мавжуд?
3. Ҳикоятда носиҳ образи бор. Сиз уни қандай тасаввур қиласиз?
4. Ҳозирги “сузмоқ” сўзининг келиб чиқишига асос бўлган дастлабки вариант мазкур матнда мавжуд. Унга эътибор бердингизми? Шу сўзниң келиб чиқиши ҳақида мулоҳазангизни билдиринг.
5. Ҳикоятнинг холосасига эътибор беринг. Ўзгаларнинг хатосидан хулоса чиқариш осонми? Ўз хатосидан-чи?... [196; 142-б.]

Савол ва топшириқларнинг ифодасининг содда, самимийлиги, айни пайтда ўқувчини асар матнiga жиддий ёндашишини тақозо қиладиган концептуаллиги диққатига сазовор. Дарсликда уларнинг бирортасига тайёр жавоб йўқ. Ўқувчилар ўз жавобларини Она тили ва Адабиёт фанидан олган билимлари, ўз ҳаётий тажрибалари, кузатишларидан келиб чиқиб асослашга уринадилар. “Асослашга уриндими, у мустақил фикрлай бошлайди; мустақил фикрлай бошладими, демак, шахс сифатида шакллана боради” [33; 79-б.]. Бу дарслик муаллифларининг катта салоҳияти, йиллар давомида шаклланган улкан тажрибаларидан ҳам дарак беради.

Айрим дарсликларда концептуал савол, топшириқлар муаллифларнинг ўқувчи оғирини енгил қилишни ўйлаб қилган “мехрибонлик”лари туфайли фактологик характер касб этиб қолмоқда. Бу С. Олимов ва бошқаларнинг 8-синф учун ёзган Адабиёт дарслигида [178,179] яққол кўринади. Лутфийнинг “Ҳақ ул кунким жамолинг бор этибдур” газали учун берилган савол ва топшириқларга диққат қаратамиз:

1. *Ғазал мавзуи, манзари, вазнини таҳлил қилинг.*
2. *Асар қоғиясидаги ўзига хослик айнан нимада намоён бўлади?*
3. *Ёр тимсоли тасвирида нима бирламчи вазифа ўтаган?*
4. *Илоҳий ишққа ишора айнан қайси байтда яққол кўзга ташланади?*
5. *Юз тимсоли билан боғлиқ байтлар мазмуни ва бадиий хусусиятларини шарҳлаб беринг.*
6. *Шам тимсоли шоирга нима учун керак бўлди? [148; 111-б.]*

Буларни ўқувчидан синчковлик, изланиш, ижодий ёндашув талаб этадиган савол-топшириқлар сирасига киритиш мумкин. Лекин дарсликда ғазалдан кейин унинг филологик таҳлили берилганки, ундан юқоридаги саволларга кетма-кетликда жавоб топиш мумкин. Ушбу таҳлилда олтита сатрбоши бўлиб, уларнинг ҳар бири кетма-кетликда юқоридаги олти савол ва топшириқнинг жавобларидир. Ўқувчи биринчи саволни ўқийди биринчи сатрбошида жавоб тайёр, иккинчи саволга кейинги сатрбошини ўқиши кифоя ва ҳоказо. Яна ўша ҳолат: бош қотиришнинг ҳожати йўқ, таҳлилни болалар тушунса, тушунмаса айтиб бера олишади.

Дарсликда барча мумтоз адиблар шеърияти намуналаридан кейин берилган жўяли, яхшигина тузилган савол ва топшириқлар “тайёр ош пишириб бериш”га ҳаракат натижасида ўқувчиларни фикр боқимандаларига айлантирувчи воситага айланиб қолган.

Ўқитищдаги номукаммаликларнинг субъектив – адабиёт ўқитувчиси шахси билан боғлиқ сабаблари ҳам бор. Муаллимлар касбий тайёргарлигининг пастлиги мумтоз адабиёт намуналарини ўрганишдаги оқсашларнинг асосини ташкил қиласи. Адабиётшунос ва методист олим Б.Тўхлиев ёзади: “...бадиий асарни қандай таҳлил қилиш керак? – деган

саволга бир хилдаги жавобни бериб бўлмайди. Бунга таҳлилнинг мақсад ва вазифалари, уни ким таҳлил қилаётгани ва ким учун таҳлил қилаётгани, бадиий матннинг яратилган даври, муаллиф мақсади, жанри, услуби, шакли сингари қўплаб омиллар таъсир ўтказиб туради”. [90; 3-б.] Ўқитувчиларнинг кўпи айнан шу омилларни яхши билмайдилар. Адабиёт ўқитишидаги энг оғрикли нуқталардан бири шудир. Адабиёт ўқитувчиларининг аксариятида мумтоз адабиёт намуналарини ўрганишда нимани қандай ўқитиш кераклиги тўғрисида етарли тушунча йўқлиги дарсни тўғри ташкил қиломасликнинг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Улар ўз фанлари ўқитилишининг ўзига хос жиҳатларини тўла англаб етмасликлари боис мумтоз адабиёт ўқитилишидан кутилаётган натижа юзага чиқмай қолмоқда. Ўтган асрда адабиёт ўқитиш илми ривожига улкан ҳисса қўшган рус методист олимлари В.А. Кан-Калик, В.И.Хазанларнинг “Мактабда адабиёт ўқитишининг психологик-педагогик асослари” номли рисоласида адабиёт ўқитувчисининг касбий тайёргарлигига таъкид билан алоҳида урғу берилади ва адабий-таълимий меҳнатнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, бадиий-педагогик вазифаларнинг *бадиий-тадқиқий*, *бадиий-конструктив*, *бадиий-ташкилий* ва *бадиий-коммуникатив* тарзидаги таснифини келтирадилар ва ҳар бирига тўхталарадилар [55; 62 – 131-б.].

“...адабиёт ўқитувчи ҳар бир китобхон ўқувчи қандайдир янги, ҳали маълум бўлмаган томонларини очиши мумкин бўлган бадиий матнни тадқиқ қилиши лозим бўлади. У, шунингдек, ўқувчиларга хос бадиий идрокни ҳам тадқиқ қилиши керак, бу эса инсон эстетик фаолиятининг умумий қонуниятларини акс эттириб доимо индивидуал, бинобарин, нимаси биландир такрорланмас характерга эга бўлади” [183; 11-б.]. Адабиёт муаллими ҳар бир машғулот учун ўрганилажак асарни тадқиқ қилиши, ундаги шакл ва мазмун бирлигига ифода этилган поэтик фикрни мутахассис сифатида идрок этиш баробарида бадиий матн воситасида тарбияланувчиларда эстетик дидни ривожлантириш, уларнинг маънавиятини шакллантириш, шахслик сифатларини қарор топтириш бўйича ҳам изланиши

керак бўлади. “Агар олимнинг вазифаси мураккаб бутунлик бўлмиш бадий асар моҳиятига кира билиш бўлса, мактаб таҳлилиниг вазифаси нафақат асарнинг объектив мазмунини очиш, балки унинг ёрдамида ҳар томонлама ривожланган ўқувчи шахсини шакллантиришдан иборат. Шунинг учун бир бутунликдан иборат бу икки вазифа ечимини таъминловчи воситаларни топиш лозим” [157; 32-б.].

Хозирда адабиёт ўқитувчилари мумтоз адабиёт намуналарини тушунишга қийналишлари ёки аксарият ҳолларда ундан маъно чиқара олмасликларининг гувоҳи бўламиз. Республикализнинг турли туман ва шаҳарларида ўтказган сухбат ҳамда кузатишлардан маълум бўлдики, аксарият ўқитувчилар дарсликларда берилган асар шарҳларини ўқиб ёки айтиб берадилар, ўқувчилардан ҳам айнан шуларни такрорлашни талаб қиласидилар. Ўқитувчининг ўзи фикр боқимандаси, пассив истеъмолчи мақомида бўлган ва ўқувчисидан ҳам шуни талаб қилган машғулотларда адабиёт дарсларининг савияси паст бўлиши тайин. Қанчалик аччиқ бўлмасин, кўпчилик адабиёт дарслари шу ахволда эканлигини тан олишга тўғри келади.

Дарсликдаги тайёр таҳлил, шарҳлар ҳам ўзига хос тадқиқотdir. Уларни тушуниш, айтилган, айтилмаган маъно қирраларини идрок этиш, муаллифларнинг таҳлилдан кўзлаган мақсадини фикран қамраб олиш учун ўқитувчидан таҳлил малакаси, тадқиқий идрок талаб этилади. Чиндан ҳам “...адабиёт ўқитишининг сифатини ошириш муаммоси вазифаларга педагогик фаолиятнинг бирламчи унсури сифатида ёндашиш орқали ҳал этади” [61; 77-б.]. Бунда бадиий-конструктив ишларнинг оқилона уюштирилиши алоҳида аҳамият касб этади.

“Бадиий-тадқиқий ва бадиий-конструктив вазифалар ўзаро алоқадордир. Адабий материалнинг таълимий-тарбиявий материалга айланиши, унинг ўзига хос “педагогик трансформация”га учраши филологдан конструктив фаолиятга киришишни, яъни, билим беришнинг мақсадга мувофиқ методикасини ишлаб чиқишни тақозо этади” [55; 77-б.]. Бадиий конструктив

фаолият ҳам ўзига хос ижоддир. У ўқув материалига тарбияланувчилар ёши, билим савияси, кўникма ва малакалари, мойилликларига мос педагогик шакл беришда намоён бўлади.

Кўп ҳолларда бир хил тайёргарлик билан параллел икки синфда ўтилган дарс бир-биридан кескин фарқ қиласди. Бир синфда жонли, ҳаяжонга тўла дарсга асос бўлган мавзу иккинчи синфда ўта зерикарли, сўник, ҳиссиз тарздаги машғулотга айланди. Бунинг ҳайрон бўладиган жойи йўқ. Ҳар синф жамоаси ўзгача бир олам. Ҳудуд жиҳатдан яқинлиги ёки турли жойлардан йиғилганлиги, ижтимоий келиб чиқишилари, бошланғич синф ўқитувчиси ким ва қандай бўлганлиги, синфнинг жамоа бўлиб шаклланганлик даражаси ва ҳоказо омиллардан келиб чиқиб дарсни шакллантириш, режалаштириш лозим [98; 99-б.]. Конструктив ижод эртанги дарс кўчирмаси билан бошланади. Ўқитувчи қайси синф учун қандай мавзуда машғулот олиб бориши кераклиги, ўрганилажак матннинг қайси адабий тур ва жанрга мансублиги, мавзунинг янгилиги ёки олдингининг давоми эканлиги, бошқа фанларга алоқаси каби жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда дарс лойиҳасини “чизади”, уни муайян қисмларга тақсимлаб, дидактик шакл беради. Масалан, 9- синфда “Фарҳод ва Ширин” достонини ўрганиш бўйича бир неча дарс қолипини тузиш мумкин:

1. Олдинги дарсда ўрганилган мавзу – шоир ҳаёти, ижоди, “Ҳайрат ул-аброр” достони юзасидан дарсликдаги савол ва топшириқлар билан ишлаш орқали ўтган мавзуни сўраб, уй вазифасини текширади. Сўнг ўқитувчи “Фарҳод ва Ширин” достони ҳақида қисқача маълумот бериб, дарсликдаги матн билан таниширади ҳамда биринчи қисм учун берилган савол ва топшириқлар билан ишлайди. Агар вақт етмаса, савол ва топшириқлар билан ишлашни уйга беради.

2. Олдинги дарсда “Фарҳод ва Ширин” достонининг биринчи қисм парчаси билан танишиш уйга топшириқ қилиб берилганлиги боис уни тўла таҳлил қилиш учун савол ва топшириқлар билан ишлашга киришилади.

Үтган дарсни сўраш мавзу тўлиқ тугагандан кейинги умумий такрорлаш ва мустаҳкамлаш машғулотига қолдирилади.

3. Машғулот аввалидан парча таҳлилига тутиниб, дарслидаги ҳамда қўшимча тарзда ўқитувчининг ўзи тузган савол ва топшириқлар асосида уни ўрганиш, шунингдек, ўтилган дарсни янги мавзуга боғлаш асосида сўраб ва мустаҳкамлаб борилади.

4. Асар байтма-байт ўқилади, мазмуни ўзлаштирилади, бадиияти шарҳ этилади, образлар характери, руҳий-маънавий олами, шоирнинг бадиий маҳорати таҳлил давомида бир бутунликда очиб борилади. Лекин дарслидаги савол ва топшириқларга диққат қилинмайди.

5. Ўқувчилар гурухларга бўлиниб, ўқитувчининг топшириғига кўра уйда ўрганиб келишган матннинг ўzlарига берилган қисмини ёки ундаги образни ёхуд муаммони таҳлил этиб, ўз мулоҳазаларини баён этадилар, бошқа гуруҳ фикрларига муносабат билдирадилар, керак ўринда баҳсга киришадилар.

Айни бир мавзу юзасидан дарснинг яна бир қанча вариантларини келтириш мумкин. Биз келтирган қолиплар гўё дарснинг скелети бўлиб, уларга мускул, томир, эт, тирноқ каби узвларни ҳам жойлаштириш керак. Бу ўқитувчининг билими, маҳорати ва, энг асосийси, юқорида айтилган омиллардан қайси бирининг етакчилигига боғлиқ. Буни ҳис этгандагина ўқитувчи олдин бир синфда ўтган яхши дарсни ёндош синфда айнан такрорлашни эмас, балки ўқувчилар жамоасининг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда тамомила янги ва бетакрор машғулотни ўtkазишга ҳаракат қиласиди.

Мактаб амалиётида мумтоз асарларни ўрганиш дарсларига назар ташлаганда, бор-йўғи икки-уч машғулот қолипи борлигига гувоҳ бўламиз. Мумтоз шеърият жанрлари ўрганилаётганда олдин ўтилган мавзу тақрорланади, яъни уй вазифаси текширилади, адибнинг ҳаёти ва ижодини батафсил баён қилиб бериш сўралади, агар бирор асар ёдлашга берилган бўлса, ўқувчилар бир-бир турғизиб айттирилади, ёдламаганларга танбех берилади. Буларга дарснинг ташкилий қисми қўшилиб, шундок ҳам қисқа, ўрта ҳажмли бир шеърни таҳлил қилишга зўрға улгуриладиган 45 минутлик

машғулотнинг ярми сарф этилади. Сўнг янги мавзуга қўл урилади: адибнинг ҳаёти ва ижодини ўқитувчи сўзлаб беради. Кейин ўрганилаётган шеър ўқилади, уни аввал ўқитувчи, кейин бир неча ўқувчи дарсликдан ифодали ўқишига ҳаракат қиласи. Баъзи ўқитувчилар шеърнинг бадииятини таҳлил қилиб берадилар. Қизиқки, республикамиздаги деярли барча адабиёт муаллимлари шеър бадиияти, шоирнинг маҳоратини аниқлаш деганда асосан бадиий санъатларни топишни тушунишади ва тушунтиришади. Аксарият ҳолларда шундай таҳлил шакли кузатилади: “*Бу байтда шакли бир хил, аммо маъноси ҳар хил сўзлар қўлланмоқда, бу – тажсис санъати. Кейинги байтда эса “оқ” ва “қора” сўзлари ишилтилган, улар тазод санъатини юзага келтиради. Мана бу байтда “талаоб”, “толиб”, “матлаб” сўзлари биринкетин келганига гувоҳ бўламиз. Одатда ўзакдош сўзларнинг бир байтда берилиши иштиқоқ дейилади. Кўрамизки, шоир ўз шеърларида бадиий санъатлардан моҳирона фойдаланган. Қани, болалар, сизлар кейинги байтлардан бадиий санъатларни топишга ҳаракат қилиб кўринг-чи*”. Бадиий таҳлил шу тахлит ҳиссиз мисол излаш машғулотига айланиб кетади. Болалар бадиий санъатнинг нимаси санъат, уларнинг маҳоратга қандай алоқаси борлигини билмай мактабни битириб кетмоқдалар.

Эпик ёки лиро-эпик асарларни ўрганишда эса юқорида қайд этилган қолипдаги уй вазифаси сўралгач, ўқитувчи сюжетни гапириб беради. Кейин агар ҳафсала қилса, ўзи ўқийди ёки ўқитади. Асарнинг ҳар бир образи тўғрисида тўхталиб, унинг яхши, олижаноб ёки ёмон, қабиҳ ишларини мухокама қиласи. Шундан сўнг хuloscha чиқарилади: адиб асарда шундай мавзуни кўтарган, бундай ғояни илгари сурган, биз учун катта тарбиявий аҳамиятга эга. Бу бир неча авлод ўқитувчилардан ғаридан мерос сифатида олдингилардан кейингиларга ўтиб келмоқда. Аксарият мактаб битирувчилари йиллар ўтиб мумтоз адабиёт намуналари ўрганилган дарсларни бир қолипдаги зерикарли, тушунарсиз машғулот сифатида эслашади. Адабиёт дарслари қурилмаси “ҳиссий-бадиий шакл” [55; 82-б.] тусини олмагунча бу ҳолат давом этаверади.

Айни пайтда адабиёт дарсларини түғри ташкил этиш муаммосига методикада ҳам алоҳида аҳамият берилади. “...умумтаълим мактабларида фан асосларини ўқитиш ўз моҳиятига қўра коллектив характерга эга. Бундан келиб чиқиб, педагог ўқувчиларининг позитив ижтимоий мазмунга эга ўзаро алоқаларини ҳисобга олибгина қолмай, балки тизимли тарзда таъминлаб бориши ҳам керак. Хуллас, гап ўқитувчи фаолиятининг муҳим соҳаси – ташкилотчилик түғрисида бормоқда” [55; 99-б.]. Одатда дарсни ташкил этиш деганда машғулот учун етарли шарт-шароитнинг яратилиши: жиҳозланган синф хонаси, таълим иштирокчилари (ўқитувчи, ўқувчилар)нинг ҳозирлиги, давомли ва тизимли равища белгиланган вақтда машғулотларнинг ўтказилиши, дарслик, қўлланма ва бошқа керакли воситалар билан таъминланганлиги каби қатор омиллар тушунилади. Бу деярли барча предметларга тегишли дарсни ташкил этиш шаклидир. Айни вақтда, адабиёт предметининг бадиий-ташкилий қўриниши мутлақо ўзига хосдир.

Ҳар қандай дарсда ўқитувчи – ўқувчилар, ўқитувчи – алоҳида ўқувчи, ўқувчилар – алоҳида ўқувчи шаклидаги муносабатлар ташкил этилганини кузатиш мумкин. Ушбу шакллар ўқувчилар жамоасидаги шахслараро мулоқотни таъминлашга хизмат қилиши керак. “...жамоада ўзаро психологик таъсир қонунияти амал қиласи, бунинг натижасида юзага келган кайфият ўзининг кучини орттира бориб, одамдан одамга тезда юқиши мумкин. Коллективни “оловлантириш” айрим шахсга нисбатан қийинроқ кечади, аммо кейин эса туйгулар жуда ёрқин ёлқинланиши мумкин. Болалар ёлғизликдагидан қўра биргаликда ҳодисаларни ёрқин ва чукур ҳис этадилар” [62; 33-б.]. Адабий таълимдаги мулоқот фақат фикр алмashiшдан иборат бўлмайди. Ўқитувчи машғулотларда олдиндан қатъий ишлаб чиқилган муайян педагогик тадбирлар асосида ўзининг, ўқувчиларининг ўзаро қараш, кечинма ва туйгуларининг уйғунлашувини ташкил қилмоғи керак. Яъни ўқитувчи ўзидағи ёки маълум бир ўқувчи, баъзи ўқувчиларда ўрганилаётган асар туфайли юзага келган ҳиссиётни бошқаларга юқтириши, муҳим қараш, оригинал талқинларни синф жамоасига етказиш устида ишлаши керак.

Адабиёт дарсларида туйғулар бирдан учқунланиб, ўқувчи қалбини тұлқынлантириб юбориши мүмкін. Бу учқунни ёйиш учун ўқитувчи уни ўз вақтида илғаб, зудлик билан дидактик тадбирлар белгилаши катта аҳамият касб этади. Синф жамоасига унинг маълум аъзоларида вужудга келган туйғуларни юқтириш, фикрлар билан ўртоқлашиш, фарқли қарашларга таяниб баҳслар ташкил қилиш учун ўқитувчидан маҳорат, уқув, педагогик фаросат талаб қилинади. Чунки бу вазифани расмий оҳангдаги талаблар билан амалга ошириб бўлмайди. Асарни ўрганишни тўғри ташкил этиш орқали, методист олима М.Мирқосимова таъкидлаганидек, ўқувчилар “...истеъдод қудрати ила ўзга инсонлар руҳиятини ҳис қиласи, улар дунёсига кириб боради, уларни худди ҳаётдагидек жонли инсонлар каби тасаввур этади ва тушунади, ҳамдардига айланади” [66; 19-б.].

Мисол учун, 9-синфда “Фарҳод ва Ширина” достонидан олинган Фарҳоднинг ўлим олдиғаги ҳолати тасвириланган парча ўрганилишига бағишлиланган дарсда бадиий-конструктив вазифадан келиб чиқиб, гурух шаклидаги машғулот танланган бўлсин. Синф ўқувчилари уч гурухга бўлиниади. 1-гурух фарзандидан ажралган отанинг ҳолати, 2-гурух онанинг изтироблари, учинчи гурух Фарҳоднинг андуҳлари тасвирини ўрганиб, шарҳлашлари керак. Вазифани уddaлаш учун ҳар бир гурух олдин парчани ўқиб ўрганади. Ўқитувчи сиртдан уларни ўз ҳолига қўйгандай туюлса-да, ҳар бир гурухдаги жараённи синчковлик билан кузатиши, уларнинг ҳар бир аъзоси фаолиятидан хабардор бўлиб туриши керак. Дейлик, 2-гурух бошчиси Нодир исмли ўқувчи асардаги она изтироблари ифодаси юзасидан қарашларини баён этиб беришини айтади. Унгача ўқитувчи шу гурухдаги ҳиссиётчан Ҳилоланинг парчадан таъсирланиб, кўзлари ёшганлигини илғаган бўлади. Бундай сезгирилик ўқитувчига Ҳилоладаги туйғуларнинг бошқаларга юқишини таъминлаш учун тезлик билан иш қўриш имкониятини беради ва у Ҳилоладан асардаги она изтироблари ифодаланган парчани яна бир марта ифодали ўқиб беришни сўрайди.

Шунда Ҳилола ҳаяжон билан, титроқ овозда парчани ўқиб беради. Қизнинг самимий туйғулари, ҳаяжони бутун синфга таъсир этади, барча у билан бирга ички титроқни ҳис эта бошлайди. Шундан сўнг Нодирнинг шарҳи бу кечинмаларнинг янада чуқурлашувига олиб келади. Сўнг гурухнинг бошқа аъзоларига қўшимчалар қилиш, тўлдириш имконияти берилади. Шунингдек, улар бошқа гурух аъзоларининг саволарига жавоб ҳам берадилар. Гурухнинг тақдимоти тугагач, нариги икки гурух аъзолари таҳлилга муносабат билдирадилар, 2-гурух назардан қочирган нуқталарни шарҳ қиласидилар. Шу тариқа жигаргўшасидан жудо бўлган она изтиробларининг яхлит манзараси ўқувчилар қўз олдида намоён бўлади. Вақт йўқотмаслик, ортиқча тафсилотлар, қайтариқ фикрларга йўл қўймаслик учун ҳам ўқитувчи тезкор тадбир кўриши: керак бўлганда кимнингдир сўзини бўлиши, қўшимча савол билан фикрини йўналтириши, қисқа ва аниқ гапиришни талаб этиши зарур бўлади.

Ўқитувчи ўқувчиларининг фикр ва туйғуларини бошқариш учун синфдаги ҳар бир ўқувчининг имконият ҳамда қобилиятини яхши билиши шарт [39; 222-б.]. Амалда бадиий-конструктив вазифалар тўғри йўлга қўйилмаганлиги боис мумтоз адабиёт намуналарини ўқитишида педагогик ташкилотчилик яхши эмаслиги қўзга ташланади. Ўқитувчилар маълум бир ўқувчи ёки ўқувчилар гуруҳида юзага келган бетакрор ҳиссий ҳолат ёки қарашни бутун синфга ёйиш, уларнинг туйганлари ва илғаганларини бутун синфнинг мулкига айлантириш орқали бошқаларда ҳам шундай фаолиятга рафбат уйғотиш лаёқатига эга бўлишлари керак. Ўқитувчининг ташкилотчилиги унинг бадиий-коммуникатив вазифаларни нечоғлиқ улдалашида намоён бўлади. Бадиий коммуникация ўқитувчи билан синф ва ҳар бир ўқувчининг, ўқувчилар билан асар матнининг, ўқувчилар билан ўқувчининг машғулот давомида хатто, машғулотдан кейинги ўзаро мулоқотини ташкил этишдир.

Бадиий-тадқиқий, бадиий-конструктив, бадиий-ташкилий вазифаларга доир қарашлар якуни сифатида айтиш мумкинки, мумтоз адабиёт

намуналарини ўрганишга багишланган дарсларнинг энг катта камчилиги машғулотларда матн устида етарлича ишланмаётганлиги, асар поэтикаси ва адебнинг маҳорат оламига кириб борилмаётганида намоён бўлади.

1.2-§. Мумтоз адабиётни ўқитишдаги мураккабликлар ва уларнинг тавсифи

Дарсларда мумтоз асарларни ўрганиш халқ оғзаки ижоди намуналари, янги давр адабиётини ўқитишдан кўра мураккаброқ. Ана шу мураккаблик нимада эканлигини аниқлаб, уларни бартараф этиш йўлларини ишлаб чиқиши лозимдир. Бизнингча, мумтоз адабиёт намуналарини ўқитишдаги мураккабликларнинг ички ва ташқи омиллари мавжуд. Ички омилларга мумтоз адабиётнинг шакли, мазмуни ва табиатида мавжуд бўлган хусусиятлар киради. Ташқи омиллар эса қараш, муносабат ва ёндашувларнинг турличалигидан иборатдир.

Мумтоз адабиёт намуналарни тушуниш ва тушунтиришдаги мураккаблик, аввало, асарларнинг луғавий таркибидаги қийинчиликда кўринади. Ҳақиқатан, мумтоз асарларда архаик ва ўзлашган сўзлар кўп кўлланган. Олинма сўзларнинг аксарияти араб ва форс тилларига тегишли бўлиб, уларнинг луғавий ҳамда матний (контекстаул) маъносини аниқлаш лозим бўлади. “Агар тожикча сўзлар ўзбек тилига сўзлашув тили орқали, адабиёт орқали ва бошқа йўллар билан кирган бўлса, араб сўзлари, биринчидан, китоб, мадраса, дин орқали... кирган. Айрим мутахассисларнинг фикрича, ҳозирги ўзбек адабий тилида арабча сўзлар бундан 20-25 йил илгари луғат таркибининг 13% дан 20% гача бўлган миқдорини ташкил этган” [20; 276-б.].

Илм-фан, таълим, адабиёт ва санъатда араб ва форс тилларининг мавқеи асрлар давомида баланд бўлган. Бир неча юз йиллар давомида илмий асарларнинг аксари араб тилида, бадиий асарлар туркий тил билан бир қаторда форс тилида яратилган [166; 10-б.]. Шу боис бу икки тилга мансуб луғавий бирликлар ўзбек сўзлашув ҳамда китобий тилидан мустаҳкам жой олиб, кўплаб сўзлар фаол луғат бойлигимизга айланган. Мумтоз шоирларнинг деярли барчаси араб ва форс тиллари мукаммал ўргатиладиган мадрасаларда ўқиганлар, бу тилларда яратилган жуда кўп асарларни ўқиганлар. Шоирларнинг бадиий тафаккури шу тилларда ёзилган мумтоз

асарлар таъсирида шаклланган. Ижодий онг, бадиий тафаккурдаги тайёр форсий, арабий адабий қолиплар, шакл ва иборалар асарларни яратиш жараёнида ўз-ўзидан қуилиби келаверган. Натижада ўзбек тилининг фаол луғат бойлигидан жой олмаган, сўзлашув тилига ўзлашмаган талай сўзлар мумтоз асарларда қўлланилган. Айни шу фақат бадиий асарлардагина учраб, тилга ўзлашмаган сўзлар мумтоз асарларнинг “қийин” лигига сабаб бўлаётган ички омилдир. Ҳақиқатан ҳам ўқилаётган асардаги ҳар уч-тўрт сўзнинг биттаси нотаниш, нутқий фаолиятида қўлланилмаган бўлса, кишининг иштиёқи сўнади.

Тасаввур учун амалдаги дарсликларга мурожаат қиласиз. 6-синф дарслигидаги қуидаги парчага дикқат қиласиз: “*Улуғни боргоҳинда хирадманди донии ва ақли хиради боҳуши ҳар қанча кўп бўлса ҳам оз бўлур. Хусусан, подиоҳи олдиға уч тоифадин гузир йўқдур: аввал, олими боамалки, подиоҳнинг охиратлик асбобини тараддуидида бўлса. Иккинчи вазири соҳиби раъики, подиоҳнинг дунёлик ярогини тараддуидида бўлса. Учинчи, муншийи ростнавис, қаламзану нигоҳдору шамширзан бўлса*” [122; 221-б.]. Мазкур жумлалар “Зарбулмасал”дан олинган. Қирқ учта сўз иштирок этган бу парча учун қуидаги ўн учта луғат берилган: Боргоҳ – шоҳ қабулхонаси, сарой; хирадманд – оқил, доно, донишманд; дониш – илм, маърифат, ақл, идрок; боҳуш – эс, ҳушили; Гузир – бирор нарсадан халос бўлиши; олими боамал – илмга амал қиласиган олим; охират асбоби – охират учун зарур илмлар; соҳиби раъи – ақл-тадбир эгаси; мунший – котиб; ростнавис – ҳақиқатни ёзадиган; қаламзан – котиб; нигоҳдор – назорат қилувчи; шамширзан – шамшир урувчи, бу ерда: ёзишга уста маъносида.

Ўқувчига, ҳатто, ўқитувчига ҳам луғатдан фойдаланиб матндан маъно чиқариш ёқавермайди. Чунончи, мазкур парчанинг охирги “Учинчи, муншийи ростнавис, қаламзану нигоҳдору шамширзан бўлса” жумласидаги олинма сўзларни луғатдаги муқобили билан алмаштиrsa, “Учинчи, котиб ҳақиқатни ёзадиган, котиб, назорат қилувчи, ёзишга уста бўлса” тарзидаги ифода шаклланадики, ундаги фикр мавхум бўлиб, 6-синф ўқувчиси бирор

нима англаши қийин кечади. У ҳайрон бўлади: “муншийи ростнавис” (ҳақиқатни ёзадиган котиб) иборасидан кейин нега яна котиб маъносидаги “қаламзан” сўзи берилган. Нима учун котиб назорат қилувчи (нигоҳдор) бўлиши керак? Ҳар қандай котиб ёзишга уста бўлиши керак. Шундай экан, нима сабабдан унинг “шамширзан”лик сифати алоҳида таъкидланмоқда?” Дарсликдаги луғат кишида Гулханий сўзларни пала-партиш ва ўринсиз ишлатган экан деган ўй туғдиради. Аслида мумтоз адабиётнинг ёрқин намояндаси бўлмиш адибда айб йўқ. Бу ердаги ғализлик дарслик-мажмуа муаллифлари хатоси натижасидир. Улар арабча ва форсча сўзларнинг луғавий маъносини олганлару, шу маънолар билан ўқилган матндан қандай мазмун юзага келишига диққат қилмаганлар.

Бадиий асар илмий асардан сўзларнинг кўчма маъноларда қўлланиши билан фарқ қилишини мутахассис бўлмаган одам ҳам билади. Келтирилган парчадаги “қаламзан” *хушиҳат* (чиройли ёзадиган), “нигоҳдор” *бехато ёзувчи*, “шамширзан” *тез ёзувчи* маъносида қўлланган. Демак, унда котибга қўйиладиган талаблар кўрсатилган, яъни котиб ростгўй, хатни чиройли, бехато ва тез ёзувчи бўлиши керак. Сўзларнинг матнадаги маъносини ўйламай, луғавий маъноларнигина бериш шундоқ ҳам мураккаб бўлган матнни янада қийинлаштириб, тушунарсиз ҳолатга олиб келган. Шу дарсликнинг 223-бетидаги мазкур асардан олинган қуйидаги жумлаларга диққат қилайлик: “*Шул аснода меҳмонсарони олдида бир жўй бор эди – иккиси* (Кабутар билан Зоф – В.К.) *сув ичмоқча қасд қилди. Меҳмонсарони ичида бир рустоий азбаройи сайд ўқин созлаб, мунтазир ўлтуруб эрди...* Зоғдин рустоий ўқин отиб ўткарди, қушига ем қилди”. Ушбу гаплардаги изоҳталаб сўзларга дарслиқда қуйидагича луғат берилган: меҳмонсаро – меҳмонхона; жўй – ариқ; рустоий – қишлоқи, нодон; азбаройи – учун, сабабли; сайд – ов.

Биринчи ва учинчи гапларни болалар осон тушунадилар. Лекин иккинчи гап луғат ёрдамида ўқилса, шундай жумла пайдо бўлади: “Меҳмонхона ичида бир нодон учун ов ўқин созлаб, мунтазир ўтирас эди”. Ўта зеҳнили

ўқувчилар матндан келиб чиқиб, маънони фаҳмлаб олишлари мумкиун. Лекин аксар болалар матнни тӯғри тушунмайдилар. Аввало ўқувчи олдида изофа билан боғлиқ “тўсиқ” бўлса, иккинчидан, “рустой” сўзининг луғавий маъноси (нодон, ахмоқ) келтирилган бўлса ҳам матний мазмуни тӯғри берилмаган. Бу сўзни “ёмон ниятли” деб изоҳлаш тӯғри бўлади. Олтинчи синф ўқувчиси ёш ва ақлий хусусиятига кўра “*бир рустоий азбаройи сайд*” жумласини “қушларни овлаш ниятида пойлаб ётган ёмон ниятли киши” тарзида изоҳлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Синфлар юқорилагани сари мураккаблик янада ортиб боради. 9-синф адабиёти дарслигига Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонидаги ўнинчи мақолатнинг аввалида “*Ростлиқ таърифидаким, вужуд уйи бу туз сутун била барпой. Ва ул уй шабистони ҳаримида бу шамъи анвар мажлисорой бўлур. Ва эгрилик нафийидаким, агар эгри киши зулфдек сиймбарлар юзида ер тумаркан, боши кесгулик. Ва агар аждоҳодек ганж устида ҳалқа урарким, ўлтургулик*” [147; 42-б.] тарзидаги насрый муқаддима берилган эди. Бу тўртгина гапда тўққизта изоҳталаб сўз бор.

Мумтоз матнларни тушунишга уларда араб ва форс тиллардан ўзлашган аффикс, перефикс ва аффиксоидларнинг кўп қўлланиши тўсиқ бўлаётганлиги ҳам ҳақиқат. Агглютинатив табиатга эга бўлган ўзбек тилида ўзак қўшимча қўшилиши натижасида деярли ўзгаришсиз қўлланиб, лексик маъно англатадиган шаклини сақлаганлиги туфайли, ўзимизники бўлиб қолган бир қатор чет сўзларнинг фаол луғатимизга ўзлашмаган перефиксли ва аффиксоидли шаклларини нафакат ўқувчилар, балки катталар ҳам тушунмайдилар.

Кейинги мураккаблик умумтуркий архаик сўзлар, қўшимчаларнинг ҳозирги замон ўзбек тилидаги муқобилини билмаслик туфайли юзага чиқмоқда. Масалан, “Лайли ва Мажнун” достонидаги “**Маҳваш ул иков дегандек этти, Кўнглин қўйиб анда эвга кетти**” байтида “эв”; “**Шах дуосига чекмади тилини, Ўпмади шоҳи камрон алини**” иккилигидаги “ал” каби туркий архаик сўзлар мактаб дастурига киритилган асарларда кўплаб

учрайди. 9-синф дарслигидаги Рабғузий асарлари учун берилган 123 луғатда изоҳланган сўзларнинг 25 тасигина арабча ва форсча бўлиб, қолганлари эскирган туркий сўзлардир. Шунингдек, “Қутадғу билиг”, “Ҳибат ул-ҳақойик”, “Девони ҳикмат”, “Мұхаббатнома”, Атоий ғазалларида, умуман, XV асргача бўлган адабий манбаларда умумтуркий архаик сўзлар талай учрайди. Лекин XV асрдан кейин уларнинг салмоғи камайиб боргани кузатилади. Амалиётда айнан эскирган туркий сўзлар матнларни тушуниш ва таҳлил қилишда кўпроқ қийинчилик туғдираётир.

Туркий архаик қўшимчалар тўғрисида ҳам айни фикрларни билдириш мумкин. Ўзак таниш бўлса-да, қўшимча худди юқорида қўрганимиз араб ва форс сўзлари каби сўзнинг маъносини тушунишга “халақит беради”. «Қисаси Рабғузий” асарида “Андоқ эрса икагу қурбон қилинг...” ифодаси бор. Ушбу жумладаги “икагу” сўзини болалар битта “к” билан ёзилганлиги учун “танимайди”лар. Унинг ўзаги “икки” эканлигини билганлар эса қўшимчани тахминан “иккисини” ёки “иккитадан” ёхуд “иккита” дея тушундилар. Фақат айрим ўқувчиларгина “икковингиз” сифатида тўғри тушунадилар. Шунингдек, мазкур асардан олинган “Нетак ўлтургуни билмас эди...”, “Қобилнинг ўқунчи Ҳобилни ўлтурмиши учун эрмас эрди...”, “...Ҳобилнинг қони ер юзинга инграну турур”, “Фарҳод ва Ширин”даги “Деман, хоқон қошида бу ўғулдин”, Бобурнинг туюғидаги “Билмон, санга шарҳ қилмади ё қилди” жумлаларни тушунишда ўқувчилар турли даражадаги қийинчиликка дуч келишади. Ҳозирги ўзбек тилидаги айрим қўшимчаларнинг архаик омонимлари ҳам мумтоз матн маъносини англашда ноқулайлик туғдиради. “Суҳайл ва Гулдурсун” достонидан олинган **“Эмас афсона, чин ушибу битилмиши, Бу чин афсонатек ишиқда етилмиши”** [153; 123-б.] байтидаги “миш” сифатдош қўшимчасини унинг ҳозирги тилдаги гумон маъносини билдирувчи шаклдоши деб ўйлаб, ҳайрон бўладилар.

Фаол қўлланаётган сўзларга омонимлик муносабатида бўлган эскирган баъзи ёрдамчи сўзлар ҳам болаларни адаштиради. Уларнинг товуш таркиби бир хил бўлганлиги, ёнидаги сўз билан бирикма ҳосил қилганлиги боис ҳозир

кўлланилаётган маънода қабул қиласидар. “Сухайл ва Гулдурсун” достонидаги “*Қўзитти жсанг билан оламда тўфон, Оқитти сув текин ер узра кўп қон*” маснавийсида “сув текин” тасвирини ўқувчилар ҳозир кўп кўлланиладиган “арzon” маъносидаги ибора сифатида қабул қиласидар ва иккинчи мисрани “ер узра арzon кўп қон оқизди” деб хато тушунадилар. Аслида бу байтдаги “текин” архаик сўз бўлиб *каби, сингари* кўмакчилари ёки *дайин* қўшимчасининг синоними эканини билгандагина мисрада “ер узра сув каби кўп қон оқизди” деган мазмун ифодаланаётганлиги англашади.

Мумтоз матнларда қўлланган айрим умумтуркий ва ўзлашган сўзларнинг асар ёзилган даврдагидан шакли ўзгарганлиги, маъноси кенгайган ёки торайгани ҳам уларни тушунишда муайян қийинчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Ўқувчилар бу сўзларнинг ўша даврдаги маъноларидан бехабарликлари боис матн маъносини нотўғри тушунадилар. Айтайлик, *бўлмоқ* ва *ўлтиromoқ* сўзларининг мумтоз адабий шакли бўлмиш *ўлмоқ* ва *ўлтиromoқ* сўзларини ўқувчилар даставвал ўлмоқ – жони чиқмоқ, *ўлтиromoқ* маъноларида тушунишлари ҳам кузатилди. Ёки ҳозирги кунда кенг кўлланадиган “мехнат” сўзини олайлик. Уни ўқувчилар жисмоний ёки ақлий фаолият, иш дея қабул қиласидар. Шунинг учун Навоийнинг: “*Вале юз мунча меҳнат бўлса эрди, Не юз, минг мунча шиддат бўлса эрди*” [204; 198-б.] сатрларини “Ва лекин юзта шунча иш бўлса эди, юзта эмас, мингта шундай шиддат бўлса эди” тарзида нотўғри қабул қиласидар. Шунингдек, “ноумид” сўзининг архаик дублети қўлланган “*Мени гар умрдин чарх этти навмиð, Жаҳон мулкида шоҳ бўлсун жсовиð*” байтини ўқувчилар тушунишмайди. Шоирнинг: “*Манга Фарҳод ишиқи тухмати бас Ки, чехра кўрмайин ул зору бекас*” сатрларида “туҳмат”ни “бировни айблаш ёки қоралаш мақсадида ўйлаб чиқарилган асоссиз даъво; бўхтон” [100; 241-б.] маъносига тушунадилар. Ҳолбуки, бу сўз байтда “оворагарчилик” маъносига қўлланган. Шунингдек, “рост” сўзи “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да берилганидек, “тўғри”, “адил”, “тиқ”, “чин”, “ҳақиқат”, “ҳақ”, кириш сўз [100; 630-б.] маъноларида келса, Навоий асарларида булардан ташқари,

“маъқул”, “муносиб”, “тоза”, “покиза”, “ўхашаш”, “мос”, “худди” маъноларини ҳам беради [21; 135-б.]. Дарсликдан “Элининг лафзи қалам била росттур” деб ўқиган ўқувчи жумлани “элининг лафзи қалам билан тўғридир” деб нотўғри тушунади.

Ўрганилаётган асар тилининг ҳозирги тилимиздан фарқ қилувчи синтактик ва услубий ўзига хосликларга эгалиги ҳам мумтоз матнни тушунишда қийинчилик тутғиради. Ўзбек адабий тили тарихига бағишлиланган дарслик ва қўлланмаларда мумтоз асарларнинг лексик, морфологик жиҳатлари кенг ўрганилган ҳолда синтаксиси, услубий томонлари яхши тадқиқ этилмаган. Бунинг натижасида мазкур сатҳлар юзасидан ўқитувчилар етарли тушунчага эга бўлмаганликлари боис бундай билимлар ўқувчиларда ҳам шакллантирилмайди. Шеърий ва насрий матнларда учрайдиган кесим таркибига кирувчи *-дуурур*, *-туурур* қўшимчаларини ўқувчилар мустақил ўзак сифатида қабул қиласидар. Бир қатор дарсликларда бу қўшимчаларнинг ўzlари бирикиб келган сўзлардан ажратиб берилиши янглишишни янада кучайтиради.

Баъзи сўз бирикмаларининг матн маъносига кўра турли ўринда турлича маъно ифодалashi ҳам мураккабликлар сирасига кириши мумкин. “Бобурнома”даги “Маъмуранинг канорасида воқе бўлубтур” жумласида “воқе бўлубтур” бирикмаси “жойлашган”, “ўрнашган” маъносини берса, бошқа бир ўринда нисбат берилган, нисбат қилинган маъносини англатади. “Турк эрди ва туркча шеъри яхши воқеъ бўлубтур” [21; 135-б.] гапида эса айни бирикма “ёзилган”, “чиққан”, яъни “туркча шеъри яхши ёзилган (шеъри яхши чиққан)” маъносида қўлланилган.

Мумтоз матнлардаги гап қурилиши қўп ҳолларда ўқувчи тугул ўқитувчини ҳам ўйлантириб қўяётганлиги ҳеч кимга сир эмас. “Элининг лафзи қалам билан росттур. Анинг учунким, амир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бовужудким, Ҳирида нашъу намо топибдур, бу тил биладур” парчасидаги жумлаларнинг тузилиши, ифода бугунги кун китобхонига анчайин бегона. Қолаверса, қўмакчининг боғлама олиб кесим бўлиб келиши

жуда кам учраганлиги боис охирги “бу тил биладир” ифодасини “бу тилни билади” деб тушунадилар. Шунингдек, “Ҳазрати рисолат замонидин бери ул миқдор аиммаи исломким, Мовароуннахрdir пайдо бўлубтур, ҳеч вилояттин маълум эрмаским, мунча пайдо бўлмиш бўлғай” каби синтактик қурилмалар нотаниш сўзлар лугати берилганда ҳам тарбияланувчиларда бошқотирма каби таассурот қолдиради.

Маълумки, мумтоз шеъриятнинг айрим поэтик қирралари араб тили ва ёзуви билан ҳам боғлиқдир. Мактаб учун дастур ва дарслик тузган муаллифлар ёзув билан алоқадор санъатларни ёш авлодга илингандари боис мажмуаларга китобат санъати асосига қурилган шеърларни киритганлар. Навоийнинг: “*Жонимдаги жисм икки долингга фидо, Андин сўнг алиф тоза ниҳолингга фидо. Нун доги анбарин ҳилолингга фидо, Колган икки нуқта икки холингга фидо*” рубоийси, Огаҳий ғазалидаги “*Мушкин қошининг ҳайъати ул чаими жаллод устина, Қатлим учун нас келтирур, нун элтибон сод устина*” байтидаги гўзал ифодани, муаллифнинг бадиий кашфиётини англаш учун ҳеч бўлмаганда арабий алифбо ҳарфларининг шаклини таниш керак бўлади.

Образлар тизими, улар ўртасидаги муносабатлар, уларнинг табиати, характеристи ҳамда ташқи тасвирининг қатъий қолипга солинганлигини идрок этмаслик асарни тўғри тушунмаслик ва мумтоз асарлардан безитишга олиб келиши мумкин. Мумтоз шеъриятда иштирок этаётган қаҳрамонлар сони, улар ўртасидаги муносабат, тасвир ва ҳолатлари бир хил қолипда ва ўзгармасдай туюлади. Мактабларда дарс бераётган ўқитувчилар мумтоз шоирлар аксарияти бир-бирларини такрорлаганликлари, тасвир, ифода деярли бир хил эканлиги, бу эса қатор дарсларда муайян фикр ва таҳлил такрорланишига олиб келганлигини айтишади. Адабиётшунос Эргаш Очилов И. Ҳаққулов билан сухбатда ҳақли равишда қуйидагича саволни ўртага ташлаган эди: “Чўлпон мумтоз адабиёт ҳақида: «Бир хил, бир хил!» деб бонг урган эди. Наҳотки шу рост бўлса? Мумтоз шоирлар шунчалик якрангми? Услубан ўзаро факланмайдими? Маълумки, шарқ сўз санъатида анъана ҳал

қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Анъана шахсиятларни ютиб юбормаганми? Нега унда мумтоз шоирлардан ҳар бирининг ўрни алоҳида-алоҳида тайин этилмаган? ...Хўш, ҳозир бу борада аҳвол қандай? Шоирлар ижодига ёндашиш тамойиллари ўзгардими ёки ҳали ҳам аввалгидайми?” [75; 23-29-б.] Бу ерда кўтарилган муаммо ҳозиргача ўзининг ижобий ечимини топганича йўқ. Демакки, ўқувчи ва талабалардаги “ҳайрон бўл”иш ҳолати давом этмоқда.

Лиро-эпик асарларни ўқитишида сюжетбозлиқдан нари ўтилмаётганлиги учун достонлар болаларда бошланғич синфларда ўқитилган халқ эртаклари дай таассурот қолдиради. Фарқи достонларнинг айримлари “мурод-мақсудига етибди” ечимиға эга бўлса, бошқалари фожеа билан тугайди. Бу ўқитувчининг ҳар бир лавҳадаги қуюқ рамзлар, катта ҳаётий ҳақиқатлар, мураккаб фалсафий мушоҳадаларни кўролмаганлиги ва ўқувчига етказилмаганлигининг натижасидир [112; 16-б.].

Вазн ва қофия илмларининг мураккаблиги, уларни ўргатишига мактаб дастурида деярли вақт ажратилмаган. Бундан ўн йиллар олдин мактаб адабий таълим дастуридаги камчиликлар тўғрисида марҳум адабиётшунос ва методист олим Тўхта Бобоев ўз фикрларини билдирган эди: “... дастурда қофия илми ва поэтик синтаксис бутунлай унутилган. Ўзбек шеъриятида 300 дан ортиқ бадиий (шеър) санъатлар қўлланилгани ҳолда дастурда фақат тазод, ҳусни таълил, радд ул-матглаъ эслатилган холос... Дастурда маҳсус тасвир воситалари ҳам ўта камбағал кўринади... Ачинарли томони шундаки, дастурда адабий-назарий тушунчалар, шу жумладан шеър илми масалаларини ўрганишга бир соат ҳам ажратилмаган” [25; 32-б.]. Бу тадқиқот ёзилган пайтдан кейин тузилган дастурларда адабий-назарий тушунчаларни беришда ижобий силжишлар бор, лекин шеър ва қофия илмига муносабат ўша-ўша. Бир қарашда вазн билан боғлиқ билимлар адабиёт дарсларида у даражада аҳамиятли кўринмаслиги мумкин. Чунки вазни билмай ҳам шеърни тушуниш, унинг бадииятини таҳлил қилиш мумкин. Лекин бу юзаки таассурот. Вазн ва қофия тўғрисидаги билимлар аввало ўқувчиларда аруз

шеъриятининг муайян қатъий қолиплар асосига қурилганлигини, мумтоз бадиий тафаккур қирраларини англашга ёрдам беради. Қолаверса, бу вазнда ёзилган шеърларни ўқиш техникаси асосан шеър илми ва маълум даражада қофия билан чамбарчас боғлиқ.

Мумтоз адабиётни ўргатишдаги кейинги мураккаблик тасаввуф таълимотининг мумтоз асарлар поэтикасига таъсири масалалари бўйича ўқитувчилар билимининг етарли эмаслигидадир. Тасаввуф бизда нисбатан кейинроқ ўрганишга киришилган илм бўлиб, унга бўлган муносабат, қарашлар эндиGINA шаклланмоқда. У ҳақида етарли тасаввур ва тўхтамга келиш учун ҳали кўп ишлар қилиниши керак.

Мактабда мумтоз лирик асарлар кўп ўрганилади. Улар ичида тили ўта оғир, тасаввуфий рамзлари ўта қуюқ, ифода тарзи мураккаб бўлган Турдининг “Ёд мандин ким берур яхши замонлар кўрдиман” мухаммаси [145; 225-б.], Навоийнинг таҳлил ва талқин борасида бир тўхтамга келинмаган, ҳатто олимларнинг бир-бирини инкор этувчи мунозараларига сабаб бўлган “Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур” ғазали [202; 8-б.], моҳияти ўзбек фалсафаси, адабиётшунослигига тўлиқ очиб берилмаган ваҳдат ул-вужуд таълимоти [89; 125-б.] кабилар жиддий чигалликларга сабаб бўлди. Машрабнинг “Дилим дарёи нурдур, мавж уруб дунёға сиғмамдур”, “Ризо мулкидаман, ҳалқумни туттим тифи Ақбарга”, “Жунун бозорида мастманки истиғноға сиғмамдур” каби икрорларни тушуниш учун тасаввуф ҳақидаги жилд-жилд китобларни ўқиш керак бўлади, бу сатрларнинг ҳар бирини изоҳлашга соатлар етмайди. Шунингдек, Навоий “Хамса”си достонларидағи тасаввуфий ҳақиқатларни англаш ва ўқувчиларга тушунтириш учун фундаментал тадқиқотлар олиб борилиши керак.

Мумтоз адабиёт намуналарини ўқитишдаги мураккабликларнинг ташқи омиллари ҳам мавжуд. Ушбу омиллар ўқув жараёнига бевосита алоқадор бўлмаса ҳам, лекин билвосита таъсир кўрсатиб адабий таълимда муайян чалкашликларга сабаб бўлади. Бу асосан баъзи методист ҳамда адабиётшунос

олимларнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятлари билан боғлиқ ҳолда юзага келмоқда.

Методикага оид қўлланмаларнинг адабий таълимдаги аҳамиятидан келиб чиқиб, улар ҳақида батафсил тўхталиб ўтамиз. (1-илова)

Шўролар даврига мансуб адабиётшуносликдаги талай қарашлар, ёндашувлар аллақачон эскирганлиги, уларнинг ўрнига янгича талқинлар қарор топганлиги яхши маълум. Эскирган қарашларнинг мактаб адабий таълимига кўрсатган салбий таъсири ўз вақтида олимларимиз томонидан таҳлил этилган [51]. Лекин мустақиллик йиллари қилинган бир қатор тадқиқотлар, чоп этилган рисола ва китоблар, олий ўқув юртлари дарсликларида эскирган қарашлар, ноилмий ёндашувлар, асосланмаган даъволар борки, улар бўлажак филологларнинг баъзи масалаларда чалкашишларига олиб келмоқда.

2006 йилда Р. Ж. Воҳидов, Ҳ. П. Эшонқуловларнинг “Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи” [126] ҳамда Р. Орзивековнинг “Ўзбек адабиёти тарихи” [180] қўлланмалари нашр этилди. Муаллифлар ўз китобларида адабиётшуносликнинг сўнгги ютукларини умумлаштиришга интилганлар, адабиётимиз тарихидаги кўпгина янги маълумотлардан фойдаланганлар, олдинги дарсликларда эпизодик характерда кўрсатилган айrim адибларга кенг ўрин берганлар, умуман тилга олинмаган ижодкорлар тўғрисида ҳам маълумотлар келтирганлар. Китобларда айтилган фазилатлар билан бирга жиддий хато ва камчиликлар ҳам борки, улар адабиёт ўқитиш жараёнида муайян чалкашликларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Р. Ж. Воҳидов, Ҳ. П. Эшонқуловлар ўзбек адабиётини дастлаб қуйидаги уч қисмга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб биладилар:

1. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (Энг қадимги давлардан XIX аср ўрталариғача).
2. Миллий уйгониш даври ўзбек адабиёти (XIX аср II ярмидан XX асрнинг 20-йиллариғача).
3. Янги ўзбек адабиёти (1930 йилдан ҳозиргacha бўлган давр) [126; 6-б.].

Китобда адабиётимиз тарихи нима учун уч қисмга бўлиниши илмий жиҳатдан асосланмайди. Бу қисмлар ҳақида умумий фикрлар билдирилгач, мумтоз адабиётни даврлаштириш масаласига қайтиб, шўролар замонидаги даврлаштиришни айнан келтирадилар: “Шундай қилиб, ўзбек мумтоз адабиётини қўйидаги асосий тараққиёт босқичларига бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

1. Энг қадимги адабий ёдгорликлар.
2. X-XII асрлар адабиёти.
3. XIII аср ва XIV аср бошларидағи адабиёт.
4. XIV аср ўрталаридан XVII асргача бўлган адабиёт.
5. XVII асрдан XIX аср ўрталаригача бўлган адабиёт” [159; 8-б.].

Муаллифлар ўзларидан олдин бу борада билдирилган фикрларни инобатга олмаганлар ёки улардан бехабар бўлган кўринади. Акс ҳолда тарихий воқеалар, сиёсий ўзгаришларни асос қилиб олган, мафкуравий тамойиллар етакчи бўлган ўтган асрнинг 50-60- йилларидаги қарашларни такрорламай, масалага бошқача ёндашган бўлур эдилар. Ҳолбуки, 90-йилларнинг бошидаёқ “Даврлар ўзгариши билан кишиларнинг дунёни тушуниш, ундан таъсирланиш, уни образли идрок этиш ҳамда тасвирлаш, образларни танлаш ва акс эттириш, қаҳрамонлар руҳиятини тушуниш ва тасвирлаш борасидаги тўхтамларида туб ўзгаришлар рўй бер”ишидан келиб чиқкан ҳолда даврлаштириш муаммосига ёндашилган дадил ва асосли фикрлар билдирилган эди [53; 56-б.]. Бу илмий-адабий жамоатчилик томонидан маъқулланди ва мактаб адабиёт дарслкларида ҳам ўз аксини топди [206; 8-б.]. Биз ҳам даврлаштириш билан боғлиқ ушбу ёндашув ва фикрларни ёқлаймиз.

Қўлланмадаги айрим образларнинг талқинига ҳам қўшилиб бўлмайди. Чунончи, Юсуф Ҳос Ҳожибининг “Қутадғу билиг” достони қаҳрамонларидан Кунтуғмиш талқинига диққат қиласайлик: “Қуёш ҳам самовий сайёра, аммо у ойга ўхшамайди. Унинг ҳолат-ҳаракати, зоти ва сифатлари ўзгармасдир. Бутун мулки борлиғи унинг ҳаётбахш зарраларига илҳақ ҳолатда ҳаракат

қиласи. Айни тасвирда ҳам ирфоний-фалсафий моҳият яширин: Қуёш – мутлақ, азалий ва абадий мўъжиза, Худодир”. Ва яна: “Сарой ва давлатдорликнинг сиру асроридан воқиф муаллиф учун адолатдан юксак орзу йўқ. Қуёш – Аллоҳ, Қуёш – адолат, шоир тасвирида ёнма-ён туради”[126; 75 – 76-б.]. Образларнинг ўзаро муносабати ва бу муносабатлар орқали юзага чиқаётган моҳиятга таянилса, бу фикрларга қўшилиб бўлмайди.

Мумтоз адибларимизнинг аксарияти мадраса кўрган, шариат, тариқат илмларини пухта эгаллаган кишилар бўлганлар. Шунинг учун ҳар бир мисрасини шариат тарозусига, тариқат ўлчовларига мувофиқ тарзда ижод қилганлар, уларга нисбатан мисқолча бўлса ҳам зидликка бормаганлар. Хўш, юқоридаги фикрларда шариат ва тариқатга зидлик борми? Бор. Бўлганда ҳам талайгина. Биринчиси, қўлланма муаллифлари худо сифатида талқин этган Кунтуғмиш давлат бошқарувида Ойтўлди, Ўгдўлмиш ва Ўзғурмиш каби оқил шахслар маслаҳатига, доно кўрсатмаларига эҳтиёж сезади. Айни шу ҳолат бу қаҳрамонни ботинан худо сифатида талқин қилиш мумкин эмаслигига далил бўлади. Парвардигори оламни кимгадир, нимагадир эҳтиёжманд сифатида тасвирлаш на шариатга ва на тариқатга мувофиқ. Чунки У “Аллоҳу сомад” – ҳеч кимга эҳтиёжи йўқ Аллоҳдир [70; 562-б.]. Ботинида Маъшуқи Мутлақ назарда тутилган асарларда бу каби номувофиқлик кузатилмайди. Масалан, мумтоз шеъриятда Ёр образи воситасида Аллоҳ ирова этилган тасвирларда У на ошиқка ва на унинг мухолифи рақибга эҳтиёжманд кўринади, ўзининг ЖАМОЛИ, ЖАЛОЛИ ва КИБРИЁлиги каби сифатлари билан олий, илоҳий зот эканлигига ишора қилинади. Ёки “Лисон ут-тайр”да ҳам қушлар (соликлар) излаб йўлга тушган Симурғ (Аллоҳ) ҳам ҳеч бир тафсил ва тасвирда исломий ақидаларга зид келмайди. “Қутадғу билиг” асарида эса Ойтўлдида – давлат, Ўгдулмишда – ақл, Ўзғурмишда – қаноат назарда тутилганидек, Кунтуғмишда адолат тушунчаси (айнан *тушунча*) рамзий шаклда талқин этилган холос. Бундан ортиғи эмас.

Иккинчидан, Ўзғурмиш образида, юқорида айтилганидек, қаноат тушунчаси назарда тутилади. Қаноат тариқат аҳли касб этишлари керак

бўлган бирламчи сифатдир. Демак, муаллиф мазкур тушунча орқали сўфийликни ҳам талқин қилган. Бу ҳақиқат асарнинг умумий мазмуни, Ўзғурмишнинг яшаш тарзи, олам ва одамга муносабати, дунёқарашидан юзада балқиб туради. Барча сўфийлар каби Ўзғурмишнинг мақсади Маъшуки ҳақиқий бўлмиш Аллоҳга етишиш ва бу орқали абадий баҳтга қовушмоқлиқдир. Агар қўлланма муаллифлари ўйлаганидек, Кунтуғмиш Худонинг эманацияси бўлса, подшо хузурига энг аввало Ўзғурмиш ошиқкан бўларди. Асарда эса бунинг акси. Таркидунё дарвеш Кунтуғмишнинг неча қистовлари, илтимосларига қарамай, саройга яқинлашишни истамайди, ноиложликдангина у ерга боради. Асардаги образлардан мантиқий номувофиқ таъвил ахтариб, ўқувчиларни нотўғри талқин томон судраш асоссиз даъводир.

Лутфий ижоди адабиётимиз тарихида тутган мавқеи сабаб барча таълим босқичларида ўқитилади. Қўлланмада “Гул ва Наврӯз” достонини Лутфий ижодига мансуб фаслда ўрганилиши ҳақида шундай ёзилади: “Шундай қилиб, икки нодир адабий манба: “Фунун ул-балоға” ва Бобур Мирзонинг “Мухтасар” рисоласида... Ҳайдар Хоразмийнинг “Гул ва Наврӯз” номли достон ёзганлиги эътироф этилган бўлса-да, Лутфийга нисбат бериб келинган шу номдаги достон муаллифи масаласи тўла ечимини топганича йўқ. Шу боис биз “Гул ва Наврӯз” достони ҳақида Мавлоно Лутфийга бағишланган бўлимда фикр юритишни лозим кўрдик” [126; 187-б.].

Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” ва Бобур Мирзонинг “Мухтасар”дек нифузли асарларидаги маълумотларга муаллифларнинг шубҳаси борми? Бўлса, унга сабаб нима? Бўлмаса, асарни Ҳайдар Хоразмийники деб бериш учун уларга нима тўсқинлик қиляпти? Ёки бирор манбада Лутфийга нисбат бериш учун асос, ишора учрайдими? Бу ҳақда ҳеч нарса дейилмайди-да, шунчаки лозим кўрганликлари айтилади, холос. Илмда муаллифнинг у ёки бу нарсани лозим кўрганлиги туфайли натижа белгиланиб, ҳақиқат тасдиқланмайди-ку! Шунингдек, Навоий ғазалиёти бобига бағишланган қисмда “Ошиқона ғазаллари таркибида мавъиза – панд-насиҳат мазмунидаги

байтларга кенг ўрин берди. Айни майл ғазал жанрини тор ошиқона қолиплардан маъно-мавзу кўламдорлигига олиб чиқиш учун қулай имконият яратди” дейилади. Нима учун асрлар давомида энг севимли ва кўп қиррали бўлган ишқий мавзу “тор ошиқона қолип” саналмоқда? Мумтоз ғазаллар аксариятигининг зоҳири ошиқона бўлса-да, замирида қандай маъно кўлами мавжудлиги бугунги адабиёт илми учун маълум ҳақиқат-ку? Бунинг устига, бадиий асар учун мавзу эмас, унинг бадиияти, шоирнинг маҳорати муҳим эмасми?

Таниқли олим Р. Орзивековнинг “Ўзбек адабиёти тарихи” китобида ҳам талай диққатга сазовор фазилатлар билан бирга эътиroz туғдирадиган ўринлар йўқ эмас. Биргина Машраб ҳаёти, ижодига тегишли фикрларда шўро давридаги қарашлар таъсирини сезиш мумкин. Р. Орзивеков Машрабнинг вафоти тўғрисида шундай ёзади: “Ана шундай мутафаккир, жасоратли шахснинг бошига ҳам Мансур Ҳаллож ва Насимиининг бошига тушган қора кун тушади. У 1711 йили чаласавод, хушомадгўй шахсларнинг чақуви, иғвоси билан дорга осиб ўлдирилади” [180; 50-б.]. Тарихда бирор “чаласавод, хушомадгўй шахс”нинг шоир устидан кимгadir чақув қилганлиги ва унинг айнан шундай иғво туфайли қатл қилинганлиги маълум эмас. Шоирнинг дунёқараши борасидаги қуйидаги фикр янада ажабтовур: “Шоир ислом таълимотидаги асосий қоидаларни, фарзу амалларни амал қилган ҳолда, баъзиларга қарши очиқдан-очиқ салбий муносабатини ҳам асарларида ифода этади. Уларга менсимаслик, шаккоклик билан қарайди, баъзан улар устидан кулади ҳам. Бунинг асосий сабаби шоирнинг

Бир худодин ўзгаси барча ғалатdir, Машрабо,
Гул агар бўлмаса илкимда тиконни на қилай?

шоҳ байтидадир. Шу жиҳат унинг дунёқарашини кўп мутасаввуфларницидан ажратиб турувчи асосий жиҳатдир. Ундаги ёлғиз худони тан олиш эътиқоди ўша давр диндорлари учун ғалат туюлган, улар Машраб эътиқодини туб моҳиятига тушуниб етмаганлар” [180; 51-б.]. Келтирилган байтда исломнинг баъзи асосий қоида, фарзу амалларига нисбатан ҳеч қандай менсимаслик,

шаккоклик йўқлиги, шоир дурёқараши бошқа мутасавифларники билан уйғун экани олимнинг бу китоби ёзилишидан ўн беш йиллар аввал илмда исботланган эди. Машраб даврида диндорлар ёлғиз худони тан олишмасмиди ё кўпхудоликка ўтиб кетишганмиди деган савол туғилмайдими?

Шунингдек, муаллифнинг Машраб ижодий эволюцияси хамда сўфийликнинг юзага келиши ҳақидаги “Зеро, XVI асрларда хилма хил кўринишларда илдиз отган тасаввуфнинг ўзи феодал жамиятида қашшоқликнинг ниҳоятда кучайиши туфайли нажот қидирган табақаларнинг нажот тополмай тушкунликка берилиши, ундан кутулиш чораларини худода, охиратда кўришлари натижасида пайдо бўлган” қабилидаги мулоҳазалар бундай олтмиш йиллар наридаги қарашлар эканлиги ачинарли ҳақиқатdir.

Қўлланма билан танишган ўқувчида мабодо мумтоз адабиёт талқин ва таҳлилида эски мезонларга қайтаяпмизми, деган гумон туғилиб қолса, ажаб эмас. Илмдаги янги, тасдиқланган, қарор топган қарашлар йигиндиси сифатида яратилган китоблардаги бундай ғалатликлар кишини ҳайрон қолдириши тайин. Ўқитувчи ўқувчисига буни қандай тушунтиради? Бу каби ноилмий китоблар, мақолалар, тадқиқотлар бугунги кунда озми, кўпми учраб туриши бор гап. Шу боис улар “Тадқиқотчиларнинг барчаси ўзи ўрганаётган шоир ижодини тасаввуфга олиб бориб боғлайди, лекин талқин ва таҳлилда бирорта тасаввуфий манбага мурожаат қилмайди. Наҳотки тасаввуфга оид бирорта ҳам эътиборли манбани кўрмай туриб у хақида ёзиш мумкин бўлса?!” [112; 83-б.] қабилидаги эътиrozларга сабаб бўлмоқда. Бундай қўлланма, мақола ва тадқиқотларни ўзига асос қилиб олган муаллимлар адабиёт ўқитишининг илмий-тадқиқий вазифаларини ҳал этишда хатоликларга йўл қўйишилари, ўқувчиларига нотўғри билим беришлари мумкин.

Бир неча йиллардан бери республикамизда тендер танлови асосида дарсликлар яратилмоқда. Замирида моддий манфаатдорлик бўлган бу танловда таълим тизимида тажриба ортирган мутахассислар ёки методистлар билан бирга мактаб амалиётини тўла тасаввур қила олмайдиган олимлар ҳам қатнашмоқдалар. Натижада илмий ва методик жиҳатдан

бойитилган янги дарслик ва қўлланмалар қаторида камчиликлари ҳаддан ташқари кўп дарсликлар ва улардан фойдаланиш бўйича яратилган методик тавсиядан кўра олий ўқув юрти учун ёзилган маъруза матнларини эслатадиган методик қўлланмалар ҳам пайдо бўлмоқда. Қўлланмалардаги дидактик жиҳатдан ўзини оқламайдиган тавсиялар, методик билим етишмаслиги туфайли билдирилган нотўғри қарашлар адабий таълимда чалкашликларни юзага келтирувчи ташқи омиллар сирасига киради.

Биринчи боб юзасидан хулосалар:

1. Мумтоз адабиёт ўқитилишидаги жиддий камчиликларни бартараф этиш учун аввало давлат таълим стандартида бу давр намуналарини ўқитилишига доир мазмуний тафсилотлар янада аниқлаштирилиши, сифатий кўрсаткичлар алоҳида ўз ифодасини топмоғи лозим. Шунингдек, дастур ва дарсликларни такомиллаштириш, уларнинг методик аппаратини мукаммаллаштириш ҳам зарурый чоралардан ҳисобланади.

2. Адабиёт дарсларидағи энг катта қусур ўрганилаётган бадиий матн устида ишланмаётганлиги, асарнинг бадиий-ғоявий хусусиятларини кашф қилиш ва муаллиф маҳорат қирраларини очиш мақсади етакчи эмаслиги бўлиб, бунга барҳам бериш асосий вазифа саналади.

3. Адабиёт муаллимлари мумтоз матнларни мураккаблаштирувчи омиллар тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлишлари ҳамда уларни бартараф этиш йўллари, шакл, воситаларини билишлари шарт. Йўқса, ҳар бир дарсдан кўзланган мақсад амалга ошмай қолаверади.

4. Мумтоз адабиёт намуналарини дастур ва дарсликларга киритища нафақат уларнинг мазмуни, балки тил хусусиятлари, бадиий-ғоявий жиҳатлари ҳам ўқувчилар ёшига мос бўлишига диққат қаратиш зарур.

5. Ўқувчилар ҳамда бўлажак адабиёт муаллимлари учун тавсия этилаётган дарслик, қўлланмаларда, ўқитувчилар учун яратилган методик рисолаларда илмий асосланмаган, тарбияланувчилар ёки мутахисисларни чалғитадиган, уларда нотўғри тасаввур уйғотадиган талқин, таҳлил ва қарашлар бўлишига йўл қўймаслик даркор.

П БОБ. МУМТОЗ АДАБИЁТ ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ИМКОНИЯТЛАРИ

2.1-§. Мактабда мумтоз адабиёт ўқитишинг бадиий-эстетик ва илмий-педагогик асослари

Мактабда адабий таълимининг ғоят муҳим юмушларидан бири “ўқитишинг мақсади, вазифаси ва мазмунини аниқлаб олишдан иборатдир. Чунки бу тушунчалар адабиёт ўқитишинг **асосларини** ташкил этувчи категориялардир” [50; 35-б.]. Ўзбек педагогикасида адабиёт ўқитишинг бош мақсадини профессор К. Йўлдошев илк бор тўлиқ ва тўғри белгилаб берган эди: “...**баркамол шахсни шакллантириш** (таъкид бизники – В.К.) марраси миллий мактабларимизда адабиёт ўқув предметини ўрганиш учун **бош мақсад** бўлиши мумкин эканлигини қадимий қадриятларимиз ҳам, маънавий анъаналаримиз ҳам, узоқ тарихга эга педагогик амалиётимиз ҳам, кишиларимиз руҳий оламига чукур сингиб кетган бадиий адабиётимиз ҳам тақозо этади” [50; 42-б.].

Ҳақиқатан ҳам баркамол шахс, комил инсон ғояси педагогикамиз учун тасодифий ёки энди белгиланаётган марра бўлмай, ўзининг бир неча асрлик тарихий илдизларига, тажриба ва анъаналарига эга. Мумтоз адабиётимиз учун бадиий-эстетик асос бўлиб хизмат қилган тасаввуф таълимотида комил инсон тасвир марказида бўлган. Профессор К. Йўлдошев томонидан белгиланган мақсад бадиий адабиётнинг барча шакли, даври ва таълимнинг босқичларига тааллуклидир. Хусусан, биз тадқиқ этаётганимиз мумтоз адабиёт намуналарини ўқитиши учун ҳам.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Ўзбекистон ҳукумати баркамол авлодни тарбиялаш вазифасини адо этишга астойдил бел боғлади. Таълим ҳақидаги, ёшлар сиёсати борасидаги қонунлар, мактаб ва мактабгача муассасалар бўйича ҳукумат фармон, кўрсатмалари, қарорлари фикримиз далилидир.

Етук ва баркамол инсон ғояси барча диний, илоҳий китобларда асосий мақсад сифатида талқин қилинади [105; 7-б.]. Бу борада улар орасида катта тафовут йўқ. Бунинг сабаби илоҳий китобларнинг маншай бир – Оллоҳ таоло эканлиги билан изоҳланади. Айрим халқлар номи билан боғлиқ фалсафа ва таълимотларда (масалан, хинд, бобил, юонон фалсафалари) ҳам етук шахс ғояси етакчи бўлган. Барча замонлардаги арбобу уламолар ўз даврининг етук кишиси, замондошларининг камолот йўлидаги раҳбари бўлиб шухрат топган ва тарихга кирган. Ўтмишимиздан бунга юзлаб мисоллар келтириш мумкин [53; 18–19-б.]. Исломиятнинг илк давридаёқ куртак ёзиб, кейинчалик мукаммал тизим бўлиб шаклланган тасаввуфнинг бош ғояси комил инсонни тарбиялашдир. Комил инсон деганда руҳан пок, маънан юксак инсон назарда тутилади. Шунингдек, тўрт муқаддас китоб – Забур, Таврот, Инжил, Қуръон ва улар бағридан ўсиб чиққан таълимотларда маънавий етук шахсни тарбиялаш ҳақида йўриқлар, қарашлар мавжуд.

Тасаввуфда таълим жараёни ташқи таъсир ёки тазиик остида эмас, балки ўқувчининг ўзи ўрганаётган илмни ниҳоясига етказиш, унга бўлган чексиз қизиқиши, яъни илмга маънавий эҳтиёж – ишқ асосида ташкил этилади. Илмга мана шундай маънавий эҳтиёж сифатида ёндашилса, инсонда жисмоний, ақлий, маънавий янгиланиш юз беради [47; 78-б.]. Асосийси, тарбияланувчи, таълим оловчи англаб етадики, *ўзлаштирилаётган фанлар ўз ҳолича алоҳида-алоҳида билимлар йигиндиси эмас, балки яхлит бир бутун илмнинг турли кўринишлариидир*. Фанлар бир-бирини тўлдиради, изоҳлайди, ривожлантиради. Шу туфайли улар бир-бирини тақозо этади. Дунёни ҳайратга солган Форобий, Ибн Сино, Беруний, Алишер Навоий сингари алломалар айнан шу концепция асосида таълим олиб, қомусий ақл эгалари бўлиб етишганлар.

Мазкур фикрлар баркамол шахс тарбияси таълим жараёни, жумладан, адабиёт ва, хусусан, мумтоз намуналарни ўрганиш учун бош мақсад бўлишини, тасаввуф таълимоти ва тажалли назарияси бунга эришишнинг бадиий-эстетик асоси бўлишига собит бир далилидир.

Республикамизда тасаввуф назарияси билан муттасил шуғулланган профессор Нажмиддин Комилов комил инсон тушунчасини қуйидаги ифодаларда баён этади: “Комил инсон – инсонларнинг энг мукаммали, энг оқили ва энг доноси... Комилликнинг олий белгиси ҳақ йўлидан бориб халқа фойда келтиришдир. Киши ўз сўзи, амалий ишлари, нияти билан қанчалик одамларга наф келтирса, ёмонларни тўғри йўлга солса, Ҳақ йўлида фидо бўлса, у шунча комилдир” [57; 20 – 21-б.].

Тасаввуфдаги комил инсон илоҳий мақомдаги кўз илғамас юксаклик соҳиби бўлмиш бир зот сифатида гавдалантирилади. Тасаввуфга кўра, ҳар бир болиғ ва оқил инсонда бу мақомга эришиш учун потенциал имконият мавжуд. Фақат ундан истак, ҳиммат, жаҳд талаб этилади, холос [120; 13-б.]. Адабий таълим бош мақсад қилиб қўяётган баркамол шахс тасаввуфдаги комил инсон билан бирдай мазмунга эга эмас, албатта. Лекин ундан бутунлай узоклашиб ҳам кетган эмас. Чунки илоҳий мақомга етган валий зотлар ҳам биз шакллантиришга интилаётган маънавий сифатларга эришибгина юксаклик томон илгарилаб борганлар. Шу ўринда адабиёт ўқитиши вазифасига берилган таърифга дикқат қиласайлик: “...адабиёт ўқитишининг олдида оддий ўқувчидан китобхон ўқувчи тайёрлаш, болаларни бадиий сўздан таъсирланадиган, унинг жозибасини ҳис қиласадиган, бадиий асарни танийдиган, ўқиган асарини таҳлил эта биладиган ва ундан ўзига хос хулоса чиқаришга қобил, ўзининг қарашларини оғзаки ва ёзма равишда равон ва таъсирли ифода эта биладиган бадиий асар ўқиши биринчи ҳаётий эҳтиёжга айлантирган ўқувчи шахсини шакллантириш бош вазифа сифатида туради” [50; 42-б.]. Таърифни бежиз келтирмадик. Кишилик тарихидаги машҳур шахслар, адилларгина эмас, сиёсатчилар, аниқ ва табиий фанлар бўйича таникли олимларнинг аксарияти болалиқдан бадиий адабиётга ошно бўлганликлари, “бадиий сўздан таъсирланадиган, унинг жозибасини ҳис қиласадиган, бадиий асарни танийдиган” шахслар бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шунингдек, ислом тарихидаги буюк олимлар, авлиё зотларнинг кўпига сўз санъатига яқин, бир қанчалари эса машҳур адаб бўлганликларини яхши

биламиз. Айнан бадиий адабиёт одамда ички сезги (интуиция), рухий идрок, ижодий тафаккур шаклланишига, ривожланишига туртки беради ва инсонни ҳар доим бу қобилияларда янгилаб боради. Мазкур фазилатлар эса инсонда комиллик сифатларини шакллантиришдаги асосий омиллардандир.

Зикр этилган бош вазифани адо этиш асносида адабий таълим ўқувчига “ақлий тараққиёт, бор билимларни әгаллаш билан қаноатланмасдан, балки рухни чиниктириб, қалбни мусаффолаш орқали чексиз камолотга интилиш, ўз-ўзини такомиллаштириш” [56; 4-5-б.] турткисини беради ва у мавжуд шарт-шароит, имконият ҳамда ўз қобилияти доирасида муайян даражада комиллик сифатларини ола бошлайди. Шунда ҳаётда ўз хатти-ҳаракатига масъул, жамият ва борлиққа жавобгарлик ҳисси билан яшайдиган, олам ва одамни тушунишга қодир, ҳар ишга иймон ва эътиқод мезонлари билан ёндашадиган комиллик сифат ва алломатларига эга шахс тарбияланади. Шундан келиб чиқсак, адабиёт ўқитишнинг бош мақсади таърифини бир оз таҳрир қилиш эҳтиёжи туғилади. Уни қуйидагича ифода этиш мумкин: таълим босқичларида **мумтоз адабиёт** (умуман адабиёт) **ўқитишдан** кўзланган **бош мақсад тарбияланувчилар шахсиятида комиллик сифатларини муайян даражада шакллантиришдан иборат**. Мақсад қўйилгач, вазифалар ҳам белгиланиши керак, албатта. Юқорида келтирилган адабиётнинг бош мақсадидан келиб чиқиб, **мумтоз адабиётни ўқитишга** қўйиладиган хос **вазифани** ҳам белгилаб олиш мумкин: **мумтоз бадиий тафаккур тарзини англайдиган, образлар табиати ва улар ўртасидаги муносабатни идрок этадиган, рамзий ва мажозий тасвирини талқин ва таҳлил қила оладиган, мумтоз сўз жозибасини ҳис этадиган, мутолаани ўзининг ҳаётий эҳтиёжига айлантирган, адабиётни олам ва одамни тушуниши воситаси деб биладиган юксак маънавиятга интидувчи китобхон ўқувчини шакллантириши**.

Мумтоз адабиёт мазкур мақсад, вазифаларни амалга оширишда бемисл имкониятларга эга. Ана шу мақсад ва вазифаларга мос келадиган адабий таълим мазмунини белгилаб олиш ғоят муҳим аҳамият касб этади.

“Маълумки, ўқувчиларга бериладиган билимлар ва уларга сингдириладиган амалий кўникумалар тизими муайян ҳужжатлар, дарсликлар ва қўлланмаларда акс этади. Айни шу нарсалар **таълим мазмуни** деган тушунчани ифода этади” [50; 49-б.]. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ўзбек адабиёти предметидан адабиётшунослик ва педагогика илмларининг сўнгги ютуқларини ўзида акс эттирган дастурлар тузилди [9, 10, 11, 12, 13] ва улар асосида дарсликлар яратила бошлади.

Ушбу дастур ва дарсликларнинг дастлабкиларини кўздан кечирсак, мумтоз адабиёт намуналари берилишида изчиллик етарли эмаслиги кузатилган эди. Масалан, турли синф дарсликларида бир адебнинг қайсиdir асари айнан такрор берилди ёки дастур янгиланганда, олдинги дастурда берилган қайсиdir мумтоз сиймо ёки унинг бирор асари кейингиларида умуман киритилмади. Нега деган саволнинг жавоби бу ўринда кўп ҳолларда очик қолди. Чунки бу ўзгариш фақат дастур тузатган олимнинг нуқтаи назари, истак-хоҳиши билан боғлиқ бўлган эди.

Б. Саримсоқов раҳбарлигига ёзилган 5- синф дарслигига “Мумтоз адабиёт тарихидан” рукни остида олти мумтоз адаб ижоди намуналари берилган [188]. Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадғу билиг”идан олинган “Қаю эрда бўлса укуш била ўг” тажнисли тўртлиги, билимли одам ва билим фазилати тўғрисидаги байтлар, Аҳмад Яссавийнинг “Девони ҳикмат”идан тўртликлар ўша йилларда амалда бўлган 9-синф дарслигига такрор берилган эди [155].

Қ. Йўлдошев, Р. Мажидовларнинг 7-синф дарслигидаги “Девону луготит турк”дан “Яй билан қиши мунозараси”, «Ҳибат ул-ҳақойик»дан парчалар [138] зикр этилган 9-синф дарслигига, шунингдек, “Бобурнома”даги Алишер Навоий таърифи, Андижон ва Самарқанд тасвири эса тўла ёки қисқартирилган ҳолда Б. Қосимов ва бошқаларнинг 10-синф дарсликларида [205] ҳам келтирилган.

Навоийнинг 8-синф дарслигидаги [153] “Келмади” радифли ғазали, Машрабнинг “Сенсан севарим...” ғазали ҳамда “Хамду санолар айтай худога”

мисраси билан бошланувчи мураббаъси 10-синф дарслигига яна қайтарилиган ва бошқалар. Ушбу дарсликларга асос бўлган дастурдаги Саъдий, Ҳувайдо, Дилшода Барно, Завқий каби сиймолар кейинги дастурлардан чиқариб юборилди. 1998 йилда Қ. Йўлдошев раҳбарлигига Адабиёт фанидан янги (иккинчи авлод дарсликлари учун) дастур тузилди [13]. Ўшандан бери ўтган 20 йилдан ортикроқ давр ичидаги уч-тўрт қайта дастур тузилди ёки катта ўзгаришлар билан таҳрир қилинди ва юқоридаги ҳолатлар ҳаммасида кузатилар эди. Бу ҳолатда икки номувофиқликни қайд этиб ўтиш жоиз. Биринчиси, бир асарнинг турли синфларда такрор берилиши бўлса, иккинчиси, ёш хусусиятидан келиб чиқиб, улар қўйи ёки ўрта синфда ўқувчига оғир, юқори синфда жуда енгил бўлиши мумкин. Бу аксар ҳолларда дастур тузувчи, дарслик ёзувчиларнинг нуқтаи назари, ўқувчи шахсини ҳис эта олиш даражасига боғлиқ. 2017 йилдан кейин бирин-кетин синфлар кесимида тузилиб, тасдиқланаётган дастурларда бу каби салбий жиҳатлар барҳам топиб бораётганини таъкидлаш ўринли бўлади. Методика илмида қайси мумтоз асарлар қайси синфда нима учун, қанча ва қандай ўрганилиши алоҳида тадқиқ объекти бўладиган муаммо деб ўйлаймиз. Шу чоққача мумтоз намуналарни ўқитиш юзасидан жиддий илмий тадқиқотлар олиб борилмагани бу каби камчиликларга сабаб бўлиб келди.

Адабий таълимнинг барча босқичларида мумтоз адабиёт билан таништирилади. Мактабгача таълим муассасалари ҳам бундан мустасно эмас. Жажжи тарбияланувчилар адибларнинг суратларини кўришади, байрам ва тадбирларда унча мураккаб бўлмаган шеърлар ёд олишади. Мумтоз адабиётни мақсадли ўрганиш бошланғич синфлардан бошланади. Бу синфларда ўқувчилар суратлар, маърифий матнлар орқали адиблар шахсияти, уларнинг ижоди, ибратли фикрлар билан танишадилар. Бизнингча, ушбу босқичда мумтоз адабиётни қўйидаги шаклларда ўрганишни ташкил этган маъқул:

1. Алишер Навоий, Бобур, Оғаҳий, Увайсий, Нодира каби адиблар суратлар орқали таништирилади. Бу ўзига хос маърифий аҳамиятга эга.

Чунки суратлар шунчаки кўриниш, тасвиргина бўлиб қолмай, айни пайтда санъат асарлари ҳамдир. Уларда рассомнинг адибларга меҳри акс этган бўлади. Бу суратлар орқали уйғотилган меҳр, ҳурмат болаларда адибларнинг ижодига эҳтиром туйғусини тарбиялайди.

2. “Ўқиши”да берилган мумтоз сиймолар ҳақидаги ривоятлар, ҳикоялар, қиссадан парчаларни ўқиши, ўрганиш орқали уларнинг ҳаёти, ижоди, маънавий олами билан таниша борадилар. Масалан, амалдаги 3-синф дарслигида [198] мумтоз адиблар билан боғлиқ тўққизта матн берилган бўлиб, улар Алишер Навоий, Бобур ва Ибн Сино ҳақидадир. Шу билан бирга икки ўринда ҳадислардан намуналар ҳам берилган. 4- синф дарслигида [160] ҳам яна шу сиймолар ва Паҳлавон Маҳмуд тўғрисида ривоят бор ҳамда ҳадис намуналари ўқиши учун киритилган.

3. Мумтоз адиблар ижодидан олинган парчаларнинг ҳозирги тилга табдил қилинган намуналари ўқитилади. Масалан, 3-синфда Навоийнинг бир нечта ҳикматли байтлари (уларнинг иккитаси табдил қилинмай, асл ҳолида берилган) ҳамда 4-синфда Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус, Ҳусайн Кошифий асарлари ўрганилади.

4. Дарсликдаги ривоят, ҳикоялар, адиблар ижод намуналарини саҳнали кўриниш билан ҳам ўрганиш мумкин. Бунинг учун ўқитувчи унча мураккаб бўлмаган, матндан узоқлашмаган ҳолда сценарий ёзиб, ўқувчиларга ролларни бўлиб бериши керак. “Сценарийли ўқитиш ҳаракатли фаолият орқали тасаввур ва тушунчаларни жонлантиришга қаратилган педагогик фаолиятдир” [99; 23]. Психологлар ҳам ҳаракатлар орқали абстракт тушунчаларни жонлантириш самарали кечишини таъкидлайдилар [32; 78-б.].

5. Туғилган санаси нишонилаётган адибларга бағишлиб ўтказилаётган мактаб миқёсидаги тадбирларда иштирок этиш ёки синфнинг ўзида кеча ўтказиш. Агар синфда алоҳида ўтказилса, тадбирнинг аниқ режаси тузилиши керак. Ўқитувчи имкон қадар адиб асарларининг табдилини эмас, асл матнни ўқувчиларга ёдлатиши, у ҳақида муҳтасар маълумот берувчи матн тайёрлаши

лозим. Матнданги маълумотларни ўқитувчининг ўзи ёки ҳолатдан келиб чиқиб, ўқувчи баён этиши мумкин.

Жорий “Ўқиш китоб”ларида мумтоз адабиётнинг беш-олти намояндалари ҳақида ҳикоя, ривоятлар келтирилган, асарларидан намуналар берилган. Назаримизда, бу қамровни кенгайтириб, бошлангич синфда Хожа, Огаҳий, Мунис, Увайсий, Нодира каби ижодкорлар ҳақидаги ҳикоя, ривоят, шунингдек, уларнинг асарларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу, бир томондан, дарслик материалларининг ранг-баранг бўлишини таъминласа, иккинчи томондан, болаларни мумтоз адибларнинг кенгроқ давраси билан таништириш имкониятини яратади. Асосийси, А.Громцева таъкидлаганидек, бошлангич синфда қўйилган асос (фундамент) кейинги босқичда интеллектуал “бино”нинг қад кўтаришига омил бўлади [38; 100-б].

5-синфдан бошлаб мумтоз намуналар бир қадар тизимли ўрганилади. Баъзи дарслик муаллифлари танланган айрим мумтоз матнларни ўқувчи тугул ўқитувчи ҳам ҳазм қилолмаслигини билиб, уларнинг насрый баёнини бериб боришади. Дарсда, олдин айтилганидек, фақат насрый баён ўқитилади ва унинг мазмuni сўраб олинади. Деярли барча синфларда бу ҳолат давом этмоқда. Натижада биз мумтоз матнни кўрганда унинг насрый баёнини ахтарадиган, асл матнни ўқишига ҳаракат қилмайдиган ўқувчиларга эга бўлмоқдамиз. Бизнингча, мазкур ҳолатни бартараф этиш учун мумтоз намуналарни беришда тадрижийликка – осондан қийинга, оддийдан муракқабликка бориш тамойилига амал қилиш зарур. Энг асосийси, ҳеч қачон асарни дарсликда насрый баён қилмаслик керак.

Тажрибалардан маълум бўлдики, 5-синфдан тили бир мунча содда, ифода тарзи бугунги адабий тилга яқин мумтоз матнларни бериб бориш билан болаларнинг матнга кириш, унинг мазмун-моҳиятини англаш, бадииятни ҳис қилиш кўникмаларини шакллантириб бориш мумкин. Кейинги синфларда назарий маълумотлар, методик тавсиялар бериш баробарида матнлар секин мураккаблаштириб борилади. Матнни тўғри танлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга ғоят муҳим масаладир.

Охирги қабул қилинган дастурда “меъёрий ҳужжатларни юритишда таянч ва фанга оид компетенциялар қуидагида ёзилиши тавсия қилинади.

I. ТК-таянч компетенция

ТК1-коммуникатив компетенция.

ТК2-ахборотлар билан ишлаш компетенцияси.

ТК3-ўзини-ўзи ривожлантириш компетенцияси.

ТК4-ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси.

ТК5-миллий ва умуммаданий компетенция.

ТК6-математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси.

II. ФК-фанга оид компетенциялар.

ФК1- Адабий-нутқий компетенциялар (tinglab тушуниш, фикрни оғзаки баён қилиш, ўқиш, фикрни ёзма баён қилиш).

ФК2- Бадиий асарни таҳлил қилиш компетенцияси” [13; 22-23-б.].

Синфлар кесимида тавсия этилаётган мумтоз адабиёт бўйича таълим мазмунни, аввало, адабий тур, шунингдек, жанрлар бўйича узвийлик ва узлуксизлик тамоилии асосида тадрижий равишда билим, кўнишка ва малакаларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришни назарда тутган ҳолда тузилди. Бу борада синфлар кетма-кетлигига узилишлар бўлмаслигига эътибор қаратилди. Айни пайтда улар орқали шакллантириладиган таянч ва фанга оид компетенциялар белгилаб борилди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, мавзулар бўйича уларнинг мазмун-моҳиятига қўра мувофиқ компетенциялар кўрсатилган, айни пайтда қўшимча топшириқлар бериш орқали бошқа компетенцияларни ҳам шакллантириш мумкин.

Қуйида 5-11-синфлар кесимида мумтоз адабиётдан таълим мазмунини шакллантириш юзасидан тавсияларимизни келтирамиз:

Тажриба-синов натижаларига кўра 5-синфда мумтоз адибларнинг қуидаги ижод намуналарини ўрганиш мақсадга мувофиқ экани аниқланди:

1. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”дан ижтимоий тоифалар берилган олти парча ўрганилади. Улар қуидагилар: “Олим илми элга бўлади

машъал”, “Шоирлар сўз терувчилар”, “Деҳқоннинг қўли кенг”, “Савдогар – номингни элга етказар”, “Чорвадор – ҳамма ҳайвонларга сардор”, “Ҳайратли ишларнинг эгалари”. Матнлар болалар учун шоир Саъдулла Аҳмад шеърий табдил қилган “Қутадғу билиг”нинг маҳсус нашридан танланди (нашрга тайёрловчи Боқижон Тўхлиев) [201; 93–97-б.]. Бу парчалар мактаб дастурига илгари киритилмаган. Уларнинг аҳамияти қуидагилардан иборат:

- парчалар бошланғич синфларда ёд олган шеърлардан образли тасвир кучига кўра юқори, мумтоз адабиётнинг дастлабки намунаси сифатида ўқувчилар бадиий дидини ўстиришга хизмат қилади (ТК3);
- замонавий тилга мувофиқлаштирилгани боис шеърий парчани мисрама-мисра таҳлил қилиб, ундан хулоса чиқариш кўнимаси шакллантирилади (ФК2);
- парчалардан ўқувчилар жамиятдаги табақаларнинг бадиий талқини билан танишиб, адабиёт ва ижтимоий ҳаёт муносабати ҳакида тасаввурга эга бўла бошлайдилар(ТК4);
- “Шоирлар – сўз терувчилар” парчасини ўрганиш асносида бадиий ижод мартабаси, шоирнинг жамиятда тутган ўрни, ижод аҳлига қандай муносабатда бўлиш лозимлиги тўғрисида тушунча берилади (ТК4). “Тасаввур ва ижодий қобилиятни шакллантириш ҳамда тўғри йўналтира олиш эстетик тарбияда муҳим аҳамият касб этади” [34; 33-б.].

2. Аҳмад Яссавий ҳикматларидан нодонлар ва нафсни қоралашга багишлиган шеърлар ўрганилади. Бу ҳикматлар Б. Саримсоқов ва бошқаларнинг 5-синф “Адабиёт” дарслигига киритилган [188; 82–85-б.] ва бир неча йиллар давомида ўқитишда яхши самара берган эди.

- “Девони ҳикмат”нинг тили ҳозирги адабий тилга жуда яқин. Тавсия этилган ҳикматлар тўғрисида гап кетганда, юқорида “Қутадғу билиг”га нисбатан айтилган фикрларни билдириш мумкин;
- ўқувчилар илк бор инсоннинг маънавий даражалари: нодонлик ва оқилликнинг шеърий талқинини ўрганадилар, уларни мушоҳада этадилар(ТК3);

– мумтоз адабиёт билан бевосита боғлиқ бўлган тасаввуф таълимотидаги асосий категориялардан бири бўлмиш нафс тушунчаси билан таниширилади. Бу кейинги синфларда бериладиган намуналарни ўрганишда катта аҳамиятга эга (ТК3);

– шаклан ўхшашлиги боис навбатдаги мавзу (Навоий рубоийлари)ни ҳамда кейинги синфларда ўрганилажак рубоий жанрини ўзлаштиришга замин ҳозирлайди (ФК2).

3. Навоий рубоийлари. Улар ҳам Б. Саримсоқов ва бошқаларнинг зикр этилган дарслигига киритилган ва амалиётда ўзини оқлаган эди [188; 92-б.]. Танланган рубоийлар насиҳат тарзидаги гўзал бадеҳалар бўлиб, болалар ёшига тўғри келади. Бу рубоийлар ўқувчилар юзлашган асл мумтоз асарлар бўлиб, уларнинг дидактик аҳамияти қуидагичадир:

– ўқувчилар луғатдан фойдаланган ҳолда асар мазмунини англашга, уни таҳлил қилишга илк бор тутинадилар ва бу борада дастлабки тажрибага эга бўладилар (ФК1);

– тил жиҳатидан болаларга анча қийин кўринса-да, рубоийлардаги мисраларнинг синтактик қурилиши ўзбек тилидаги гап бўлакларнинг жойлашиш тартибига мос келади, уларда арабий, форсий изофанинг, синтактик инверсиянинг деярли йўқлиги таҳлилни бир мунча осонлаштиради. Бу мумтоз намуналарни илк бор мустақил таҳлил қилаётган 5-синф ёшидаги бола учун аҳамиятлидир (ФК2);

– илк бор шеъриятда фаол қўлланадиган ва таҳлилда мураккаблик туғдирадиган луғавий бирликлар: эран, анга, бирла, хўб каби архаик сўзлар, -ға, -дин каби морфологик кўрсаткичлар, зевар, абтар, матлуб, марғуб каби ўзлашган сўзлар, ёр (дўст маъносида), ағёр каби шеърий образлар билан таниширилади (ФК1);

– рубоий мисолида мумтоз жанрлар, аruz истилоҳлари: аruz вазни, ҳазаж, ахрам ва ахраб (бу атамалар факат маълумот учун берилади, чуқур кирилмайди), рубоийнинг қофияланишига кўра шакллари, қофия, радиф ҳақидаги назарий маълумотлар сингдирилади (ФК2).

4. Саъдий Шерозийнинг “Гулистан” асаридан олинган ҳикоятлар. Уларни тавсия этарканмиз, қўйидаги аҳамиятли жиҳатлари эътиборга олинди:

- бу адабнинг асарлари асрлар давомида Шарқ адабиёти, жумладан, бизнинг аждодларимиз жорий қилган таълим тизимида муңтазам ўқитиб келинган ва ёш авлоднинг маънавий, маърифий ҳамда бадиий-эстетик тарбиясида мухим манба сифатида қаралган (ТК3);
- мумтоз ҳикоят жанрининг ўзига хослиги, замонавий адабиётда яратилган ҳикоялардан фарқли жиҳатлари тўғрисида ўқувчиларда тасаввур хосил қилинади (ФК1);
- мумтоз ҳикоятларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш бўйича ўқувчиларда дастлабки билим, тажрибалар шакллантирилади, қиссадан ҳисса чиқаришга ўргатилади (ФК2).

6-синфда олдинги синфда берилган билимлар чукурлаштирилади, тажрибалар мустаҳкамланади, кўниқмалар ривожлантирилади. Таржимани истисно қилганда, ўрганиш учун танланган матнларнинг асли (оригинали) олиниши шарт. Тажрибалар биз тубанда қайд этаётган тўрт сиймонинг асарларидан намуналар ўрганиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди.

1. Жалолиддин Румийнинг “Маснавий”сидан “Имтиҳон қилувчилар олдида Луқмон фазлу донишлигининг намоён бўлиши”, “Бир амир оғзига илон кирган кимсани ранжитгани” шеърий ҳикоятлари [186; 131–132-б., 162–164-б.] (Жамол Камол таржимаси). Мактаб адабиёт дастурига мутафаккир адаб асарини киритишни тавсия этилиши сабаби қуйидагича:

- таржимон асарни арузнинг рамали мусаддаси маҳзуф вазнида ўгириб, аруз оҳангি ва мумтоз достонларга хос услубни таъминлаганки, бу ўқувчиларда лиро-эпик асарларни таҳлил қилиш малакаларини ривожлантиришда қўл келади (ФК2);
- 5-синфда “Қутадғу билиг”ни ўрганиш орқали эпик асарларни таҳлил қилиш тажрибаси шаклланади. Аммо бу асарда муаллиф томонидан қиссадан ҳисса чиқарилган бўлса, “Маснавий” ҳикоятларидан ўқувчининг ўзи

хулосалар чиқариши, муаллиф яширган бадиий ниятни кашф қилиши талаб этилади (ФК1). “Зоҳирда яққол кўриниб турмайдиган нарсаларни (воқеликни) илғай олиш ва улардан умумлашмалар ясай олиш эстетик тарбиянинг, хусусан, адабий таълимнинг самарали хулосасидир” [41; 40-б.];

– берилган парчалар табиат ва жамият инсон учун бир рамз, бу рамзлар орқали Яратувчи пинҳон қилган олам ва одам ҳақиқати кашф қилиниши мумкинлигини ўқувчилар англаб борадилар (ТК3,5);

– Румий асарлари шу синфда ўрганилажак ўзбек мумтоз намуналаридан олдин берилиши мақсадга мувофиқ. Негаки, таржима туфайли юзага келган тил ва ифодадаги соддалик аruz адабиёти намуналарига осон киришга йўл очади, навбатдаги бир мунча мураккаб матнларни ўрганиш олдидан ўқувчиларга ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтайди (ФК2).

2. Навоийнинг рубоий ва қитъалари (“Розни асра чунки фош эттинг...” [171; 263-б.], “Нокасу ножинс авлодин...”, “Камол эт касбким”) ҳамда “Хайрат ул-аброр”нинг ростгўйлик, тўғрилик ҳақидаги бобидан “Шер ва Дуррож” масали. Навоий ижодини ўрганиш албатта аввал кичик жанрлар, сўнг достондан олинган парчани ўзлаштириш билан амалга ошириш лозим. Рубоий, туюқлар таҳлили анча мураккаб бўлган эпик асар намунасини таҳлил қилиш ишини енгиллаштиради. Шеърларни ўрганиш асосида илгари орттирилган кўникмалар ва малака жонлантирилиб, достон парчасини ўзлаштиришда қулайлик тутдиради:

– кичик жанрлардаги асарларни ўрганиш асосида шеърларни таҳлил қилиш бўйича кўникма шакллантирилади. Ўқувчига енгиллик тутдириш, ёрдам тариқасида луғатда нафақат сўзлар, балки маъно чиқаришлари қийин бўлган изофавий ибора ва жумлаларнинг маънолари ҳам бериб борилади (ФК1);

– рубоий ва қитъаларда илгари сурилган фалсафий фикрлар, хаётий мулоҳазалар, кузатишлар шарҳланади ва айни пайтда уларнинг ифодасига алоҳида эътибор қаратилади, шоирнинг маҳорат қирраларига алоҳида урғу берилади (ФК2);

- қитъа ҳақида маълумот, рубоий ва қитъа жанрларининг ўхшаш ва фарқли томонлари тўғрисида тушунча берилади (ФК1);
- олдин ўрганилган таржима достонлардан фарқли ўлароқ “Ҳайрат ул-аброр”дан олинган парча билан ўқувчилар биринчи бор мумтоз достоннинг асл (оригинал) матнини таҳлил қилишга киришадилар ва дастлабки тажрибага эга бўладилар (ФК2).
- достон таҳлили давомида ўқувчилар ортирган билим ва кўникмалар қай даражада эканлиги ойдинлашади (ТК1).

3. Хўжаназар Ҳувайдонинг “Роҳати дил” достонидан “Баёни ғаддорийи дунё” бобини ўрганиш. Боб Баҳодир Саримсоқов ва бошқаларнинг 6-синф дарслигига киритилган [189; 37–43-б.] ва шу синф ўқувчиларига ҳар томонлама мос келиши амалиётда ўз тасдиғини топган эди. Аҳамияти:

- олдин ўрганилган лиро-эпик асарларни таҳлил қилиш бўйича билим ва ортирилган тажрибалар мустаҳкамланади (ФК2);
- ўқувчилар парча мазмунидан келиб чиқсан ҳолда дунё ишқи ва нафс тушунчалари замиридаги иллатни англаб етадилар (ТК1,3);
- шоирнинг дунё ганжи ва маънавий ганж ҳақидаги фикрлари асосида маънавиятнинг баҳоси ва аҳамиятини идрок этадилар (ТК4).

4. Гулханийнинг насрый шаклдаги “Қабутар билан Зоф”, “Тошбақа билан Чаён” ҳамда маснавий шаклида ёзилган “Маймун билан Нажжор” масалларини ўрганиш. Тавсия этишимиз сабаби қуйидагича:

- олдинги синфда Саъдий Шерозий ҳикоятлари орқали шаклана бошлаган мумтоз насрни таҳлил қилишнинг дастлабки тажрибаси, матн устида ишлаш кўникмаси ривожлантирилади(ФК2);
- мумтоз ҳикоя билан масалнинг ўхшаш ва фарқли томонлари тўғрисида тасаввур уйғотилади, масалларга хос бўлган мажозийликни кўра билиш, ундан маъно чиқариш ва хулоса қилиш бўйича илк билим ва тажрибалар шакллантирилади (ФК2).

Шундай қилиб, 6-синфда ўқувчиларнинг мумтоз адабиёт кичик лирик жанрларини таҳлил қилиш, насрий ҳамда лиро-эпик асарларни ўрганиш бўйича ўта муҳим дастлабки билим ва кўникмалар эгалланади.

7-синфнинг жорий адабиёт дастуридаги аксарият мавзулар амалиётда ўзини оқлаган. Фақат уларнинг баъзиларини айрим мулоҳазаларга кўра бошқа матнларга алмаштириш керак деб ўйлаймиз. Ўтказган тажрибаларимизга кўра бу синфда қуидаги мавзуларни ўрганиш мақсадга мувофиқ:

1. Завқийнинг “Жаҳонда камсухан ким бўлди, асрори ниҳон бўлди” ғазали, “Ажаб эрмас” мухаммаси [128; 54-б., 61-б.]. Шоир ғазали илгари Баҳодир Саримсоқов ва бошқаларнинг 6-синф Адабиёт дарслигига [189; 44–49-б.], мухаммас эса ҳозирда амалда бўлиб турган Қ.Йўлдошев ва бошқаларнинг 7-синф Адабиёт дарслигига киритилган. Ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг ҳам физиологик, ҳам психологик хусусиятларига мос келиши жиҳатдан бу икки шеър эътиборимизни тортди. Чунки “...ижтимоий-сиёсий воқелик шарҳи ёки дидактик мазмундаги чақириқлар ўсмир онгига ва қалбига энг оптималь ифода шакллари орқали мурожаат қилингандагина самарали таъсир кўрсатади” [93; 69-б.]. Аҳамияти:

- ўқувчиларга илк бор ғазал, унинг жанр белгилари, мавзуси тўғрисида маълумот берилади (ФК1);
- дидактик мавзусидаги мумтоз шеърларнинг образлари, уларга хос хусусиятлар тушунтирилади ва шу тариқа уларда таҳлил кўникмаси шакллантирилади (ФК2);
- мухаммасни ўрганиш воситасида ижтимоий-сиёсий лирика намунаси билан таништирилади, ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратилади (ТК4);
- мумтоз шеърият поэтикасини тушунишга, муаллифнинг бадиий ниятини идрок этишга хизмат қиласиган шеърий санъатлар билан таништирилади (ФК2).

Ғазалларини ўрганиш бўйича асосий фикрлар “Адабий сабоқлар – 7” қўлланмасида баён этилган [143; 107–112-б.].

2. Алишер Навоий. “Шоҳ Ғозий” (“Ҳайрат ул-аборор”дан), “Мехр ва Суҳайл” (“Сабъаи сайёр”дан) ҳикоятлари. Мазкур парчалар узоқ йиллар давомида мактаб адабий таълимидаги ўқитилди ва ижобий натижаларга эришилди. Лиро-эпик асарларни ўқитиш давомида шакллантириладиган билим, малака ва кўникмалар Ш.Орифийнинг рисоласида баён этилган [181].

3. Сайфи Саройи. “Гулистон бит-туркий”дан ҳикоятлар. Адибнинг бу асари 1991 йилдаги “Адабиёт” дастурига кўра нашр этилган 8- ва 9- синф дарслкларига киритилган эди. Бу асар тавсия этилишининг икки сабаби бор:

– биринчидан, асар аслида Саъдий Шерозийга тегишли бўлса-да, эркин таржима бўлганлиги учун ўзбек мумтоз насрига хос барча белгилар мужассам. Мазкур ҳикоятлар воситасида олдинги синфларда мумтоз наср намуналарини таҳлил қилиш кўникма ва малакалари мустаҳкамланади (ФК2);

– иккинчидан, асрлар мобайнида Туркистон ўқув муассасаларида ўқитиб келинган ва ўзининг юксак бадиияти, умуминсоний қадриятларга эш мазмун-моҳияти билан неча-неча авлодларнинг маънавий камол топишига туртки берган бу сиймонинг насрый ижоди юқори синфларда ўрганиш тавсия этилаётган мураккаблик даражаси юқорироқ бўлган “Қиссаси Рабғузий” асарини шарҳлаш ва таҳлил қилиш учун ўзига хос тайёргарлик босқичи вазифасини ўтайди (ФК2, ТК5).

4. Увайсий ижоди. Увайсий лирикаси бошқа мумтоз шоиралар ижодидан бирмунча фарқи қиласи [129]. Шоиранинг “Соғиндим” радифли ғазали, “Анор”, “Ёнғоқ”, “Кун ва тун” чистонлари тавсия этилади. Бу шеърлар шўролар даврида ҳам, мустақилликдан кейин ҳам адабиёт дарсларида ўрганилган, шу синф ўқувчиларига ўтиш ўринли бўлишини адабиёт ўқитувчилари маъқуллайдилар. Шоиранинг тавсия этилаётган шеърлари хусусидаги мулоҳазалар қуйидагича:

– охирги дастурда “Соғиндим” радифли ғазали ўрнига “Мехнату аламларга мубтало Увайсийман” ғазали киритилган ва унда “ижтимоий ҳаёт ҳодисаларидан норозилик, уларга нисбатан кўнгилдаги изтироб ва

кечинмаларнинг таъсирли акс эттирилиши” деб талқин берилган. Аслида “Увайсийман” шеърида ижтимоий норозилик мотивлари эмас, балки шоиранинг сўфиёна кечинмалари баён этилган. Бу шеърни ўрганиш учун ўқувчилар маълум даражада тасаввуф таълимоти ҳақида тушунчага эга бўлишлари лозим [58]. Ҳали тасаввуф таълимоти ва сўфийлик адабиёти билан таниш бўлмаган ўқувчиларга бу ғазални бериш ўринли бўлмайди (ТК2);

- Завқий ғазалида дидактик мавзунинг юксак бадиий ифодасини, мухаммасида ижтимоий-сиёсий пафосни кузатган ўқувчи шоира ғазали мисолида аниқ бир воқеа муносабати билан ёзилган биографик асарни ўрганади ва мумтоз шеъриятнинг етакчи жанри бўлмиш ғазалнинг мавзу қамрови тўғрисидаги тушунчалари ортиб боради (ФК1);
- мумтоз шеъриятнинг навбатдаги жанри – чистон ҳақида маълумот бериш билан ўсмирлар халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт муносабати, ўзаро алоқаси ва таъсирини ҳам идрок этадилар (ФК1).

5-7- синфларда ўсмирларда мумтоз намуналарни ўрганиш бўйича дастлабки билим ва тажрибалари шакллантирилади. Тарбияланувчилар матнларни ифодали ўқишига, маъно чиқариб, мазмунни уқишига, сўз санъати гўзаллигини кўришига одатланадилар. Кейинги икки синфда уларнинг бу жиҳатлари мустаҳкамланади, ривожлантирилади. “Айни пайтда туйгулар ҳам тарбияланиши керак” [62; 99-б.].

8-синфдан бошлаб мумтоз намуналар мазмунан кенгроқ, моҳиятан чуқурроқ таҳлил этила бошланади. Олдинги синфларда асосан асарларнинг юзага қалқиб турган маъноси ва шакли таҳлил қилинган бўлса, энди уларнинг ботинига, ижтимоий ҳаёт билан алоқасига ҳам назар ташланади. Шу мақсаддан келиб чиқиб, мавзулар қуидагича танланади:

1. Тасаввуф таълимоти ва сўфийлик адабиёти. Бир соат давомида бериладиган бу маълумотлар орқали қуидаги натижаларга эришиш кўзда тутилади:

- тасаввуф таълимоти, унинг моҳияти ва мақсади, босқичлари тўғрисида тасаввур уйғотилади, нафс ва ишқ категориялари моҳияти очиб берилади [104];
- бу таълимотнинг Шарқ адабиёти образлар тизими, тасвир йўсини, оламни идрок қилиш тарзига таъсири ҳақида тушунча берилади;
- маънонинг серқатламлиги мумтоз адабиётга хос фазилат эканлигига дикқат қаратилади, зоҳирий ва ботиний маъно қатламлари мисоллар асосида исбот этилади;
- маъно қатламига кўра асосий образларнинг ирфоний ёки ижтимоий ёхуд индивидуал моҳият касб этиши уқтирилади, тасаввуфий истилоҳлар билан таништирилади. (ТК1,2) , (ФК1)

2. Сўфи Оллоёр шеърлари. Материал сифатида сўфиёна қарашлар ёрқин акс этиб турган ҳикматлар танланади. Бундан қуидагилар кўзда тутилади:

- тасаввуф таълимоти ва сўфийлик адабиёти бўйича олган билимларни туркий тасаввувнинг йирик намояндаси ижоди мисолида қўллаш орқали ирфоний шеърларни таҳлил қилиш кўникмаси шакллантирилади (ФК1);
- тасаввуфий тушунчалар, образларнинг бадиий ижоддаги талқини билан, улар ташийдиган фикр, мазмун ва гоялар билан таништирилади, ифодасига дикқат қаратилади (ФК2);
- ўсмирлар миллий ва диний бағрикенглик, покиза диний эътиқод рухида тарбияланади, уларда заарли оқимлар таъсирига қарши мафкуравий иммунитет шакллантирилади [7] (ТК5).

3. Хоразмий. “Мұхаббатнома”. Мустақилликдан кейинги барча дастур ва дарсликларга киритилган бу асар ўқувчилар томонидан қийинчиликсиз, айни пайтда катта қизиқиш ва завқ билан ўрганилиши тажрибаларда қузатилди. Бу асар орқали

- нома жанри, унинг композицион тузилиши, ўзига хослиги ҳақида маълумот берилади, асар таркибидаги турли шеърий шаклларни ўрганиш асносида мумтоз шеъриятнинг бир нечта жанрларини бир йўла таҳлил қилиш имконияти туғилади (ФК2), (ТК2);

- зуллисонайнлик тушунчаси ва анъанаси тушунтирилади (ФК1), (ТК2);
- ўқувчилар достоннинг сара байтлари мисолида бадиий маҳорат, тасвир ва ифода ўзига хослиги каби поэтик қирраларни кузатадилар, уларни кашф қилиш кўникмаларини орттирадилар (ФК2);
- айрим шеърлардаги унча бўртиб турмаган тасаввуфий чизгиларни топишни ўрганадилар (ФК2).

4. Лутфий. Лирикаси. “Жамолу ҳуснунгга сўз йўқ...”, “Ё Раб, ул дилбар малак ё хур...”, “Сенсан севарим хоҳ инон, хоҳ инонма”, “Аёқингға тушар ҳар лаҳза гису” ғазаллари ҳамда туюқлар [158; 22-б., 14, 80, 214, 348–350-б.] .

Бу шеърлар танланиши боиси қуйидагилардан иборат:

– танланган ғазаллар Лутфий ижодининг энг сара намуналар саналади. Уларда тасаввуфий қарашлар билан изоҳланадиган байтлар бор бўлиб, бу борадаги олдин ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни мустаҳкамлашга имкон яратади (ФК2), (ТК2);

– уларда мумтоз шеъриятнинг асосий икки образи: ошиқ ва маъшуқа иштирок этган бўлиб, ўзларининг доимий характер хусусиятлари тўла намоён бўлганларки, ўқувчиларга 7-синфда ўзлаштирилган билимларни такрорлаш, янги қирраларни идрок этишда ёрдам беради (ФК2), (ТК3);

– туюқ жанри тўғрисида маълумот берилади, мазкур шеърий шаклга мансуб асарларни таҳлил қилиш ўргатилади (ФК2), (ТК2).

5. Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асаридан парчалар. Асарнинг мазкур синфда ўқитилиши лозимлиги яна қуйидаги асослар билан изоҳланади:

– амалда бўлган 6-синф Адабиёт дарслигида [122; 181-192-б.] берилган парча (боб)лар 8-синфда ўқитилиши мақсадга мувофиқ, негаки буюк мутафаккирнинг умрлик ҳаётий қузатишлари асосида ёзилган бу панднома (танbih)лари 6-синф ўқувчилари учун тил нуқтаи назаридан ҳам, уларнинг ҳаётий тажрибасига кўра қабул қилишида ҳам мураккаблик қиласди [86] (ТК1).

- 5-синфдан ўқувчиларда шаклланиб келаётган мумтоз асарларни, хусусан, насрни ўрганиш тажрибасидан келиб чиқиб, матннинг ҳозирги тилга табдилини беришга ҳожат қолмайди (дарсликларда матнлар табдилини бериш тарбияланувчиларни мумтоз адабиётдан узоқлашишига сабаб бўлмоқда) (ФК2), (ТК3);
- инсон эгаллаши керак бўлган маънавий сифатлар, узоқлашиши лозим бўлган хулкий кусурларнинг навоиёна маърифий талқини билан танишадилар, улардан таъсиrlаниш орқали тарбияланадилар (ТК5);
- Навоий насли бадиияти устида ишлаш тажрибасини ва бошқа дидактик асарлар билан қиёслаш [149] қўникмаларини эгаллайдилар (ФК2).

6. Нодира. Лирикаси. “Васл уйин обод қилдим...”, “Қилмағил зинҳор изҳор эҳтиёж” ғазаллари. Бу ўринда юқоридан давом этиб келаётган мавзулар тавсифига қўшимча шу бўладики, ҳасби ҳол ҳамда дидактик шеърият ва уларнинг хусусиятлари ҳақида маълумот берилади (ФК2), (ТК3).

9-синфда танланган ўқув материалларини ўрганишда эгалланган билим, қўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш кўзда тутилади ва улар имкон қадар мукаммалроқ таҳлил қилишга қаратилади. Бу синфда қуйидаги материалларни ўргатиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Имом Бухорий ҳаёти ва фаолияти. “Ал-жомеъ ас-саҳих” (“Ишончли тўплам”) ҳадис тўплами ҳақида маълумот. Мавзудан кўзланган мақсад:

- Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларининг инсон маънавияти юксалишида тутган ўрни танланган ҳадислар мисолида тушунтирилади (ТК3);
- Имом Бухорий шахсидан ибрат олиш, ҳаётда у ва бошқа буюк аждодларимизга лойиқ авлод бўлиш туйғуси шакллантирилади [27] (ТК4);
- ахлоқ-одобга оид ҳадисларнинг ўзига хос хусусиятларига дикқат қилинади, уларда эзгу инсоний фазилатларнинг ихчам воқеий ҳикоялар асосида ифодаланишини таҳлил қилишга ўргантилади ва ҳадисларнинг

миллатимиз ахлоқий қадриятларини шакллантиришдаги ўрнига урғу берилади (ТК1,5);

– ўқувчиларда ҳадислар матнидаги тагмаънони уқиш, ҳадислар маъносини ҳаётий воқеаларга боғлаб шарҳлаш кўникмалари ривожлантирилади (ФК1);

– ўқувчиларда ҳадисларнинг Шарқ адабиёти, хусусан, ўзбек мумтоз адабиёти мавзу, моҳият ва ғоявий-бадиий жиҳатларига таъсири тўғрисида тасаввур ҳосил қилинади (ФК2), (ТК2).

2. Алишер Навоий. “Хамса”. “Фарҳод ва Ширин” достонидан парчаларни ўқиш, таҳлил қилиш. Нима учун бу асар тавсия этилаётганини куйидагича изоҳлаймиз:

– “Хамса” достонлари, хусусан, “Фарҳод ва Ширин” воситасида Навоий даҳоси ва у орқали халқимизнинг бадиий тафаккур қудратининг намоён бўлиши ўқувчиларга сингдирилади (ФК1), (ТК2);

– Ўқувчиларнинг мумтоз достонларга хос бўлган эпик қўламни идрок этишларига, олам ва одам ҳақидаги шарқона дунёқарашни ҳис этишларига эришилади (ФК1), (ТК2);

– “Фарҳод ва Ширин” достонининг энг муҳим жиҳатларини эпизодик лавҳаларда кенгроқ ўрганиш орқали Навоий достонларига хос бўлган ғоявий, бадиий-эстетик мукаммалликни таҳлил қилиш кўникмаларини эгаллайдилар, луғатлар билан ишлаш малакалари ривожлантирилади [71] (ФК2), (ТК2);

– тасаввуф таълимотнинг бош ғояси, тасаввуф адабиётининг тасвир ва тавсиф марказига қўйилган комил инсон ҳақида маълумот берилади, (ФК2), (ТК2).

3. Хожа. “Гулзор” асаридан ҳикоятлар. Адиб ҳикоятлар мустақилликдан кейинги дастлабки Адабиёт дастур ва дарсликларида киритилган эди [173; 96 –100-б.] ва уларнинг дастурга киритилиши ҳақида амалиётчи ўқитувчилар илиқ, ижобий фикрда бўлганлар. Хожа ҳикоятларининг аҳамияти куйидагича:

– наср мумтоз адабиётда унча катта ўрин тутмайди, шунинг учун бу адабий турда асарлар ёзган муаллифлар бармоқ билан саноқли. Мумтоз наср намунаси сифатида ҳажман кичик, мазмунан теран, услуби содда ва тили унча мураккаб бўлмаган Хожа ҳикоятларини бериш мақсадга мувофиқ (ФК2);

– ушбу ҳикоятлар орқали ўқувчилар мумтоз насрга мансуб бўлган асар билан танишадилар, уларда мумтоз ҳикоятни ўқиш, уқиш малакаси, насрий асарни таҳлил қилиш бўйича қуи синфларда шакллантирилган дастлабки кўнилмалар ривожлантирилади (ФК1), (ТК3);

– замонавий ҳикоя ва мумтоз ҳикоятнинг ўзига хос жиҳатларига диққат қаратилади (ФК1);

– мумтоз насрий асарнинг лексик, морфологик, синтактик ўзига хослигига тарбияланувчилар эътибори тортилади (ФК2), (ТК3).

4. Муҳаммад Ризо Оғаҳий. Лирикаси. “Илоҳи, ҳар кунинг наврӯз бўлсин”, “Қотиғроқ келмади ҳаргиз жаҳонға ушбу қишинин қиши”, “Мушкин қошининг ҳайъати” ғазаллари; шоирнинг кичик шеърий жанрдаги асарлари: муаммо, туюқ, таърих, тарафайн [177] (ФК2).

5. Фурқат. Лирикаси. “Фасли навбаҳор ўлди...”, “Ул қаро кўз...”, “Сурмадин кўзлар қаро...”, “Биз истиғно эли...” ғазаллари; “Сайдинг қўябер, сайёд...” мусаддаси (ФК2).

Кейинги бу икки шоирнинг асарлари 5-синфдан бошланган лирик намуналарни ўрганиш жараёни ўқувчиларда хосил қилинган тажрибаларидан, уларни киритишда назарда тутилган аҳамиятидан келиб чиқиб, янада такомиллаштириб ўрганишни кўзда тутган ҳолда тавсия қилинди.

Охирги Адабиёт дастурига [13] кўра 10-, 11-синф дарслигига киритилган мумтоз адабиёт намуналари [195, 196] биз юқорида тавсия этганимиз 10-синфгача бўлган мумтоз адабиёт таълими мазмунини тадрижий ривожлантиради. Бу дастурни янада такомиллаштириш мумкинлиги ва зарурлигини эътироф этган ўзимизнинг баъзи тавсияларни келтириб ўтамиз.

10-синф дастурига кўра мумтоз асарлардан дастлаб Аҳмад Яссавий ҳикматларини ўрганиш назарда тутилган эди. Юқорида муайян дидактик мақсадни кўзлаган ҳолда бу мавзу 8-синфда тасаввуф таълимоти ва сўфийлик адабиёти ҳақидаги маълумотлардан кейин берилишини тавсия этдик. Синфлар кесимида мавзуларни мувофиқлаштириш талабига кўра бу адабий сиймо 10-синфда такрор берилмаслиги керак. Шу боис мумтоз намуналарни ўрганиш мазкур синфда Атоийдан бошланади.

1. Атоий ижоди. Бунда Атоий лирикасининг жанр хусусиятлари, шоирнинг ғазал устаси эканлиги, шоир ғазалларида халқона оҳангларнинг устуворлиги, ғазалларнинг тузилиши, бадиий хусусиятлари ва уларда қўлланган шеърий санъатлар таҳлилга тортилади (ФК2).

3. Навоий лирикаси. “Хазойин ул-маоний” куллиёти ҳақида кенгрок тушунча берилади, шоир ғазаллари, рубоийлари ва қитъалари таҳлил қилинади, шеърий санъатлар ва уларнинг моҳирона қўлланиши ёритилади (ФК2).

4. Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнинг буюк носир эканлигига урғу берилиб, “Бобурнома”нинг қомусий, мемуар асар эканлиги, унинг илмий-маърифий ҳамда бадиий қиймати очиқланади. Бадиий адабиётдаги Бобур образи билан “Бобурнома”даги муаллиф солиштирилади [188] (ФК1,2).

5. Турди Фарогий лирикаси. “Тор кўнгуллик беклар” ғазали ҳам аввалдан дастур ва дарсликлардан муқим жой олган бўлиб, бунинг ўзига хос сабаби бор: ғазал ўзбек адабиётида сиёсий лириканинг дастлабки намунаси саналади ва бу мумтоз адабиётнинг ўқувчилар ҳали дуч келмаган пафоси билан таништиради; у адабиёт тарихида миллатни бирликка, яқдил бўлишга даъват этган миллатпарвар шахснинг виждан ҳайқириғи ўлароқ яратилган биринчи шеърdir [152; 301]; ғазал публицистик рух ва услуб ўзига хос бадиият билан йўғрилганки, ўқувчиларнинг ижтимоий-сиёсий қараш ва тушунчаларини миллий асосда тарбиялашга хизмат қиласи. “Турдиман” радифли шеърида шоир биографиясига хос чизгилар мавжудлигига диққат қаратилади, бадиияти таҳлил қилинади. (ФК2), (ТК4)

6. Муқимий лирикаси. “Эй, ёри жоним”, “Навбаҳор”, “Толеим”, “Сайлов” ғазаллари, “Танобчилар” сатираси [124; 158,170,157,44,37-6.]. Қуидаги дидактик мақсадлар кўзланади:

- ўқувчиларда мумтоз бадиий тафаккурга хос жиҳатлар ҳамда мумтоз шеърларни таҳлил қилиш малакалари мустаҳкамланади (ФК2);
- биографик омилларга кўра шеърларни шарҳлаш малакаси ривожлантирилади (ФК2);
- жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ҳодисалар талқини акс этган шеърларни ўрганиш орқали ўқувчиларнинг бугунги кун воқеликларига муносабатини шакллантириш орқали уларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси мустаҳкамланади (ФК2), (ТК4).

Охирги Адабиёт дастуридаги [13] 11-синфда ўрганиш учун тавсия этилган асарларни ўзбек мумтоз адабиётининг миллатимиз бадиий-эстетик кудрати, умуминсоний қадриятларга эш фалсафий, ижтимоий-сиёсий қарашлари акс этган энг сара намуналар дейиш мумкин. Шубҳасиз, улар Адабиётдан фанга оид *адабий-нутқий* ҳамда *бадиий асарни таҳлил қилиши компетенцияларини* ҳамда умумий таянч компетенцияларни тугал шакллантиришда энг қулай восита ва омил бўлиб хизмат қиласи. Бунинг қуида изоҳларини келтирамиз.

1. Юсуф Хос Ҳожиб, “Қутадғу билиг” асари:

- Юсуф Хос Ҳожибнинг дидактик достончиликнинг асосчиси эканлиги, дидактик достоннинг ўзига хос жиҳатлари, бошқа тур достонлардан фарқи каби маълумот ва билимлар берилади [93; 8-б.], қуи синфларда ўтилганлар билан қиёслаш орқали фанга оид *адабий-нутқий компетенция* ривожлантирилади (ФК1);
- матнда тасвирланган воқеа-ҳодисалар, образлар таснифи, қаҳрамонлар ҳақида шахсий мулоҳазасини билдириш орқали ўқувчиларнинг *бадиий асарни таҳлил қилиши компетенцияси* мустаҳкамланади (ФК2);
- достондагиadolat, давлат, ақл, қаноат сингари ижтимоий ҳамда маънавий тушунчаларнинг рамзий тарзда гавдалантирган тўрт тимсол

тавсифини шарҳлаш орқали ижтимоий фаол фуқаролик компетенциясини ўстириш вазифаси адо этилади (ТК4).

2. Носириддин Рабғузий. «Қиссаси Рабғузий”дан «Қиссаси Қобил ва Ҳобил”, “Расул алайҳиссалом вафот сўзлари” парчалари, “Кун ҳамалға кирди эрса...” ғазали. Мазкур асарнинг тавсия этилиш сабаби қўйидагичадир:

– асар ўзбек мумтоз адабиётининг ноёб дурдоналаридан бўлиб, адабиёт ўқитишдан кўзланган мақсад ҳамда белгиланган вазифаларни амалга оширишда бекиёс манба саналади (барча таянч ҳамда фанга оид компетенциялар);

– асар Шарқ адабиёти бадиияти, образлар тизими, ғоявий йўналишининг асосини ташкил этувчи ислом дини ва тасаввуф ғоялари билан суғорилгани боис мумтоз намуналарни тўғри англаш, шунингдек, агиографик асарларнинг ўзига хослигини идрок этиш томон йўл очади (ФК2);

– 5-синфдан шаклана бошлаган мумтоз наср намуналарини ўқиш, уқиши ва таҳлил қилиш кўникмаси ривожлантирилади. Ҳикоятлардан кўра бу матнлар ҳажмининг катталиги, кўтарилган муаммолар қамрови ҳамда хилма-хиллиги бунга имкон беради (ФК1);

– қиссаларда бу борлиқнинг илоҳий бир моҳияти, унда инсоннинг марказий ўрин тутиши, барча воқеликлар ортида рамзий-мажозий шаклда улкан ҳаёт ҳақиқатлари яширганлиги, аксарият мумтоз намуналар шундай тушунилиши лозимлиги ўқувчиларга сингдира борилади (ФК2), (ТК5);

– дидактик тадбирлар тўғри қўлланиб, таҳлил иштирокчиларининг фикрлаш мустақиллигига эътибор қаратилса, ўқувчиларнинг инсон ва ҳаёт воқеликларига қарашлари, муносабатлари ўзгара боради (ТК3).

3. Алишер Навоий.“Лайли ва Мажнун” достони:

– Алишер Навоийнинг даҳоси, ҳамсачилик анъаналари ривожида Алишер Навоийнинг ўрни, “Хамса” достонларининг мантиқий алоқадорлиги, уларда дунёвий ва тасаввуфий ғояларнинг акс этиши, достонларда ишқ, ватан, ватанпарварлик,adolat, меҳнасеварлик ғояларининг улуғланиши борасида дарс машғулотида сухбат уюштириш орқали фанга оид адабий-

нүтқий компетенция ривожлантирилади (ФК1);

– достондаги тасаввуфий ғояни илғаш, воқелик ва образлар замирида яширинган рамзийликни таҳлил қилиш, муаллиф поэтик маҳоратини очиқлаш билан ўқувчиларда бадиий асарни таҳлил қилиш компетенцияси ривожлантирилади ва айни пайтда қай даражада шаклланганлиги назорат қилинади (ФК2);

– асарни ўрганиш асносида олам моҳияти, оламда одамнинг ўрни, вазифаси, масъулияти масалаларини таҳлил қилиш орқали ўзини-ўзи ривожлантириш, миллий ва умуммаданий компетенциялар мустаҳкамланади (ТК3, ТК5).

4. Захириддин Мұхаммад Бобур лирикаси:

– 10-синфда “Бобурнома”ни ўрганиш орқали олинган маълумот ва билимлар воситасида шоир шеъриятида ҳасби ҳол мотивлари очиқланади, шу мавзуда сухбат уюштириш ўқувчиларда фанга оид адабий-нүтқий компетенцияни назорат қилишда қўл келади (ФК1);

– мумтоз асарлар серқатламлигининг анъанага таяниш, ҳасби ҳолдан келиб чиқиш ва маънавий-мафкуравий мухит сингари омилларига таянган ҳолда Бобур лирикасида маъно қатламлиликни ўрганиш ўқувчиларда бадиий асарни таҳлил қилиш компетенцияси такомилига хизмат қиласи (ФК2);

– шоир шеърлари замирига яширинган Ватан, юрт соғинчи, элпарварлик мотивларини мумтоз бадиий тафаккур бадиий-эстетик компонентлари доирасида талқин қилинганлигини кузатиш ёшларда ўзини-ўзи ривожлантириш ҳамда миллий ва умуммаданий таянч компетенцияларни янада юқори босқичга кўтаришга ёрдам беради (ТК3, ТК5).

Шуни таъкидлаймизки, 5-7-синфларда мумтоз намуналарни ўрганиш юзасидан *билим* (ўрганилган маълумотларни эслаб қолиш ва қайта тушунтириб бериш) ва тажрибалар шакллантирилади (*кўникма* ва малакаларнинг дастлабки унсурларини юзага келтирган ҳолда). 8-9-синфларда мазкур *билим* ва тажрибалар *кўникма* (ўрганилган билимларни таниш вазиятларда қўллай олиш) даражасига келтирилади (албатта, бунда

малака ва компетенцияларнинг белгилари муайян кўринишларда шакллантирилади). 10-синфда бу талаблар (билим ва кўникма) ривожлана бориб малака (ўрганилган билим ва шаклланган кўникмаларни нотаниш вазиятларда қўллай олиш ва янги билимлар ҳосил қилиш), 11-синф якунида эса компетенция (мавжуд билим, кўникма ва малакаларни қундалик фаолиятда қўллай олиш қобилияти) ўлароқ тўла шаклланиб, мактаб битирувчисини мумтоз адабиёт китобхони сифатида мустақил ҳаётга кузатиш назарда тутилади.

Биз дастурларга киритилган, лекин тажриба-синов даврида ўқитувчиларнинг ўзи тушунишга қийналган, тўла идрок эта олмаган асарларни ушбу тавсиялар сирасига киритмадик, чунки “.... таълим-тарбия ишида ҳар ишнинг натижаси ўқитувчи шахсига бориб тақалади” [182; 501-б.]. Масалан, Навоийнинг “Ўн сакиз минг олам ошуби...” ғазали талқини, таҳлили бўйича мумтоз адабиёт билимдони бўлмиш етук адабиётшунослар ҳам бир ечимга келганлари йўқ. Машрабнинг “Ишқ водисидин бир кеча мен ҳай-ҳайлаб ўттим”, “Ажаб Мажнун эрурман дашт ила сахроға сифмамдур” ғазалларини тушуниш учун киши етук илоҳиётшунос, тасаввуфнинг чуқур билимдони бўлиши керак. Бу каби асарларни ўқувчига тасвия этиш фил юкини чумолига ортиб қўйишга ўхшайди. Шунингдек, Турдининг ўқувчига оғирлик қиласиган, уни руҳан чарчатадиган, қизиқишининг сусайишига сабаб бўладиган “Ёд мандин ким берур...” мухаммаси, Нодиранинг “Фироқнома” муашшари, Огаҳийнинг “Даҳр уйи бунёдким, су узрадур маҳкам эмас” таржиъбанди каби асарларни олмаслик мақсадга мувофиқдир.

Мумтоз адабиёт намуналари дастур ва дарслкларда икки шаклда а) мазмунига кўра турли рукнларга сочиб юборилган ҳолда б) алоҳида рукн остида бирин-кетин жойлаштирилмоқда. Иккаласининг ҳам ўзига хос афзаллиги бор. Биринчиси мавзу, мазмун ва ғоясига кўра ҳамоҳанг бўлган бошқа асарлар (халқ оғзаки ижоди, янги давр адабиёти намуналари) билан ягона рукн остида ўқувчиларда муайян маънавий сифат, ахлоқий қадриятларни шакллантиришда яхши натижа беради. Лекин биз учун

иккинчиси маъқул кўринди. Негаки, мумтоз намуналар бирин-кетин берилар экан, бир асар орқали шаклланган билим, кўникма ва малака кейинги намуналарда изчил мустаҳкамлана боради ва бунда орада узилишлар бўлмайди. Натижада маълумотлар бирин-кетин йиғилиб, яхлит билимга; орттирилган қўникмалар ривожланиб шаклланган малакага; ҳис қилинган туйғулар бора-бора руҳий идрокка айланади. Ана шу яхлит билим, шаклланган малака ва руҳий идрок тарбияланувчи шахсиятида бирлашиб, мумтоз адабиётни англаш тажрибасини юзага чиқаради.

Биз ушбу тавсияларимизда, аввало, адабиётдан дидактик таҳлилда амал қилиниши лозим бўлган мавзулараро узвийлик ҳамда бадиий асарни ташкил қилувчи қисмларнинг алоқадорлигига асосланган *тизимлилик тамойилига* риоя қилдик. Бу тизимлилик таклиф этилган асарларни ўрганишда ўзаро боғланиш ҳосил қиласидан ҳамда давр воқелигини бадиий асардаги инъикосини тадқиқ этадиган *тарихийлик тамойили* билан бевосита алоқадор. Айни пайтда бу икки тамойилга фақат қуруқ шаклий ёндашиш устувор бўлиб қолмаслик учун “...адабиёт ўқитиш иши жуда кўп даражада боғлиқ бўлган” [50; 96-б.] ҳиссийлик тамойилига риоя қилиш лозим. Ҳиссийлик эса ўз ўрнида “...асарни таҳлил қилишда асосий тамойиллардан бири *эстетик асосларнинг устуворлиги тамойили*”дан [50; 93-б.] келиб чиқади. Эстетиканинг ҳиссий таъсир омили эканлиги барчага аён ҳақиқат.

Маълумки, ҳар бир синф ўқувчиши ўз ёшида маълум ҳаётий ҳақиқатларни идрок эта олади, шунингдек, муайян туйғуларни қалб призмасидан ўтказишга қодир бўлади. Бу ҳақиқат тавсияларимизда *индивидуаллик тамойилига* ҳам эътибор қаратишни тақозо этди. Шу ўринда индивидуаллик “ҳар бир ўқувчининг ўзига хос руҳияти, кечинмалар тизими, таъсирчанлик хусусияти, эстетик тажрибаси борлигини хисобга олиш йўли” [50; 95-б.] эканлигини ҳам эслатиб ўтамиш. Адабиёт дарсларида маънавий тарбия етакчилиги учун унда *педагогик мақсадга йўналтирилганлик тамойилининг устувор эканлиги* тасвиялар ишлаб чиқишида диққатимиз марказида бўлди.

2.2-§. Мумтоз бадиий тафаккур тарзини шакллантириш – ўқитиш самарадорлигининг бош омили

Ҳар бир шеърий тизим ҳаётни тасвирилашнинг ўзига хос шакли, борлиқни идрок этишдаги ўзгача тафаккур тарзи саналади. Ҳар бир шеър вазнининг воқеликка муносабати, ёндашув йўсини бошқалардан фарқ қилиши ҳам шундан. Ҳар қандай лирик асар у қайси шеърий тизимга мансублигидан қатъи назар романтик тафаккур маҳсули экани маълум. Лекин қиёсан олганда бармоқ шеърияти арузга нисбатан реалистроқ, аруз эса бармоқ ёнида услубининг ўта бўёқдорлиги билан ажралиб туради. Бармоқ вазни ўзининг эволюцияси мобайнида илк давридаги ҳаёт ва борлиқдаги воқеликни бор ҳолича статистик акс эттиришдан аруз шеъриятини ҳам доғда қолдирадиган даражада кўнгил пучмоқларининг энг ички ва назардан овлоқ қирраларини, ижодкорнинг чексиз коинотдан ҳам азим бўлган кўнгил оламининг турфа манзаралари, ҳиссиёт, кечинмаларнинг бетакрор товланишларини янги шакл ва ифодаларда кашф этишгача бўлган тараққиёт йўлини босиб ўтди. Лекин Шарқ мумтоз шеърияти табиатида, воситаларида, услуг ва шаклда минг йилдан ортиқ давр ўтса-да, кескин фарқ ва сезиларли ўзгаришлар кузатилмади. Чунки бу тизим яралишидан вазн, қофия, образлари, тасвир восита, усуллари ҳамда тур ва жанрларнинг табиатида олдиндан белгилаб қўйилган қатъий қолиплар доирасидан чиқмаган ҳолда ижод қилишни тақозо этарди. Бу тўғрида Шарқ мумтоз поэтикасига бағишлиган қатор тадқиқотларда бир-бирини тасдиқловчи ва тўлдирувчи фикрлар келтирилади. Мисол тариқасида Б.Я.Шидфарнинг “Араб мумтоз адабиёти образлар тизими” [95], Б.Э.Бертельснинг “Тасаввуф ва сўфийлик адабиёти” [24] асарларини, С.Н.Ивановнинг “Ўзбек ғазалининг беш асли” мақоласини [45], И.В.Стеблеванинг “Бобур ғазаллари семантикаси” [87], Ё.Исоқовнинг “Навоий поэтикаси” [46] монографияларини, И.Хаққуловнинг ўзбек тасаввуф шеъриятининг тараққиёти тадқиқига бағишлиган докторлик диссертациясини [111] ва бошқа бир қатор ишларни келтиришимиз мумкин.

“Мумтоз адабиётда адабий тур тушунчаси ... жанрларга муносабат ҳамда ифода шакллари нүктаи назаридан ривож топган” [94; 101-б.]. Ана шу поэтик қолиплар доирасида, қатъий белгиланган бадиий андозалар чегарасидан чиқмаган ҳолда ҳаётни бадиий тадкиқ этиш ўзига хос тафаккур тарзини шакллантирган. Биз уни *мумтоз бадиий тафаккур тарзи* деб атадик.

Мумтоз бадиий тафаккур тарзи – мумтоз адабиётимизда яратилган асарларга хос вазн ва қофия қолипларига риоя қилиши, қатъий йўсинда шаклланган образлар тизими, улар ўртасидаги муносабатлар, бу образлар атрофида гурухланган поэтик воситалар ҳамда тил хусусиятларини англаш, рамзлар ва мажсоллар билан фикрлаши демакдир.

Мазкур таърифдаги мумтоз бадиий тафаккур тарзи тушунчасига кирадиган бадиий-эстетик унсурларга ва таълим амалиётида уларни ўқувчиларга сингдириш билан боғлиқ жиҳатларга эътибор қаратамиз.

1. Вазн қолипини идрок этиш. 2. Кофия қолипини идрок этиш. 3. Қатъий йўсинда шаклланган образлар тизимини идрок қилиш.

Шарқ шеъриятининг бош мавзуси ишқ-муҳаббатдир. И.В.Стеблева Бобур шеъриятини таҳлил қилар экан, ишқий шеърларда доимий образлар силсиласида асосан иккита образ: ошиқ ва маъшуқа марказий фигуralар эканини таъкидлаб, ғазаллар аксар ҳолларда биринчисининг ички кечинмалари, иккинчисининг таъриф, тавсифига қурилишини айтган эди [87; 9-10-б.]. Мазкур фикрни маъқуллаган ҳолда бу образларнинг ҳар бири ишқий мавзудаги шеърларда икки жиҳати билан намоён бўлишига ҳам диққат қаратамиз, яъни *ташқи қўринии ифодалари* (портрети) ҳамда *характер хусусияти*. Адабиёт муаллими мумтоз адабиётни тўғри тушуниш ва тушунтириш ибтидоси шу эканлигини эътиборга олиб, иш қўриши керак. Шеъриятда **маъшуқа** (ёр) ҳамда **ошиқ** образлари иштироки билан боғлиқ андозалар борлигига ўқувчилар диққати тортилади. Бошқа образлар эса асосан шу иккиликни тўлдиради, уларнинг характери, рухий ҳолатини очишга хизмат қилади. Мана шу икки асосий образга хос бўлган доимий характер белгилари, таъриф-тавсифларни билиш ва англаш мумтоз

шеъриятни тўғри ўқиши, тушуниш ва таҳлил қилиш гаровидир. Шунинг учун ҳар бирига алоҳида тўхталиб, уларнинг хусусиятларидан ўқувчиларни хабардор қилиш лозим.

Маъшуқа – ишққа сабаб бўлиб, ошиқ кўнглини ром қилган, ақлини лол этган суюкли ёр. У ниҳоятда гўзал. Гўзалиги унга нисбатан қўлланадиган ташбих (ўхшатиш)лар орқали таърифланади: қадди тик, адлки гўё сарв ёки санавбар дaraohтларига ўхшайди, соч ва кўзи тундай қора, қоши – ҳилол, юзи ой ёки қуёшни эслатади, лаблари – ғунча ёки лаъл (қимматбаҳо қизил тош), киприклари бамисоли ўқ ва ҳоказо. Айтиб ўтиш керакки, Шарқ шеъриятида **нозиклик** гўзаликнинг муҳим белгиси саналган. Шунинг учун ғазалларда ёрнинг бели жуда ингичка, оғзи беҳад торки, ҳатто баъзан ошиқ уларнинг бор ёки йўқлигини билмай ҳайрон бўлиб қолади. Маъшуқанинг хусну малоҳати баъзан бирма-бир таърифлаб ўтирилмай, гўзаликнинг доимий тимсолларига айланган гул, Лайли, Ширин, Узро, Юсуф каби образларига ишора орқали ҳам ифодаланади.

Ошиқ – ишққа мубтало бўлган ва ўзини унутган киши. Маъшуқанинг шайдоси. Ғазалда фикр, туйғу ва кечинмалар ошиқ тилидан ифодаланади. Шеърда ошиқнинг портрети маъшуқа каби чизилмайди. Деярли ҳамма ҳолларда ишқ, айрилиқ (ҳижрон) туфайли, ёрнинг вафосизлиги, ситами сабабли кўз ёшлари қон, ранги заъфарон, ҳоли забун, жисми абгор (заиф), қадди дол кўринишда тасвирланади. У ошиқлик тимсоллари бўлмиш булбул, Мажнун, Фарҳод, Вомиқ образларига ўхшатилади.

4. Бу икки асосий образ деярли ҳамма вақт ўзгармас характер хусусиятлари билан намоён бўладилар.

Маъшуқанинг одатий характер белгилари: бағритош, илтифотсиз, мағур. *Ошиққа муносабатда* бепарво, унга қиё боқмайди, ёлвориш, зорлиқларига эътибор қилмайди, унинг чексиз садоқатига жавобан давомли жафо қилаверади. Баъзан ошиқни куйдириш, унга азобни оттириш мақсадида рақибга илтифот кўрсатиб туради: “Рақибларга қилур лаълинг табассум, Қонимни ғуссадин тошурмозинг не” [234; 437-б.].

Ошиқнинг характер белгилари: у севгисига содик, вафодор, ишқда собит – ҳижрон азоби қанча қанчалар қийнамасин, маъшуқадан воз кечмайди. Ҳатто бу азоблар унга роҳат бўлиб туюлади: “*Ҳай-ҳай, на жафо қиласа санам, жонима роҳат*” [162; 330-б.]. Маъшуқанинг илтифотини қозонган рақибга муносабатда ўз нафратини очик баён этади: “*Шум рақиб айирди ноком ўз муродимдин мени, Топмасун ҳаргиз жаҳонда, ёраб, ул бадбаҳт ком!*” [208; 601-б.]

5. Асосий образлар атрофида гурухланган иккиламчи поэтик образларни таниш.

Икки асосий образнинг атрофида улар билан бири иккинчисини алмаштирган ҳолда деярли доимо бирга келадиган ёрдамчи образлар қўлланиши ҳам ўқувчиларга алоҳида тушунтирилиши лозим. Улар қуидагилардир: **Маъшуқа тимсоли гуруҳи**: Лайли, Ширин, гул, шамъ, шоҳ, шуъла, ой, қуёш, пари. **Ошиқ гуруҳи**: Мажнун, Фарҳод, булбул, парвона, девона, қул, банди, фақир, телба. Бу поэтик образлар шеърларда алоҳида мустақил тимсол бўлиб келмайди, балки икки асосий образнинг сурати, сийрати, ўзаро муносабатини ойдинлаштиришга хизмат қиласи. Мисол тариқасида қуидаги машҳур байтларни келтириш ўринли бўлади:

Қани Ширин била Лайлики, сендин ноз ўрганса,
Қани Фарҳоду Мажнунким аларға ишқ ўргатсам [125; 37-б.].

Қуёш ойтек юзунгнинг хижлатидин
Қочиб тўртинчи кўк узра чиқибтур [158; 59-б.].

Жамолинг васфини қилдим чаманда,
Қизорди гул уёттин анжуманда [208; 287-б.].

Ўқитувчи ушбу байтлардаги Ширин, Лайли, Фарҳод, Мажнун, қуёш, гул образлари шоир учун мақсад эмас, яъни уларнинг тимсоллари талқин этилмаган, балки асосий образлар бўлмиш ёр ва ошиқни тасвирилаш, тавсиф этиш воситаси бўлиб келганлигини шарҳлаш ва бу билан мазкур поэтик

образларнинг ёрдамчи, воситачилик вазифасини ўқувчиларга англатиш талаб этилади.

Бунда турли усул, метод ва технологияларни қўллаш мумкин. Масалан, “Т-чизмаси”дан дарсда қўллаш мақсади, кўлами, тизим ҳосил қилишига кўра усул, метод ёки педагогик технология ўлароқ фойдаланиш мумкин. Мисол тариқасида маъшуқани таърифлаш учун “Т”нинг чап томонига унинг узвлари (қош, кўз, лаб, бўй...), ўнг томонига уларнинг қиёслари (ёй, жаллод, ғунча, сарв...) берилса ва у бир марта қўлланиб, дарс босқичининг муайян кўриниши бўлса, усул саналади. Агар бу образ дарс машғулотининг марказига қўйилиб, дарс бутунлай ушбу шакл устига қурилса ва унинг ҳам портрети, ҳам характер хусусияти, ҳам уларни далилловчи мисоллар учун восита бўлса, метод ҳисобланади. Бу шакл орқали бир ёки бирдан ортиқ машғулотда ошиқ, маъшуқа образларининг турли ракурсдаги поэтик дормалари очиқланса, қиёсланса ёки қаршилантирилса ва улар қатъий кетма-кетликда жараён тарзида амалга оширилса, технология бўлади (З-илова).

6. Мумтоз асарлар тил хусусиятларини англаш. Ишимизнинг алоҳида бир фаслида мумтоз асарлар тили мураккаблик туғдирувчи асосий омиллардан бири экани кўриб ўтилган эди. Англашилдики, тил билан боғлиқ қийинчиликлар асосан лексик, грамматик ҳамда морфемик сатҳ билан боғлиқдир. Ўқувчи ўрганилаётган матнда билдирилган фикрни тушунмаса, ундаги жозибани, бадииятни, муаллифнинг маҳоратини англай олмайди. Ўқувчи учун тил тўсигини енгиш матнга кириш, ижодкорнинг бадиий оламига дастлабки қадам демакдир. Ш.Юсупова таъкидлаганидек, “Тил орқали оламнинг лисоний манзараси англашилади” [97; 9-б.].

Асарларнинг лексик хусусиятлари устида ишлаш адабиёт дарсларининг муҳим босқичи саналади. Аввалдан ўқувчиларга мумтоз асарларнинг лексик қатлами асосан қуйидаги уч тилдаги сўзлардан иборат эканлигини сингдириб бориши зарур:

- а) умумтуркий сўзлар: *оғоз, очун, қамуқ, ужмоҳ, тамуғ*.
- б) арабча сўзлар: *лиқо, таманно, шамс, қамар, ҳайл*.

в) форсча сўзлар: *магар, шаҳд, гардун, ришта*.

Асарлар лексикаси билан боғлиқ мураккабликни бартараф этиш учун дарсликларда лугат берилган, шунингдек, айрим қунт қилган ўқитувчилар адабиёт дарслари учун алоҳида лугат дафтари туттирадилар ва доимий равишда лугатларни ёдлатиб борадилар. Йил давомида шу тахлит иш олиб борилса, тезда ўз самарасини беради. Ўқувчилар кўп учрайдиган, матнларда такрорланадиган мумтоз асарларнинг фаол лугатини ўзлаштириб оладилар ва аста-секин лексик қатлам билан боғлиқ мураккаблик енгиллашиб боради.

Грамматик хусусиятлар тўғрисида гапирганда аввало морфологик кўрсаткичлар суффикс ва префикс устида кўп ишлаш тавсия этилади. Уларни ўқувчилар таниши ва маъноларини билиб олган бўлишлари керак. Алоҳида дарсда ёки қўшимча машғулотда уларни тушунтириб, ёздириб қўйиш мақсадга мувофиқ. Олдин туркий қўшимчалар берилади. Соф ўзбекча **-ман, -мон, -мам** қўшимчалари равишдошнинг бўлишсиз шакли + шахс-сон қўшимчиаси, яъни **-май + ман** шаклларини беради. Масалан, *келман, айтмон, топмам* феъллари ҳозирда *келмайман, айтмайман, тополмайман* тарзида ишлатилади. Мисол: “Ярап жон десам ёқутингизга, Тенг этмон Зухрони Хорутингизга” (Хоразмий) [164; 109-б.]. Бу байтдаги *Тенг этмон* бирикмаси “тенг этмайман” деганидир.

-ки, -ким боғловчи юкламасини ўқувчилар яхши англамасликлари мумкин. Айниқса, **-ким** боғловчи юкламаси ўзи таъкид берган сўздан ажратилиб, кейинги мисра бошида келганда ўқувчилар уни “ким” сўроқ олмоши деб билишади ва таҳлилда маъно чиқаролмай қийналишади:

Чун бағирдин сўрдум, айтур: “Андин ўт тушти манга
Ким, кўнгилга шуъла солди ишқ барқи оғати”. [172; 229-б.]

Биринчи мисра охири ва иккинчи мисра бошидаги “Андин ўт тушти манга Ким,...” ҳозир тилимизда “Ундан ўт тушди менгаки...” тарзида кўлланилади. Агар иккинчи мисра бошидаги *ким* боғловчи-юкламани сўроқ олмоши сифатида қабул қилинса, умуман маъно чиқмайди.

Келишикларнинг белгисиз қўлланиши ҳам ўкувчини чалғитади: “*Кўзунг жон лабга еткурди, лабинг жон қўшти жонимга, Бу икки дўстлар ул жони маҳзуним талошибдур*”. [174; 224-б.]. Ўқувчилар биринчи мисрада икки марта қўлланган “жон” сўзида ва иккинчи мисрадаги “маҳзуним” сўзида тушум келишиги яширин келганлигини билсалар, байтни англашлари осон кечади.

Мумтоз матнларда араб ва форс тилларидағи кўплаб аффиксоидлар қўшилган сўзлар учрайди. Уларнинг барчасини ёки қўп қисмини эслаб қолиш ўқувчи тугул, ўқитувчига ҳам оғирлик қиласди. Лекин энг қўп қўлланадиган ўзбек тилига аффиксоид сифатида ўзлашган бирликларни ўқувчиларнинг дафтарига уларнинг маънолари билан лугат сифатида ёздириб қўйиш ва ёд олдириш мақсадга мувофиқлиги амалиётда ўз тасдиғини топди. Масалан, -**афшон** аффиксоиди *сочувчи* маъносини англатади. Буни ёдан билган бола гулафшон, дурафшон, анбарафшон сўзларининг ўзагини билгани учун аффиксоид қўшилган шакл маъносини луғатсиз дарров идрок этади. Асарларда энг қўп қўлланадиган аффиксоидлар қўйидагилар:

- | | |
|----------------------------------|-------------------------------------|
| - (а)фшон – сочувчи: анбарафшон. | - жў(й) – тиловчи: истовчи: баложў. |
| - орой – безатувчи: анжуманорой. | - каш – мубтало: балокаш. |
| - ваш – симон: париваш. | - ангез – а) келтирувчи: нишотангез |
| - осо – -дек: париваш. | б) ўхшаш: булбулангез |
| - вор – -дай: девоновор. | - намо(й) – ўхшаш: |
| - пўш – кийган: гулгунпўш. | - афзо – бағишловчи: жонафзо |
| - рез – тўкувчи: шаккарrez. | |

Ўзлаштирилган билим ва малакаларни мустаҳкамлаш учун мазкур қўшимча, аффиксоидлар иштирок этган байтлардан мисоллар топишни уйга топшириқ қилиб бериш мумкин. Шунингдек, ўқитувчининг ўзи ҳам шундай байтлардан икки-учтасини ҳар дарсда машғулот давомида бериб, таҳлил қилдириб бориши яхши натижа беради [65; 177-б.]. Фаол аффикс, аффиксоидлар ўқувчиларга ёдлатиб қўйилса, уларга қўшилган арабий,

форсий сўзларнинг маъносини ўқувчига “айтиб” (эслатиб) туради ва шунинг учун ҳам буни “сўйлагувчи аффикслар усули” деб номладик.

Мумтоз асарларни ўқитишда **инверсия** тўғрисида тушунча бериш ҳам катта аҳамиятга эга. Инверсия умуман шеърият учун хос бўлиб, тилшуносликда гап бўлакларининг ўрин алмашинувини билдиради. Бошқача қилиб айтганда, инверсия – гап бўлакларининг ўзгарган тартибидир. Инверсия бармоқдаги шеърларда ҳам кўп учрайди. Агар бармоқдаги шеър матнлари устида яхши ишлаб келинган бўлса, мумтоз шеърларни тушуниш анча енгил қўчади. Лекин мумтоз адабиётда инверсиянинг араб ва форс тилларига хос бўлган **изофа** шакли асарларни тушунишда катта қийинчиликка сабаб бўлади. Изофада асосан аниқловчи ва аниқланмишнинг ўрин алмашинуви кузатилади. – и, (йи) туташтирувчи унли билан боғланади. Сўзлашув нутқида ҳам баъзан изофали бирикмалардан фойдаланилади. Ўқувчиларга тушунтиришни ана шу таниш бирикмаларни изоҳлашдан бошлиш керак. Масалан, *оийнаи жаҳон, аҳли Андижон, овораи жаҳон* каби. Бундай бирикма ва жумлалар маъносини ойдинлаштириш, тушунишни енгиллаштириш учун изофадаги аниқловчи ва аниқланмишнинг ўрнини алмаштириб, ўзбекча гап бўлаклари тартибига келтириб олиш кераклиги уқтирилади. Буни биз “**Изофадан чиқар**” усули деб атадик. Шеър мисраларидаги изофани ташкил қилган сўзларнинг ўрни алмаштирилганда ўзбекча тартибда эгалик қўшимчасини қўйиб олишга тўғри келади: *жаҳон ойинаси, Андижон аҳли, жаҳон овораси*. Бу тушунтилгандан сўнг байтларга мурожаат қилнади:

Аҳволи дилим айтғали бир маҳраме топмай,
Зулмингни қариндошу, ғамингни падар этдим. (Машраб)

Байтдаги биринчи мисрада “аҳволи дилим” изофа бўлиб, сўзларнинг ўрнини алмаштирасак, “дилим аҳволи” тарзидағи ўзбекча бирикма юзага келади ва тушуниш ўқувчилар учун осонлашади. Баъзан аниқловчи ва аниқланмиш орасида сўз келиши мумкинлиги айтиб ўтилиши керак:

“Чекардин ғам тогин ҳолинг нечукдур? Бу юқдин жисми чун нолинг нечукдур?” (Навоий) Бу ерда иккинчи мисрадаги чун боғловчиси изофани ҳосил қилган “жисми нолинг” бирикмасининг орасида келмоқда. Жисми нолинг – *ўта нозиклашиб кетган жисминг маъносини беради*.

Бирикмалар **изофа занжири** сифатида қўлланган байтларни тушуниш янада қийинлашади. Оддий изофа икки сўздан иборат бўлса, изофа занжирида бирикмада уч ва ундан ортиқ сўз иштирок этади. Уларни тушунишга қулай қилиш учун ўзбекча гап бўлаклари тартибига келтириб олинади. Бунинг учун изофа занжиридаги охирги сўздан бошлаб биринчи сўзгача тескари ўқилади ва ўзбекчалаштирилади. Мисол:

Агар гашти лаби дарё қилурсен,
Кўзимга келки уммон керак бўлса. (Атоий)

Бу байтнинг биринчи мисрасида “гашти лаби дарё” бирикмаси изофа занжири бўлиб, охирги сўздан тескари ўқиймиз: “дарё лаби (қирғоғи)ни гашт (сайр)” шаклидаги ўзбекча тартиб юзага келади ва биринчи мисра “Агар дарё лабини сайр этсанг” дея осон тушунилади.

Гулшани боғи даҳр аро булбули нағмагар ўзим,
Бир бути бебадал учун ошиқи дарбадар ўзум. (Машраб)

Байтда битта занжирли ва учта оддий изофа бор. Биринчи мисрадаги “Гулшани боғи даҳр” занжир бўлиб, тескари ўқиймиз: даҳр (дунё) боғининг гулшани. Изофалар: булбули нағмагар – нағмагар булбул; бути бебадал – тенгсиз санам; ошиқи дарбадар – дарбадар ошиқ.

Айрим ҳолларда занжирли изофа тўрт сўздан иборат бўлиши мумкин.

Кўруб ошуфта ҳоли зоримни аҳбоблар айтур:
Гирифтори каманди зулфи жонон ўлди ўҳшайдур. (Амирий)

Биринчи мисрада “ҳоли зорим” оддий изофа, у “зор ҳолим”, яъни зор бўлган аҳволим маъносини беради. Иккинчи мисрадаги “Гирифтори каманди

зулфи жонон” изофаси тўрт сўздан иборат занжирдир. Бу ерда каманд – сиртмоқ, зулф – соч маъносини беради. Занжирни терс ўқиб, ўзбекча тартиб тусини берамиз: *жонон сочи сиртмоғининг гирифтори* шаклидаги ифода юзага келади. Байтнинг маъноси: “телбаларча (ошуфта) зор аҳволимни кўрган дўстларим (аҳбоблар) дейишадики: жонон сочининг сиртмоғига гирифтор бўлганга ўхшайди”.

Изофали бирикмаларни III шахс **-и** эгалик қўшимчаси билан қўлланган ўзбекча бирикмаларга чалқаштираслик керак. Яна Амирийнинг байтига мурожаат қиламиз:

Кўнгил лаъли таманноси билан қон ўлди ўхшайдур,
Кўзим ойинадек ҳуснунгга ҳайрон ўлди ўхшайдур.

Биринчи мисрадаги “лаъли таманноси” бирикмасида **-и** қўшимчаси изофадаги “и” туташтирувчи унлига ўхшаб кетади. Ўқувчилар уни шундай қабул қилишлари мумкин. Лекин бу ерда у эгалик қўшимчаси эканлигини уларга тушунтириб ўтиш жоиз бўлади.

7. Рамзий ва мажозий тасвирни англаш.

Мумтоз асарларда фикр шунчаки очик айтилмаслиги, уларнинг аксариятида, хусусан, диний-тасаввуфий битикларда рамз ва мажоз етакчи бўлиши, шу билан боғлиқ биз юқорида қайд этган асосийлар образ зоҳирий ва ботиний маъно қатламларида ўзига хос мазмун, моҳият касб этиши маълум. Албатта, бу образлар мумтоз шеъриятнинг барчаси учун тааллуқли эмас. Юқорида айтилганидек, улар ишқий мавзудаги шеърларнинг қаҳрамонларидир. Дидактик, пейзаж, сиёсий мавзудаги асарларда образлар бошқача бўлиши табиий. Шунинг учун бирор шеърни ўрганишга киришишдан олдин унинг қайси мавзудалигини ва шунга кўра образларни аниқлаб олиш зарур бўлади.

Мумтоз адабиётда рамзийлик ва мажозийлик тасаввуф таълимоти билан боғлиқ экан, шу ўринда ўқитувчи ҳамда тарбияланувчиларнинг тасаввуф ва сўфиёна адабиёт борасидаги тушунчаларни шакллантириш борасидаги мулоҳаза, кузатишларимизни ҳам келтириб ўтамиз.

Тасаввуф таълимоти вужудга келиб, тарқала бошлагандан буён турли муносабатларга, баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Бунинг сабаби унинг ақл билан идрок этилишидан кўра кўнгил билан ҳис қилиниши, қалб билан кашф этилиши лозим бўлган руҳий амалиёт эканлигига бориб тақалади. Қарашлар шу қадар чигал ва хилма-хилки, бир қатор машҳур тасаввуф намояндалари, буюк адиблар эътироф этган сўфийлик таълимоти олимлари ёки вакилларини бошқа тариқат раҳбарлари, ислом олимлари инкор этадилар [69; 35-37-б.]. Таълимотни тушунишдаги бу турфалик унинг негизида вужудга келган тасаввуф адабиётини тушуниш, талқин қилиш, тушунтиришда ҳам ҳар хиллик, қарама-қаршиликка сабаб бўлмоқда.

Олий ўқув юртларидан тортиб ўрта мактабларгача бўлган босқичларда сўфиёна асарлар ўта жўн, илмий асосдан йироқ тарзда ўргатилмоқда. Масала адабиёт муаллимларининг бу таълимотни тушунмасликлари дадир. Муаммони бартараф этишни нимадан бошлаш керак?

1. Тасаввуф таълимотига оид адабиётлар билан танишиш ва у ҳақидаги билимларни доимий орттириб бориш адабиёт ўқитувчисининг ўз устида ишлаш режасидан муқим жой олмоғи лозим. Мустақиллик шарофати билан тасаввуф манбалари ўз тилимизда чоп этила бошланди, унинг моҳияти очиб берилган илмий-оммабоп асарлар китоб дўконларида борлиги мутахассислар учун катта имкониятдир.

2. Тасаввуфнинг амалиёти ҳам, унга асосланган адабиёт ҳам рамзу ишораларга бойдир. Рамзларнинг моҳиятини англаш бадиий асарларни тўғри тушуниш ва тушунтиришга йўл очади. Бу борада Султонмурод Олимнинг “Нақшбанд ва Навоий” китоби алоҳида аҳамиятга эга. Ундаги “Пўчоқ еган шогирд” ҳикояси орқали бу таълимот асосида яшашнинг ўзи рамзларга тўла эканлиги акс этган [74; 24-33-б.]. Шу биргина лавҳадан китоб муаллифи бир неча ишораларни уққан. Асарни ўқиши асносида китобхон Навоий асарларидағи кўплаб рамз ва ишоралар моҳияти билан танишади.

3. Тасаввуф таълимоти ва адабиёти муносабатини тўғри англаган ҳолда уни дидактик ва эстетик мақсадларга йўналтира билиш ҳам ўзак

вазифалардан саналади. Таълимот ва адабиётнинг чамбарчас боғлиқлиги С. Олимнинг эслатилган асаридағи “Жаноза олдидан ўқилган байт” бобида яққол акс этган [74; 40-41-б.]. Унга қўра тасаввуф оламининг улуғлари Абу Саъид Абулхайр ва Баҳоуддин Нақшбанд вафот топғанларида ўзларининг жанозаларида Қуръон оятлари билан бирга бир байт шеър ўқилишини васият қилғанлар. Форсча келтирилган бу икки мисра мумтоз адабиёт образлари, моҳияти таъвили ишораларга яширган ижод маҳсули эканлигига яққол бир далилдир. Бунда, бир томондан, адабиёт тасаввуф таълимотининг тарғиби учун восита бўлғанлигини ҳисобга олиш, иккинчи томондан, бу вазифани адо этиш асносида буюк таълимот мазмунига мос олий шакл яратишга интилиш натижаси ўлароқ дунё аҳлини лол қолдирадиган даражада юксак бадиий намуналар майдонга келганини диққат марказида тутиш талаб қилинади.

Таълимнинг барча босқичларида кузатиладиган ҳолат шуки, баъзида асар мазмуни, унинг замирига яширган маънога берилиб кетиб, унинг бадиий асар эканлиги унутилади, машғулот диний дидактикага айланиб кетади. Кўп ҳолларда эса фақат шакл таҳлил қилинади, бадиий санъатлар изланади, вазн ва қофияга эътибор қаратилади. “Филолог ўқитувчилар бу борада икки категорияга бўлинадилар: биринчилари бутунлай “эстетика”га бериладилар ва бу билан у ёки бу тарзда ижтимоий-тарбиявий, яъни ахлоқий жиҳатдан дарснинг педагогик йўналғанлигини сунъий равища камайтирадилар; бошқалари, аксинча, адабий асарнинг бадииятини сустлаштириб, дарсни дидактикага айлантириб юборадилар” [55; 3-б.]. Бунинг олдини олиш учун эса ўқитувчи бадиий конструктив вазифаларни тўлақонли уddaлаши керак.

4. Ислом дунёсининг йирик алломаси Абу Ҳомид Ғаззолий “зоҳир илми – пўст ва ҳақиқат илми мағиздур” [103; 55-б.] деб ёзар экан, зоҳир илми деганда шариатни, ҳақиқат илми деганда тариқатни (тасаввуфни) назарда тутган эди. Ҳар бир нарсани билиш учун аввал унинг пўстига назар ташланиши, ушлаб кўрилиши ва унинг ичидага мағиз борлигини англаш талаб қилинади. Сўнг бу “пўст чақилиб, мағизга қўл узатилади” [176; 283-б.].

Пўстини чақмай ейишга ҳаракат қилинса, тиш синади. Бу мажозни келтиришдан мақсад мумтоз адабиётни тасаввуфсиз тушуниш ва тушунтириш мумкин эмас экан, бу таълимотнинг пўсти бўлмиш шариат илмини, ҳеч бўлмагандага унинг асосий тушунча ва қоидаларини муайян даражада ўрганиш ҳар бир адабиёт ўқитувчиси учун фарз бўлиб қолади. Бундай нозик мавзуларни ўтаётганда у ўз гаплари, таҳлилларини шариат торозусида ҳам ториб кўра билиш салоҳиятига эга бўлиши даркор.

5. Адабиёт ўқитувчиси вақтли адабий нашрларда, илмий-адабий тўпламларда эълон қилинаётган мумтоз намуналар, хусусан, тасаввуф битиклари талқин ва таҳлил қилинган мақолаларни мунтазам равишида ўқиб, ўрганиб бориши лозим. Шундай ўқитувчилар борки, матбуотда чиққан энг яхши, амалиётда асқотадиган мақолаларни тўплаб борадилар ва дарсда қўшимча материал сифатида ёки муайян тадбирлар ўтказишида улардан унумли фойдаланадилар [118; 39-б.].

6. Адабиёт муаллими мутахассис сифатида тасаввуфий истилоҳларни: ёр, ошиқ – бош образлар; гул, булбул, сабо, тикан, май каби поэтик образлар; кўз, қош, лаб, оғиз, соч, қадаҳ, майхона сингари бадиий деталлар замирида яширинган ҳақиқатни ёддан билиши ва асарлар таҳлилида уларнинг моҳиятини ўқувчиларнинг ёши, билим савиясига мувофиқ очиб бера олиши даркор. Истилоҳлар амалдаги дарслик ҳамда ўқитувчилар учун нашр этилган методик кўлланмаларда ҳам берилган.

Тасаввуф ҳақида қайси синфдан бошлаб маълумот бериш керак? Бу борадаги илк қадам тасаввуф атамаси ишлатилмаган ҳолда 5-синфдан бошлаб қўйилиши керак. Дастур бўйича бу синф дарслигига киритилган ҳадислар бундай дейишимизга асос бўлади. Негаки ҳадислар (Қуръондан кейинги) тасаввуфнинг асос манбасидир. Пайғамбаримиздан ворид бўлган барча фикрлар, кўрилган ҳаракатлар ва кўрсатмалар тасаввуфнинг бош ғояси бўлмиш комил инсон сифатларини шакллантиришга йўналтирилган. Ҳадислардаги тасаввуфнинг бағрига жо бўлган ахлоқий поклик, юксак маънавият тарғиби болаларнинг ёшига мос равишида олиб борилиши керак.

Шунингдек, ҳадислар факат дастурда ажратилган соатлардагина ўқитилмайди, уларга адабиёт, тил, маънавият дарсларида мунтазам мурожаат қилинади. Яна 5-синфда ўқитиладиган мумтоз адиблар ижоди, шунингдек, янги давр адабиёти ҳамда фольклор намуналари мисолида ҳам тасаввуфий қарашларга ҳамоҳанг ғояларнинг ўқувчилар онгига сингдириб борилиши аста-секин бу мураккаб таълимотни қабул қилишлари, тушунишларига уларни ҳам ақлан, ҳам рухан тайёрлаб боради.

6-синфда Навоий рубоий ва қитъалари ўтилар экан, мутафаккир шоир шеърларида илгари сурилган покиза ахлоқ, юксак инсоний қадриятларга интилиш, одамдаги ички иллатлар, турли қўринишдаги тубан хулқлардан қочиш каби фикрларнинг бадиий талқини ўрганилар экан, мазкур ғоялар тасаввуфнинг бош ғояси эканлигига ургу бериб ўтилади. Шу тариқа ўқувчилар атама (тасаввуф) билан илк бор танишадилар. Шунингдек, таълимотнинг бош мақсади, у илгари сурган ғоялар қисқа, содда ва ихчам ифодада айтиб ўтилиб, лозим кўрилса, ёздириб қўйилиши мумкин. Мазкур синфда шу билан кифояланса бўлади. Фақат берилган тушунча такрорлаш дарсларида бот-бот сўраш орқали эслатиб турилиши керак

7-синфда тасаввуф тўғрисида кенгроқ тушунча бериш мумкин. Олдинги синфларда бу борада илк қадам қўйилгани, дастлабки билимлар берилгани, шунингдек, ўсмир ёшидан ўспиринликка ўтган ўқувчиларнинг дунёқараши кенгайгани, ҳаётни идрок эта билиш қобилиятлари ўсгани бунга имкон беради. Қолаверса, бу синфда мумтоз адибларга кўпроқ ўрин берилган. Уларнинг ҳар бири мисолида бу таълимотнинг қайсиdir бир жиҳатини сингдириш мумкин бўлади. Навоий “Хамса”си достонидан парча ўрганилар экан, аввало “Ҳайрат ул-аброр” шоирнинг олам ва одам ҳақидаги фикрларини бадиий акслантирган асар сифатида талқин этилади[175; 119-б.]. Навоийга қўра олам Яратганинг мукаммал ва гўзал сифатларининг жилваси (тажаллийси) экани енгил тарзда, мураккаблаштиrmай, тушунтирилади. “Сабъаи сайёр”дан олинган “Мехр ва Суҳайл” ҳикояси эса мумтоз асарларга хос бўлган рамзийликни тушунтиришга қўл келади.

8-синфда тасаввуф таълимоти ҳақида бир соатни алоҳида ажратган ҳолда тушунча бериш тавсия этилади. Дастурда бунинг учун соат ажратилмаган. Ўқитувчи қайсиdir мавзудан бир соат олиб буни амалга ошириш мумкин. Бу жуда муҳим. Негаки, 11-синфгача ўрганишга тавсия этилган мумтоз намуналарнинг аксарият қисми сўфиёна адабиёт намуналаридир. Дарсликларда берилган изоҳлар, методик қўлланмадаги тавсияларда ҳам бу ўз аксини топган. Шу ўринда тасаввуф таълимоти ҳақида тушунча бериш дарсини ўtkазиш юзасидан ишлаб чиқилган ва республиканинг турли мактабларида синаб кўрилиб, юқори самара берган ишланмани келтириб ўтамиз.

Тасаввуф ҳақидаги маълумотлар берилгач, уларни амалий мустаҳкамлаш учун бирор бир кичик ҳажмли суфиёна руҳда ёзилган шеърий асарни, масалан, Навоийнинг «Камол эт касбким...» қитъасини таҳлил қилиб, кўрсатиб бериш мақсадга мувоғик. Синф тахтасига қитъа ёзилади:

Камол эт касбким, олам уйидин,
Сенга фарз ўлмагай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмак биайних
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ. [170; 773-б.]

Ўқувчилар ҳам дафтарларига кўчириб ёзадилар. Ўқитувчи олдин берган маълумотлар, тушунчаларга суюнган ҳолда савол-жавоб тариқасида қитъадаги асосий сўзларни шарҳлаб, таҳлил қилиши лозим. Энг аввал «камол» сўзига эътибор қаратилиб, қуйидаги савол берилади: “Биринчи мисра бошидаги «камол» сўзи тасаввуфдаги биз олдинги дарсда ўрганган қайси тушунчани эслатади?” Ўқувчилар «камол» сўзи «комил инсон» тушунчасини эслатишини тезда ёдга оладилар. Ўқитувчи «комил инсон» руҳан покланган инсон эканлигини савол-жавоб орқали хотирлатиб, янада мустаҳкамлайди. Биринчи мисрадаги «... эт касбким» иборасини ўқитувчи ўзи шарҳлаб бериши керак: «... эт касбким» «касб этмоқ» иборасининг инверсияга (сўзларнинг жой алмашинуви) учраган шакли бўлиб,

«шакллантирмок», «хосил қилмоқ» каби маъноларни ифодалайди. Масалан, «Улкан тоғ олисдан қудрат касб этади» ёки «қуёш уфқда бош қўяркан гўзалик касб этади» каби поэтик ифодалар бўлиши мумкин. Улар тоғ қудратли бир суръатни, қўринишни ҳосил қилади, қуёш гўзаликни шакллантиради маъноларини билдиради. Демақ, биринчи мисрадаги «камол эт касбким» сўzlари орқали Навоий бобомиз ҳар инсонга қарат: «Сен ўзингда камолни шакллантиргин, яъни руҳий покланишни ҳосил қилгин» демоқда. Шундан кейин синфдан «олам уйи» ифодасининг маъноси сўралади. Унинг маъноси биз яшаб турган моддий дунё, борлиқ эканини биладилар, албатта.

Иккинчи мисра таҳлилида «фарз» сўзи шарҳланиши керак. Фарз Исломга кўра Оллоҳнинг ҳукми ва иродаси бўлган бажарилиши шарт, мажбурий саналадиган амаллардир. Биринчи мисранинг иккинчи ярми ва иккинчи мисранинг маъноси қўйидагича: Олам уйи – дунёдан ғамнок чиқишлиқ сенга фарз эмас. Шу ўринда савол берилади: Дунёдан чиқишлиқ деганда нима назарда тутилган? Олиниши керак бўлган жавоб: дунёдан ўтишлиқ, яъни ўлишлиқ. Яна савол берилади: Одам қачон дунёдан ғамнок чиқади? Жавоб: биринчи мисра бошида айтилганидек, камол касб этмаса. Бошқача қилиб айтганда, комил инсон бўлолмаса, руҳини поклай олмаса.

Ўқитувчи умумлаштиради: бундан чиқди ҳар бир инсон учун комил инсон бўлиб, руҳини поклаш фарз – Оллоҳнинг ҳукми экан. Энди дунёдан ғамнок чиқишликнинг маъносини чуқурроқ ўйлаб қўрайлик. Халқимизда вафот этган одамга нисбатан «омонатини топширди» деган ибора қўлланилади. Бу нима дегани? Ўзлик тушунчаси орқали билдикки, инсоннинг ҳақиқий ўзлиги унинг Рухи (яъни жони) экан. Рух инсонга Оллоҳ томонидан ҳаётининг илк лаҳзалариданоқ пок латофатли, беғубор ҳолда берилган омонатдир. Ҳаётининг энг сўнгги лаҳзаларидан кейин бу омонат бўлмиш Рухни яна Оллоҳга қайтарадилар. Яна ҳам аниқроғи, ҳақиқий Ўзлик бўлмиш Рух Оллоҳга қайтади. Кимлардир гуноҳлари адашиш ва хатоликлар туфайли кирланган Рухни поклаб, беғубор ҳолда Оллоҳга қайтаради,

кимлардир нафс кўйига кириб, гуноҳларга ботиб, дунёдан узилганда, булғанган, ифлос Рух билан дунёдан чиқади, яъни Оллоҳ берган омонатга хиёнат қиласди. Биринчи тоифа кишилар покланган Рух-ўзлик билан дунёдан Оллоҳ хузурига ёруғ юз билан шод чиқадилар, кейинги тоифа кишилар нопок Рух-ўзлик билан дунёдан ғамнок чиқадилар. Чунки улар ўз нафслар хоҳишига кўра ёки ўзларининг бузук эътиқодига амал қилиб, ўзгалар баҳтсизлиги, ташвиши ёки малолатига сабаб бўлганлар. Бундай кимсалар ҳар қанча дин ниқобига ўралмасинлар комил инсон саналмайдилар. Шунинг учун ҳам руҳан покланиб, комил инсон бўлиш, яъни камол касб этиш фарздир.

Учинчи мисрани тушунтиришда «нотамом», «биайниҳ» сўзлари шарҳланади. Ўқитувчи худди маъруза ўқиётгандек айтиб кетавермасдан бу сўзларнинг маъносини ўқувчилардан сўраши мақсадга мувофиқ. «Нотамом» сўзининг қитъадаги матний (контекстуал) маъноси «камол касб этмай», «рухий покланмай» тушунчаларига тўғри келади, «биайниҳ» эса «худди», «гўёки» деган маънони билдиради. Демак, жаҳондан руҳий покланмай (нотамом) ўтиш худди тўртинчи мисрада айтилганидек, ҳаммомга кириб нопок чиқишига ўхшайди. Мана шу ўринда қитъадаги таносуб санъатини ҳосил қилувчи сўзларга эътибор қаратилади: биринчи мисрада «олам уйи», учинчи мисрадаги «жаҳон», тўртинчи мисрадаги «ҳаммом» мазмунан бир-бирига яқин тушунчани ифодаламоқда. Яъни, олам уйи бўлмиш бу жаҳон бир ҳаммом кабидирки, инсонлар ҳаёти унда покланиш учун берилган муддатдир [169; 88-б.]. Шунингдек, ўқитувчи ўқувчилардан сўраб, қитъадаги қофияни ҳосил қилувчи сўзларни аниқлайди. “Ғамнок” ва “нопок” қофиядош сўзлардир. Улар қофия бўлиши билан бирга шеърнинг асосий мазмунини ифодаловчи ўзак сўзлардир. Яъни, кимки оламдан нопок ўтаркан, у дунёдан чиқишида ғамнок бўлади.

Мазкур қитъа таҳлилида ўқитувчи дикқат марказида қуйидаги мақсадлар бўлмоғи керак:

– тасаввуф таълимоти ҳақида берилган маълумотларни мустаҳкамлаш ва бу таълимотни адабиётга боғлаш;

- ўқувчиларга ахлоқий, миллий ва мафкуравий тарбия бериш;
- ўқувчиларда сўфиёна шеърларни тушуниш, таҳлил қилиш малакасини шакллантириш;
- бадиий санъатлар ҳақидаги билимларни такрорлаш;
- қофия ҳақидаги тушунчани мустаҳкамлаш;
- ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш.

Бу таҳлил билан мавзуни якунлаш мумкин. Агар ўқувчилар тасаввуф сўзининг маъносини, этимологиясини сўрашса, у арабча «суф» деган сўздан олингандиги айтилади. Суф - эчкининг терисидан тикилган дағал жун пўстин, жандадир. Ислом динининг илк даврларида моддий дунёни, молу бойлиқ, турли ҳашамларни инкор қилиб, ўзларини фақат Оллоҳга бағишилаш истаги билан яшовчи мусулмонлар гуруҳи пайдо бўлди. Улар ўзларининг мол-дунёга, ўткинчи ҳою-ҳавасга истеҳзоларининг ифодаси сифатида ўша даврда араблар орасидаги энг паст кийим бўлмиш суф кийиб юрганлар. Бу гурух ҳатто кийинишларида ҳам ўз дунёқарашларини ифода этган.

Кейинчалик бу гурухга мансуб кишиларни суф киевчилар маъносида суфийлар, уларнинг дунёқарашини тасаввуф деб аталган. Демак, тасаввуф мол-дунёга, мансабпарамтлик, ҳою ҳавас, кибру ҳавога, бир сўз билан айтганда, нафсга қарши исён бўлиб вужудга келган таълимотdir.

Тариқатлар тараққий қилгач, сўфий сўзи маълум бир тариқатга кириб, бирон бир пирга кўл берган мурид маъносида қўлланади. Суфий сўзининг синоними сифатида **солик** сўзи ҳам ишлатилади. Солик – арабча сўз, йўлчи деган маънони англатади.

Тасаввуф сўзининг келиб чиқиши ҳақида яна бошқа бир неча фаразлар бор. Лекин кўпчилик олимлар юқорида биз баён қилган қарашни ёқлайдилар.

Бу мавзуни ўтища дарс савол-жавоб аралаш асосан лекция услубида бўлади. Маъруза усулидаги дарсда савол-жавобларнинг бўлиши жуда зарур. Биринчидан, кетма-кет берилаётган маълумотлардан, уларни ёзишдан ўқувчи толиқиб қолмайди. Ҳар бир савол-жавоб айни пайтда ўқувчи учун «нафас ростлаш» дақиқалари бўлади. Иккинчидан, савол-жавоблар ўқувчиларнинг

дарсга, мавзуга бўлган қизиқишлиарини орттиради; учинчидан, ҳар бир берилаётган савол шу савол ортида турган муаммоли нуқтага ўқувчилар диққат-эътиборини жамлайди. Олдин айтганимиздек, берилган саволга ўқувчиларнинг қанчаси жавоб берсалар, уларнинг тўғри ёки нотўғрилигидан қатъи назар ўқитувчи очик, муносабат билдирамай туради. Сабаби, ўқувчилар кимниги тўғри, кимнинг жавоби ҳақиқатга яқин деган ўйда бутун вужудлари қулоққа айланиб, жуда катта эътибор билан тинглаганлари боис ўқитувчи айтаётган умумлаштирувчи хулосалар ўқувчилар хотирасига муҳрланиб қолади.

Тасаввуф таълимоти тўғрисида мазкур тушунчалар берилгач, жорий ва кейинги ўқув йили давомида уларга мурожаат этиб, мустаҳкамлаб, ривожлантириб бориш, доимий равища таҳлилда қўллаш дарснинг илмийлигини оширади, таълим жараёнидаги маънавий, маърифий ва мағкуравий тарбия самарадорлигини таъминлайди. Кейинги дарсларда шоирлар шеърларида учрайдиган май, майхона, тикан каби поэтик образлар, бадиий деталларнинг тасаввуфий маъноси таҳлил асносида бериб борилади.

9-синфда ҳам алоҳида соат ажратилмагани боис қайсиdir мавзу ҳисобидан мумтоз намуналарининг маъно қатламлилик хусусиятини ўтиб бериши мақсадга мувофиқ.

Аввал адабиётшунослиқда бу муаммо қандай ҳал қилинганига диққат каратайлик.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, кўпчилик томонидан эътироф этилаётган, мумтоз шеъриятнинг муҳим белгиларидан бири бўлган маъно қатламлилик ҳодисаси илмий жиҳатдан мукаммал ўрганилмаганлиги учун уни тушуниш ва талқин қилишда чалкашликларга, баъзан жўнликка йўл қўйилмоқда. Аввало чалкашлик ҳакида. Адабиётшунос И. Ҳаққулов Аҳмад Яссавий ҳикматларига ёзган сўзбоши мақоласида шеъриятда полифония тўғрисида ёзаркан: “неча асрлик адабиётимиз учун янгилик эмас. Полифония – кўпоҳангли, кўпмаъноли дегани... Ўзбек адабиётида полифоник тафаккур Аҳмад Яссавийдан бошланиб, Навоий поэзиясида юксак босқичга

кўтарилиганд...” каби фикрларни билдирган [110; 5–40-б.]. Полифония назариясини Бахтин Достоевский асар (роман)лари орқали кашф этган бўлиб, унга кўра полифония эпик асарларга хосдир. Бу назарияни ўзбек адабиётшунослигида нотўғри тушунилишини танқид қилган М. Олимов таъбири билан айтганда: “романда муаллиф ўз қаҳрамонларини юксак бир объективлик билан тасвирлаш баробарида барча қаҳрамонларига ва барча қаҳрамонлари ўзаро бир-бирига субъектив муносабатини ҳам шекспирона эҳтирос билан намоён этади” [73; 29-б.]. Бу фикрлардан келиб чиқсан, И. Ҳаққулов қарашларига нисбатан эътиroz туғилиши табий бўлиб қолади. Биринчидан, шеъриятда, айниқса, мумтоз шеъриятда шоир (лирик қаҳрамон)нинг бошқа образларга обектив муносабати кўринмайди. Шеърият субъектив муносабат махсулидир. Ундаги хар бир образга, воқеликка муаллифнинг олдиндан муносабати, фикри шаклланган бўлади. Иккинчидан, “қаҳрамонларнинг ўзаро бир-бирларига субъектив муносабати” кузатилса ҳам, улар ўй-фикр таҳлилидан иборат бўлмай, олдиндан белгилаб қўйилган, доимий ва қатъий, шунингдек, шаклий муносабат тарзида намоён бўлади. Учинчидан, олим полифонияни у ёки бу бир ҳикматда, шеърлардаги муайян образларнинг ўзаро муносабатида эмас, балки Яссавийнинг турли ҳикматларида талқин этилган бир неча образга хос бўлган характер хусусиятларида кўради. Агар шу таҳлит тушунилса, дунёда полифоник бўлмаган шоирнинг ўзи қолмайди. Шунинг учун полифония назариясини шеъриятга, хусусан, мумтоз Шарқ шеъриятига татбиқ қилиб бўлмайди.

Энди қатламлиликни тушунишдаги жўнлик тўғрисида. Бу шундан иборатки, мумтоз шеърларни зоҳирий ва ботиний жиҳатдан таҳлиллашда илмий асослаб-асосламай уларни бир қолипда, бир мазмунда талқин қилинмоқда. Аксарият мақола ва тадқиқларни ўқисангиз, образлар асосан қуидагича тушунтирилади: Ёр – зоҳирий маънога кўра инсон (аёл), ботиний маънога кўра Оллоҳдир. Ошиқ – зоҳирий маънога кўра инсон (эр киши), ботиний маънога кўра сўфий. Лекин нима учун айнан шу шеърда Ёр Оллоҳ маъносида тушунилиши керак? Унга ишора қиласиган аниқ белгилар борми?

Балки шоир фақат инсонни, яъни зоҳирий маънонигина назарда тутгандир? каби саволлар кўпинча очик қолади. Баъзи таҳлилларда эса ғазалнинг аввалги байтлардаги зоҳирий маъно кейинги байтларда ботиний маънога алмашади қабилидаги фикрларни ўқиб қоламизки, улар ҳам умуман асосланмайди.

Бу бироз мураккаб ва айни пайтда ғоят қизиқарли масалани ўқитувчи қуидагича тушунтириши мумкин. Ўтмиш адабиётимизда яратилган бир қатор асарларда, асосан, шеъриятда зоҳирий (ташқи) ва ботиний (ички) маъно мавжуд бўлади. У ёки бу шоирлар ижодини тадқиқ этишда, шеърларини таҳлил қилишда бу икки маъно томонига диққат қилинмоқда. Айнан шу нарса бадиий асарнинг маъно қатламлилигидир. Бундай асарларда маъно асосан икки қатламда намоён бўлади: а) зоҳирий – юзага қалқиб турган маъно. Уни бадиий савияси, тайёргарлик даражаси турлича бўлган китобхонлар тушуниши, идрок этиши мумкин; б) ботиний – тушунишда маълум тайёргарлик талаб этиладиган асарнинг таг маъноси. Бу маъно зоҳирий мазмундан кам қимматга эга бўлмаган, баъзан эса асарнинг ғоявий, мазмуний мағзини, ижодкор бадиий ниятини ўзида акс эттирган бўлади. Берилган бу икки таъриф албатта ўқувчиларнинг дафтарида акс этган бўлиши лозим, негаки улар ҳали ҳеч бир манбада қайд этилмаган.

Сўнг мумтоз шеъриятда иккита асосий: Маъшуқа, Ошиқ образлари борлиги, қолган образлар буларнинг қай бири атрофида гуруҳлашиб, уларни тўлдириши тушунтирилади, изоҳланади. Масалан, Ёр (маъшуқа) образи атрофида гул, ой, сарв, шам, пари, Лайли каби; Ошиқ атрофида парвона, булбул, Мажнун, девона сингари образ ёки образ-деталлар гуруҳланишини ёздириб қўйилиши керак. Лекин бу марказий образлар ичida ҳам Ёр етакчи мавқе тутишига ўқувчилар диққат қаратилади. Чунки қатъий шаклланган муносабатлар, тасвирлар, қўлланадиган лексик ва поэтик фигуralарнинг барчаси асосан у билан боғлиқ. Мумтоз шеъриятни маъно қатламига ажратишда ҳам Ёр образига асосий диққат қилинмоғи керак. Олдиндан айтиб қўйиш керакки, мумтоз шеъриятдаги ҳамма асарлар ҳам маъно қатламига эга

эмас. Баъзи шеърлар фақат бир маъно қатламига эга бўлади. Бир маъно қатламига эга шеърларни мазмунига кўра қуидагиларга ажратиш мумкин:

а) инсон (аёл) гўзаллиги мадҳ этилган ёки унга кўнгил изҳори баён қилинган шеърлар. Масалан: Атоийнинг “Кел, эй дилбар, бўстон вақти бўлди” ғазали;

б) диний маърифат тарғиб этилган шеърлар. Масалан: Яссавийнинг бир қатор ҳикматлари, Навоийнинг ҳамд, наът ғазаллари;

в) пейзаж шеърлар. Масалан: Огаҳийнинг “Наврӯз”, “Қиш” ғазаллари;

г) ижтимоий-сиёсий шеърлар: Навоийнинг “Тухфатул афкор”, Огаҳийнинг “Огаҳнома” қасидалари;

д) ҳасби ҳол шеърлар: Бобур шеърлари, Мужрим Обид маснавийси.

Ушбу зоҳирий маънолардан ташқари шеърларнинг ботинида диний, ижтимоий, сиёсий ва бошқа маъноларни ўзида жам этган асарлар кўп маъноли, кўп қатламли ҳисобланади. Хўш, уларнинг ботиний маъносини қандай аниқлаш мумкин? Маъно қатламларини ажратишида қуидаги уч омил инобатга олиниши лозимлиги тушунтирилади:

1) анъанага таяниш, яъни ижодкор яшаган даврдаги мавжуд адабий анъаналар, яъни қандай адабий анъаналар таъсири остида адебнинг ижодий тафаккури шаклланганлиги;

2) ҳасби ҳолдан келиб чиқиши, яъни ижодкорнинг шахсий ҳаёти, тақдири, яъни адиб субъектининг у яратган асарлар бадиий оламига таъсири;

3) маънавий-мафкуравий муҳит, яъни адиб ижодий тафаккури шаклланишига таъсир этган ғоялар, мафкуралар.

Ушбу фикрларга таянган ҳолда мисол тариқасида айрим мумтоз адиблар ижодига хос бўлган маъно қатламлилик хусусиятини ўқитувчи таҳлил қилиб кўрсатиши лозим. Бунинг учун олдинги 9-синф дарслигидан жой олган Паҳлавон Махмуднинг қуидаги рубоийсидан фойдаланишини тавсия этамиз:

Йироқдан қарасам лабинг пурханда,

Озод эдим, тағин бўлибман банда.

Озодликдан ҳар бир банда эрур шод,

Мен шодманки, сенга бўлибман банда [156; 166-б.].

Бу таржима шеърнинг зоҳирий маъносини ўқувчиларнинг ўзи қийналмай шарҳлайдилар. Унда ошиқнинг дил изҳори берилган: “Узоқдан қараганда ҳам лабингнинг доимо табассумли эканлиги билиниб туради. Сени учратгунча мен ишқдан озод, ғамсиз эдим. Одатда ҳар қандай киши озод, бирорвга қарам бўлмаса, шод бўлиб юради, мен бунинг акси ўлароқ сенга бандалигимдан, ошиқлигимдан хурсандман”. Зоҳирда бир йигитнинг маъшуқасига муҳаббати, садоқатини билдиromoқда деб тушуниш хато бўлмайди. Ўқитувчи рубоидга ботиний маъно бор-йўқлигини юқоридаги фикрларга таяниб биргаликда текшириб кўришни тавсия этади. Аввало, шоир шахсиятига эътибор қилинади.

Паҳлавон Маҳмуд Ўрта Осиёда валийлик сийрати билан шарафланган зотдир. Бундай шахслар ҳаётини инсонларга диний маърифат тарқатиш, Ҳак ишқини талқин этишга бағищлайдилар. Шунга кўра шеърининг ботинида марказий образ Ёр Оллоҳ эканлиги ойдинлашади. Қолаверса, адибнинг ижодий тафаккури шаклланишидаги бош омил ҳам дин ва тасаввуфdir. Рубоидаги “банда” сўзининг такори ҳам Яратганга бандалик тарғибини таъкидлаб турибди. Фақат “узоқдан қарасам”, “лабинг”, “пурханда” сўзларини шарҳлаш лозим. “Узоқдан қарасам” бирикмаси халқона таъбир бўлиб, одатда, “ўйлаб кўрсам”, “ўйлаб қарасам” маъноларига тўғри келади. “Лаб” оғиз билан боғлиқ тушунча. Оғиз эса ўз навбатида тил билан боғлиқ. “Тил” сўз тушунчасини хаёлимизга етаклаб келади. “Сўз” араб тилида каломдир. “Калом” исломий тушунчага кўра Қуръонни англатади. “Пурханда” илоҳий каломга нисбатан ишлатилганда хушхабар, мўъминлар учун илоҳий мужда маъносини билдиради. Демак, биринчи мисранинг маъноси қуйидагича: Ўйлаб қарасам, эй Парвардигорим, сенинг каломинг – Қуръонда бизлар учун хушхабар муждалар бор экан.

Иккинчи мисрада айтилган “озод”лик бу дунёдаги инсоннинг ўзлигини, ўз Яратувчисини танимай ҳаракат ва фаолиятида ўзини мутлақ эркин

хисоблашидир. Бу ерда инсоннинг ўз Яратувчисидан бехабар, ғафлатдалиги назарда тутилади. “Тағин” сўзи олдинда бўлган ва ҳозирда такрорланаётган нарса, ҳолатга ишора қилмоқда. Яъни, бандалик қачондир лирик қаҳрамоннинг ҳолати эди. Бу Қуръондаги “Воқеа” сурасининг 72-73-оятларида таъкидланган “ал-мийсок” даврига ишорадир [70; 205-б.]. Маъноси: Мен шу қунгача Сендан ғафлатда эдим. Энди Сени танидиму, Сенга банда эканлигимни англадим, эсладим.

“Озодликдан ҳар бир банда эрур шод”. Инсон табиатига хос нарса бу эркин ва озод бўлишга интилишдир. Ҳеч кимга қарам бўлмаган, ҳар ишда эрки ўзида бўлган киши ўзини баҳтиёр сезади деган фикр бизда ҳукмрон. Лекин инсон ўзининг ички эҳтиёжларини қондириш кетидан қувиб, уларнинг қулига айланиб қолади. Бориб-бориб жисмонан озод, маънан ўз нафсиға қул, қарам кимсага айланади. Факат Яратганга бандаликни ёдда тутган кишигина бу дунёда жисмонан ва маънан озод бўла олади. Шунинг учун шоир Оллоҳга қарат “Мен шодманки, сенга бўлибман банда” дейди.

Таҳлил тугагач, ўқитувчи икки қатлам: зоҳирий ва ботиний маънода образлар қандай мазмун касб этаётганини, қатламлиликнинг юзага келишида юқорида қайд этилган уч хусусиятдан қайси бирлари эътиборга олингани тўғрисида ўқувчиларининг фикрини сўраш асносида берилган назарий маълумотларни мустаҳкамлайди.

Баъзи шеърларда уч ёки ундан ортиқ маъно қатлами юзага чиқиши мумкин. Мисол тариқасида охирги дастурга кўра 11-синф дарслигидан жой олган Бобурнинг “Хазон яфроғи янглиғ...” ғазали ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинади. [196; 161-б.].

Бобур бутун Шарқ, хусусан, ўзбек адабиётида мумтоз араб шеърияти анъаналари мутлоқ етакчи мавқеда бўлган бир даврда яшади, ижод қилди. Қатъий қолипга солинган вазн, қофия, образлар ва улар ўртасидаги доимий белгиланган муносабатлар, такрорланувчи бадиий воситалар бевосита шоир шеърларда акс этади. Ана шу қатъий қолиплар доирасида такрорланувчи муносабатлар, шакллар ва усулларни ҳали бошқаларда кўрилмаган

вариацияларда ифодалаш шоирнинг ижодий ўзига хослигини белгилайди [46; 23-б.]. Айни пайтда бу биринчи зоҳирий маъно қатламини вужудга келтиради. Бу образлар маъносини, ҳар бир детални бадиий диди ва тайёргарлиги турлича бўлган китобхон ҳам ўзига яраша тушуниши ҳамда қабул қилиши мумкин бўлган маъноси зоҳирда кўриниб турган қатламдир. Ўқувчилар ҳам буни ўқитувчининг ёрдамисиз тушунадилар, ҳис этадилар. Унда образлар ўз маъносида, яъни, олайлик, Ошиқ, Ёр инсон тимсолида, уларга боғлиқ бадиий деталлар ҳам кундалик ҳаёт, турмушда учрайдиган маъноларида тушунилади. Масалан, гул – ёр гўзаллиги қиёсланадиган ўсимлик, сарв – ёр қоматига ўхшаш дараҳт, булбул – қисмати ошиққа монанд күш ва ҳоказо. Мисол тариқасида қуйидаги машҳур ғазал байтини олиш мумкин:

Хазон яфроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим,
Кўруб раҳм айлагил, эй лоларух, бу чехраи зардим.
Сен, эй гул, қўймадинг саркашлигингни сарвдек ҳаргиз,
Аёғингга тушиб барги хазондек мунча ёлбордим.

Байтларнинг зоҳирий маъносини муайян тажрибага эга бўлган ўқувчиларнинг ўзи мустақил таҳлил қилишлари керак. Байтларда икки – ёр ва ошиқ образлари кўзга ташланади. Зоҳирий маънога кўра, айтилгандек, унда интим туйғуларни изҳор этаётган шахс(oshiq)нинг иккинчи шахс(маъшуқа)га муносабати ва ишқдаги ҳолати акс этган. Анъанавий тасвир: ёрнинг гулдек юзидан айрилиқ туфайли ошиқнинг юзи саргайган. У лола юзли (лоларух) маъшуқадан заъфарон юзига қараб раҳм этишини сўрайди. Иккинчи мисрада ёр гўзаллик тасвири ҳамда ошиқ ҳолати баёни давом эттирилади. Ёрга нисбатан “гул”, “саркашлиқ” (ўжарлик), “сарв” сўзлари қўлланган бўлса, ошиқ учун “барги хазон”, “ёлбордим” ибора ва сўзлари келтирилган. Байтлар маъносидан кўриниб турибдики, ҳажр ёр жафокорлиги – саркашлиги туфайли юз берган. Анъанавий тасвирга кўра маъшуқа жабри учун ошиқ уни ёзғирмайди, балки жафога вафо билан жавоб беради. Хокисорлик билан аёғига йиқилишга ҳозир туради.

Ботиний маънони уқишда энди ўқитувчи ташаббусни қўлига олиши лозим бўлади. Ташаббус шу маънодаки, йўналтирувчи саволлар билан ўқувчиларни ботиндаги ҳақиқатларга йўллаш. Тахминан шундай саволлар ва жавоблар бўлиши мумкин:

1. Юқорида сиз баён қилган таҳлил маъно қатламлиликни юзага келтирувчи қайси хусусиятга кўра эди? У биринчи, яъни қандай адабий анъаналар таъсири остида адибнинг ижодий тафаккури шаклланганлигига кўра байтларнинг талқини эди.

2. Байтларда иккинчи хусусият - ижодкорнинг шахсий хаёти, тақдири, яъни адиб субъектининг у яратган асарлар бадиий оламига таъсири ҳам акс этганми?

Методикада муаллиф шахси, у билан боғлиқ тафсилотларни ҳисобга олган ҳолда асарни ўрганиш алоҳида қўлланмалар яратилган [92,186-б.]. Бобурнинг шахсий хаёти ва тақдири ҳаммага маълум. У умрининг охиригача Ватан соғинчи, юрт иштиёқи билан яшади. Шу соғинч ва иштиёқ унинг қалбида дард ва изтиробларга сабаб бўлди. Шоир ижодининг ҳар сатрида мазкур туйғулар бўй кўрсатиб туради. “Биографик омиллар услубда аксланиб туради” [119; 10-б.]. Бу эса ботиний маъно қатламини юзага чиқаради. У иккинчи қатламдир. Юқоридаги байтларга қайтсак, улардаги Ёр – Ватан, Ошиқ – Ватандан айру тушиб, унга интилаётган шахс тимсоли. Шу ўринда муаллим ўқувчилар билимини янги назарий маълумот билан бойитиши керак бўлади. У шундан иборатки, шеърдаги образларни тўлдирувчи бадиий деталлар иккинчи маъно қатламида янгича мазмун, моҳият касб эта бошлайди. Лекин улар биринчи қатламдаги маъноларидан бутунлай узоқлашмаган, мазмуний алоқадорликни сақлаган бўлади. Фақат сифатлаш ҳарактерида бўлган деталларгина бир оз мазмуний ўзгачалик ҳосил қилиши мумкин.

3. Энди Ёр образи Ватанни ифодалаётган экан, унга нисбатан қўлланган “гул юз”, “лоларух”, “гул” сўзларини қандай тушунмоғимиз керак?

Ватандан жудо шоир бекиёс гўзал (гул юз) Ватан ҳажрида сарғаяди. Иккинчи мисрадаги “лоларух”, кейинги байтнинг дастлабки сатридаги “гул” сўзлари ҳам она юрт кўркамлигини ифодалайди.

4. Навбатдаги сатрда қўлланган “саркашлик” (ўжарлик) сўзи Ватан билан мазмунан “ёпишмайди”. Сиз унга қандай маъно берасиз?

Айтилганидек, ушбу сўз мазкур маъно қатламида ўз лексик маъносидан қочиб, янги мазмун касб этади. Ватаннинг Бобурга саркашлиги унинг **иложсизлигидир**, яъни Бобур ҳар қанча истаса ҳам юртга қайтолмайди, Ватан ҳам уни бағрига ололмайди, чунки бунинг иложи йўқ. Лирик қаҳрамон (шоир) эса буни англаб турса ҳам, Ёр (Ватан)га илтижо қилиб ёлборади. Бобурнинг лирик қаҳрамонга (яъни ўзига) қўллаган ташbihлари шу ерда назарда тутилаётган ифодага жуда мос келади: Ёр (Ватан) кўркам сарв дарахти, ошиқ (шоир) эса ундан узилиб аёғи остига тушган хазон барги. Бу ташbih бежиз эмас: дарахтдан узилган барги хазон яна қайта унга қўшила олмаганидек, туғилган еридан кетган Бобур ҳам Ватанга қайта олмайди.

5. Байтларда асосий образлар билан баъзан бирга келадиган рақиб тўғрисида сўз юритилмаган. Лекин у бутунлай назардан соқит қилинган дейиш мумкинми?

Ўқувчилар бу саволга бошқа йўналтирувчи саволлар ёрдамидагина жавоб топишлари тажрибаларда кузатилди. Ғазалда очиқ кўринмаса-да, юртга қайтишга тўсқинлик қиласидаги кучлар (асосан сиёсий) пинҳона ифодаланаётган Рақиб образига ишора қиласиди. Бобурнинг ҳар қанча Ёр (Ватан) висолига интилмасин қайта олмаслиги, Ёр (Ватан)нинг уни бағрига ололмаслигидаги иложсизлик (саркашлик) сабаблари айнан шу рақиб кучлардир.


6. Учинчи хусусият – мавжуд мафкуравий воқелик, яъни адиб ижодий тафаккури шаклланишига таъсир этган ғоялар, мафкуралар билан боғлиқ яна бир ботиний қатlam юзага чиқиши мумкинми?

Тажриба давомида кузатилдики, ҳар қанча ўқувчилар билими кучли, синфнинг умумий савияси баланд бўлмасин бу саволга тўлақонли жавоб бера олмайдилар. Бунда таҳлил асосан ўқитувчининг зиммасига тушади.

Захириддин Бобур болалигидан Ислом дини ақидалари асосида тарбияланди, тасаввуф адабиёти таъсирида ижодий тафаккури шаклланди. Инсон эътиқоди унинг шахсиятининг негизи, маънавий оламининг қиёфасини акс эттирас экан, адаб ижодини бу улкан дунёвий мафкурадан айру ҳолда тушуниш ва тадқиқ этиш мумкин эмас. “Ҳар қандай одам ўз авлоди аurasida яшайди... Шунинг учун ҳам муайян бир даврда яшаб туриб, ундан ташқарида бўлиш, унинг таъсирига берилмаслик деярли мумкин эмас” [54; 112-б.]. Ислом ва тасаввуфий инъикос Бобур ижодининг учинчи маъно қатламини кашф этишга йўл очади. У қатlam ҳам моҳият эътибори билан ботиний сатҳ ҳисобланади. Образлар ва бадиий деталлар исломий мазмун билан йўғрилган бўлади: Ёр – Оллоҳ, Ошиқ – буюк Яратувчи васлига интилувчи банда, Рақиб – Ошиқни асосий мақсад, интилишларидан чалғитувчи нафс ва нафсоний воқелик тимсоли. Бадиий деталлар, қўлланган сўз ва иборалар олдинги қатламлардаги маъноларидан узоқлашиши, айrim ҳолларда фавқулодда янгича маъно касб этиши мумкин. Гул билан боғлиқ гўзаллик тимсоллари Яратганинг бекиёс жамолининг ифодаси. Ошиқ эса ўз Яратувчисини таниган ва унга етишмоқлиқ ишқи билан ёнаётган солик бўлиб, фоний дунёдаги тириклик ҳаёти сабаб Ҳақиқий маъшук билан ораларига тушган ҳажрдан юзи зард тортган. “Саркашлик” биринчи маъно қатламидагидек ўжарлик, иккинчи маъно қатламидагидек иложсизлик тушунчалари билан бу ерда рост келмайди. Бу сўз Ёр жафосининг ифодаси экан, у Оллоҳга нисбатан қўлланганда (айниқса, Унинг Бобурга муносабатини назарда тутганда) байтдан “синаш”, “имтиҳон қилиш” маъносини чиқариш мумкин. Чунки Бобур комил мусулмон иймони билан яшар экан, болалигидан бошига тушган ва умрининг охиригача давом этган фалокатлар, баҳтсизликлар, қийинчиликлар Яратганинг бандасига бир синови, имтиҳони эканини яхши англар, дилдан туярди.

Бошқа образлардан фарқли ўлароқ Ошиқ маъно сатҳларида ҳар сафар янги мазмун олаётган бўйлса-да, уларнинг барчаси бир шахс (субъект) бўлишлиги билан учала маъно қатламини бирлаштириб туради, ўзаро боғлайди.

Бобур газали таҳлилидан чиқадиган хулосани қуидагича чизмада ифодалаб, ўқувчилар эътиборига ҳавола қилиши мумкин:



1-расм. Маъноқатламлилик парадигмаси

Бу кўргазмали қурол таҳлилнинг бутун манзарасини, маъно қатламлиликнинг макетини, моҳиятини ўқувчи тушунчаси ва хотирасига

мухрлайди. Ҳатто баъзи ўқувчилар кейинчалик ўрганилган шеърларни шу каби чизмаларга солишга уринганликларига гувоҳ бўлдик. Буни машғулотнинг муваффақияти, тажрибанинг ютуғи сифатида баҳолаш мумкин.

Айтилганлардан хulosа шуки, адабиёт муаллими асар матнини таҳлил қилишга киришар экан, аввало юқорида қайд этилган ва икки адиб шеърлари мисолида кўрилган маъно қатламлийкка алоқадор уч хусусиятни инобатга олиб таҳлил йўсини ва шаклини белгилаб олиши даркор. Фақат биринчи хусусиятгина мавжуд бўлиб, иккинчи ва учинчи хусусиятлар кузатилмаса, айтилгандек, бир маъно қатламли шеърлар сирасига киради. Уларнинг мазмун ва мавзуга кўра таснифи юқорида келтирилди. Асарларнинг маъно қатламига эгалиги муаллифнинг ижодий методига боғлиқ. Буни Навоий ҳам ўз асарларида қайд этган эди. “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарида Паҳлавон Муҳаммаднинг ҳозирда туркий тилда шеър айтган (ижод қилган) бир қатор шоирлар бор, ҳаммаси бир хил эмас. Улар ичида қайси бири яхши ёзади, деб сўрагач, ораларида шундай диалог кечади: “Фақир (яъни Навоий – В.К.) айттимким:

- Мавлоно Лутфий ҳоло (ҳозиргacha – В.К.) мусалламдурлар (тан олинганлар – В.К.) ва бу қавмнинг устоди ва малик ул-каломидур.

Деди (яъни Паҳлавон Муҳаммад – В.К.):

- Нечук Сайид Насимий демадинг?
- Хотирға келмади ва бар тақдир келмоқ, Сайид Насимиининг назми *ўзга ранг* (таъкид бизники – В.К.) тушубдур, *зоҳир аҳли шуаросидек* (таъкид бизники – В.К.) назм айтмайдур, балки *ҳақиқат тариқини адo этибдур* (таъкид бизники – В.К.). Бу саволда сенинг ғаразинг мажоз тариқида айтур эл эрди” [74:98-6].

“Навоийнинг охирги тушунтириш жавобида гап кўп. Биринчидан, Навоий Лутфий билан Насимиининг бошқа-бошқа йўналишдаги, яъни “ўзга ранг”даги шоирлар эканини қайд этяпти. Иккинчидан, бу бошқа-бошқалик нимадан иборат эканини ҳам тушунтиряпти. Шеъриятда ҳақиқат тариқи –

бевосита Оллоҳнинг ўзини назарда тутиб тасвирлаш. Мажоз эса услубда ишқни одамлар ёки бошқа тимсоллар ўртасидаги муҳаббат рамзида қаламга олиш. Аммо мажоз дейилишидан билиниб турибдики, мақсад бунда ҳам, аслида, Оллоҳ ишқи” [74; 79-б.].

Шу нуқтаи назардан шоирларни тасниф этсак, ҳозир таълимда ўқитиладиган мумтоз ижодкорларни қуидагича гурухлаш мумкин:

1. Мажозий ишқни талқин этган адиллар. Ўзбек мумтоз шоирларининг аксарияти Лутфийгача бўлган Хоразмий, Атоий, Саккокийлардан то Мунис, Огаҳий ва Увайсий, Нодира каби кўплаб ижодкорларни бу гурухга киритиш мумкин.

2. Ҳақиқий ишқни куйлаган адиллар. Бунга Насимийга ҳамоҳанг Машраб ва Сўфи Оллоёр асарларини мансуб деб билдик.

3. Навоий эса бу икки гурух шоирларга хос жиҳатларни ўзида жам этган. Мутафаккир шоирда мажозий ва ҳақиқий ишқ мустақил тарзда ҳам, бир асар доирасида уйғунлашган ҳолда ҳам учрайди.

4. Ёзмишлари буткул бўлмаса-да, аксарият ҳолларда ҳақиқат ва мажоздан ҳам холи бўлмаган ижодкорлар. Бу гурухга мансуб Махмур, Муқимий, Завқий, Фурқат каби шоирлар асосан маърифатчилик, ижтимоий-сиёсий мавзуларни қаламга олганлар.

Демак, биринчи гуруҳдаги адиллар ҳамда Навоий асарларини ўрганганда маъно қатламлилик нуқтаи назаридан ёндашиб мумкин. Навоийнинг “ҳақиқат тариқи” билан айтганлари ва иккинчи гурухга мансуб шоирлар шеърларидан мажоз қидирмай, талқин қилинган ҳақиқатни очиқлаб берилиши керак. Охирги гурухга мансуб қалам аҳли асарларида яшаган даврларнинг маърифий, ижтимоий воқеликларини акс эттирганликлари сабаб уларда зохрий ҳамда ботиний маъно қатламлари қузатилмайди.

Бу омилларни билиш ва уларга амал қилиш адабиёт дарсларининг илмий асосланганлиги ва маърифий, маънавий йўналганлигини таъминлайди.

Мазкур фаслда сўз юритганимиз мумтоз бадиий тафаккур тарзи бу давр намуналарини ўқитишда ҳал қилувчи омил саналади. Ундан фақат мумтоз адабиётни ўқитишгагина хос бўлган тўрт тамойил келиб чиқади:

- 1) Биринчидан бешинчигача бўлган бадиий-эстетик унсурлар *адабий қолипларга риоя қилиши тамойилини*;
- 2) олтинчи унсур *тил хусусиятларини англаш тамойилини*; еттинчи бадиий-эстетик унсур эса иккита:
- 3) *рамзийлик ва мажозийлик тамойилини* ва
- 4) *маъно қатламини идрок этиши тамойилини* қайд этишни тақозо этади.

Иккинчи боб юзасидан хулосалар:

1. Таълим босқичларида мумтоз адабиёт намуналарини ўқитишдан бош мақсад тарбияланувчиларда комиллик сифатини муайян даражада шакллантириш бўлиб, унинг миллий педагогикамиизда бир неча асрлик тажриба ва анъаналари бор.

2. Адабиётдан яратилаётган дастурларда тавсия этилаётган, дарслика киритилаётган ҳар бир асар филологик ва дидактик жиҳатдан илмий асосланиши, амалиётга мувофиқлиги тажрибалар билан тасдиqlаниши, бунда Адабиёт предметини ўқитиш билан боғлиқ умумий ҳамда мумтоз адабиётни ўқитишгагина хос бўлган хусусий тамойилларга таянилиши лозим.

3. Мумтоз бадиий тафаккур тарзи бу мумтоз намуналарини тушунишнинг омили бўлиб, унинг воситасида асарлар, образлар талқини ва таҳлилига тўғри йўл топилади, моҳият ва бадииятни англаш теранлашади.

4. Адабиёт муаллими мумтоз асарларга хос бўлган рамзлар, уларга бириклирлган тушунчалар моҳиятини теран англамоғи ва адабий таълимда босқичма-босқич ўқувчиларга сингдириб бормоғи талаб этилади.

5. Диний-тасаввуфий ҳамда агиографик асарларни ўрганишда, уларда жо бўлган маъно қатламлиликни англашда аввало муаллифнинг асарларида мажоз ва ҳақиқатни акс эттиришига кўра адибларнинг қайси гурӯхига мансублигини аниқлаб олиш талқин ва таҳлилга мантиқли ёндашувни таъминлайди.

ІІІ БОБ. МУМТОЗ АДАБИЁТ НАМУНАЛАРИНИ ЎРГАНИШ АСОСЛАРИ

3.1-§. Ўқувчиларда назарий билимларни шакллантириш

Дарс самарадорлиги, эгалланган кўникма ва малакаларнинг сифат кўрсаткичлари қўп жиҳатдан ўқувчиларга берилган назарий билимларга ҳам боғлиқ. Бизнингча, ўрта мактаб адабий таълимида ўрганишга тавсия этилаётган назарий билимлар белгиланган бош мақсад, асосий вазифалардан келиб чиқиб, бадиий адабиётнинг ҳам шаклий, ҳам мазмуний мундарижасини ўзаро мувофиқликда, аниқ мақсадларга йўналтирилган ва айни пайтда тадрижий тизимга бўйсундирилган тарзда берилиши лозим. Демак, назарий маълумотларни беришда ҳам амалиёт синовидан ўтган, самараси тажрибаларда тасдиқланган илмий ҳақиқатларга асосланиб кутилган натижаларга эришиш мумкин бўлади. Назарий билимларни амалий кўллай олиш кўникмасини шакллантириш ўқувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга йўл очади [78; 69, 115; 177, 116; 128-б.].

Хозиргача яратилган дастурлар, ёзилган дарсликлар таҳлили шуни кўрсатадики, бизда ҳали назарий билимларни беришнинг янада пухта илмий асосларини ишлаб чиқиш керак. Буни энг сўнгти қабул қилинган 2017 йилги дастурдан олдинги ва такомиллаштирилган деб сифатланган дастур мисолида ҳам кузатиш мумкин. Бир маълумотнинг кейинги синфларда такрор берилиши (масалан, 5- ва 6-синфларда рубоий, афсоналар ҳақида), ўзаро бир хил ёки яқин тушунчаларнинг турли синфларда қайталаниши (масалан, 5-синфда шеър ҳақида тушунча, 6-синфда шеърий нутқ, 7-синфда вазн ҳақида тушунча) каби ҳолатларга дуч келамиз. Улар ҳақида дарсликларда берилган маълумотлар мазмунан бир-бирини такрорлайди. Айрим ўринларда маълумотлар берилишида номувофиқликлар ҳам бор эди. Масалан, ғазал 6-синфдан бошлаб ўқитилишига қарамай, негадир 9-синфга келибгина унинг жанр белгилари тушунтирилади. 7-синфда Увайсий

мавзусидан кейин радиф ва чистон тушунчалари берилиши дастурда белгилаб қўйилган. Аслида ўзаро боғлиқ бўлганлиги учун радиф қофия билан биргаликда тушунтирилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Худди шундай ҳолатни бадиий тасвир воситаларининг берилишида ҳам кузатиш мумкин. Мактаб дастурида атиги тўрт-бештагина шеърий санъатлар ҳақида маълумот берилган холос. Шеъриятимизда фаол ишлатиладиган тазод, ирсоли масал, тажохул ориф, тарсөъ каби бошқа бадиий воситалар дастур тузишда негадир унутиб қолдирилган эди. Тадқиқот иши дастур ва дарсликлардаги назарий маълумотларни айнан ёки зарурат юзасидан кенгайтириб, шунингдек, мақсадга эришиш йўлида қўшимча маълумот ва тушунчаларни киритган ҳолда ўқитиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди. Энг охирги дастурга назар ташласак, бу бўшлиқлар бир мунча тўлдирилганига гувоҳ бўламиз. 10-синф дарслигига ўн учта шеърий санъат тўғрисида маълумот берилган [195; 167–181-б.]. 11-синфда эса марсия ҳақида тушунча, қадимга мақоллар ҳақида, маснуъ шеър тўғрисида назарий маълумот келтирилган [196; 65,68,178-б.].

Мумтоз адабиёт бўйича назарий маълумотлар қуидагиларни ўз ичига олади: 1) вазн (аруз) ҳақида тушунча; 2) қофия ва унинг унсурлари; 3) бадиий тасвир воситалари (шеърий санъатлар); 4) юқоридагиларни ҳам ўз ичига олган мумтоз бадиий тафаккур тарзини шакллантириш юзасидан бериладиган билим, қўникма ва малакалар мажмуаси.

Мактабда вазнларни ўқитиш адабиёт ўқитувчилари учун мураккаб мавзулардан бири саналади. Сабаби, вазнларни ўргатиш учун ҳамма дастурларда жуда оз соат ажратиб келинган, баъзиларида эса умуман бу мавзу киритилмаган. Қолаверса, яқин йилларгача вазнларни ўқитиш методикаси илмда етарли ишлаб чиқилмаган. Анвар Ҳожиаҳмедовнинг “Мактабда аruz вазнини ўрганиш” қўлланмаси [210] бу борадаги ягона манба эди. “Ўзбек арузи лугати” [211], “Мактабда ўрганиладиган мумтоз шеъриятнинг вазн кўрсаткичлари” [212] китоблари ўқитувчиларнинг ҳамроҳи бўлиб келди. “Мактабда аruz вазнини ўрганиш” қўлланмасида аruz бўйича ўқувчиларга берилиши керак бўлган билим, тушунчалар кўлами,

мазмуни белгилаб берилган, унда тизимли, амалиётга тўғридан-тўғри қўллаб, самара бериши мумкин бўлган йўриқлар тўла ишлаб чиқилган деб бўлмайди. Лекин у ўқитувчилар учун ўз устида ишлашлари, аруз ҳақида маълумот олишлари, олий ўкув юртида вазнлар ҳақида олган билимларидаги кемтикликни тўлдириш учун етарли қўлланмадир. Шунингдек, А.Курбоновнинг рисола ва мақолалари [207], Д. Юсупованинг “Илми аруз” [200], Д. Зоҳидованинг “Аруз сабоқлари” [130] китоблари амалиётдаги эҳтиёжлардан келиб чиқиб яратилган асарлардир.

Кузатишлар арузни қуидаги тартибда ўқитилиши мақсадга мувофиқлигини кўрсатди: 1) бармоқ вазни тўғрисида тушунча; 2) бўғинга қиёсан ҳижо ва унинг сифатлари; 3) туроққа қиёсан руқн ва уни ҳосил қилувчи унсурлар; 4) руқн, унинг тузилиши ва турлари; 5) баҳрларнинг ҳосил бўлиши; 6) васл ҳодисаси; 7) вазн талабига кўра сўзларни қўллашдаги истиснолар ҳақида маълумот бериш; 8) зихофлар.

Мумтоз арузшуносликда вазнлар қиёсига эътибор қилинмаган бўлса-да [26], бармоқ вазнини ўқувчиларга пухта ўргатилиши, бизнингча, арузни ўрганишнинг биринчи шартидир. Йўқса, иш бир неча баравар ортади ва қийинлашади. Бунда, биринчидан, бармоқ вазни тўғрисида тушунча берилади; иккинчидан, ўта мураккаб саналган арузни ўқитишда бармоқ ҳақидаги билимлар таянч нуқта вазифасини ўтайди; учинчидан, бу вазни амалиётга қўллаш юзасидан шакллантирилган кўникма ва малакалар арузда ҳам татбиқ этилади. Ўқувчиларнинг бўғин, ритм, туроқ, мисра, банд каби бармоқ юзасидан олган билимлари, ифодали ўқишида уларни қўллай билишлари арузни ўрганишда қўл келади. Бармоқ вазни ҳақидаги тушунчаларни болаларга 5-синфдан бошлаб тадрижийлик асосида бериш мумкин. Бошланғич синфдан бўғин ҳақида тушунча берилгани ҳамда она тилидаги бўғин тушунчаси бармоқдаги бўғинга айнан мослиги ишни енгиллаштиради. Аста-секин туроқ, мисра, банд ҳақида маълумот бериб борилади.

Арузни ўргатиши 8-синфдан бошлар экан, ўқитувчи аввало бу вазн этимологияси, тарқалиши, ривожланиши тўғрисида қисқача маълумот бериб ўтиши мақсадга мувофиқ. Бу маълумотларни у А. Ҳожиаҳмедовнинг эслатилган китобидан олиши мумкин. Сўнг бу иккала шеърий тизим ўртасидаги ўхшашик ва фарқларни изоҳлаб бериш даркор. Бунда ўқитувчи қуидаги жадваллардан фойдаланиши мумкин:

1-жадвал. Бармоқ ва аruz шеърий тизимларидағи тушунчаларнинг ўхшашик жиҳатлари

Бармоқда	Аruzда	Ўхшашик асослари
Бўғин	Хижо	Вазннинг энг кичик бирлиги, бир ҳаво зарби билан айтиладиган товуш ва товушлар йиғинди
Туроқ	Рукн	Мисралар ичидағи ритмик бўлиниш
Мисра	Мисра	Катта тўхталиш билан ажralадиган ритмик бўлак, бандларни ҳосил қилувчи қисм
Банд	Мусаммат	Шеърий мисралар туркуми

2- жадвал. Бармоқ ва аruz шеърий тизимларидағи тушунчаларнинг фарқли жиҳатлари

Бармоқда	Аruzда	Фарқли томонлари
Бўғин	Хижо	а) аruzда хижолар сифат жиҳатидан фарқланади, бармоқда фарқланмайди; б) аruzда баъзан бир бўғин икки хижога тенг келиб қолади.
Туроқ	Рукн	Сўз ёки сўзлар яхлит ҳолда туроққа ажralади, аruzда бир сўз вазн талабига қўра икки рукнга бўлиниб кетиши мумкин.
Мисра	Мисра	Фарқланмайди
Банд	Мусаммат	Банд – алоҳида жанр кўрсаткичи эмас, мусаммат – мумтоз шеър жанрларини белгилашнинг асосий белгиси.

Ўқитувчи шу ўринда имкониятидан келиб чиқиб, маснавийдан то муашшаргача бўлган мусаммат шаклларини – жанрларни тушунтириб, ўқувчилар дафтарига ёздириб қўйиши мақсадга мувофиқ.

Кейинги вазифа ҳижо ҳақида тушунча бериш бўлади. Араб, форс тилларида, шунингдек, юз фоиз мос келмаса-да, эски ўзбек ёзувидағи ифодаларда ҳижолар сифатини аниқлаш осон кечади. Негаки уларда қисқа ҳижолар харакатлар билан, чўзиқ ҳижолар ҳарфлар билан берилади. Кирил ва лотин ёзувларида эса бундай имконият йўқ. Шунинг учун ҳижоларни тушунтиришда ўқувчиларнинг Она тили дарсларида фонетика бўлимидан олган билимларига суянган маъқул.

Аввало, ҳижолар сифат жиҳатидан уч турли – қисқа, чўзиқ, ўта чўзиқ бўлиши қайд этилиб, ёздириб қўйилади ва ҳар бири тавсиф қилинади.

Фонетикада очиқ бўғинлар **қисқа ҳижо** саналади ва “V” белгиси билан кўрсатилади. Фақат “о” (баъзан “и”, “у”, “ў”) унлиси билан тугаган очиқ бўғинлар бундан истисно. Масалан: ука, шуни, тўла.

V V V V V

Чўзиқ ҳижога эса ёпиқ бўғинлар ва “о” (баъзан “и”, “у”, “ў”) унлиси билан тугаган очиқ бўғинлар киради. Лекин беркитувчи ундошдан олдин “о” унлиси ҳамда қўш ундош билан тугаган ёпиқ бўғинлар бундан мустасно. Чўзиқ ҳижо белгиси “–” билан кўрсатилади.

Масалан: Собир, пахта, қўйлак.

– – – V – –

Ўта чўзиқ ҳижо – беркитувчи ундошдан олдин “о” унлиси ҳамда қўш ундош билан тугаган ёпиқ бўғинлардир ва у уч хил кўринишда: — ёки – V ва V – белгилари билан кўрсатилади.

Мисол: баҳор, сабрли, шодлик, қадрдон.

V -V V - V - V- —

Бу маълумотлар тушунтирилиб, ёздириб қўйилгач, мустаҳкамлаш учун бир нечта сўз, сўз бирикмалари ва қисқа гаплар берилади. Ўқувчилар улардаги ҳар бир ҳижонинг сифатини аниқлаб, изоҳлаб бериши керак. Масалан, ушбу сўзлар берилиши мумкин: **тепалик, меҳр, зор бўлмоқ, ўртогим бугун келди**. Ўқувчилар қуидагича изоҳлашлари керак: “тепалик” сўзининг биринчи ҳижоси “те” қисқа ҳижо, чунки у очиқ бўғин; “па” – қисқа

хижо, чунки у ҳам очиқ бўғин, “лик” – чўзиқ ҳижо, чунки ёпиқ бўғин. Мехр – ўта чўзиқ ҳижо, негаки у қўш ундошли ёпиқ бўғин ва ҳ.к.

Шу тахлит ҳижолар сифатини аниқлаш бўйича дастлабки кўнималар шакллантирилиб олингач, рукнни ҳосил қилувчи унсурлар билан таништирилади. **Сабаб, ватад, фосила** деб аталадиган бу унсурлар А. Ҳожиаҳмедов китобида берилган каби тушунтириб, асосий мағзи қисқача ёздириб қўйилади [210; 16 –18-б.]. Бу маълумотларга кўп вақт сарфлашнинг ҳожати йўқ, негаки уларга кейинчалик деярли мурожаат қилинмайди.

Рукнларнинг ҳосил бўлишини тушунтиргандага, улар сабаб, ватад, фосила унсурларининг бирикувидан вужудга келишина қайд этиш билангина кифояланиб, ҳижолар орқали тушунтирилганда ўқувчиларнинг осон қабул қилиши тажрибаларда кузатилди. Яъни ватади мажмудан сўнг икки сабаб келса, мафоийлун рукни ҳосил бўлади дейиш ўрнига, бир қисқа ва уч чўзиқ ҳижодан мафоийлун рукни ҳосил бўлади дейилса, ўқувчига осонроқ эслаб қолади. Аруздаги саккиз асл рукн шу тахлит бирма-бир тушунтирилади ва бир йўла улардан ҳосил бўладиган баҳрлар ҳам қайд этиб борилади.

Бир қисқа ва икки чўзиқ ҳижодан **фаувлун** рукни, унинг тақоридан **мутақориб** баҳри вужудга келади. Бир чўзиқ, қисқа ва чўзиқ ҳижолардан **фоилун** рукни, унинг тақоридан **мутадорик** баҳри; бир қисқа ва уч чўзиқ ҳижолардан **мафоийлун** рукни ва урнинг тақоридан **ҳазаж** баҳри; чўзиқ, қисқа ва икки чўзиқ ҳижолардан **фоилотун** рукни ва уларнинг тақоридан **рамал** баҳри; икки чўзиқ, қисқа ва чўзиқ ҳижолардан **мустафъилун** рукни ва унинг тақоридан **ражаз** баҳри; уч чўзиқ ва бир қисқа ҳижолардан **мафъувлоту** рукни юзага келади, лекин баҳр ҳосил бўлмайди; икки қисқа, чўзиқ, қисқа ва чўзиқ ҳижолардан **мутафоилун** рукни ва унинг тақоридан **комил** баҳри; қисқа, чўзиқ, икки қисқа ва чўзиқ ҳижолардан **мафоилатун** рукни ва унинг тақоридан **вофир** баҳри ҳосил бўлади. Бу маълумотларни куйидаги жадвалда акс эттириб, ўқувчиларга ёздириб қўйиш лозим.

З-жадвал. Асосий руқнлар ва улардан ҳосил бўладиган баҳрлар

№	Руқн номи	Чизмаси	Ҳосил бўладиган баҳр
1	Фаувлун	V --	Мутақориб
2	Фоилун	- V -	Мутадорик
3	Мафоийлун	V---	Ҳазаж
4	Фоилотун	-- V -	Рамал
5	Мустафъилун	-- V -	Ражаз
6	Мафъулоту	--- V	-
7	Мутафоилун	V V - V -	Комил
8	Мафоилатун	V - V V -	Вофири

Ўзбек мумтоз шеъриятида асосан мутақориб, ҳазаж, рамал, ражаз баҳрлари фаол қўлланади. Шунинг учун руқн ва баҳрларни аниқлаш қўнимга ва малакаларини шакллантириш учун айнан шу вазнларда ёзилган шеърлардан намуналар бериш мақсадга мувофиқ.

Кўзи тўқ керак ҳам ўвутлуғ тузун,
Ашиқ ҳам язиқ бўлса қилқин сўзин.

Юсуф Хос Ҳожиб

Ўқувчилар муаллим кузатуvida ҳижоларнинг сифатини аниқлайдилар:

Кўзи тўқ/ ке-рак ҳам/ ў-вут-луғ/ ту-зун,

V - - V - - V - - V -

А-шиқ ҳам/ я-зиқ бўл/-са қил-қин/ сў-зин.

V - - V - - V - - V -

Болалар ҳар бир ҳижога тўхталиб, унинг сифатини – нима учун қисқа ёки чўзиқ эканлигини изоҳлашлари керак. Иккинчи мисрадаги “бўлса” сўзига диққат тортилиб, унинг биринчи бўғини мисранинг иккинчи руқнида, кейинги бўғин эса учинчи руқнда эканлиги айтилиб, аруздаги руқн хусусияти яна бир бор таъкидланади. Биринчи мисрадаги “кўзи” сўзининг иккинчи ҳижосини ўқувчилар қисқа деб белгилашлари табиий. Ўқитувчи шу мисол

билан баъзан биз қисқа деб ўрганган бўғинлар вазн талабига кўра чўзиқ ҳижо сифатида олишни тақозо этади деб тушунтиromoғи керак ҳамда бўғиндаги “и” унлиси чўзиб талаффуз этилиши айтилади. Камдан-кам ҳолларда худди шу каби айрим чўзиқ ҳижолар (“о” билан тугаган очик бўғинлар) қисқа ва баъзизда ўта чўзиқ ҳижолар чўзиқ олиниши мумкинлиги қайд этиб ўтилади. Кейинчалик айнан шу ҳолатларга дуч келинганда албатта унга алоҳида урғу бериб, бутун синфнинг эътиборини унга тортиш керак бўлади. Келтирилган байтдаги ҳар бир ритмик бўлакда бир қисқа ва икки чўзиқ ҳижо такрорланаётганига дикқат қаратилади ва ўқувчиларга жадвалдан фойдаланиб, бу қайси рукнга тўғри келишини ва унинг такоридан қайси баҳр ҳосил бўлганини аниқлаш топиширилади. Ўқувчилар V - - ҳижолари фаувлун рукнини ва унинг такоридан мутақориб баҳри ҳосил бўлаётганини аниқлайдилар.

Эй кўнгул, тарки насиҳат айладим овора бўл,

Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум санга.

Юқоридаги тадбирлар яна такрорланади. Ўқувчилар мумтоз шеъриятда жуда кўп учрайдиган “кўнгул”ни **кўн-гил** тарзида бўғинга ажратадилар. Ўқитувчи бу хато эканлигини, тил нуқтаи назаридан ҳам бу сўз **кў-нгил** тарзида ажратиш лозимлигини ҳамда вазн ҳам бунда тўғри чиқишини тушунтиради. Шунингдек, “тарки” сўзидағи иккинчи ҳижо очик бўғин бўлсада, вазн талаби билан чўзиқ олинади, акс ҳолда вазн ҳам чиқмайди ва шеърнинг оҳангдорлиги, мусиқийлигига путур етади. Буни болалар хис этишлари учун сўзнинг ушбу бўғинини қисқа ҳам, чўзиқ қилиб ҳам талаффуз қилдириб, уларга шеърни ўқиттириб кўриш керак. Чўзиб ўқилгандаги мусиқийлик, оҳангдаги жозиба қисқа ўқилганда йўқолганлигини эшитиб, хис қилиб, бунга ўзлари иқрор бўладилар ва яна шу каби ҳолатларга дуч келинганда, ифодали ўқиши орқали ҳижо сифатини аниқлашни ўрганадилар. Байт сўнгидаги “санга” сўзи **са-нга** тарзида ажратилиб, V – тарзида белгиланиши тушунтирилади. Энг охирги ҳижо аксарият ҳолларда очик бўлса-да, чўзиқ олиниши ва бу мумтоз шеъриятда деярли барча шундай

холларда татбиқ этилиши таъкидланади. Лекин *менга* ва *сенга* сўзлари вазн талаби билан мисра боши ёки ўртасида икки хил: ме-нга, се-нга (V –) ҳамда мен-га, сен-га (–V) тарзида ажратилиши мумкинлигини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Шу ўринда **тақтиъ** ҳақида ҳам тушунча бериб ўтиш ўринли бўлади. “Тақтиъ – шеърда мисраларни айрим бўлакларга бўлиб вазнни ўлчаш” [24; 212-б.]. Ўқитувчи мисрани ўқир экан, ҳар бир бўлинишни қайд этиб боради: “Эй қў-нгул тар” – фо-и-ло-тун, шу ерда тақтиъ тушади ва у вертикал кўйиладиган / белгиси билан кўрсатилади: *Эй қўнгул тар!*. Йккинчи тақтиъ *ки насиҳат*/ рукнидан кейин, учинчиси *айладим о!*, тўртинчи тақтиъ *вора бўл!* рукнидан кейин тушади. Шу тахлит иккинчи мисра ҳам белгиланади. Байтнинг рукнларга ажратилиб, тақтиълар тушган чизмаси қуидагича кўриниш олади:

Эй қў-нгул, тар/ки насиҳат/ айладим о/вора бўл/

- V - - / - V - - / - V - - / - V - /

Юз ба-ло ет/мас-ки, мен ҳам/ бир бало бўл/дум са-нга./

- V - - / - V - - / - V - - / - V - /

Ўқувчиларга ҳар қандай шеърнинг биринчи мисраси вазни тўғри аниқланса, етарли бўлиши, бу вазн шеърнинг охиригача деярли ҳамма мисраларда ўзгаришсиз давом этиши айтилади. Бунга ўзлари амин бўлишлари учун бир ғазални охиригача (ҳар бир мисрасини вазн нуқтаи назаридан) таҳлил қилдириш ўринли бўлади. Худди шу ўринда ўта чўзиқ ҳижонинг белгиланиш хусусияти тўғрисида тўхталиш жоиз. Чунки у уч хил кўриниша белгиланиши юқорида айтилди. Уларнинг қайси бири қаерда кўлланади? Тўлқин шаклдаги белги ҳар доим мисралар охирида келган ўта чўзиқ ҳижоларга қўйилади:

Ул па-ри-ваш ҳаж-ри-дин-ким йиғ-ла-дим де-во-на-*вор*,

- V - - / - V - - / - V - - / - V ~

Ким-са бор-му-ким а-нга кўр-ган-да кул-гу кел-ма-ди.

Қолган –V ва V– шаклларнинг қаерда қўлланишини вазият белгилайди.
Навоийнинг

Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санга,
Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдум санга

байтининг иккинчи мисрасидаги “ошно” сўзининг биринчи бўғини ўта чўзиқ ҳижо. Уни чўзиқ ва қисқа (– V) тарзда ҳамда қисқа ва чўзиқ (V –) шаклида ҳам белгилаш мумкин. Мисра бошидан такрорланиб келаётган фоилотун рукни бир чўзиқ ва қисқа тарзида олинишини тақозо этади. Қолаверса, шу руқннинг биринчи мисрадаги жуфти “мубтало бўл” рукни ҳам шуни талаб қиласди.

Кўр-га-ли ҳус-нунг-ни зо-ру муб-та-ло бўл-дум са-нга,

- V - - / - V - - / - V - - / - V - /

Не ба-ло-лиғ кун э-ди-ким, *ои*-но бўл-дум са-нга.

- V - - / - V - - / - V - - / - V - /

Қуидаги байтда эса ўта чўзиқ ўлчамни қисқа ва чўзиқ ҳижо сифатида олиниши керак:

А-lam ет-кач, На-во-ий, **даҳ-р-дин** май бил а-нинг даф-ъи,

V - - - / V - - - / V - - - / V - - - /

Қа-бул эт-ган ки-ши-га бас-ду-рур о-лам-да бу бир панд.

V - - - / V - - - / V - - - / V - - ~ /

Байтининг биринчи мисрасидаги “даҳр” сўзи вазн талабига кўра икки ҳижо – қисқа ва чўзиқ олинмоқда ҳамда тил нуқтаи назаридан бир бўғин бўлган бу бирлик икки руқнга ажralиб ҳам кетмоқда. Байт охиридаги қўш ундошли “панд” сўзининг ўта чўзиқлик ҳолати белгиланишига тарбияланувчилар диққати тортилади.

Кейинги вазифа васл ҳодисасини тушунтириш бўлади. Уни билмаслик айрим байтлар вазнини аниқлашда чалкашликка сабаб бўлади. Васл вазн талабига кўра бир сўз охиридаги ундошни унли билан бошланган кейинги сўзнинг биринчи бўғинига кўчиришdir. Бунда ундош билан тугаган биринчи сўзнинг охирги бўғини чўзиқ бўлса қисқага, ўта чўзиқ бўлса очик чўзиқ ҳижога айланади. “Фарҳод ва Ширин”дан олинган қуидаги байтни кўрайлик:

Недур аҳво/ линг, эй зори/ ғарибим,/
Висолим дав/латидин бе/насибим./

Ўқувчилар биринчи рукнни мустақил аниқлайдилар: **не-дур ах-во**. Ҳижолари бир қисқа ва уч чўзиқ, яъни V – – – . Бу мафоийлун рукни, ҳазаж баҳри демакдир. Қоида бўйича шу тақтиъ давом этиши керак. Иккинчи рукннинг ҳам шунга кўра биринчиси қисқа ҳижко бўлиши керак. Лекин “линг” ёпиқ бўғин бўлгани учун у чўзиқ ҳижко саналади. Ўқувчилар бу ерда керакли қисқа ўрнига чўзиқ ҳижко келаётганига дуч келадилар. Ўқитувчи шу ўринда васл ҳодисаси қўл келишини айтиб, тушунтиради: кейинги сўз (*эй*) унли билан бошлангани учун “линг” бўғинидаги *нг* ундошини унга ўтказамиз ҳамда васл ҳодисасини қўллаб, қуидагича ҳижолар кўринишларига эга бўламиз: *ли – нгэй зо – ри*. Учинчи рукнда муаммо йўқ: *ға-ри-бим*: V – – . У қисқа билан бошланиб, чўзиқ ҳижолар билан давом этади. Шундай қилиб, биринчи мисра шундай ўқилиши лозим: Не-дур-ах-во/ ли-нгэй-зо-ри/ ға-ри-бим/.

Навоий ғазалидан олинган байт билан бу билимлар мустаҳкамланади:

Ёр келса, бас маҳалдурким, ичим қон этти шавқ,
Сабру оромим бериб барбод туғён этти шавқ.

Бу байт ўта чўзиқ ҳижони белгилаш ҳамда васл ҳодисасини қўллаш малакасини ривожлантириш учун ғоят ўринли материал дейиш мумкин. Ўқувчилар аввало биринчи мисра бошида келаётган ўта чўзиқ “ёр” сўзини V

– ёки – V шаклларидан қай бири билан белгилаш кераклигини топишлари керак бўлади. Мисралар ичида келганда олдинги руқнлардан келиб чиқиларди, ушбу ҳолатда-чи? Синфдаги топқир ўқувчилар ҳамма мисралардаги ост-уст жойлашган ҳижолар бир хил сифатда бўлишини эътиборга олиб, иккинчи мисранинг дастлабки икки ҳижосидан келиб чиқиши зарурлигини англаб етадилар: “**сабру**” сўзи чўзиқ ва қисқа ҳижолардан (– V) иборат экан, “**ёр**” сўзи ҳам шундай сифатлардаги ҳижолар деб олинади. Ёр келса (фоилотун – V – –) ғазалнинг рамал баҳрида эканлигини кўрсатади. Иккинчи руқн **бас маҳалдур** (фоилотун – V – –), учинчи руқнни шу қолипга солиш учун **қон** ўта қўзиқ ҳижони чўзиқ ҳижога айлантириб олиш зарур бўлади. Бунинг учун кейинги сўз (этти) унли билан бошлангани бизга қўл келади: “қон”даги “н” ундошини кейинги сўзга ўтказиб юборилади ва учинчи руқн “**ким ичим қо**”, тўртинчи руқн “**нэтти шавқ**” кўриниш олади. Кейинги мисрани ҳам шундай таҳлил қилинади ва байт қуидагича тақтиъга бўлиниши ойдинлашади:

Ё-р кел-са /бас ма-ҳал-дур-ким и-чим қо-нэт-ти шавқ
 – V – – – V – – / – V – – – / – V ~
 Саб-ру о-ро/мим бе-риб бар/бо-д туғ-ё/нэт-ти шавқ
 – V – – – V – – – V – – – V ~

Ўқитувчининг навбатдаги вазифаси шеър ўлчовини аниқлашда вазн талабига кўра сўзларни қўллашдаги истиснолар ҳақида маълумот бериш бўлади. Бу борада Абдулҳамид Қурбоновнинг “Аruz вазни бўйича сабоқлар” мақолалар туркуми [207] ўзининг изчиллиги, методик жиҳатдан қулайлиги билан ажralиб туради. Бу ерда биз ушбу мақолаларда келтирилган мисоллардан фойдаландик. Мазкур истисноларни характерига кўра қуидагича гурухларга ажратиш мумкин:

1. Сўз ичида унли ва ундошлар ўрин алмашинуви (метатезаси). Мумтоз шеъриятда **гулистон** сўзи **гулситон** шаклида, **Искандар** номи **Скандар** тарзида ишлатилади ва бунда “**ис**” қисми “**си**” шаклига кўчиб, чўзиқ бўғин

қисқага айланади. Масалан, буни Навоийнинг машхур “топмадим” радифли ғазалидаги “**Даҳр боғи ичра мундоқ гулситоне топмадим**” (фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун) мисраси, 9-синф дарслигига киритилган “Садди Искандарий”даги “**Скандар эшитгач, дедиким: юринг**” (фаувлун, фаувлун, фаувлун, фаул) сатрларини келтириш мумкин. Агар улар **гулистан**, **Искандар** тарзида ишлатилса, вазн бузилар эди.

2. Сўз бошидаги унли тушириб, қисқа ҳижо ўрнига чўзиқ ҳижога эришиш. Бу шоира **Увайсийнинг** тахаллуси **Вайсий** тарзида қўлланиши каби ҳолатларда кузатилади: **Вайсий бериёзат деб, сахл тутма, эй ориф.**

3. Сўз охирида товуш туширилади: **подшоҳ** сўзини **подшо** тарзида олиб ўта чўзиқ иккинчи ҳижони чўзиққа айлантириш; “**сув**”ни “**су**” тарзида қўллаш билан чўзиқни қисқа сифатида олиш: **Ҳажридин бағрим судур, ул сув аро болиғ каби** (Навоий) мисрасида **сув** икки бор қўлланган: биринчисида қисқа бўлиши кераклиги учун **су**, иккинчисида чўзиқ бўлиши кераклиги боис **сув** шаклида олинган.

4. Сўз ўртасида ундош туширилади. Аксар ҳолларда **икки, етти, саккиз, тўққиз, аччик, қаттиқ** каби сўзлар **ики, ети, сакиз, тўқиз, ачиқ, қатиқ** тарзида қўлланиб, биринчи ҳижо очиқ бўғинга ўтади ва чўзиқ ҳижога айланади: **Ўн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур.** Қуйидаги байтда икки сўз вазн талабига қўра қўлланган:

Қатиқ ғурбат аро ҳолинг не эркин?

Ачиқ фурқатда ахволинг не эркин?

5. Сўз (ўзак) охирида товуш иккилантирилади. Бу асосан **сир, дур, хат** каби сўзларда кузатилади. Масалан, **Қондин элга ёйди тифли ашк сирримни менинг.**

6. “О” унлиси “а” товушига ўтади ва ўта чўзиқ ҳижо чўзиқ ўлчамга айланади. Бунда кўпинча **Оллоҳ, воҳ, гоҳ, моҳ, нигоҳ, ногоҳ, шоҳ** каби сўзлар **Оллаҳ, вах, гах, маҳ, нигах, ногах, шаҳ** шаклида келади.

Бу бўлғай дарду ишқ ойини, ***вах-вах!***

Вафо-у меҳр шарти, ***оллаҳ-оллаҳ!***

7. **Навъ, шамъ** сўзлари араб ёзувида айн билан тугайдиган кўш ундошли ёпиқ бўгин бўлиб, ўта чўзиқ ҳижога тўғри келади. Лекин кирил ва лотин ёзувларида бу (айн) ундошни бериш имкони йўқлиги учун кўп ҳолларда бир чўзиқ ҳижо сифатида қаралади. Лекин айрим шеърларда ўта чўзиқ олинган, шунинг учун бу сўзлар талаффузида “и” унлиси орттирилади. М-н: ***Шамъ(-и) равшанроқ бўлур торин паришон айлагач.***

Ўқитувчи бу маълумотларни маъруза қилиб тушунтиради ва ёздириб қўяди. Шунингдек, де(моқ) сўзи, **кеча** сўзининг ҳар иккала ҳижоси, **-ни, -га, -да, -са** қўшимчалари вазн талабига кўра чўзиқ ҳам, қисқа ҳам бўлиши мумкинлиги айтилади, мисоллар билан тушунтирилади, ёздириб қўйилади.

Навбатдаги асосий ишлардан бири зихофлар билан таништириш бўлади. Уни А. Ҳожиаҳмедов китобига кўра тушунтириш ва ёздириб қўйиш мумкин: “Аruz вазнининг мураккабликларидан бири шундаки, биз юқорида кўриб ўтган саккиз асосий руқн шеър мисраларида, баҳрларда кўпинча турли ўзгаришлар билан қўлланади. Бу ўзгаришлар аruz илмида зихоф деб юритилади. Саккиз рунда ҳаммаси бўлиб 45 хилгача зихоф учрайди” [210; 22-б.]. Мактабда барча зихофларни тушунтириш мушкул. Шунинг учун ўқувчиларга дастлабки тасаввур учун энг кўп қўлланадиган ва бир мунча осон бўлган икки тармоқ руқнни ўргатиш билан чекланиш мумкин. Тармоқ руқнлардан олдин солим баҳр шаклини тушунтириш керак: агар мисралардаги руқнлар сон ва сифат жиҳатдан ўзгармай тўлиқ такрорланса, у солим (тўлиқ) баҳр саналади. Фурқатнинг “бормасмиз” радифли ғазали бунга мисол бўла олади:

Биз истиғно эли, қичқирмағон маъвоға бормасмиз,

Агар чандки хирман айласа, дунёға бормасмиз.

Байтнинг тақтиъси:

Би-зис-тиг-но/ э-ли қич-қир/-ма-ғон маъ-во/-ға бор-мас-миз/

V - - - V - - - V - - - V - - -

Ма-ғо-ий-лун ма-ғо-ий-лун ма-ғо-ий-лун ма-ғо-ий-лун

А-гар чан-ди/ -ки хир-ман ай/-ла-са, дун-ё/-ға бор-мас-миз/

V - - - V - - - V - - - V - - -

Ма-ғо-ий-лун ма-ғо-ий-лун ма-ғо-ий-лун ма-ғо-ий-лун

Байтда мағоийлун ҳеч ўзгаришсиз мисраларда түлиқ тақрорланаётгани сабаб руңн тақоридан ҳосил бўлаётган ҳазаж баҳри солим (түлиқ) саналади. Ўқитувчи рамал, мутакориб, ражаз баҳрларининг солим кўринишларидан ҳам ҳеч бўлмагандан биттадан мисоллар келтириб, бу билимларни мустаҳкамлаши керак.

Шундан сўнг дастлабки тармоқ руңн тушунтирилади: мисралардаги бирор руңнда ҳижо қисқарса (яъни сон жиҳатдан ўзгарса) ёки қисқа чўзиққа, чўзиқ қисқага, ўта чўзиққа айланса (яъни сифат жиҳатдан ўзгарса) зихофга учраган бўлади ва қайсиdir тармоқ руңнга тегишли бўлади.

Сон жиҳатдан ўзгариш натижасида ҳосил бўлган бир тармоқ руңнни кўрамиз. Агар руңн охиридаги бир чўзиқ ҳижо туширилса “ҳазв” (ташлаш) зихофи ҳосил бўлади ва **маҳзуф** деб аталади.

Ул қаро кўз кўзларига сурма бежо тортадур,

- V - - / - V - - / - V - - / - V - /

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

Балки андин даҳ рэ ли ортиқча ғавғо тортадур.

- V - - / - V - - / - V - - / - V - /

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

Байтнинг иккала мисрасидаги дастлабки уч руңнда фоилотун (чўзиқ, қисқа, чўзиқ, чўзиқ) тўла тақрорланиб, тўртинчи руңнда (чўзиқ, қисқа, чўзиқ) охирги бир чўзиқ ҳижо етишмаётганига ўқувчилар эътибори тортилади. Бунинг учун қуйидаги савол билан мурожаат қилиш мумкин: ҳар бир

мисрада тўрт рукн бор, эътибор беринг-чи, улар сон ва сифат жиҳатдан бир хилми ёки фарқ борми? Ўқувчилар тўртинчи мисрада бир чўзиқ ҳижо камлигини дархол сезадилар. Ана шундай мисра сўнгидаги бир чўзиқ ҳижонинг тушиб қолишига маҳзуф дейилиши ёздириб қўйилиши керак. Бу рамал баҳрининг маҳзуф кўриниши эди. Унинг ҳазаж баҳридаги кўринишига ҳам мисол келтирилади:

Жамолинг вас/фини қилдим/ чаманда/

V - - - V - - - V - -

Қизорди гул/ уёттин ан/жуманда.

V - - - V - - - V - -

Мутақориб баҳридаги маҳзуф шакли:

Киши бир/ла йўқ мут/лақо ул/фати

V - - V - - V - - V -

Бўлуб хал/қ ғавғо/сидин кул/фати.

V - - V - - V - - V -

Энди ўқитувчи сифат жиҳатдан ўзариш натижасида ҳосил бўлган бир тармоқ рукнни ҳам кўрсатиши, танитиши керак. Агар рукн охиридаги икки чўзиқ ҳижо ўта чўзиқ ҳижога айлантирилса “қаср” (қисқартириш) зихофи ҳосил бўлади ва **мақсур** деб аталади.

Қилур пайкон/ларинг кўнглум/ ўтин тез

V - - - V - - - V - ~

Агарчи қат/ра бўлмас шуъ/ла ангез

V - - - V - - - V - ~

Болалар рукнларни солиштириб, мисралар охиридаги (тўғрироғи охирги рукнлардаги) икки чўзиқ ҳижо ўрнида ўта чўзиқ ҳижо келаётганини дарров фаҳмлайдилар. Бу ерда ҳижолар сифати ўзгарди, яъни қисқарди. Айнан шу ҳолат (охирги рукндаги ўта чўзиқлик) мақсур эканлигини тарбияланувчилар эслаб қолишлари керак. Худди маҳзуфда бўлгани сингари ўқитувчи бошқа

баҳрларнинг ҳам мақсур кўринишиларига мисоллар топиб, машғулотда ўқувчилар билан таҳлил қиласди.

Бу ишлар жараёнида олдинги олинган билим ва малакалар изчилинида тақорорлаб турилиши керак: ҳижолар сифати, уларнинг ўринлашувидан юзага келаётган руқнлар ва ҳосил бўлаётган баҳр, васл ҳодисаси, айрим истисно ҳолатлар – ҳамма-ҳаммаси бир-бир таҳлил этиб борилиши зарур. Юқорида зикр қилинган ишлар бажарилгач, шеърий асар ўлчови - вазнининг номини “тўлиқ ўқиш” ўргатилади.

Шеър вазнини аниқлашда бир байт (икки мисра) олиниши алоҳида уқтирилади. Бир мисрада уч хил микдорда: иккита, учта ёки тўртта руқн бўлиши мумкин. Бундан ортиқ бўлмайди. Шундан келиб чиқсак, бир байт (икки мисра)да тўртта, олтита, саккизта руқн бўлади. Агар байтда тўртта (биринчи мисрада иккита, иккинчи мисрада иккита) руқн бўлса мураббაъ, байтда олтита руқн бўлса мусаддас, саккизта бўлса мусамман дейилиши тушунирилади ва ёздириб қўйилади. Тушунирилганлар бир нечта мисоллар билан мустаҳкамланиши керак:

Фарёдким/ гардуни дун/

- - V - - - V -

Айлар юрак/бағримни хун/

- - V - - - V -

Ўқувчиларга савол берилади: байтда ҳижолар қандай ўринлашган? Улар икки чўзиқ, қисқа ва чўзиқ ҳижо тарзида эканлигини айтадилар. Ҳижоларнинг бундай жойлашви қайси руқнни ҳосил қиласди? Ўқувчилар ёддан ёки дастлабки машғулотларда ёзилган З-жадвалдан фойдаланиб, мустафъилун руқнини аниқлайдилар. Ушбу руқн тақороридан қайси баҳр юзага келади? Бунда ҳам жадвалдан фойдаланиб ражаз баҳри эканлигини айтадилар. Ўқитувчи умумлаштиради: демак, бу шеърда мустафъилун руқни тақорорланаётгани боис **ражаз**, байтда тўртта руқн борлиги учун **мураббাъ**,

рукилар мисраларда тўлиқ такрорланаётгани учун **солим** саналади. Шундай қилиб, мазкур шеър вазнининг тўлиқ ифодаси – **ражази мураббаи солим**.

Юқоридаги байтларга қайтиб, ўқувчилар уларнинг ҳам вазнини ўқитувчи ёрдамида мустақил аниқлайдилар:

Қилур пайкон/ларинг кўнглум/ ўтин тез

V - - - V - - - V - ~

Агарчи қат/ра бўлмас шуъ/ла ангез

V - - - V - - - V - ~

Байтдаги қисқа ва уч чўзиқ ҳижо тақорори **мафойлун** рукнини билдиради, унинг тақороридан **ҳазаж** баҳри ҳосил бўлади. Байтда олтига рукн бор, бу **мусаддас**дир. Мисраларнинг охиридаги икки чўзиқ ҳижонинг ўта чўзиқ шаклини олиши **мақсур** эканидан далолатдир. Демак, у **ҳазажи мусаддаси мақсур** вазнида ёзилган.

Ул қаро кўз кўзларига сурма бежо тортадур,

- V - - / - V - - / - V - - / - V - /

Балки андин даҳ р эли ортиқча ғавғо тортадур.

- V - - / - V - - / - V - - / - V - /

Ҳижоларнинг жойлашуви, сон ва сифати **фоилотун** рукнини, унинг қайталаниши **рамал** баҳрини, байтдаги саккизта рукн **мусамман** эканини, охирги рукнларда бир чўзиқ ҳижонинг камлиги **маҳзуф** тармоғини кўрсатади ва ғазалнинг **рамали мусаммани маҳзуф** вазнида ёзилганлиги ойдинлашади.

Ушбу маълумотлар берилгач, қуйидаги фикрлар билан аруз бўйича берилаётган билимларни якунлаш мумкин: а) мумтоз шеъриятда хар қандай лирик асар: у икки мисрали фард бўладими, тўрт мисрали рубоий ёки туюқ, бир неча юз саҳифали достон бўладими, унинг биринчи мисраси арузнинг қайси баҳрида ёзилган бўлса, асар охиригача шу ўлчовга қатъий риоя қилинади, ундан чекинилмайди, танланган вазн қолипидан чиқиш мумкин

эмас; б) шеърий асар вазнида асосий руқнлар қатъий ўзгаришсиз қўлланган ҳолда баъзан зихофга учраган тармоқ руқнлар мисралар охирида бири иккинчисига алмашиши мумкин. Масалан, рамали мусаддаси мақсур рамали мусаммани маҳзуф бўлиб келиши мумкин. Шу тариқа тадрижийлик асосида вазн билан боғлиқ билим ва кўникмалар ўзлаштирилади, ривожлантирилади. Тадрижийлик мустақил фаолиятга йўллаш шаклидир [64; 196-б.].

Бизнингча, ўзбек мумтоз шеъриятида кенг қўлланадиган мутакориб, ҳазаж, рамал ва ражаз баҳрлари ҳамда уларнинг солим, маҳзуф, мақсур тармоқларини танишлари; бошқа баҳрларни тўла ўзлаштирмасалар ҳам улардаги ҳижолар сифати, байт тақтиъсига риоя қилиб ифодали ўқий олишлари – булар ўрта мактаб битиравчиларининг аruz вазни юзасидан билим ва малакаларига қўйиладиган талаблар сифатида белгиланиши мумкин.

Мумтоз қофия ва унинг унсурларини ўқитиш учун ҳозиргача қабул қилинган дастурларда алоҳида соат ажратилмаган. Бу меъёрий ҳужжатларда қофия бармоқ тизимидағи бу шеър унсури билан бир тушунча сифатида талқин этилади. Бармоқдаги ва аруздаги қофия шеър поэтик организмида бир хил ташкилий ва бадиий вазифа бажаради. Лекин аruz шеъриятида вазнда бўлгани каби қофия тизими ҳам темир қонунларга эга бўлган араб-форс назариясига асосланади. Агар бармоқ вазнида битта асосий унсур - тиргак товуш бўлса, аruz шеърияти тўққиз унсурли қофия тизимиға эга. Бундан ташқари асосий бўлмаган яна бир нечта унсур бор. Уларга қисқача тўхталамиз.

Қофияни ташкил этувчи бирламчи ўзак унсур **равий**дир. Қофияда бошқа унсурлар бўлмаслиги мумкин, лекин у равийсиз бўлмайди. Ўқувчиларга буни куйидагича тушунтириш мумкин: қофиядош сўзлар ўзаги (баъзан негизи) охиридаги такрорланиши шарт бўлган унли ёки ундош товуш (харф) **равий** дейилади. Бизнингча, олдин бармоқ вазнидаги тиргак товуш тушунчasi ҳақида маълумот бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқувчилар тиргак ва равийнинг деярли бир хил эканлигини фаҳмлайдилар ва янги маълумотни

ўзлаштириш осонлашади. Масалан, **ҳалол** – **ҳилол** сўзларида охирги “л” ундоши; **қоним** – **жоним** – **хоним** сўзларидаги “н”; **обрў** – **абрў** – гулрў сўзларидаги “ў” унлиси равий саналади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, “а” қисқа унлиси билан тугаган сўзларда бу унли ўзакда келганда ҳам равий бўлолмайди, балки ундан олдинги ундош равий ҳисобланади: **сана** – **тана** – **яна** қофиядош сўзлар равийси “н” ундошидир.

Аруз шеър тизимида равийдан олдин тўртта ва равийдан кейин тўртта унсур иштирок этади. Равийдан олдинги унсурлар: **1. Қайд** – равийдан олдин келадиган ундош, у равий билан ёнма-ён, қатор ундош тарзида келади: назм – базм сўзларида “м” – равий, “з” – қайд. **2. Ридф** – бирламчи унсурдан олдинги қисм бўлиб, икки хил кўринишда: а) ридфи аслий – равийдан олдинги чўзиқ унлилар (о, и, у, ў, э) каби: **қош** – **талош**; **сўл** – **қўл**; б) орттирилган ридф – равий билан аслий ридф ўртасидаги ундош: **бехост** – **рост**. **3. Таъсис** – ундош бўлган равийдан олдин келадиган “о” унлиси бўлиб, аслий ридфдан фарқи шуки, у билан равий орасида бир ундош келади: **роҳат** – **жароҳат**; **4. Даҳил** – ундош равий билан таъсис орасида келадиган ундошдир: **роҳат** – **жароҳат**.

Равийдан кейинги унсурлар: **1. Васл** – равийдан кейинги ундош ёки чўзиқ унли: мушкотни – отни; бир унли шаклидаги қўшимчалар асосан васл бўлиб келади: кундузи – юлдузи; васл билан равий орасида қисқа унли иштирок этиши мумкин: бориб – чиқариб; **2. Хуруж** - васлдан кейинги ундош ёки чўзиқ унли: ёпилмишлар - қилмишлар; **3. Мазид** - хуруждан кейинги ундош ёки чўзиқ унли: бўлурму – тўлурму; **4. Нойира** – мазиддан кейинги ундош ёки чўзиқ унли: йигитликни – итликни; нозлардурлар – таннозлардурлар. Агар қофия унсурлари яна давом этса, улар ҳам нойира дейилаверади.

Қофиялар аввало икки гурухга ажратилади: “қофия агар равий билан тугаб, унга васл, хуруж, мазид ва нойира қўшилмаган бўлса, “муқайяд қофия” дейилади. Агар қофия васл ёки хуруж ё мазид ёхуд нойирали бўлса, мутлақ қофия деб аталади” [82; 17-б.]. Муқайяд қофияда асосий тўрт унсур

орасида келадиган қисқа унлидан иборат расс, ишбо, ҳазв, тавжих номли, мутлақ қофияда эса мажро, нафоз деб аталадиган ёрдамчи унсурлар ҳам бор [89; 109-111-б.].

Муқайяд қофиянинг етти тури, мутлақ қофиянинг йигирма саккиз тури бор. Қоидага кўра “... биринчи мисра қандай қофия тури билан бошланган бўлса, худди шу тур қофия сўнгги мисрагача давом этиши керак. Бу ҳол арузда ёзилган барча шеърий жанрларда умумийдир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, арузда ёзилган достонлар бундан мустаснодир” [67; 61-б.]. Қофия ҳақида тўла маълумотни Алибек Рустамовнинг “Қофия нима?”, Уммат Тўйчиевнинг “Ўзбек поэзиясида аruz системаси” китобларидан олиш мумкин. Хўш, ўқувчига буларнинг қайси бирини ўрганиш учун тавсия этиш ўринли бўлади? Кузатишларимиз ва тажрибаларга кўра қуидагиларни тушунтириш мактаб ўқувчилари учун етарли бўлади:

1. Мумтоз лирикада биринчи мисрада қофиянинг қайси тури қўлланган бўлса, шеърнинг охиригача шу қофия қолипига қатъий риоя қилинади, бошқа қофия турига ўтиш мумкин эмас. Мумтоз достонлардаги ҳар бир байт мустақил қофияланади ва уларнинг ҳар бирида ўзгача қофия тури бўлиши мумкин. Лекин ўзаро қофияланадиган байтдаги мисралар (қофиядош мисралар) бир турдаги қофияга эга бўлиши шарт.

2. Равий асосий ўзак тушунча бўлгани учун ҳар бир ўқувчи уни топа билиши керак. Қолган саккиз унсурни ёд билишлари, ҳар доим уларни таҳлил қилишлари шарт эмас. Фақат қофия равийдан кейин давом этаётгани ёки этмаётганига кўра муқайяд ва мутлақ қофияни ажратсалар кифоя.

3. Шеърда кўпинча мантиқий урғу олган сўзлар қофиядош бўлиб келади ва бу билдирилаётган фикрни ўқувчига бўрттириб, айни пайтда гўзал ифодада етказишида муҳим аҳамиятга эгалиги шеър таҳлилида эътибордан четда қолмаслиги керак.

4. Қофиянинг кўпинча мисра охирида келиб, катта ритмик бўлинини юзага келтириши, шеърда оҳангдорлик, мусиқийликни таъминлашини ифодали ўқиши орқали сингдириб бориш лозим.

5. Тарбияланувчилар яна билишлари лозимки, мумтоз шеър илми талабларига кўра ўзак билан ўзак қофиядош, яъни равий албатта ўзакда бўлиши керак. Қофиядош сўзларда равийнинг ўзак ва қўшимчада ёки қўшимча билан қўшимчада бўлиши нуқсли саналган. Алишер Навоий Атоийнинг гўзал байтини эътироф этган ҳолда “ўлтиур” ва “бўлур” сўзларида қофияланиш ўзак ва қўшимча орқали ҳосил қилингани учун “қофиясида айбинаси бор” дейди. Бу араб ва форс тиллари асосидаги қофия илми қатъий талаблари саналади.

6. Шунингдек, ўзбек мумтоз шеъриятида бу қолипларга ҳар доим ҳам риоя қилинавермаганига диққат қаратилади. Бобурнинг “То олғали кўнглумни ул юз била ул гису” мисраси билан бошланувчи ғазалида “гису”, “уйқу”, “қайғу” сўзларига “борму” қофияланади [125; 70-б.]. Бу ерда “у” – равий. Охирги сўзда у қўшимча таркибида, олдингиларда эса ўзакда. Қатъий қолиплардан чекинишда икки томонлама қулайликка эга бўлинади: биринчидан қофия эркинлиги имконияти туғилади, иккинчидан, арабча-форсча ўзлаштирма сўзлар қўлланганда, қофияланишни давом эттиришда “қисилиб” қолинмайди, қўшимчалар ёрдамида тўлиқ қофияга эришиш мумкин. Масалан, Муқимиининг

Ҳажр ила тинмай кўзимдин кўрмасам ашким келур,
Гайр ила кўрсам мабодо худ-бехуд рашким келур [167; 175-б.]

матлали ғазали “*aškım - raškım*” қофияси билан бошланади. Бу ерда “к” равий, “ш” – қайд. Уларни ўзакда сақлаб қолиб, қофияланишни давом эттириш шоирни қийин аҳволга солиб қўйиши турган гап. Шоир ғазал давомида ўзбекча сўзларга шахс-сон қўшимчаларини қўшиб, тўлиқ қофияга эришган, яъни матладан кейинги байтларда қофияланиш қуидагича давом этади: *gaplaškım, imlaškım, učraškım, parivaškım*. Демак, араб-форс қофия назариясидан чекиниш ўтмиш адабиётида учрайди, аммо бу кам дуч келинадиган ҳодисадир.

Мумтоз шеърда бадиият илми ҳам катта аҳамият касб этади. Бунда асосан бадиий тасвир воситалари – шеърий санъатлар ўрганилган. Илми бадиъ бўйича қатор махсус асарлар яратилган [114, 88, 89, 19, 213-б.]. Уларда ҳар бир тасвир воситасининг мазмуни, моҳияти муаллифларнинг иқтидорига яраша очиб берилган. Таълимнинг барча босқичларида шеърий санъатларни ўқитиш билан боғлиқ катта бир кусур бор: ўқувчи, талабаларга энг асосий, кўп қўлланадиган бадиий воситалар ҳақида тушунча берилади-да, ҳар бирининг ҳозиргача шаклланган таъриф-қоидалари ёздирилади, улар ўргатиб бўлингач, доимо шеър бадиияти дейилганда фақат шу санъатларни топиш билан кифояланадилар. Илгари айтилганидек, уларнинг нимаси санъат, шоирнинг маҳорати нимада намоён бўлган каби англаниши керак бўлган ҳақиқатларни ўқувчилар билишмайди. Тушунтиришдаги схоластика сўз санъатидаги жозибали ва қизиқарли бўлган бадиият илмининг ўқувчилар кўз олдида бир қадар нурсизланишига сабаб бўлмоқда. Фактбозликка берилиш нафақат ўқитувчилар, балки шеърий санъатлар ҳақида рисола, қўлланма, мақолалар ёзадиган олимларда ҳам кузатилади. Бу эса айрим ҳолларда мутахассисларнинг ҳақли эътиrozига сабаб бўлмоқда [63; 92-95-б.].

Шеърий санъатлар асар жозибасини кўрсатиш ва шоир маҳорат қирраларини очишга хизмат қилиши керак. Бунинг учун эса уларни ўқитишида янгича ёндашув, ўзгача усул ва шаклларга мурожаат қилиш керак. Кузатишлиардан шу нарса ойдинлашмоқдаки, шеърий санъатлар ўқувчилар ўзлаштирган тил бирликлари, кундалик хаётда учрайдиган яқин ва таниш тушунчалар орқали сингдирилса, машғулотлар жонли кечади. Болалар сўзнинг матнда бажарадиган эстетик вазифасини ҳис этадилар.

Тушунтиришда турли восита ва шаклларга мурожаат этиш самарали бўлади. Масалан, тазод санъати тушунтирилганда рангли қоғозлардан фойдаланиш мумкин. Оқ рангли қоғоз ёнига сариқ, мовий ва қора рангли қоғозларни кўйиб, оқ қайси рангнинг олдида нисбатан бўртиб, кўпроқ ажralиб турганлиги сўралади. Ўқувчилар бу қора ранг эканлигини бир қарашдаёқ англайдилар. Демак, оқ ва қора ёнма-ён турган ҳолда бир-бирини

ёркинроқ кўриниши ва ифодаланишига хизмат қилади. Бу хулоса қайд этилгач, ўқувчилардан ҳаётда шу ранглар каби бир-бирини бўрттиришга хизмат қиладиган ҳолат, тушунчаларни келтириш сўралади. Улар кўп ўйланмай, яхши – ёмон, зулм –adolat, сахий – баҳил, бой – камбағал жуфтликларни келтирадилар. Шунда бу сўзлар ўзаро қандай маънода келаётганини ва бу тилда қайси ҳодисани юзага келтиришини сўралади. Мазкур жуфтликлар маъно жиҳатдан ўзаро зид, тилда улар антоним – зид маъноли сўзлар дейилиши қабилидаги жавоб олингач, бу тасвир воситасининг таърифи ёздириб қўйилади: *Тазод – бадиий матнда ўзаро зид маъноли сўз ва тушунчаларнинг келтирилиши бўлиб, қаршилантирилаётган нарса, белги-хусусият ва ҳолатни ёрқин ва таъсирчан ифодалашига хизмат қилади.*

Сендек менга бир ёри жафокор топилмас,
Мендек сенга бир зори вафодор топилмас. (Бобур)

Киши бирордан жафо кўрса, одатда, унга жафо билан жавоб беради, ҳеч бўлмаганда индамай уни тарк этади. Лекин ошиқ маъшуқанинг жафосига нисбатан ўзига қилинган муносабатнинг зиддини – вафодорликни қўрсатади ва бу билан, биринчидан, ўзининг вафоси олдидаги ёрнинг жафосини бўрттирса, иккинчидан, ёр жафоси орқали ўзининг вафосини таъкидламоқда. Демак, тазодни ҳосил қилаётган сўзлар байтдаги икки образ – ошиқ ва маъшуқанинг характер хусусиятларини ёрқин акс эттиришга хизмат қилган.

Тажнисни тушунтиришда бошқа йўлдан бориш мумкин. Бир маънони берадиган икки жумла ўқувчиларга ҳавола қилинади: 1. Менинг Нодир исмли ўртоғимнинг қўлидан кўп ишлар келади, у ҳар қандай ишни уddyalайди. 2. Менинг ўртоғим Нодир кўп ишга қодиру, ҳар ишда нодир. Савол қўйилади: қайси жумла сизга ёқди ва нима учун? Яъни қайси жиҳатидан у наригисидан афзал? Ўқувчиларнинг барчаси иккинчи жумлани танлаши табиий. Улар гапнинг шеърга монандлиги, қофияланганлиги ва, албатта, атоқли от **Нодир** ҳамда унинг аниқловчиси бўлган **нодир** сифатига алоҳида эътибор

қаратадилар. Ана шу шаклдош сўзлар ифодага жозиба бағишилаётганини аниқлайдилар. Ўқитувчи бу сўзларга тил нуқтаи назаридан таъриф беришни сўрайди ва ўқувчилар улар шакли бир хил, маъноси ҳар хил сўзлар бўлиб, тилда омонимликни юзага келтиришини айтадилар. Ўқитувчи айнан шу ўринда бу ҳодисанинг шеър илмида тажнис деб аталишини тушунтириб, таъриф ёздириб қўяди: *Тажнис жинос деб ҳам аталиб, матнда шаклан бир хил ёки бир-бирига яқин, аммо маъноси ҳар хил сўзларни келтириши билан фикр, ҳолат, тасвир ёки тушунчани таъсирчан ифодалаши санъатидир.*

Мустаҳкамлаш учун баъзан дарсликка киритилмаган асарлардан бир неча мисол келтириш мақсадга мувофиқ. Шу йўл билан ўқувчиларга дастурда бўлмасада, адабиётимиз тарихида ёрқин из қолдирган сиймолар ижоди, маҳорат қирралари билан таништириб ўтиш имконияти туғилади.

Юзунгни Ҳақ жаҳон *гулзори* қилди,
Юзунгни кўрдию *гул зори* қилди. (Хўжандий “Латофатнома”)

Тажрибалар тажнис билан ийҳом санъатини бирга тушунтириш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди. Чунки ийҳом кўзга яққол ташланмайдиган, яширин омонимлиқdir. Олдинги мисолдан билиндики, омонимликни ҳосил қилаётган шаклдош сўзларнинг иккаласи шеърда иштирок этиб, кўриниб турса, ийҳомда уларнинг бири қўлланиб, иккинчиси яширин келади, уни топиш, хис қилиш шеърхоннинг бадиий диidi, савияси ва зукколигига боғлиқ. Ўқувчиларга ўзбек халқ ижодигагина хос бўлган жанр – асқия орқали тушунтириш қулай бўлади. Масалан, қуйидагича мисол келтириш мумкин: *Ойбек Жалолқудуқнинг Ойим қишлоғидан. Шаҳарга келганига энди уч кун бўлди-ю, бугун йўлга чиқибди. “Йўл бўлсин?” деб сўрасам, “Соғиндим, О(о)йимга бораман” дейди.*

Тахлил ўқувчиларга қўйиб берилади. Зукко болалар “Ойимга бораман” иборасидаги лутфни дарров сезадилар ва бу уни онамга бораман ҳамда қишлоғим бўлган Ойимга бораман тарзида ҳам тушуниш мумкинлигини

завқланиб изоҳлайдилар. Ўқитувчи Бобурнинг ушбу байти орқали ийҳом ҳақида шаклланган тушунчани мустаҳкамлайди:

Ёрим кечалар келарди бурун,
Бу тун келмади, ох, ёрим қани?!

Иккинчи мисрадаги “бу тун” бирикмасини мана шу тунда, кечада деб тушуниш ҳам мумкин, қўшиб ёзиб “бутун(лай)” маъносида ҳам қабул қиласа ҳам бўлади. Биринчи маънога қўра менинг ёрим илгарилари ярим кечаларда келарди, бу тунда у келмади, ёрим қани деб оҳ чекади ошиқ. Иккинчи маънода эса ёрим илгари кечалари келарди, энди эса бутунлай келмади, оҳ, у қанийкан?

Ўқувчилар тушунишганига қаноат ҳосил қилгач, муаллим қуидагича таърифни ёздириб қўйиши мумкин: *Ийҳом* (лутф) – ўзаро омоним бўлган сўзларни бир сўз орқали бериб, матндан икки маънони кўзлаш санъатидир.

Дарсда мустақил ишлаш учун қуидаги каби мисолларни ҳавола этиш мумкин:

Шукр этарман адғусиндин доимо
Ким, манга ҳар ҳолда хуш ёр эрур [208; 67-б.] (Хофиз Хоразмий)

Бечора Гадо сори иноят кўзи бирла
Бир кун назаре қилмадинг, эй шоҳ, дариғо! [208; 466-б.]

Биринчи байтдаги адғу луғатда яхшилик деган маънони англатишини берилса, ўқувчилар “хуш ёр”даги лутфни қийналмай топадилар: 1) менга хуш ёқадиган ёр; 2) менга хушёр, яъни менинг ҳолимдан огоҳ. Иккинчи байтда **гадо** маъшуқанинг висолига зор тушунчасини ҳамда шоирнинг тахаллусини билдиришини бир қарашда тушуниб етадилар.

Ийҳом орқали ифодаланаётган фикрлар бир-бирини инкор этмаслиги, аксинча, улар бири иккинчисини тўлдириши, ҳатто биргаликда янада кенгроқ мазмунни ифодалаши мумкинлиги таъкидланади. Масалан, юқоридаги Бобурнинг “Бу тун келмади, ох, ёрим қани?!” ийҳомнинг иккала маъносини

биргаликда олиб, таҳлил қилса ҳам бўлади: “Бу тун ёрим бутунлай келмади, у қани?” Ёки Ҳофиз Хоразмийнинг “Ким, манга ҳар ҳолда **хуш ёр** эрур” мисрасини кенгайтириб “менга ҳар ҳолда хуш (ёқадиган) ёр ошиқ ҳолимдан хушёр (огох)”. Бу фикрни санъаткорона ифодалашнинг бир кўриниши, шоирнинг ўзига хос маҳорати эканлигини уқтириб ўтиш ўринли бўлади.

Тажоҳул ориф(она)ни тушунтиришда қуйидагича йўл тутиш мумкин: бир ўкувчи турғизилади ва у жавобини билмаслиги аниқ бўлган бир савол берилади. Масалан, Тинч океанда нечта балиқ тuri бор? Табиийки, у “билмайман” деб жавоб беради. Шунда ўқитувчи синфга “билмайман” жавобини бошқача сўз, бирикма ёки гап билан ифодалаш мумкинми? деган муаммо ташлайди. Кимдир “Менга маълум эмас”, бошқаси “Бу ҳақида тушунчам йўқ” каби жавобнинг муқобилларини айтади. Синфдаги қайсиdir бир зукко ўкувчи “Мен қаердан билай?” сўроқ гапи ҳам “билмайман”ни алиштириш мумкинлигини айтади. Кутилган жавоб олингач, “билмайман” ва “Мен қаердан билай?” жавоблари ўртасидаги фарқ тўғрисида ўқувчиларнинг фикри сўралади. “Билмайман”да шунчаки хабар, икрорлик маъноси қайд этилган бўлса, сўроқ шаклидаги жавобда эса айнан шу билмасликка урғу берилади, таъкид кучаяди, маълум даражада норозилик оҳангини ҳам англатади. Навбатдаги савол шундай бўлади: “Мен қаердан билай?” сўроқ гап. Бундай гаплар жавоб талаб қилади, лекин бу жумлада-чи? Жавоб талаб қилмайдиган сўроқ гаплар тилда қандай аталишини биласизми? Шу тариқа риторик сўроқ гап хусусияти эслатилади ва у адабиётда тажоҳул ориф санъатини юзага келтиришини айтиб, унинг таърифи қуйидагича шаклда ёздириб қўйилади: **Тажоҳул ориф – бадиий матнда мантиқий ургу берии, таъкидлаш мақсадида фикрни риторик сўроқ гап шаклида қўллаши, билиб туриб ўзини билмасликка олиш санъатидир.**

Масалан Атоийнинг байтини кўрайлик:

Эй бегим, ушбу юз дегул, шамс била қамармудур?

Эй бегим, ушбу сўз дегул, шаҳд била шакармудур? [208; 335-б.]

Ўқувчиларга тушунилиши қийин бўлган сўзлар маъноси берилади: дегул – эмас; шамс – қуёш; қамар – ой; шаҳд – бол, асал. Савол: бу ерда ошиқ ёр (бегим)дан унинг юзи ойми ёки қуёшлигини, сўзлари эса болми ё шакарлигини билиш учун сўрайптими ёки бошқа мақсади борми? Ўқувчилар бу савол устида ўйлаб, юқоридаги таърифдан келиб чиқиб, байтда тажохул ориф санъати қўллангани, шамс била қамармудур, шаҳд била шакармудур сўроқлари жавоб олиш учун эмас, балки ёрнинг юзи ой ва қуёшдан ҳам ортиқ эканлигини, сўзлари бол ва шакардан тотлилигини таъкидлаш учун хизмат қилаётганини изоҳлашлари керак бўлади.

Шу тахлит бошқа тасвир воситалари ҳам асосан тил ҳодисалари, ўрни билан ўқувчиларга таниш, яқин бўлган бошқа тушунчаларга таянган ҳолда содда ва ҳаётий шаклларда сингдирилиши ҳамда таҳлил қилиш кўникма ва малакалари шакллантирилиши лозим. Бадиий тасвир воситаларини ўқитишида ўқитувчи қуидагича жадвални кўргазмали қурол сифатида тайёрлаши ва ҳатто жиҳоз сифатида синф хонасига осиб, давомли тарзда ундан фойдаланиши мумкин:

4-жадвал. Бадиий тасвир воситаларининг тил бирликларига қиёсан жадвали

Шеърий санъатлар	Шеър санъатини юзага келтирадиган тил бирликлари	Моҳияти
Тазод	Антоним (зид маъноли) сўзлар	Матнда зид маъноли сўзлар ва тушунчаларни қўллаш
Тажнис	Омоним, (баъзида пароним) сўзлар	Матнда шаклан яқин ёки бир хил сўзларни қўллаш
Ийҳом (лутф)	Яширин омонимлик	Ўзаро омоним бўлган сўзларни бир сўз орқали бериб, матндан икки маънони қўзлаш санъати
Таносуб	Уядош сўзлар, матний синонимлик	Мантиқ ва мазмунан бир-бирини тақозо этувчи сўзларни қўллаш
Талмих	-	Адабий, тарихий ҳамда афсонавий қаҳрамонларга ишора қилиш

Тажохул ориф	Риторик сўроқ гап	Билиб туриб ўзини билмасликка олиш
Ташбих	Ўхшатишли шакл ясаш	Ўхшатиш: -дек, - дай, -ча кўшимчалари; каби, янглиғ, худди, гўё, сингари сўzlари билан ҳосил бўлади.
Иштиқоқ	Ўзакдош сўzlар	Сўзни ясовчи кўшимча билан ясама сўз сифатида такрор қўллаш, ўзакдош сўzlарни келтириш.
Хусни таълил	-	Бир нарсани унга дахли бўлмаган бошқа нарса билан асослаш, чиройли сабаб келтириш
Истиора	Метафора	Ўхшатилмиш тушиб қолиб, унинг маъносини ҳам ўхшатишга юкланиши
Жонлантириш	-	Жонсиз нарсаларга жонлилар хусусиятини кўчириш
Китобат	Графика	Араб ёзувидаги ҳарфлар шакли асосида фикр, ҳолатни ифодалаш

3.2-§. Лирик асарлар таҳлилида жанр хусусиятларини ҳисобга олиш

XX асргача бўлган ўзбек адабиётида шеърият асосий, етакчи адабий тур бўлганлиги туфайли адабий таълимда ҳам ўрганиладиган мумтоз намуналарнинг катта қисмини лирик асарлар ташкил этади. Дастурларга киритилган шеърларга назар ташласак, асосан асрлар давомида классик шоирлар томонидан кенг қўлланган жанрлардан намуналар ўрганилиши назарда тутилганлигига гувоҳ бўламиз. Охирги дастурга кўра қуйидаги лирик жанрлар ўрганишга тавсия этилган:

5-синфда Бобур рубоийлари, 6-синфда Аваз Ўтар ғазаллари, 7-синфда Турдининг “Тор кўнгуллик беклар” ғазали, Увайсий ғазал ва чистонлари, 8-синфда Лутфий ғазаллари ва туюқлари, Алишер Навоий ғазал ва қитъалари, Нодира муашшари, 9-синфда Бобур ғазал, рубоий, қитъалари; Бобораҳим Машраб ғазаллари, Огаҳий ғазаллари, туюқ, тарих, тарафайн, қитъалари ва

“Даҳр уйи бунёдким сув узрадур маҳкам эмас” таржиъанди. Кўринадики, тўққизта лирик тур жанри ўрганилиши белгилаб қўйилган: ғазал 6-, 7-, 8- ва 9- синфларда; рубоий 5- ва 9-синфларда; туюқ ва қитъа 8- ва 9-синфларда; чистон 7-синфда; муашшар 8-синфда, тарих, тарафайн ва таржиъанд 9-синфда. Шунингдек, мазкур жанрлар ҳамда мураббаъ, мухаммас ва мусаддас олдинги дастурларга кўра 5-10- синф дарсликларига киритилган эди. Охирги дастурга кўра 11-синфда ғазал жанри намуналари ўрганилади. Адабий таълим амалиёти бугунги кунда ҳар бир жанрнинг ўқитилиши юзасидан аниқ амалий тажрибаларда тасдифини топган, илмий асосланган методик тавсияларга муҳтожлиги барчага аён бир ҳақиқат.

Ғазал қадимдан аждодларимиз ўқиган мактаб, мадрасаларда мунтазам ўқитилиб келинган. Айниқса, кейинги икки асрда Навоий, Сўфи Оллоёр, Машраб ва Ҳувайдо ижоди мактаб, мадраса дастури, ўқув режаларидан мустаҳкам жой олган. Мадраса кўрган отахонларнинг мумтозларимиз ижодидан кўплаб намуналарини ёд билиши ва ҳозир ҳам ҳеч қийналмай равон ёддан ўқишлирига гувоҳ бўламиз. Кейинги даврларда ҳам мактаб таълим тизимида бу анъана давом эттирилиб, аruz шеърияти, хусусан, ғазаллар изчил тарзда ўқитилди. Мустақилликдан сўнг мумтоз адабиётни, шу жумладан, ғазалиётни ўрганиш, унга ёндашиш янги сифат босқичига кўтарилиди. Умумтаълим мактаблари учун такомиллашган бир нечта дарсликлар авлоди яратилди. Дарслик муаллифлари бир қатор синфларда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига, дунёқараши ҳамда кўзланган дидактик мақсаддан келиб чиқиб, етук ғазалнависларнинг бадиий жиҳатдан баркамол ижод намуналарини киритдилар.

Ўзбек адабиётшунослигида ғазал алоҳида ўрганилган. Наманганлик адабиётшунос олим Одилжон Носиров илк бор “Ўзбек адабиётида ғазал” [72] номли китобчасида бу жанр тўғрисида атрофлича маълумот бериб, мавжуд қарашларни ўз даври савияси даражасида умумлаштирган. Ёқубжон Исҳоқов мумтоз жанрларнинг бир нечтасига бағишилаб рисолачалар ёзган ва уларнинг бирини ғазалга бағишилаган эди [46]. Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва

адабиёт институти томонидан тайёрланган “Адабий тур ва жанрлар. Лирика” қисмида ҳам мазкур жанр түғрисида маълумотлар берилган [18; 193-194-б.].

Ўқитувчи ва ўқувчилар учун ўқув ҳамда методик характердаги маълумотлар асосан мактаб дасликларида, ўқитувчилар учун методик қўлланмаларда учрайди. Атоқли методист А. Зунунов, Н.Хотамов, Ж.Эсоновларнинг “Адабиёт ўқитиш методикаси” [135] дарслигига ғазалларни таҳлил қилиш юзасидан ўша давр савиясида муайян фикрлар юритилган.

Б. Қосимов, Н. Жумаев ҳаммуалифлигига 2000 йили нашрдан чиқсан 10-синф “Адабиёт” дарслигига [203] ғазал ва унинг композицияси, ғазал турлари, бадииятига алоқадор қимматли фикрлар берилган. Шунингдек, кейинги йилларда нашрдан чиқсан “Адабий сабоқлар-6” [142], “Адабий сабоқлар-7” [143], “Адабиёт. 8-синф. Методик қўлланма” [144], “Адабий сабоқлар-9” [148] сингари методик қўлланмаларда шу синф дарслигига киритилган ғазалларни таҳлил қилиш юзасидан муайян тавсиялар берилган.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари қабул қилинган дастурга кўра ҳам ғазаллар 6-синф дарслигидан жой олган эди. Б. Саримсоқов ва бошқаларнинг 1997 йили нашр этилган дарслигига Огаҳий (“Чой”, “Факр элига хизмат қил”), Муқимий (“Подшоҳ йўқлатсалар ногоҳ гадо деб ахтаринг”), Завқий (“Жаҳонда камсухан ким бўлди”), Аваз Ўтар (“Тил”) ғазаллари киритилган. Огаҳийнинг тасаввуфий йўналишдаги “Факр элига хизмат қил”, Муқимийнинг ишқий-интим руҳдаги “Ахтаринг” радифли ғазалини назардан соқит қилганда, бу дарсликка киритилган ғазаллар мазкур синфда ўқитилишининг амалиётга мувофиқлиги ўтказилган тажрибалар, кузатувлар, ўқитувчилар билан суҳбатларда ўз тасдиғини топди. Айниқса, Завқий, Аваз Ўтар ғазаллари ифоданинг унча мураккаб эмаслиги, бугунги адабий тилга яқинлиги, ўзлашган сўзларнинг камлиги, дидактик мазмунига кўра ўспириналарнинг ёш хусусиятларига, билим ва кўникмалари даражасига мослиги билан адабиёт муаллимларини қониқтирган эди. Шунинг учун

охирги дастурга Аваз Ўтар шеърлари сирасида ғазалларининг берилганлиги мақсадга мувофиқ бўлган дейиш мумкин.

6-синфда ғазал ҳақида назарий маълумот берилмайди. Лекин уларни ўқиши, таҳлил қилиш давомида ўқувчилар жанрнинг тузилиши (байтлардан иборатлиги), қофияланиш тартиби билан танишадилар, ифодали ўқиши асносида унга хос бўлган мусиқийликни туждилар. Энг асосийси, ғазални мисрама-мисра, байтма-байт таҳлил қилиш, маъносини, бадииятини шарҳлаш кўникмаларини шакллантириш бўйича дастлабки қадамлар ташланади. Бу синфда тушунилиши қийин сўзлар, мураккаб синтактик қурилмалар изоҳи берилиши ўзига хос бўлади. Яъни ўқувчига осонлаштириш мақсадида лексик бирликлар билан бирга сўз бирикмалари, жумлалар ва ҳатто мисралар вазиятдан келиб чиқиб луғатда яхлит изоҳланиши мумкин. Масалан, “Тил” шеърининг биринчи байти иккинчи мисраси бўлмиш “Тил воситай робитаи оламиёндур” жумласи дарсликнинг шу сахифаси остидаги луғатда “Тил кишилар ўртасидаги алоқа воситасидир” тарзида бутунича, иккинчи байтдаги “ғайр тили” бирикмаси “чет тили”, “саъй қилинг” сўзи “ғайрат қилинг” дея изоҳланashi керак. Айрим форсча изофалар изоҳланмайди. Масалан, учинчи байтдаги “Билмакка ани ғайрат этинг фойдайи кондур”, тўртинчи байтдаги “Онда ўқиганлар бори яктойи замондур” мисраларидаги изофа ва инверсиялар маънолари берилмайди. Болалар ўқитувчининг йўналтирувчи саволлари ёрдамида уларнинг “Билмоққа ғайрат қилингларки, кони фойдадир”, “Унда ўқиганларнинг барчаси замон ягонасидир” мазмунида эканлигини интуиция – ички сезги, фаҳм ёрдамида англаб оладилар. Умуман адабиёт ўқитувчиси ҳар қандай асар таҳлилида шогирдларида ана шу фазилатни – матндаги сўз, бирикма, жумлаларни ички сезги билан идрок этиш қобилиятини ўстириб бориши лозим.

Жорий дастурга кўра 7-синфда Турдининг “Тор кўнгуллик беклар”, Увайсийнинг “Меҳнату аламларга мубтало Увайсийман” ғазаллари ўрганилади. Олдинги дастурда Атоийнинг тўртта ишқий мавзудаги ҳамда

Махмурнинг ҳажвий руҳдаги ғазаллари ҳам бор эди. Биз 7-синф дарслигини ёзишда ғазал ҳақида назарий маълумот бериш юзасидан муайян тажрибалар ўтказдик ва улар дарслик ҳамда ўқитувчилар учун методик қўлланмада акс этган [146]. 6-синфда жанр билан танишган, дастлабки намунасини ёд олган ўқувчига бу синфда назарий маълумотни тушунтириш бир мунча осон кечади. Алоҳида соат ажратилмаганлиги боис шу синфда биринчи ўрганиладиган ғазал (жорий дастур бўйича Турдининг “Тор кўнгуллик беклар”) таҳлили дарсида дастлабки ўн дақиқада бу маълумотларни ўқувчиларга етказиш ўринли бўлади ёки алоҳида қўшимча дарс ўтказиш мумкин. Назарий маълумотда қуидаги тушунчалар берилади:

- а) ғазал сўзининг луғавий маъноси, жанрнинг мумтоз шеъриятда тутган ўрни, яъни атама арабча сўз бўлиб, “аёлларни мақташ, таърифлаш” маъносини бериши, бу жанр қадимдан энг аҳамиятли ва эътиборли шеър шакли бўлиб келганлиги, деярли барча шоирлар унга мурожаат қилганликлари тўғрисида тушунча берилади;
- б) ғазалнинг шаклий тузилиши, яъни байтлардан ташкил топиши, матлаъ, мақтаъ ва шоирнинг тахаллуси асосан мақтаъда берилиши дарсликдаги бир ғазал мисолида тушунтирилади;
- в) қофияланиши, радиф тўғрисида: асосан а-а, б-а, в-а, г-а... тарзида қофияланиши, мазкур ҳарфлар билан белгиланишининг маъноси олинган ғазал мисолида изоҳланади;
- г) ғазалда қаламга олинадиган мавзуларга тўхтанилади, бу шеър шаклида барча мавзулар: ижтимоий-сиёсий, дидактик, пейзаж, нарса-буюмлар таърифи, бирор воқеа ёки шахсларга тавсиф ва ҳоказолар талқин қилиниши мумкинлиги, лекин етакчи мавзу ишқ-муҳаббат эканлиги уқтириб ўтилади;
- д) ғазал асосан ишқий мавзуда ёзилганлиги боис бош образлар: ошиқ, маъшуқа, рақиб тўғрисида маълумот бериш мақсадга мувофиқдир.

6-7-синфларда ғазал вазни – аруз тўғрисида тушунча берилмайди. Мумтоз шеърлар шу шеърий тизимда ёзилганлигини қайд этиб ўтиш кифоя.

Ғазалнинг тўлақонли ўкув таҳлили 8- ва 9-синфларда ўтказилади. Таҳлил қуйидаги тартибда олиб борилади:

1. Аввало ғазал ўқитувчи томонидан маромига етказиб (имкон қадар ёддан) ўқиб эшилтирилади. Шунингдек, синфдаги шеърни яхши ўқий оладиган ўқувчилардан бирига ёд олдириб ўқитса ҳам бўлади. Ўқишида албатта аруз вазни қоидаларига риоя қилган ҳолда шеърда ифодаланган мазмунга мувофиқ оҳанг ҳам танланиши керак. Ўқиши техникасига кўра биринчи мисра охирида оҳанг кўтарилади, иккинчи мисра аввалида шу оҳанг ушлаб турилади ва аста-секин пасайиб, байт охири тугалланиш оҳангни билан якунланади.

2. Ғазални тинглагач, биргаликда унинг қандай мавзуда ёзилганлигини аниқлаш лозим. Ўқитувчи аввал бошдан ғазал мавзусини ўзи айтиб қўймасдан, болалардан сўраши мақсадга мувофиқ. Улар ишқий мавзу ёзилган ғазалларни дарров илгай оладилар. Лекин дидактик, фалсафий, баъзан пейзаж ғазаллар мавзусини белгилашда қийналиб қолишлари мумкин. Шунда муаллим шеър мавзусини қандай аниқлаш лозимлигини унинг белгиларидан – бош қаҳрамон, тасвир обьекти ёки кечинмалар баёнидан келиб чиқиб, тушунтироғи керак.

3. Ғазал қофияси аниқланади. Ўқувчиларнинг ўзлари қофиядош сўзларни топадилар. Агар ғазалда радиф иштирок этган бўлса, у ҳам қайд этилади. Баъзи ўқувчилар қофия билан радифнинг фарқига бормайдилар. Доимий равишда шеър қофияси билан ишлаш бу камчиликни бартараф этади. Ўқитувчи бу жараёнда қофиядош сўзлардаги равийни ҳам топа олиш малакасини шакллантирса, яна ҳам яхши.

4. Ғазалда иштирок этаётган асосий образлар аниқланади. Ишқ-муҳаббат мавзусида асосий икки образ бор: ошиқ, маъшуқа (ёр). Образларга қараб ғазалнинг тасвирга кўра тури аниқланади: а) унда ошиқнинг ички кечинмалари, ошиқона туйғулари ифодаланган бўлади (Лутфийнинг “хоҳ инон, хоҳ инонма”, “бу кўнгулдур, бу кўнгул”, Навоийнинг “келмади”, “бўлдим санга” радифли ғазаллари ва бошқ.); б) агар маъшуқа (ёр) гўзаллиги

ёки унинг характер хусусиятлари ифода этилган бўлса, маъшуқа васф қилинган ғазал саналади (Лутфийнинг “Аёғингға тушар ҳар лаҳза гису”, Огаҳийнинг “айлансун” радифли, Фурқатнинг “Сурмадин кўзлар қаро...” ғазаллари); в) аксар ҳолларда ушбу икки хусусият ўзаро аралашган ёки уйғунлашган ҳолда келади (Навоийнинг “қилғил”, “дейин”, Бобурнинг “мушкулдур”, “топилмас”, Огаҳийнинг “устина” радифли ғазаллари ва б.). Ўқувчи ишқий шеърнинг турини аниқлаб олса, таҳлил хийла осонлашади, энг асосийси, у онгли тарзда олиб борилади. Ўқувчига шуни тушунтириш лозимки, ғазалда ошиқ кечинмалари, маъшуқа васфи муҳаббат мавзусидаги ғазалларнинг асосий мазмуни бўлади, лекин ҳеч бир ғазалда рақиб мавзуни очувчи образ бўлолмайди. Ҳеч бир ғазалда рақибнинг кечинмалари, унинг портрети тасвир обьекти бўлган эмас.

Дидактик ғазалларда бош образ ҳаёт ҳақиқатлари, инсон ҳаёти моҳияти тўғрисида фикр юритаётган донишманд шахс сифатида намоён бўлади. Кўп ҳолларда бу шоирнинг ўй-мулоҳазалари сифатида олинади (масалан, Аваз Ўтарнинг “Тил”, Завқийнинг “Жаҳонда камсухан ким бўлди”, Фурқатнинг “бормасмиз” ғазаллари ва бошқ.). Адабий таълимда муқим жой олиб келган туркман шоири Махтумқули шеърларининг аксари шу мавзуда [163].

Пейзаж ғазалларда бош образ табиатdir. Унда бирор йилнинг фасли (қиши, баҳор, куз, ёз), табиат ҳодисаси (ёмғир, шамол), дарахт, мева кабилар тасвир обьекти сифатида олинади ва лирик қаҳрамон кечинмалари ифодаси учун восита бўлиб хизмат қиласи (Огаҳийнинг “наврўз”, “қиши” радифли, Фурқатнинг “Фасли навбаҳор ўлди...” ғазаллари). Кўп ҳолларда табиат тимсоли ишқий кечинмалар изҳори ёки жамият воқеликлари талқини билан уйғунлашиб кетишига тарбияланувчилар эътиборини қаратиш керак.

Риндана ғазалларда марказий қаҳрамон ринд ёки май бўлади. Унда баъзан соқий ҳам бош образ бўлиши мумкин. Бу образлар кўпинча рамз бўлиб, уларнинг ҳақиқий маъносини билиш учун юқорида келтирилган тасаввуфий истилоҳлар тўғрисида тушунча бўлиши керак. Йўқса, ўқувчи бундай ғазалларнинг, ундаги образларнинг фақатгина зоҳирий маъносини

ўзлаштирадилар холос. Жорий ва олдинги дастурлар асосида ёзилган дарсликларда риндана ғазалларни учратмаймиз. Фақат 1993 йилда нашр этилган дарсликка киритилган Ҳувайдонинг “Ичарға бода саҳар мавсими чаман яхши” мисраси билан бошланувчи ғазалигина ўрганиш учун тавсия этилган эди. Ғазал таҳлили “Мактабда Ҳувайдо ижодини ўрганиш” номли мақоламизда берилган (“Тил ва адабиёт таълими” журн., 1998, №3, Б.12-20).

5. Асосий образлар аниқлаб олингач, ҳар бир бош образ атрофида гурухланган поэтик образларни ажратиб олмоқ керак. Поэтик образлар бош образнинг қай жиҳати, характер хусусиятининг қайси қирраси ёритилаётганини аниқ, равshan ҳис этиш, англаш ва шоир маҳоратини идрок қилиш воситаси бўлиб хизмат қиласи. Масалан, 8-синф дарслигидаги “не бўлурсан” радифли ғазали мақтаъсига диққат қиласи:

Эй одамийлар жони, париға не бўлурсан?

Бу жисм ила гулбарги тариға не бўлурсан?

Биринчи мисрада ёрга қаратса “эй одамийлар (ошиқлар) жони” деб мурожаат қилинмоқда. Маълумки, жон – инсоннинг рухи, нафси [103; 31-б.]. Рух кўзга кўринмас латиф бир субстанциядир. Бу ерда “одамийлар жони” бирикмаси икки мақсадга кўра қўлланган: аввало, ёрнинг одамлар жонидан жой олгани, кўнгилларни забт этган, иккинчидан, жон (руҳ) каби ўзи мафтун этган одамлар (ошиқлар) кўзига кўринмаслиги. Ана шу тасвир моҳиятига мос равишда мисра давомида пари поэтик образи қўлланган. Парилар Яратганинг гайб олами маҳлуқлари бўлиб, улар одамлар кўзига кўринмайдиган жинлар жинсидандирлар. Гоҳ-гоҳ кўзга кўринсалар ҳам ғоят гўзал, ақлни лол қиласи даражада соҳибжамол қиёфада намоён бўладилар. Демак, маъшуқанинг камдан-кам кўриниш бериши, қачондир юз кўрсатиб, ошиқлар жонини олгач, бенишон кетганлигини ифодалаш учун пари поэтик образи бу ўринда шоирга қўл келган. Ишқий ғазалларда Яқуб поэтик образи Юсуфдек бекиёс хусн соҳиби бўлмиш ёрдан айрилиқдаги хилватнишин ошиқнинг руҳий тўлғонишлари, чексиз қийноқлари ифодаси учун, Фарҳод поэтик образи васл учун доимо интилишда, ҳаракатда бўлган, маъшуқа

лутфига қатый ишонган, ишқ йўлида ҳар қандай тўсиқларни бартараф этишга ўзида куч топа оладиган шахс қиёфасини гавдалантириш учун, парвона эса муҳаббат ўтида кувишини, ёниб қул бўлишини била туриб, унга ўзини урадиган садоқат рамзини талқин этиш мақсадида бош образ сиймосини тўлдирувчи восита сифатида келтирилади ва ҳоказо. Ўқитувчи дарсга тайёрланиш жараёнида ғазалдаги ҳар бир поэтик образнинг қандай бадиий вазифа билан хосланганлигини аниқлаб олиши ва таҳлили давомида ўқувчиларни ана шу вазифани англашлари томон йўналтирмоғи ғоят муҳим дидактик юмушлардан бири саналади.

6. Воқеликни мажоз ва ҳақиқат йўли билан тасвирлашга кўра ўрганилаётган ғазалнинг қайси гурухга мансублиги белгилаб олинади. Олдинги фаслда мазкур хусусиятга кўра шоирларни тўрт гурухга ажратган эдик. Шоир ёки унинг ўрганилаётган ғазали қай усулда эканлигини тўғри аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу вазифа аввало ўқитувчи учун бўлиб, таҳлилни қай йўсинда олиб бориш керак эканлигини аниқлаб олади. Дастурдаги 6-, 7-синфлар учун тавсия этилган ғазаллар (Авазнинг “Тил”, Турдининг “Тор кўнгуллик беклар”) асосан тўртинчи гурухга мансуб бўлиб, мажоз ва ҳақиқатдан, яъни маъно қатламлиликдан ҳоли, маърифий, ижтимоий-сиёсий характердаги шеърлардир. 8-синфда берилган ғазалларга ёндашувда эҳтиёткорлик керак. Лутфий шеърларида маъно қатламлилик хусусияти мавжуд. Дарсликда ва методик қўлланмада шоир ғазалларининг фақат зоҳирий маъносигина талқин этилган, ботиний маъноси тўғрисида сўз юритилмаган. Ўқитувчи ўз имкониятидан келиб чиқиб, Лутфий ғазаллари ботинидаги моҳиятни очиб бера олса, таҳлилда бунга қўл уриши керак, йўқса, китоблардаги шарҳ билан кифояланиши мумкин. Лекин улар ҳам жуда қисқа, мавхум бўлиб, кўп қўшимча изоҳ, таҳлилни талаб қиласи. Навоийнинг шу синфда берилган ғазаллари ҳам биринчи гурухга мансуб, яъни мажоз орқали ҳақиқат талқин этилган битиклардир. Таҳлилда буни ҳисобга олиш талаб этилади. Шунингдек, дарслик, қўлланмада ҳам бу жиҳат эътиборга олинган. Афсуски, дарслик муаллифлари ғазаллардаги айрим байтларнигина

зоҳирий ва ботиний жиҳатдан шарҳлаганлар. Бу эса ўқувчи ва ўқитувчиларда бир ғазалдаги айрим байтлардагина маъно қатламлилик бўлар экан деган нотўғри тасаввур шаклланишига сабаб бўлади. Аслида бир ғазални бошдан оёқ зоҳирга кўра таҳлил қилиб, кейин янгитдан иккинчи – ботинга кўра матлаъдан мақтаъгача шарҳланиши керак. Машрабнинг “ўрттар” радифли ғазалини ҳам шу гуруҳ шеърлари тарзида ўрганилиши лозим. Увайсийнинг “Мехнату аламларга мубтало Увайсийман” (7-синф), олдинга дастурларга киритилган Машрабнинг “Ишқ водийсидан бир кеча мен ҳайҳайлаб ўттим”, “Ажаб Мажнун эрурман, дашт ила сахроға сифмамдур” (9-синф) ғазаллари иккинчи гуруҳ – фақат ҳақиқий ишқ куйланган шеърлар сирасига киради. Уларнинг шарҳи шу синф дарсликлариiga ёзилган методик қўлланмаларда берилган.

7. Шундан сўнг ҳар бир байт алоҳида олиниб ўқилади, мазмuni шарҳланади. Шарҳда аввал байт мазмuni аниқланади. Сўнг фикрнинг қандай ифода этилаётганлиги, бу борадаги шоир маҳорати нимада кўринганига диққат қаратилади. Ўқувчилар оддийгина фикр шоир томонидан қай тарзда ва қандай шоирона берилганлигини англаб ҳис этишлари ва бундан завқланишлари даркор. Шундагина кўзланган мақсад амалга ошган бўлади. Буни Огаҳийнинг 9-синф дарслигига берилган “устина” радифли ғазалининг дастлабки байтлари мисолида кўриб ўтамиш.

Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина,

Қатлим учун “нас” келтуур “нун” элтибон “сад” устина.

Шоир фикрини уқиш, яъни байтдан маъно чиқариш қуийдаги тартибда олиб борилади:

а) тушунилиши қийин сўзлар маъноси аниқлаб олинади: мушкин, сўз ўзагидан кўриниб турганидек, мушк каби деганидир; ҳайъат – кўриниш; чашм – кўз; нас – ҳукм; нун ва сод – араб алифбоси ҳарфлари;

б) байтнинг грамматик хусусиятлари устида ишланади. Радиф бўлиб келган “устина” сўзидағи – **на** қўшимчаси тилимиз тарихида жўналиш келишигининг архаик шакли бўлганлиги адабиётларда қайд этилган [20; 85-

б.]. Лекин байтда бу қўшимча икки келишикни ифодалайди. Биринчи мисрада у ўрин-пайт келишиги (-да қўшимчаси) маъносида: қора қошини кўриниши жаллод кўз *устида*(*дир*). Иккинчи мисрада эса жўналиш келишигини ифодалаган: “нун”ни “сад” *устига* элтиб. Биринчи мисрада **жаллод** сўзи белгисиз қаратқич келишигида: *чаими жаллоднинг устида*. Иккинчи мисрада “нас” ва “нун” сўзларида тушум келишиги, “сад” сўзида қаратқич келишиги белгисиз қўлланган: “нун”ни “сад”**нинг устина** элтиб, “нас”ни *келтиради*. Айрим ғазалларда белгисиз қўлланган қўшимчаларни тўғри идрок этмаслик туфайли ўқувчилар байтлардан маъно чиқаролмай қолишлари амалиётда қўп кузатилган;

в) байтдаги синтактик ўзига хослик ҳам кўриб чиқилади. Биринчи мисрадаги радиф “устида” кесим, у от сўз туркумiga оид бўлиб, кесимлик кўрсаткичи **–дир** боғламасини кўйиб олиш мумкин: *ул чаими жаллод устидадир*. Иккинчи мисрада бу сўз кўмакчи вазифасини бажариб, олдинги сўз билан биргаликда ўрин ҳоли бўлиб келади: (қаерга?) “сад” *устига*. Байтдан маъно уқишида бирикма ва гапларни инверсиядан чиқариб, одатдаги гап бўлаклари ҳолига келтириб олиш ғоят аҳамиятли ишдир. Биринчи мисрада инверсия изофа шаклида учрайди. Изофани ўзбекча тартибга келтириб олиш учун аниқловчи ва аниқланмиш ўрни алмаштирилади: *чаими жаллод – жаллод кўз*. Иккинчи мисрада эса инверсия гап бўлаклари тартибида эканлиги кўриниб турибди. Ўқувчиларга саволлар бериб, ўзбек тилида гап бўлаклари қай тартибда бўлиши эслатиб олинади: эга олдин, кесим гапнинг охирида, ҳол ва тўлдирувчи (ўз аниқловчилари билан) асосан кесимдан олдин жойлашади, аниқловчи аниқланмишдан олдин келади. Аввал кесим топиб олинади: нима қиласи? – *келтирур*.

Иккинчи мисрадаги жумла бир бош бўлакли гап – эга йўқ. Шунинг учун кесимдан савол бера бориб, иккинчи даражали бўлаклар топилади ва кесимдан бошлаб, бирин-кетин топилган бўлаклар олдига кўйиб борилади: нима келтиради? Нас(ни) – тўлдирувчи, уни кесим олдига қўямиз: *Nasни (ҳукмни) келтиради*. Нима учун келтиради? Қатлим учун – мақсад ҳоли,

тўлдирувчи олдига жойлаштирамиз: *Қатлим учун нас(ни) келтиради*. Қандай қилиб келтиради? Нун(ни) сод устига элтиб – вазият ҳоли. Бу бўлакни ҳам ўз жойига қўйиб, одатдаги тартибга келтириб олинган яхлит гап ҳосил қилинади: *Нун(ни) сод устига элтиб қатлим учун нас(ни) келтиради*. Ўқитувчи бу жараённи жонли кўрсатиш учун дарстахтага ёзиб бориши керак бўлади.

г) байтнинг бадииятини, шоирнинг маҳоратини таҳлил қилиш. Биринчи мисрада иккита ташбиҳли сифатлаш бор: *мушиқин қош, жаллод кўз*. Қошнинг мушкка нисбати икки жиҳатга кўрадир: унинг қора рангдалиги ҳамда хушбўйлиги. Демак, шоир бир сифатлашга икки хусусиятни маҳорат билан жо эта билганига ўқувчилар эътибори тортилади. Маъшуқа кўзининг жаллодлиги орқали унинг киши кўнгли ҳурлиги, озодлигини ўлдириши, яъни ўзига тобе – ошиқ қиласидан даражада фусункорлигини ифодалаш мақсад қилиб қўйилган. Иккинчи мисрада ҳарфий санъат бор. Бу санъат воситасида шоир икки вазифани санъаткорона уddaлаган. Биринчиси шуки, жаллод кўзининг ошиқ қатлига хукм – “нас” қандай чиқарилиши кўрсатилади: “нун” ҳарфини “сад”нинг олдига ёзилса, (устига қўйилса), “нас” (хукм) сўзи келиб чиқади; иккинчиси, “нун” ҳарфини “сад”нинг устига тўнтарилган ҳолда қўйилса ва унинг нуқтасини эса, шу ҳарф (“сад”) ичига жойлаштирилса, қош ва қўз сурати ўз-ўзидан чизилиб қолганлигига гувоҳ бўлинади. Ўқитувчи, албатта, буларни синф тахтасига ёзиб кўрсатиши керак. Агар ўқитувчи маҳорат билан тушунтирса, сўз воситасида яратилган бу санъат дурданаси, маҳорат билан чизилган сўз сурати қархисида ўқувчиларининг ҳайрат ва ҳаяжонига гувоҳ бўлади.

д) Байтда қандай фикр билдирилганлиги ва унинг қандай ифодалангани солиштирилади. Оддий ифодалаганда: “*Ёр қора қошлари чиройли кўзлари устида жойлашган, улар мени ўзига ошиқ қилди*” қўшмисрасидаги фикрни Огаҳий қандай ифода этганига ўқувчилар диққати қаратилади:

Мушкин қошининг ҳайъати ул чаҳми жаллод устина,
Қатлим учун “нас” келтуур “нун” элтибон “сад” устина.

Бу чоғишириув орқали ўқувчиларнинг шоирона ифода, бадиий маҳорат борасидаги тушунчалари мустаҳкамланади, шеърни тушуниш, ундан завқ ола билиш кўникмалари ортади.

Газалнинг иккинчи мисрасига ҳам юқоридаги тартибда таҳлил қилинади:

Килғил тамошо қомати зебоси бирла оразин,
Гар кўрмасанг гул бўлғонин пайванд шамшод устина.

Иккала байтдаги (умуман бир ғазал таркибидаги байтлар таҳлилидаги) фарқ шуки, қўшмисраларнинг лексик, грамматик, синтактик хусусиятлари устида ишлаб, ундан маъно чиқариш босқичига келганда, мисралар қўшма гапнинг қайси турига мансублигидан келиб чиқиб ўрнаштирилади. Биринчи байт боғланган қўшма гап бўлганлиги боис ундан маъно чиқаришда мисраларнинг ўрни ўзгармайди, ўз ўрнида қолади: Мушк каби қора ва хушбўй қошлирининг кўриниши мафтункор (жаллод) кўзлари устида, “нун”ни “сад” устига элтиб, (улар менинг) қатлим учун ҳукм чиқаради. Иккинчи мисра сабаб эргашган гап эканлиги эътиборга олинади ва байтдан маъно чиқаришда ўзбек тили синтактик қурилишига кўра аввал сабаб эргаш гап (иккинчи мисра), кейин бош гап (биринчи мисра) жойлаштирилади: Агар шамшод дарахти устига гулнинг пайванд бўлганини кўрмаган бўлсанг, (ёrimнинг) зебо қомати билан оразини (юзини) тамошо қилгин. Шу тариқа ўқувчиларда байтдан маъно чиқариш учун мисраларни тўғри жойлаштира олиш кўникмалари шакллантирилади.

8. Байтларни таҳлил қилиш асносида ёки ғазални тўлиқ таҳлил қилиб бўлгач, уларда қўлланган бадиий санъатлар ҳам шарҳланади. Фақат шунга диққат қаратиш лозимки, шеърий санъатларни шунчаки факт сифатида қайд этиб қўйиш нотўғри ёндашувдир. Ҳар бир қўлланган бадиий тасвир воситаси шеър бадииятига нима беряпти, унинг фикрни ифодалашдаги аҳамияти нимадан иборат бўлмоқда каби саволларга жавоб топиш талаб қилиниши лозим.

9. Агар ўқитувчи бунгача аruz вазни тўғрисида ўқувчиларга тушунча берган бўлса, бу ғазал вазнини топишни топшириқ қилиб берса бўлади. Агар

болалар вазнни аниқлашга қийналишса, ўқитувчининг ўзи ёрдам бериши керак. Қийин ва мураккаб вазнда ёзилган ғазалларни ўқитувчи фақат қайси ўлчовда ёзилганлигини қайд этиб қўйиш билан чекланиши мумкин.

10. Таҳлил тугагач, адабиёт муаллими ўқувчиларидан ғазалдан олган таассуротларини сўрайди.

11. Вақт бўлса, бир неча ўқувчига ғазални ифодали ўқитиб кўриш керак. Ўқиша уларнинг вазн талабларига риоя қилаётганликлари муҳим. Ғазал тинглангач, муаллим ўқувчининг ўқищдаги ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб бериши шарт, токи бошқаларга ибрат бўлсин.

Рубоий Шарқ адабиётида кенг тарқалган, қалам аҳли орасида баланд нуфузга эга жанрдир. Ўзбек мумтоз шоирларининг бир қанчаси бу жанрда баракали ижод этганлар. Шу сабабли адабий таълимда рубоийда илгаридан давомли тарзда ўқитиб келинган. Мустақиллик йиллари турли дастурлар асосида яратилган 5-10-синф дарслкларидан (8-синф дарслиги бундан мустасно) Навоий, Бобур, Умар Хайём, Паҳлавон Маҳмуд, Мунис, Оғаҳий рубоийлари жой олган. Жорий дастурга кўра 5- ва 9-синфда Бобур рубоийлари ўрганилади.

Рубоий ҳақида ўзбек адабиётшунослигида бир қанча ишлар қилинган: кўплаб мақолалар ёзилган, илмий рисолалар чоп этилган.

Адабиётшунослик ва методика илмларида талай ишлар қилинган бўлсада, рубоий жанри назарий жиҳатдан тўла, мукаммал ўрганилган дейиш қийин. Айниқса, шеърда билдирилган фикр, тасвиранган ҳолат, ифодаланган кечинмаларни рубоийнинг мўъжаз композициясига жойлаштириш масаласи тўлақонли ўрганилмаган. Таниқли олим И.Ҳаққулов ўзбек адабитида рубоий тараққиётига атаб маҳсус рисола ёзган бўлса-да, бу муаммога эътибор қаратмаган. [108] Бу борадаги ҳозиргача ягона бўлган кузатишлар марҳум адабиётшунос М.Юнусовнинг “Барҳаёт анъаналар” китобида учрайди: “Лиро-эпик асарларда ва лириканинг бошқа жанрларида маълум композиция бўлганидек, рубоийда ҳам аниқ **мазмуний композиция** бор. ... рубоийдаги композиция шоир айтмоқчи бўлган катта поэтик

фикрнинг мантиқий изчил бўлишига, мисралардаги сўз, образларнинг маъносини мукаммал ечилиши, ҳал этилишига хизмат қиласи. Одатда рубоийнинг биринчи мисраи **тезис**, иккинчиси **антитетис**, учинчи **моддаи рубоия** (ёки хулоса учун асос бўладиган кўприк), ниҳоят тўртинчи мисраи **синтез** шаклида намоён бўлади” [96; 83-б.]. Олим ушбу фикрларига мисол тариқасида машҳур шоирларининг, жумладан, Бобурнинг машҳур “Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур” рубоийсини келтириб, таҳлил қиласи. Олим фикрларининг диққатга сазоворлигини эътироф этган ҳолда у рубоийда мазмуннинг шеър композициясига ўринлашуви шаклларини тўла қамраб олмаслигини ҳам айтиб ўтиш керак. Э.Очилов ҳам бу жанрни тадқиқ қиласар экан, асосан жанрнинг поэтик таҳлилига эътибор қаратади [76]. Илмий жиҳатдан рубоий композицияси масаласи етарли даражада ёритилмас экан, таълимнинг барча босқичларида рубоийни тушуниш, тушунтириш, таҳлил қилиш номукаммал бўлиб қолаверади.

Бизнингча, рубоийда мазмуний композиция (ифодаланаётган мазмунни шеър композициясига ўринлашуви) қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

1. Биринчи мисрада муайян бир фикр (тезис) билдирилади, у рубоий мавзусини белгилаб беради. Иккинчи мисрада унга зид, ўхшаш ёки муқобил фикр илгари сурилади. Демак, иккинчи мисра биринчига нисбатан нафақат антитетис, айни пайтда параллеллик, муқобиллик характеристида ҳам бўлиши мумкин. Учинчи мисра олдинги икки фикрни умумлаштиради (яъни моддаи рубоия), тўртинчи мисра эса барчасини хулосалайди. Биринчи ва иккинчи мисраларнинг ўзаро антитетза муносабатига юқорида таҳлили берилган Бобурнинг “топқусидур” радифли ғазалини (9-синф, 2006), бу икки мисранинг ўзаро паралеллигига Навоийнинг “Зоҳид, сенга хур, менга жонона керак” мисраси билан бошланувчи рубоийси (10-синф, 1993), уларнинг муқобиллигига Бобурнинг қуйидаги рубоийсини келтириш мумкин:

Ё қахру ғазаб бирла мени туфрок қил!

Ё баҳри иноятингда мени мустағрақ қил!

Ё Раб, сенгадур юзум қаро гар оқ қил,

Ҳар навъ сенинг ризонг эрур андоқ қил! (5-синф, 2007)

2. Биринчи мисрада шоир томонидан ташланган тезис иккинчи ва учинчи мисраларда бирин-кетин давом эттирилади, ривожлантирилади ва түртингчи мисрада уларга якун ясалади. Демак, 1-3- мисралар ўзаро тадрижийлик муносабатида, түртингчи мисрада улардан хулоса чиқарилади, умумлашмалар қилинади. Навоийнинг

Ўлсам ясаманг мунда мозоримни менинг,

Юклаб элтинг жисми фигоримни менинг.

Ўтру чиқариб ахли диёrimни менинг,

Кўйида қўйинг тани низоримни менинг (6-синф, 2002)

рубоийси, яна шу шоирнинг “Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз”, (10-синф, 1993) Бобурнинг “Жонимда менинг ҳаёти жоним сенсен”, “Кўпдин бериким, ёри диёrim йўқтур”, (5-синф, 2007), Муниснинг “Рахм этмади ул кофири худрой, нетай” (10-синф, 2004) шеърлари бу шаклга мисол бўла олади.

3. Рубоий икки қисмга ажратилиб, дастлабки қисм – биринчи мисраларда маълум бир фикр, ҳолат тасвири ёки кечинмалар баёни бериладида, кейинги қисм – учинчи ва түртингчи мисраларда уларнинг рамзий ёки мажозий тавсифи билан рубоийда қаламга олинган мавзу хулосаланади. Навоийнинг машҳур “Ғурбатта ғарип шодмон бўлмас эмиш”, (10-синф, 1993), Бобурнинг “Жисмимда иситма кунда маҳкам бўладур” (5-синф, 2007), Огаҳийнинг

Бадтийнат улус бум киби шумдуур

Тарбият ангаким этса, мазмумдуур.

Заққум ниҳоли ичса гар обиҳаёт,

Охир беражак меваси заққумдуур (10-синф, 1993)

рубойлари мазкур шаклда битилган. Бу қисмларнинг ўрни баъзида алмашиши мумкин: аввал рамзий тавсиф берилади, кейин асосий мазмун очик ифодаларда хулосаланади. Яна Огаҳийдан бунга мисол келтирамиз:

Килмоқ била парвариш тикан гул бўлмас,

Ҳам тарбият ила зоғ булбул бўлмас.

Гар асли ёмонға яхшилиқ минг қилсанг,

Яхшилиқ онинг нияти билкулл бўлмас. (10-синф, 1993)

4. Рубоийнинг тўртала мисрасида муайян фикр, ҳолат ёки кечинманинг турли жиҳатлари баён этилади, тавсиф ёки таъриф қилинади. Юқоридаги шакллар каби охирги мисра шеърга якун ясамайди, балки ўқувчи хулосани тўрт мисра мазмунининг умумлашмасидан ўзи чиқариб олади. Навоийнинг

Хўб эл била сухбут тутибон хўб ўлғил,

Яхшини талаб қилғилу матлуб ўлғил.

Ширин сўз ила халққа марғуб ўлғил,

Юмшоқ де ҳадисингни-ю маҳбуб ўлғил (5-синф, 1997)

рубоийсидан умумий тарзда яхшилар билан дўст тутиниш ва инсонлар билан муомалада мумтоз бўлиш кераклиги ҳақида хулоса келиб чиқади. Шунингдек, Бобурнинг “Рафтори-ю қаддиға равоним садқа” (9-синф, 2006), Муниснинг “Сўз ичра Навоийки жаҳонгирдуур” [165; 143-б.] (10-синф, 2004) рубойлари мазкур мазмуний композицияда яратилган.

Бу жанр намуналарини синчиклаб текширилса яна бошқа шакллар ҳам чиқар балки, лекин ўзбек рубоийларининг аксарияти асосан шу тўрт мазмун композицияси асосида яратилганлигига гувоҳ бўлдик. Адабиёт муаллими буларни билиши ва таҳлилда уларни инобатга олиши лозим бўлади. Асосан иккинчи мисра рубоийнинг шу тўрт тузилишдан қайси бирига тегишли эканлигига ишора қиласи.

Ўқувчилар 5-синфда илк бор рубоий билан танишар эканлар, жанрнинг ўзига хос белгилари тўғрисида бошланғич тушунчалар берилади. Бу синфда шеърларни ўрганишга киришишдан олдин рубоий атамаси арабча бўлиб,

түртлик маъносини бериши, лекин ҳар қандай түртлик рубоий бўлолмаслиги, бунинг учун у аруз вазнидаги ҳазаж баҳрининг ахрам ва ахраб тармоқларида ёзилишини қайд этиб ўтиш билан кифояланилади. Шу ўринда фанлараро боғланиш – интеграциядан фойдаланиш ўринли бўлишини биз тажрибаларимиз давомида кузатдик. Мазкур назарий билимларни беришда **геометрик** шакллар, улар тўғрисидаги тушунчалардан фойдаланиш дарсда қулайлик туғдиради. Ўқувчилар бошлангич синфдаёқ квадрат тўғрисида тушунча олганлар ва унинг қоидасини ёдан биладилар. 5-синф ўқувчисининг тўртбурчак ва квадратнинг фарқини билиши оддий түртлик ва рубоий фарқини тўғри англатишда қўл келади. Масалан, квадрат ва рубоийни қуидагича солиштириш мумкин. Аввал ўқувчиларга шундай саволлар берилади:

1. Квадрат нима ва тўртбурчак нима?
2. Ҳар қандай тўртбурчакни квадрат дея оламизми?

Жавоб олингач, рубоий таърифига ўтилади. Ўқитувчи рубоий ҳақида дарсликдаги назарий маълумотларни қуидагича қоида шаклига келтириб, ўқувчилар дафтарига ёздириб қўяди: тўрт мисрадан иборат, ибратли фикрлар, шоирнинг ички кечинмалари, ўй-мулоҳазалари баён этилган, аруз вазнидаги ҳазаж баҳрининг ахрам ва ахраб тармоқларида ёзиладиган шеър шаклига рубоий дейилади.

Сўнг икки – геометрик ва адабий тушунча ёнма-ён қўйилиб шундай қиёсланади:

Квадрат тўртбурчакдир, лекин ҳар қандай тўртбурчак квадрат эмас. Квадрат бўлиши учун тўртбурчакнинг тўртала томони teng бўлиши керак. Рубоий тўртликдир, лекин ҳар қандай тўртлик рубоий эмас. Рубоий бўлиши учун тўртлик аруздаги ҳазаж баҳрининг ахрам ва ахраб тармоқларида ёзилиши керак. Буни синф тахтасида ёки ватманга чизилган кўргазмали куролда ёхуд техника воситалардан фойдаланиш яхши йўлга қўйилган мактабларда проектор орқали қуидагича акс эттириш мумкин:

5- жадвал. Рубоий ва тўртликнинг солиштирма жадвали

Квадрат	Рубоий
Квадрат тўртбурчакдир	Рубоий тўртликдир
Лекин ҳар қандай тўртбурчак квадрат эмас	Лекин ҳар қандай тўртлик рубоий эмас
Квадрат бўлиши учун тўртбурчакнинг тўртала томони тeng бўлиши керак	Рубоий бўлиши учун тўртлик аруздаги ҳазаж баҳрининг ахрам ва ахраб тармоқларида ёзилиши керак
Агар тўртала томони teng бўлмаса, оддий тўртбурчак саналади	Агар ҳазаж баҳрининг ахрам ва ахраб тармоқларида ёзилмаса, оддий тўртлик саналади.

5-синф дарслигига Бобурнинг 22 рубоийси берилган эди [121; 257-265-б.]. Албатта, ажратилган икки соатда уларнинг барчаси ўрганилмайди. Бу фақат ўқитувчи учун ҳам, ўкувчи учун ҳам дарс жараёнида таҳлиллашда, дарсдан сўнг мустақил ўрганишда танлаш имконини беради. Дарсликда шоирнинг беш рубоийси таҳлили берилган. Улар 5-синф боласининг ёш хусусияти, билим савияси, мумтоз шеър намунасини тушуниш даражаси инобатга олинниб таҳлил қилинган. Уларнинг бирига диққат қаратайлик.

Толеъ йўқи жонимға балолиғ бўлди,
Хар ишники айладим, хатолиғ бўлди.
Ўз ерини қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

Рубоий дарсликда шундай таҳлил қилинган: "...Рубоийнинг тили содда, тушунарли. Энди сиз фикрга ва унинг ифодаланишига эътибор қилинг.

1-сатр: Бахтим йўқлиги жонимга бало бўлди.

Ўйлаб кўрамиз: нега жонига бало? Шунинг учунки, бахтсизлик уни ватанидан айрди. Демак, унинг бахти – ватанда бўлишдир.

2-сатр: Нима ишни қилган бўлсам, хато бўлди. Улар қайси ишлар ва нега хато? Ватанни ташлаб чиқиши – хато. Унинг учун жонини бермагани – хато. Бошқа элларга бош олиб кетиши – хато.

3-сатр: Ўз ерни қўйиб, Ҳиндистон томон тўғри бўлди.

4-сатр: Эй Худо нима қилай, қанчалар юзим қаро бўлди.

Қаттиқ гуноҳ қилиб қўйган, элининг ишончини оқламаган кишини “юзи қаро” дейилар. Демак, у Ҳиндистонга отланишини ўзи учун гуноҳи азим ҳисобламоқда. Энди бу фикрнинг ифодасига, қандай айтилганига диққат қаратайлик.

Учинчи сатрдаги “юзландим” (“юзимни бурдим”) сўзида “юз” ишлатилмоқда. У тўртинчи сатрдаги “юз қаролиғ”ни кучайтиради, яъни ўша юзим қора бўлди. “Ҳинд” сўзида икки маъно: 1. Ҳиндистон. 2. Қора. Бу сўз ҳам “юз қаролиғ”ни кучайтиришга ёрдам беради. Яъни: юзим, уни қорага бурганим учун, қора бўлди” [121; 259-б.].

Биз ушбу рубоий таҳлилини бежиз тўлиқ келтирмадик. Биринчидан, бу рубоий бошқа рубоийларга қараганда кенг шарҳланган, 5-синф ўқувчиси учун тушунарли, содда тилда, унинг мазмун-моҳияти, бадиияти методик жиҳатдан мақсадга мувофиқ тарзда баён этилган. Иккинчидан, айнан мазкур таҳлил шакли дарслиқдаги бошқа рубоийларни шарҳлаш учун ўқувчиларга ҳам, ўқитувчига ҳам намуна бўлиб хизмат қиласиди.

Дарслиқда Бобур ижоди юзасидан саккизта савол ва топшириқ берилган. Уларда шу мавзу юзасидан берилган мақоладаги фактлар ва таҳлилларни сўзлаб бериш талаб қилинган. Ўқувчига китобдаги тайёр таҳлилни яна қайтиб сўзлаб бериш қизиқ бўлмайди. У шунчаки ўқиган, эшитганларини айтиб беради холос. Шунинг учун мазкур савол ва топшириқларга тўхтамай, машғулотлар давомида дарслиқда берилган бир неча рубоийни юқоридаги наъмуна шаклида ўқувчиларнинг ўзига мустақил таҳлил қилдириш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунда ўқувчи изланади, ҳар бир сатр, сўз устида бош қотиради, рубоий мазмунини, ифодадаги бадииятини ўзи

кашф қила бошлайди. Ана шунда адабиёт ўқитишдан кўзланган мақсад амалга оша боради.

Ўқитувчи дарсда савол, топшириқ ҳамда қўшимча изоҳлар билан йўналтириб туриш вазифасини бажаргани маъқул. Ҳар бир мисрага алоҳида савол қўйиб, болаларнинг тушунишларини, таҳлилларини осонлаштириши мумкин. Масалан, дасликдаги биринчи рубоийга қўйидагича савол, топшириклар қўйиш мумкин.

Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши,

Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда киши.

Кўнглум бу ғариблиқда шод ўлмади, ох,

Ғурбатда севинмас эмиш, албатта, киши.

1. “Ёд этмас этмиш кишини ғурбатда киши” мисраси орқали шоир нима демоқчи бўлган: ғурбатдаги (ватандан узоқдаги) киши бошқа бир кишини ёд этмас экан маъносидами ёки ғурбатдаги кишини бирор йўқламас, ёдламас экан мазмунидами? Фикрингизни ҳаётий мисоллар билан далилланг.

2. Иккинчи мисрадаги “меҳнат” сўзининг ушбу шеърдаги ва ҳозирда кўлланаётган маънолари орасидаги тафовутга диққат қилинг. Шоир қандай меҳнат (машаққат) тўғрисида Сиз билан дардлашмоқда?

3. Бобур мамлакат подшоҳи бўла туриб нега ўзини ғариблиқда сезади?
Нега севина олмайди?

4. Рубоийдаги бир-бирига маъно жиҳатидан алоқадор бўлган уядош сўзларни топинг. Улар орасидаги мазманий боғлиқликни изоҳланг.

5. Ушбу рубоийга сарлавҳа қўйиш керак бўлса, Сиз уни қандай номлаган бўлардингиз?

Шу тахлит бошқа рубоийлар таҳлил қилинса, болаларда шеърни тушуниш, ҳис этиш қўнималари ортади, шарҳлаш малакаси шакллана боради. Бунга барча лирик асарларни ўрганишда мурожаат қилиш мумкин, таҳлилда қулайлиги бор. Тадқиқот давомида шу каби шаклан содда, лекин самараси юксак бўлган “*Оптимал шарҳ*” усули ишлаб чиқилди (2-илова).

Энг асосийси, ўқувчининг таҳлилга нибатан ўзида ишончи уйғонади, мустақил ишлашга рағбат ортади.

Ўқитувчи дарсликдаги луғатда маъноси изоҳланмаган, берилмаган тушунилиши қийин ёки ўқувчилар хато тушуниши мумкин бўлган сўзларни олдиндан изоҳлаб бериши керак. Масалан, “Душманники, бу даҳр забардаст қилур” рубоийсидаги “нахват” сўзининг маъноси дарсликдаги луғатда берилмаган. У бузук, бузуқлик деганидир, лекин мисрада кибр, мағрурлик маъносига келган. “Аҳбоб, йиғилмоқни фароғат тутунгиз...” рубоийсининг учинчи сатридаги “Чун гардиши чарх бу дурур...” ибораси “Ўткинчи бу дунёнинг иши шундай экан” маъносига эканлигини ўқувчилар билмаслиги мумкин. Шунингдек, “Ҳар ерда гул бўлса – тикон бўлса, не тонг” рубоийсида “не тонг” бирикмаси “ажабланарли эмас” дегани эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Қофия ва радиф ҳақидаги назарий маълумотни аксар муаллимлар рубоийларни ўрганиб бўлгандан кейин иккинчи дарснинг сўнгига беришади. Бу ҳам мумкин. Лекин бу назарий маълумотлар рубоийларни ўрганишдан олдин берилиши тўғрироқ бўлади. Чунки ҳар бир рубоий таҳлил қилинганида уларнинг қофияланишига, радифига ҳам эътибор қаратилса, улар ҳақида берилган назарий маълумот дарс давомида мустаҳкамланиб боради. Дарсликда рубоийлар икки шаклда қофияланиши айтилган бўлсада, уларнинг номланиши келтирилмаган. Муаллим бу ўринда а-а-б-а тарзида рубоийлар *хоса рубоий*, а-а-а-а шаклида қофияланганлари *тарона рубоий* дейилишини айтиб, ёздириб қўйса, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Юқори синфларда рубоий ўрганилганда қуи (5-) синфда жанр ҳақида тушунча берилганлиги учун саволлар воситасида у тўғрисидаги маълумотлар эслаб олинади. Қўшимча маълумот сифатида вазн жиҳатдан 24 қўринишга эгалигини қайд этиш мумкин. Агар ўқитувчининг ўзи аruz ҳақида яхши маълумотга эга бўлса, аruz вазни, жумладан рубоий ёзиладиган баҳр ва тармоқлар тўғрисида қўшимча машғулотлар ўтказиши мақсадга мувофиқ.

Дарслиқда берилган рубоийлар таҳлилига ўтишдан олдин ўқитувчи Бобур рубоийётига хос икки жиҳатни таъкидлаб ўтиши лозим. Шоир, биринчидан, табиатан ижтимоий-фалсафий бўлган рубоий жанрига кундалик, ҳаётий мазмунни киритди. Иккинчидан, ғазалларида бўлгани каби унинг қўпгина рубоийлари сарсон-саргардон кечган ҳаётининг қўзгуси, қўрган-кечирганларининг иқрорномаларидаи таассурот қолдиради. Бобур рубоийларининг тили, ифодасининг соддалиги, самимияти китобхонни ўзига боғлаб олади.

Дарслиқдаги “Кўпдин бериким, ёру диёrim йўқтур”, “Беқайдмену ҳароби сийм эрмасмен” ҳамда “Толеъ йўқи жонимға балолиг бўлди” рубоийлари ҳасби ҳол характерида бўлиб, улар афғон юртида, ҳинд элида туғилган еридан узокдаги шоирнинг Ватан соғинчи, юртга талпинишларини ифода этган сатрлардир.

Беқайдмену ҳароби сийм эрмасмен,
Ҳам мол йиғишириур лаим эрмасмен.
Кобулда иқомат қилди Бобур, дерсиз,
Андоқ демангизларки, муқим эрмасмен.

Ушбу рубоийда Бобурнинг шахс сифатидаги маънавий фазилатлари, шоҳ сифатида ҳимматининг баландлиги ҳамда Ватанга қайтиш орзуси ва бу орзуга етишишга ишончи содда ва самими тарзда акс этган. “Беқайд” бирор ер ёки нарсага боғлиқ бўлмаслик, шу каби нарсалардан озод бўлишиликдир. Ҳукмдорлар ўз мамлакатига қайд этилган – боғланган бўладилар, бошқа юртларни босиб олсалар, у ерда бекайд – доимий эмаслар. Ўзга ернинг сийм зарини олиб, яна юртига қайтиш тараддуудида бўлади. Бобур Афғонистонда ўзини бекайд билса ҳам, айрим ҳукмдорлар каби “ҳароби сийм”, “мол йиғишириур лаим” бўлмади. Унинг ҳиммати мол-дунёдан баланд эди. Учинчи мисрада юқоридаги ўзининг икки даъвосига Кобулдаги ҳаётини мисол келтиради ва уларни (1- ва 2-мисраларни) умумлаштиради. Охирги мисрада асл нияти билан шеърни хulosалаб, муқим эрмасман дейдики, бу унинг доимо ватанига қайтиш ўйида бўлганлигидан дарак беради.

Рубоийнинг мазмуний композиция тузилишини яхши идрок этилмаса, дастлабки икки мисра билан кейинги мисраларни боғлашда қоқилишлар бўлиши мумкин. Лекин бу кўнгил тилаги унга армон бўлиб қолганлигини ўқувчиларга қуйидаги рубоий орқали англатилади:

Кўнгли тилаган муродига етса киши,

Ё барча муродларни тарк этса киши.

Бу иккиси мұяссар бўлмаса оламда,

Бошини олиб бир сорига кетса киши.

Дарсликларда одатда анъанавий мавзу ва оҳангларда ёзилган рубоийларидан намуналар берилади. Айниқса, муҳаббат мавзудаги рубоийларда Бобурнинг ҳассос ҳамда заргар шоир эканлиги намоён бўлади. Қуйидаги рубоий таҳлилида бунинг исботини кўриш мумкин:

Рафторио қаддиға равоним садқа,

Бир боқишиға икки жаҳоним садқа,

Оғзию белиға буду нобудим сарф,

Кўзию лабига жисму жоним садқа.

Ушбу рубоий Б. Қосимов ва бошқаларнинг 2004-йил нашр этилган 10-синф дарслигига ўқувчиларга мос тарзда таҳлил қилиб берилган [203; 272-273-б.]

Рубоий ҳазажнинг ахраб шохчасида ёзилган: Мафъувлу мафоъийлу мафоъийлу фаувл Мафъувлу мафоъийлу мафоъийлу фаувл.

Мисралар бири иккинчисини давом эттирмайди, изоҳламайди, улар ўзаро қиёсланмайди ҳам. Улар ошиқ садоқатини ифодаловчи “тeng ҳуқуқли” сатрлардир. Тўртинчи мазмуний композиция гуруҳига мансуб бу шеър ёр гўзаллигини васф қилиш баробарида ўз садоқатини изҳор этиш воситаси бўлиб хизмат қилган. Рубоийда мазмунига кўра ўзаро яқин бўлган “равоним”, “жаҳоним”, “жоним” сўзлари қофиядош, “садқа” сўзи радиф бўлиб келяпти. Мисралардаги туйғуни англаш, мазмунни тушуниб олиш учун ўқувчиларга тушунилиши қийин бўлган сўзлар маъноси берилади. “Рафтор” – юриш, “равон” сўзида ҳам юриш маъноси бор. Лекин у ҳолда маъно чиқмайди. “Равон”нинг яна бир маъноси жондир. Энди ўрнига қўйиб

кўрамиз: Юриши ва қадди-қоматига жоним фидо бўлсин. Бунда маъно бор. Иккинчи мисрадаги айрим сўзларга диққат қиласлий. “Бир”, “икки” сўzlари орасида тазод (зидлик) бор, оз-кўп маънолари сингдирилган. Нега “икки жаҳон” эканлигини болаларнинг ўзлари ҳам шарҳлай олади. Чунки исломий тушунчага кўра икки (биз яшаб турган ва нариги) дунё бор. “Боқиши” ва “жаҳон” сўзларида ҳам маълум боғланиш топиш мумкин (жаҳонга боқилади). Демак, мисрада сўзлар шу қадар танлаб, ҳамма маъно оҳанглари кўзда тутиб ишлатилганки, бу юксак санъаткорлиқдан нишона эканлиги таҳлилда ўқитувчи томонидан алоҳида таъкидланиши лозим.

“Буд-у нобуд” бор-йўқ дегани. Нега шоир маъшуқанинг оғзи ва белига бор-йўғини бағишиламоқчи? Гўзаллиги учун, албатта. Лекин бу ерда бошқа гап ҳам бор. Мумтоз адабиётда нозиклик гўзаллик мезонидир. Оғизнинг торлиги, белнинг ингичкалиги муболаға билан шу қадар кичрайтириладики, гўё гўзалнинг бу икки аъзоси – оғзи ва белининг бор ёки йўқлигига шоирона лутф билан шак келтирилади. Бу қарашдан моҳирона фойдаланган Бобур “бор-йўқлиги номаълум бўлган бел ва оғзига менинг бор-у йўғим (давлатим, ҳаётим) сарф бўлсин”, деб лутф қиласлий.

Бобур рубоийларининг ислом дини, тасаввуф билан боғлиқлигини ҳам адабиёт муаллими эътибордан четда қолдирмаслиги керак. Шу ўринда Бобур ижодининг тасаввуф таълимотига муносабати адабиётшунос Иброҳим Ҳакқул томонидан тадқик этилганлигини эслатиб ўтиш ўринли бўлади [113; 76-б.]. Қуйидаги рубоийга эътибор қаратайлик:

Жонимда менинг ҳаёти жоним сенсен,
Жисмимда менинг руҳи равоним сенсен.
Бобурни сенингдек йўқ ўзга ёри азизи,
Алқиссаки, умри жовидоним сенсен.

Шеър содда тилда, равон услубда ёзилган. Тушунарсиз сўз йўқ дейиш мумкин. “Жовидон” сўзининг маъносини ўкувчилар унуган бўлсалар, унинг “абадий” деган маънони эслатиб қўйиш кифоя. Англашиладики, “умри жовидон” абадий умр демакдир. Рубоий бир қарашда севикли ёрга мурожаат,

унга бўлган туйғулар ифодаси экани кўриниб турибди. Ботинига назар ташланса, ўз Яратувчисига дилдан қўнгил қўйган ислом кишисининг ишқ изҳорини туямиз. Чунки иймони бут, ўзлигини таниган кишигина дунё ва охират хайрликлари манбаи бўлмиш Холик Эгани “ҳаёти жоним”, “рухи равоним”, “умри жовидоним” дея эъзоз этади. Халқимиз орасида каттаю кичикка ёд бўлиб кетган Бобурнинг

Ҳар кимки, вафо қилса, вафо топқусидур,

Ҳар кимки, жафо қилса, жафо топқусидур.

Яхши киши кўрмагай ямонлик ҳаргиз

Ҳар кимки, ямон бўлса, жазо топқусидур

рубоийси аслида Қуръон оятлари таъсирида ёзилганлигини ўқувчига уқтириб ўтиш жоиз. Бу рубоий Қуръоннинг “Залзала” сурасидаги “*фа ман яъмал мисқола зарротин хойрон яро ва ман яъмал мисқола зарротин шаррон яро*” (Ким мисқолчалик хайрли иш қилса ҳам ва ким мисқолча гуноҳ қилса ҳам ўз ажрини олади) оятининг шеърий талқинидир. Мазкур шарҳлар орқали Ислом дини кишиларни факат эзгуликка чорловчи, ёмонликлардан қайтарувчи, инсонни бошқа инсонларга, миллатга, Ватанга ва бутун инсониятга яхшилик қилишга ундовчи мафкура эканлигини ўқувчиларга таъкидлаб тушунтириш керак, токи улар дин инсон маънавиятини шакллантирувчи омил сифатида қаралиши [8; 35–41-б.] моҳиятини англаб етсинлар.

Адабий таълимда ўрганилиши жиҳатдан рубоийдан кейин турувчи жанрлардан бири туюқдир. Мустақилликдан кейин чоп этилган дарсликларни кўздан кечирганимизда бу жанр уч синф – 8-10-синфлар дарсликларида берилганига гувоҳ бўлдик. Уларда туюқ ҳақида бир-бирига уйғун назарий маълумотлар берилган. Маълумотларда қуидаги хусусиятлар қайд этилган:

- бошқа мумтоз шеърият жанрлари арабий, форсий, туркий адабиёт учун бирдек хос бўлса, туюқ биз учун миллий жанр бўлиб, у туркий адабиётда вужудга келган, форс ва араб шеъриятида учрамайди;
- туюқ албатта тўрт мисрадан иборат бўлиши керак;

- рубоийга ўхшаб икки хил: а—а—а—а ёки а—а—б—а тарзида қофияланади;
- албатта арунинг рамали мусаддаси маҳзуф (ёки мақсур) вазнида ёзилиши шарт;
- қофия бўлиб келган сўзлар албатта тажнис, яъни омоним муносабатида бўлиши талаб қилинади. Айрим китобларда охирги шарт кейинчалик юзага келиб, аста-секин қатъийлашгани, баъзи шоирлар ижодида туюқнинг тажнисиз шакллари ҳам учраши айтилган.

Лекин дарсликларда туюқ сўзининг этимологияси ҳақида икки хил қараш бор. Бегали Қосимов ва Нусратулло Жумахўжа ҳаммуаллифлигидаги 10-синф дарслигига атама туймоқ (ҳис қилмоқ) маъносига тушунтирилган [202; 103-б.]. Акрам Каттабеков ва бошқаларнинг 8-синф дарслигига туюқ “ечилмайдиган қилиб туймоқ”, “чиғаллаштирмоқ” маъносига, Б. Қосимов ва бошқаларнинг 10-синф дарслигига туймоқ (боғламоқ), тусламоқ феълидан келиб чиққанлиги айтилади [95; 140-б., 225; 158-б.]. Кейинги икки дарсликлардаги фикрлар деярли бир хил бўлиб, биз ҳам мазкур қарашга қўшиламиз. Яна қўшимча равишда шуни ўқувчиларга етказиб қўйиш керакки, туюқларни шоирлар аксар ҳолларда ишқий мавзуларда яратганлар, уларнинг айримларигина дидактик, диний-тасаввуфий характерда эканлиги кузатилади.

Туюқ жанри ўрганиладиган машғулотда ўқувчиларни аввал юқоридаги назарий маълумотлар билан қуроллантириб, кейин таҳлилга киришиш тўғри бўлади. Назарий маълумот дастурда доимо мавзу талқинидан сўнг берилгани, дарсликда эса бадиий матндан кейин келтирилгани боис ўқитувчилар аксар ҳолларда уни асарлар ўрганиб бўлингач тушунтирадилар. Шеърнинг жанр белгиларини билмаган, танимаган ўқувчи билан таҳлил олиб бориш табиий равишда қийинчиликни юзага келтиради. Олдиндан берилиши ўқувчиларнинг таҳлил объектига онгли ёндашувини таъминлайди.

Туюқ тажнисга асосланган бўлгани учун сўз ўйнидан иборат шеърий бир шаклдир. Шаклдош сўзларни қофияда санъаткорона қўлланишини шарҳлаш асносида тарбияланувчилар муаллифнинг маҳоратини, шеърнинг бадииятини

англайдилар, ҳис этадилар. Шунинг учун ҳам адабиёт муаллими аввало ўзи қофияда омоним сўзлар (тажнис)нинг берилиш шакллари тўғрисида етарли тушунчага эга бўлиши керак. Туюқларда қофиядош сўзлар қуидаги тажнис муносабатларида учрашини кузатдик:

1. Лексик омонимларнинг қофияда келтирилиши. Ўзаро шаклдош икки, уч ёки тўрт лексик бирликлар: омонимлар, омоним ва омографлар тажнисни юзага келтиради. Омонимларнинг тажнисдошлиги деганда биз сўзларнинг асос (ўзак ёки негиз) ҳолида қофияда келишини назарда тутдик. Мисол:

Уч баланд айлаб қаноатни қанот,
Ким еринг ҳирс айламиш қаъри қанот.
Илгинга олиб риёзат тошини
Кибру нахват бошин ул тошдин қанот [145; 563-б.].

Қанот: 1) қуш қаноти; 2) дўзах; 3) қонат (гин) маъноларида келган, яъни қаноатни қанот қилиб баланд учгинки, ҳирс борар ерингни дўзах қаъридан қилиб қўяди. Қўлингга риёзат тошини олиб, кибр, ғурур бошини бу тош (риёзат) билан қонат (яъни янчгин). Биринчи ва иккинчи мисрадаги сўзлар ўзак ва тўртинчи мисрадаги қофиядош сўз негизга кўра шаклдошдирлар.

Омоформалар қўшимча қўшиш билан омонимларга шаклдош бўлиб қолган лексик бирликлардир. Мисол:

Кўнглима ҳар ёнки боқсам, доғи бор,
Ҳар неча дардимни десам, доғи бор.
Қилча танга бори ишқинг ёр эди,
Бир сори бўлди фироқинг доғи бор. (158; 2001)

Биринчи (доғ) ва тўртинчи мисрадаги (“тоғ” сўзининг ўғиз лаҳжасидаги варианти) қофиядош сўзлар учинчи шахс бирликдаги эгалик қўшимчасини олган омонимлар бўлса, иккинчи мисрадаги “доғи” ўзак бўлиб, тағин сўзининг архаик шаклидир, қофиядошлари унга нисбатан омоформик муносабатни юзага келтирган.

Туюқнавис шоирлар ижодида бу икки шакл жуда кўп учрайди. Атоуллоҳ Ҳусайний “Бадойеъ ус-санойи” китобида лексик бирликларнинг

шаклдошлиги шеъриятда тажниси томм дейилишини қайд этиб ўтган [114:38–39-б.].

2. Грамматик омонимларнинг қофияда келтирилиши. Синтактик бирликлар бўлмиш сўз бирикмаларининг шаклий ўхшашлигини юзага келтириб, тажнис ҳосил қилинади:

Мен сенинг илкингдин, эй дил, бандамен,
Вах, қачон еткаймен ул дилбанда мен.
Бевафоларға мени қилдинг асир,
Сен менга султонсан, эй дил, банда мен. (Лутфий)

3. Фразеологик ва грамматик бирликлар омонимлиги қофияда келади. Бунда шаклан ўхшаш ибора ва сўз бирикмалари қофияда тажнис кўринишини олади:

Ё қошингдин неча бир ўқ кўз тутай,
Отки, ўтрусиға онинг кўз тутай.
Неча кўргач ўзга маҳвашлар қошин,
Янги ой кўрган кишидек кўз тутай. (Навоий)

Биринчи мисрадаги “кўз тутай” ибора бўлиб, *кутай* маъносида келган. Иккинчи мисрада сўз бирикмаси *кўзимни тутиб берай*, тўртинчи сатрда эса *қарай* маънолари назарда тутилган. Кейинги икки шаклни Атоуллоҳ Ҳусайнин тажниси мураккаб деб атайди [114; 47-б.].

4. Лексик бирликлар (сўзлар) бошқа бир сўзнинг маълум бир қисми билан ўзаро шаклдошликни ҳосил қиласди:

Дўстлар ҳамроҳлиғ айлаб борингиз,
Тундхў ёрим қошиға борингиз.
Бир кеча базмимға келтирмак учун
Бош аёғига қўйиб ёлборингиз. (Огахий)

Биринчи мисрада *боринглар*, иккинчи мисрада *барчангиз* маъносида келган “борингиз” учун тўртинчи мисрада “ёлборингиз”нинг кейинги уч бўғини шаклдош сифатида қўллаган. “Бадойеъ ус-санойи”да бу санъатни тажниси ноқис деб аташлари эслатилган. Бир қарашда ушбу шаклда

ноқислик, сунъийлик бордай туюлса-да, шоир бу ўзаро тажнисдошларнинг бир руқнда келишини таъминлаб, табиийликка эришган. Туюқ тақтесига эътибор қаратайлик:

Дўстлар ҳам /роҳли ғ айлаб/ борингиз/

- V - - - V - - - V -

Тундхў ё/рим қошиға борингиз/

- V - - - V - - / - V -

Фоилотун фоилотун фоилун

Бир кеча баз/мимға келтир/мак учун/

- V - - - V - - - V -

Бош аёғи/га қўйиб ёл/борингиз/

- V - - - V - - - V -

Фоилотун фоилотун фоилун

Эътибор берилса, “ёлборингиз” сўзининг “борингиз” қисми аввалги икки “борингиз” сўзи каби мисранинг охирги фоилун руқнида келмоқда. Бу сўзининг биринчи “ёл” бўғини мисранинг иккинчи руқнида, қолган уч бўғини охирги руқнда ўқилишини тақозо этиб, алоҳида “борингиз” сўзи сифатида талаффуз қилинади ва вазнга риоя қилиб ифодали ўқиш жараёнда олдинги сўзлар билан тажниси том каби таассурот қолдиради. Демак, бу каби туюқлар ўрганилаётганда ўқитувчи уларнинг ўқиш техникасига эътибор бериши, аввал ўзи намунали ўқиб кўрсатиб бериши мақсадга мувофиқ.

Бу жанрни ўқитишда ўқитувчи асосан қуйидагиларга эътибор қаратиши керак: 1. Туюқ вазнга риоя қилган ҳолда ифодали ўқилади. Ўқиша қофиядаги тажнисга мантиқий урғу берилади, бу билан мисралар охиридаги омонимларга ўқувчилар дикқати тортилади.

2. Худди ғазал, рубоийда бўлгани каби шеърнинг лексик, грамматик, синтактик жиҳатлари, яъни тил хусусиятлари устида ишланади.

3. Ҳар бир мисра алоҳида ўқилиб, унинг мазмуни чақилади ва, асосан, тажнисни юзага келтираётган сўз маъносига дикқат қаратилади.

4. Бу уч иш амалга оширилгач, туюқда омонимлик юқорида келтирганимиз тўрт омилнинг қай бири шаклида ҳосил қилингани аниқланади.

5. Таҳлил орқали ўқувчилар она тилимизнинг чексиз имкониятини, сўз сехрини, маъно товланишларини, ифодадаги мусиқий оҳангни ҳамда шоирнинг маҳоратини ҳис этиши ва бу жанрни севиб, унга боғланиб қолишларига эришиш лозим.

Ўқитувчининг қистови, назоратисиз ҳам болаларнинг ўз хоҳиши билан туюқлардан намуналар ёд олишлари бу вазифаларнинг улдаланганлиги белгисидир. Мавзу ўтиб бўлингач, “Туюқдан нима туйдим?” мавзусида кичик сухбат ўтказиш ёки уй иншосини ёздириш мумкин.

Қитъа ҳам адабиёт дарсларида фаол ўрганиладиган жанр бўлиб, кейинги ўн етти йил ичидаги амалиётда қўлланган дастурларга кўра 6-, 8-, 9- ва 10-синф дарсликларига киритилган. Бу бежиз эмас, албатта. Мумтоз шеъриятда шоирлар туюқдан кўра ҳам қитъада баракали ижод қилишган. Навоий ижодида сон ва салмоқ жихатидан шоир қалам тебратган ўн олти жанр ичидаги учинчи ўринда туради. “Хазойин ул-маоний”нинг ўзида 210 та қитъа бор. Яна бошқа тўпламларига ҳам бу жанрнинг талай намуналари киритилган. Қитъа ўзининг аниқ ҳаётийлиги, кундалик турмушга яқинлиги билан лирик турнинг бошқа жанрларидан ажралиб туради. “Қитъа турли-туман ҳаётий масалалар, кундалик турмуш билан боғлиқ маъноларни тасвирлашга имкон берадиган жанр. Шунинг учун у араб, форс, туркий адабиётда ҳам қасида ва ғазалдан фарқли ўлароқ анъанавий талаб ва поэтик қонуниятлардан озод бўлиб, қитъа тилидаги фазилатлар ғазал тилига нисбатан силлиқланмаган ҳалқнинг оғзаки нутқига фавқулодда яқин” [109; 4–5-б.]. Кўпинча дидактик, ижтимоий мавзуларида ёзиладиган бу жанр адабий таълимда ёш авлодни юксак маърифатли қилиб тарбиялашда, уларда соғлом ижтимоий-сиёсий қарашларни ҳамда фалсафий фикрлаш қобилиягини шакллантиришда бекиёс амалий аҳамиятга эга.

Ўқитувчи илмий адабиётларда ҳамда дарсликларда бериб келинаётган назарий маълумотларни яхши билиши ва жанр намуналарини ўрганиш жараёнида уларни инобатга олиши, ўқувчиларга сингдириши лозим. Ўқитиш жараёнида қитъа ҳақида таҳлилда асқотадиган илмий-назарий қарашлардан хабардорлик жуда муҳимдир.

Қитъа (кўплиги муқаттаот) арабча қисм, бўлак маъноларини англатади. Тоқ мисралари очик қолиб, жуфт мисралари қофияланади: а-б-в-б-г-б... Шу жиҳатдан шаклан матлаъсиз ғазалга ўхшайди. Энг кичик ҳажми икки байт (тўрт мисра). Баъзи адабиётларда кўпи билан ўн икки байтгача бўлиши айтилган. Ўзбек адабиётида яратилган қитъаларнинг аксарияти икки байтли, уч, тўрт байтлилари ҳам бор, лекин ундан ортиғи кам учрайди.

Қитъалар яратилишига ҳамда қўлланишига кўра уч хил бўлади: а) шоирлар томонидан мустақил асар сифатида яратилади (дарсликларда шоирлар лирик асарлари сирасида “Қитъалар” сарлавҳаси остида шундай қитъалар берилади); б) ғазал, қасида, таржеъбанд каби бошқа жанрдаги шеърлар таркибидан ажратиб олиниб, муайян бир вазиятда фикрни асослаш, рад этиш, маъқуллаш каби мақсадларда қўлланилади (ҳозиргача дарсликларга бу хил қитъалар киритилмаган); в) баъзан насрый асарлардаги бирор мавзу-масалани якунлаш, хulosалаш учун келтирилади. Бунда ҳам икки ҳолат кузатилади: биринчиси, муаллиф шу насрый асарга “қиссадан ҳисса” чиқариш учун ўзи унинг мазмунига мос қитъа ёзиб киритади, иккинчиси, ўзининг ёки бошқа ижодкорлар қитъасидан ёхуд асарларидан парча олиб, хulosалаш учун фойдаланади (9- ва 10-синф дарсликларидағи (1993 йилдаги нашр) Сайфи Саройининг “Гулистон бит-туркий” ҳамда Саъдийнинг Огаҳий таржимасидағи “Гулистон” асарлари ҳикоятларига илова қилинган қитъалар).

Одатда қитъаларга тахаллус қўйиш шарт эмас, лекин шоир хоҳласа қўллаши ҳам мумкин. Масалан, ушбу қитъада тахаллус қўлланган:

Ул сарвнинг ҳарамиға етсанг, эй сабо,
Бергил бу ҳажр хастасидин ёд кўнглига.

Раҳм айлабон соғинмади Бобирни, бор умид

Солгай худой раҳмни фўлод кўнглига [125; 115-б.].

Лекин ҳозиргача дарсликларга тахаллусли қитъа киритилмаган. Ўқитувчи буни бирор қитъани келтириш билан тушунтириб кетмоғи керак.

Барча мумтоз жанрларда бўлгани каби қитъаларда ҳам сарлавҳа бўлмайди. Навоий эса “Хазойин ул-маоний”даги қитъалари манбаси, ёзилиш сабаби, мавзусини ёритиб берувчи жумлаларга тенг изоҳли сарлавҳа қўйган. Шоирнинг шундай қитъалари 10-синф (1993) дарсликлариға киритилган эди. Бу сарлавҳалар шоир қитъаларини тушунишга, адабий таълимда уларни тарбияланувчиларга тушунтиришда ўзига хос калит вазифасини ўтайди.

Қитъанинг мавзу доираси кенг, хилма-хил бўлади. Асосан диний-тасаввуфий, ижтимоий-сиёсий, фалсафий, одоб-ахлоқ мавзулар қаламга олинади. Бошқа мумтоз шеърият жанрларида ишқ етакчи мавзу бўлса, қитъаларда муҳаббат кечинмалари камдан-кам ёритилади. Масалан, Навоийнинг “Хазойин ул-маоний”сидаги 210 қитъадан бирортаси ҳам ишқий мавзуда эмаслигини кузатдик. Бобур қитъаларининг 19 тасидан бештасигина шу мавзуда, Огаҳийда эса бу жанрда муҳаббат кечинмалари ифодаланган шеър йўқлиги маълум бўлди. Лекин Лутфийнинг “Сенсан севарим” тўпламини [158; 351-б.] варақлаган ўқувчи бутунлай бошқа манзарага дуч келади. Китобдаги “Қитъалар” сарлавҳаси остида берилган тўққиз шеър муҳаббат мавзусида. Китобхон бундан “Лутфий факат ишқий мавзуда қитъалар ёзган эканда” деган хуносага келади. Аслида ундан эмас. Синчиклаб текширилса, бу шеърлар қитъа эмас, балки туюқ эканлиги ойдинлашади. Бундай дейишимизга қуидагича асосларимиз бор.

Уч фан доктори, профессорлар ёзган дарсликдаги маълумотга кўра мисралари тажнис билан қофияланишига кўра туюқ тўрт турли бўлади:

1. Икки мисраси тажнисли қофияланган туюқ.
2. Уч мисраси тажнисли қофияланган туюқ.
3. Тўрт мисраси тажнисли қофияланган туюқ.
4. Радифи тажнис бўлган туюқ [205; 158-б.].

Лутфийнинг биз сўз юритаётган шеърлари биринчи тўртликни истисно қилгандан барчаси икки мисраси тажнисли қофияланган туюқ намунасиdir. Иккитасини мисол тариқасида келтирамиз:

Фурқатингдин бўлмишам зору заиф,
Тенгри учун мундин ортиқ қилма зор.
Чун менинг қонимни тўқтунг ҳажр ила,
Ўз эшигинг теграсинда қил мозор.

Шеърда синтактик бирликлар – сўз бирикмалари (қилма зор – қил мозор) шаклдошлиги тажнисни юзага келтирган.

Эй қароқчи дилбар, ўйла бил,
Жон аёман сен киби жононадин.
Хусну лутфу сурату маъни била
Туғмагай сентек яна жон онадин.

Бу ерда лексик ва синтактик бирликлар – сўз ва сўз бирикмаси (жононадин – жон онадин) ўртасида омонимлик бор. Иккила мисолда ҳам иккинчи ва тўртинчи мисралардаги тажнисли қофия шеърнинг туюқ сифатида шаклланишига асос бўлган. Тўпламда қитъа сифатида берилган саккиз шеър шундай кўринишда. Демак, улар юқорида зикр қилинган биринчи турга кирадиган туюқлардир. Иккинчи асос шуки, бу шеърлар туюқ вазнида – рамали мусаддаси маҳзуф ўлчовида. Бирортаси ҳам бошқа вазнда ёзилмаган. Учинчи асос эса уларнинг барчаси туюқларга хос бўлган ишқий мавзуда битилганидир. Тўпламга тартиб берганларни, бизнингча, мазкур тўртликларнинг қитъага ўхшаб, а-б-в-б тарзида қофиялангани адаштирган бўлса эҳтимол. Мактаб ва ўрта маҳсус таълими муассасалари учун тузилган дарслик-мажмуаларга мазкур туюқлар қитъа сифатида киритилган [205; 174,191; 203-б.]. Ушбу хатоликни қейинги тузилажак дарсликларда тузатиш керак бўлади.

Қитъаларни адабиёт дарсларида ўрганиш, бизнингча, қуйидаги тарзда бўлиши керак.

1. Қитъа ифодали ўқиб эшиттирилади. Дарсликларга киритилган бу жанр намуналари дидактик (Навоий, Огахий) ҳамда биографик (Бобур) характерда бўлгани боис ўқишида мазмунга мос равишида босиқ таъкид оҳангни устувор бўлиши керак. Мазмунга кўра шеърдаги аҳамиятли сўзларга мантиқий ургу берган ҳолда ўқиш мақсадга мувофиқ.

2. Юқорида кўриб ўтганимиз жанрлар каби матннинг лексик, грамматик, синтактик хусусиятлари устида ишланади.

3. Қитъа маъноси мисрама-мисра ёки қўшмисралар шаклида кетма-кет ўзлаштирилиб, шеърдаги мазмун яхлит тарзда ойдинлаштирилади, шоир билдираётган фикр, илгари сурган ғоя аниқланади.

4. Шеър бадиияти, шоирнинг маҳорати таҳлил қилинади. Буни қитъа маъносини ўзлаштириш жараёнида ҳам ёки ундан кейин алоҳида тарзда ҳам қилиш мумкин.

Албатта таҳлил қатъий шу кетма-кетликда бўлиши шарт эмас, улар аралаш, уйғунлашган ҳолда ҳам бўлиши мумкин. Ушбу босқичларни бир қитъа мисолида кўриб ўтамиш.

Чун ғараз сўздин эрур маъни анга/,

Ноқил ўлса хоҳ хотун/, хоҳ эр.

Сўзчи ҳолин боқма/, боқ сўз ҳолини/,

Кўрма/ ким дер ани/, кўргилким не дер. (Навоий) [122; 191-б.]

Мисраларга қўйилган / белги руқи чегарасини билдирмайди, балки ифодали ўқишида оҳанг кўтарилиши ҳамда тўхталиш керак бўлган ўринлар кўрсатилган. Шу белгидан кейинги сўз ҳам айнан шу кўтарилиган оҳанг билан айтила бошланади ва аста-секин тушади. Шунда мазмунни бўртиришга хизмат қиласиган хоҳ хотун, хоҳ эр; боқма, боқ; кўрма ким, кўргилким жуфтликларига оҳанг билан мантиқий ургу беришга муваффақ бўлинади.

Ифодали ўқилгач, нотаниш сўзларга луғат берилади: ғараз – мақсад; ноқил – сўзловчи; сўзчи – сўзловчи. Ўқитувчи биринчи мисрани синтактик таҳлил қилиб, уни инверсиядан чиқариш билан гап бўлакларини одатдаги тартибга келтириш ва бу жумлада қандай фикр билдирилганлигини аниқлаш

вазифасини ўқувчиларга юклайди. Болалар қийинчиликсиз ундан маъно уқадилар: *сўздан (яъни билдирилаётган фикрдан) мақсад маъни эрур.* Иккинчи мисра: *сўзловчи хоҳ хотин, хоҳ эр бўлса.* Мисралар шу тарзда кетмакет қўйилса, тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гап қисмлари бўлмиш бу содда гаплар одатдаги тартибда эмаслиги учун унинг маъноси у қадар ўқувчи учун тушунарли бўлмайди. Худди ғазал таҳлилида кўрганимиздек, аввал иккинчи мисра (эргаш гап)ни, кейин биринчи мисра (бош гап)ни қўйиб, қўшма гап қисмларини одатдаги тартибда шакллантирамиз: *сўзловчи хоҳ хотин, хоҳ эр бўлса (ҳам), сўздан (яъни билдирилаётган фикрдан) мақсад ундаги маънидир.* Энди ифода соддалашиб, ўқувчиларга тушунарли бўлиб қолади.

Учинчи мисрада “ҳол” сўзи битта келишикда – “ҳолин”да қисқарган, “ҳолини” (тўлиқ) белгили тушум келишигига такрор келган бўлса-да, бу қўшимчалар жўналиш келишигининг услубий варианти бўлиб келмоқда. Яъни, *сўзловчининг ҳолига боқма, сўзининг ҳолига боқ.*

Тўртинчи мисра боғловчисиз қўшма гапдир. Ундаги икки содда гапнинг кесимлари (кўрма ва кўргил) инверсия туфайли гапнинг бошида келмоқда. Инверсиядан чиқарсан, қўйидаги шакл юзага келади: *уни ким айтадиганига қарама, нима деяётганига қара.*

Тўртала мисрадан чиқарилган маъно жамланади ва бир ўқувчи уларни ўз тилидан яхлит ифодалаб беради: *сўзловчи хоҳ хотин, хоҳ эр бўлса (ҳам), сўздан (яъни билдирилаётган фикрдан) мақсад ундаги маънидир. Сўзловчининг ҳолига боқма, сўзининг ҳолига боқ Уни ким айтадиганига қарама, нима деяётганига қара.*

Қитъа бадиияти таҳлили фикрни янада теран идрок этишга, шоир маҳоратини ҳис этишга йўл очади. Шеърдаги ноқил ва сўзчи бир маънода келган. Айнан бир сўзни такрорлаб, шеърга нуқс туширмаслик учун бири арабча, бири соф ўзбекча ушбу синонимларни кўллаб шоир қайтариқдан қочган ҳамда уларни мисралар бошида келтириш орқали икки хил мақсадда қўлланганини таъкидлаган: ноқил умумий маънодаги сўзловчи бўлса, сўзчи айни пайтда гапираётган кишини назарда тутади.

Навбатдаги икки мисра бутунлай қайтариқлардан иборатдай кўринади. Аслида эса бунинг тескариси. Уларда ўзакдош ёки айнан такрорланаётган сўзлар зидликни ифодалашга хизмат қилмоқда. Ҳол сўзи бир шакл (келишик)да, бир мисрада келган, лекин бу ўринда улар омонимлик муносабатида: *сўзчи ҳоли* бирикмасидаги ҳол “кўриниш”, “шакл” маъносида (сўзловчининг кўриниши, кимлиги), *сўз ҳоли* бирикмасида эса “маъноси” ўрнида кўлланган. Боқмаслик керак бўлгани *сўзчи*, боқиши керак бўлган нарса сўз экан, ўзакдош сўзчи ва сўз лексемаларининг контекстуал зидлиги ойдинлашади. Ўзаро бир феълнинг бўлишсиз ва бўлишли шакллари бўлмиш *боқма – боқ* сўзлари ҳам айнан шу муносабатдалиги кўриниб туриди. Тўртинчи мисрадаги “кўрма – кўр”, “ким – не” ҳам ўзаро тазодий жуфтликлардир. Кейинги икки мисрада луғавий ва грамматик шакллар икки мартадан айнан ёки қўшимча қўшиш билан такрорланган (такрир ва иштиқоқ санъатлари): сўзчи – сўз; ҳолин – ҳолини; боқма – боқ; кўрма – кўр; ким (олмош) – ким (боғловчи-юклама); дер – дер. Навоийининг юксак маҳорати шундаки, шаклий ўхшашликдан таъкид учун фойдаланган, маънолардаги зидликдан умумлашма хулоса чиқарган. Қарама-қарши тушунча ва ҳолатларининг ёнма-ён қўйилиши уларнинг бир-бирларини маъновий бўрттиришига хизмат қилган.

Таҳлил ўқитувчи томондангина олиб борилмасдан, йўналтирувчи савол ва топшириқлар, муаммоли саволлар қўйиб, мазкур ечимларга келишда ўқувчиларнинг ўзини қатнаштирумок дарснинг юксак самараси белгисидир.

Қитъалар маълум бир воқеа муносабати билан яратилиши мумкин. Шу жиҳатдан у шоирнинг ёндафтаридағи қайдларга ҳам ўхшаб кетади. Агар шеър ёзилишига туртки бўлган воқеа бирор манба орқали етиб келган бўлса, ўқитувчи дарсда ундан албатта фойдаланиши керак. Бобурнинг 9-синф дарслкларида берилаётган “Эй, аларким, бу Ҳинд кишваридин” мисраси билан бошланувчи қитъаси ёзилиши тарихи “Бобурнома”да баён этилган. Шу қитъа ўрганиладиган машғулотга ўқитувчи “Бобурнома”ни олиб кириши ва қитъага тегишли ўринларни асарнинг ўзидан тўлиқ ўқиб бериши мақсадга

мувофиқ. Бунда, бир томондан, ўқувчилар қитъанинг кундалик воқеаларга нисбатан ҳозиржавоб жанр эканлигини ҳис этадилар, иккинчидан, Бобурни шахс ва ижодкор сифатида яна бир бор кашф этадилар.

Мактаб адабий таълимида мумтоз шеъриятнинг йирик жанрларидан мурабба, мухаммас, мусаддас, муашшар ҳамда таржиъбанд ўқитиб келинади. Охирги дастурга кўра бу жанрлар 8- ва 9- синфларда ўқитилади.

Бу жанрларнинг юқори синфларда ўқитилиши мантиқан тўғри. Чунки уларни тушуниш учун ўқувчидан муайян назарий билим, тажриба, таҳлил қилиш малакалари шаклланган бўлиши керак. 5-синфдан кичик ва ўрта ҳажмли мумтоз шеър намуналарини ўрганиб келаётган ўқувчилар бу синфларга келиб йирик жанрларни ўзлаштиришга ҳам ақлан, ҳам руҳан тайёр бўладилар. Қ. Йўлдошев ва бошқаларнинг юқорида 1998 йилдаги дастурига кўра 8-синфда мусамматлар тўғрисида назарий маълумот бериш белгиланган ва дарсликка киритилган эди. Негадир охирги дастурдан бу маълумот чиқариб юборилган.

Йирик лирик мумтоз жанрларнинг ўқитилиши юзасидан тажрибаларимиз асосида қўйидаги тавсияларни баён этамиз.

1. Ўрганиладиган шеърнинг жанр белгилари ҳақидаги назарий маълумот билан таништирилади. Масалан, 8-синфда мусаммат ҳақида тушунча берилиши керак. Мусаммат арабча “ипга терилган марварид” маъносини бериши, адабий атама сифатида мумтоз шеърият жанрларининг бандлардаги мисралар сонига кўра шаклларини англатиши айтиб ёздириб қўйилади. Дарсликларида [154; 161–162,179; 142–143-б.] мумтоз шеърларнинг бу таркибий тизими тўғрисида маълумот берилган. Ўқитувчилар ундан фойдаланишлари мумкин. Уларда мусамматлар мазмунига кўра икки хил: мустақил (табъи худ) ва бирор ғазал асосида яратилган **тазмин** мусамматларга бўлиниши таъкидланган, лекин уларга изоҳ берилмаган. Ўқитувчи барча мусамматлар мустақил яратилиши, улар ичида мухаммаснинг тазмин шаклида ҳам ёзилиши мумкинлиги ва тазмин мухаммаслар **тажмис** (беш мисрага етказиш маъносида) дейилишини ҳам

уқтириб ўтиши лозим. Шунингдек, дарсликда мусамматлар мусаллас (учлик)дан бошлаб бериб кетилган. Бизнингча, маснавий (иккилийк)дан бошлаб муашшар (ўнлик)гача берилгани тўғри бўлади. Чунки маснавий мумтоз лиро-эпик асарлар ёзиладиган шаклни билдириш билан бирга маҳсус жанрни ҳам англатади. Ҳар бир шеърий шаклнинг қофияланиш тизими ва тарзини дарсликдаги маълумотлар асосида тайёрланган чизмаларда кўрсатилади, лекин тушунтириш қисқа, лўнда бўлиши керакки, ортиқча вақт сарфига йўл қўймаслик зарур. Чунки бу маълумотларга алоҳида соат ажратилмайди, балки мусамматдан намуна ёки таржиъбанд ўрганиладиган соатнинг дастлабки қисмида берилади.

2. Бир соат олдинги дарс сўнгида шеър билан танишиб келиш топшириғи берилади ва машғулотда ўрганишга киришишдан олдин унинг қайси жанрда, қандай мавзуда ёзилганлиги тўғрисида савол-жавоб, сухбат қилинади ёки тушунча берилади, жанр белгиларига дикқат қаратилади.

3. Ифодали ўқиша шеър жанрига, мусамматнинг турига қаралади: 8-синфда Нодиранинг ўн банд – юз мисрадан иборат “Фироқнома” муашшарини бошдан оёқ ифодали ўқиш анча вақт йўқотишга олиб келади, шунинг учун ҳар бир бандни шарҳлашдан олдин у ифодали ўқилади ва таҳлилга киришилади. 9-синф дарслигига берилган “Сайдинг қўя бер сайёд” мусаддасини ифодали ўқиш учун 4 минут атрофида вақт кетади. Шунинг учун ўрганишдан олдин бу шеърнинг ўқиб эшигтирилиши талаб қилинади.

4. Йирик шеърий жанрлар мисрама-мисра таҳлил қилинмайди, фақат шеърнинг ўта мураккаб, тили оғир қисмларида гина бунга мурожаат этилади. Ҳар бир банди кўп мисрали бўлгани учун уларни бандма-банд кўриб, таҳлил қилиб ўтган маъқул. 8-синф дарслигидаги Нодира муашшари таҳлили ўқитувчи учун яхши намуна бўлиши мумкин. Ҳар бир банд таҳлилида ўқувчилар илгари дуч келмаган образлар, поэтик образлар, тасвир ифодаларига алоҳида тўхталиш, уларга изоҳ бериш лозим. Дарсликда муашшар таҳлил қилинар экан, олдинги синфларда дуч келинмаган *фалак* образининг батафсил шарҳлангани мақсаддга мувофиқ бўлган. Ундаги мазкур

образнинг дунё, замон, тақдир маъносида таъвил қилинганига қўшилиш мумкин, лекин фалакнинг Аллоҳ маъносида келиши борасидаги қараш, бизнингча, мантиққа тўғри келмайди. Чунки фалак Аллоҳнинг яратиги, яратик орқали Яратувчи назарда тутилмайди. Қолаверса, биринчи бандда шоиранинг фалакдан шикоят қилиб, “ё Раб” деб Аллоҳга илтижо қилаётгани ҳам кейинги таъвилнинг тўғри эмаслигини тасдиқлаб турибди. Шунингдек, 9-синфда Оғаҳийнинг “Даҳр уйи бунёдким, сув узрадур маҳкам эмас” таржиъбандида *даҳр*, Фурқатнинг “Адашганман” мухаммасида *ватандан айру тушиган лирик қаҳрамон*, “Сайдинг қўябер сайёд” мусаддасида *сайд, сайёд* образлари ўқувчилар учун янги, маҳсус шарҳ талаб этадиган образлардир.

5. Таҳлил бир неча кўринишда олиб борилиши мумкин. Аксарият ҳолларда ҳар бир банд машғулот давомида бутун синф ўқувчилари билан ўқилади, шарҳланади, муҳокама қилинади. Иккинчи ҳолатда ҳар банд алоҳида бир ўқувчига берилади, синфда унинг таҳлили эшитилади. Саволлар ҳам берилиши мумкин. Ўқувчилар синфдошлари таҳлилидаги ютуқ ва камчиликлар борасида ўз қарашлари, муносабатларини билдирадилар. Қисқа муҳокамадан кейин навбатдаги ўқувчи таҳлили тингланади ва шу тариқа давом этади. Шеърларни ўрганишнинг навбатдаги кўриниши гуруҳ бўлиб таҳлил қилиш бўлиши мумкин. Ўқитувчи ўқувчиларни машғулотда уч ёки тўрт гурухга бўлади. Ҳар бир гурухга шеърнинг маълум бир қисми (икки ёки уч банди) берилади. Гуруҳ номидан бир ёки икки ўқувчи таҳлилни баён этади, ҳимоя қиласи. Бошқа гуруҳлар уларга савол беради, эътиrozларини билдиради, ютуқ ва камчиликларини кўрсатади. Аксар ҳолларда бу шакл баҳс-мунозара тусини олади. Ўқитувчи ўзининг имконияти, ўқувчиларининг ёши, билим савияси, қўникма ва малакалар даражасидан келиб чиқиб, бошқа шаклларни ҳам танлаши мумкин.

6. Шеър тўлиқ ўрганиб бўлингач, ўқувчиларнинг асардан олган таассуротлари асосида сухбат ўтказилади. Тарбияланувчилар шеърнинг

ўзларини завқлантирган, тўлқинлантирган ёки ўйга толдирган қисмлар, тасвир, ифодалар ҳамда фикрлар хусусида мулоҳаза билдирадилар.

7. Шеърни тўлақонли англаш учун ушбу тушунчалар билан боғлик лексик, синтактик бирликларни, яъни сўз ва сўз бирикмаларни чизмалар ёки жадвалларда гурухлаш топшириги берилса, ўқувчиларнинг матн устида мустақил ишлашлари самарали бўлади. Шунинг учун ҳам биз томонимиздан ёзилган 7-синф дарслигига қуидаги жадвални давом эттириш ва тўлдириш топшириги берилган. Охирги дастурга кўра Турди Фароғийнинг мухаммаси 10-синф дарслигига киритилган ва айни шу топшириқни ўқувчиларга бериш мумкин.

6-жадвал. Мухаммас матни устида ишлаш

Тасаввуфий тушунчаларни англатувчи ифодалар	Ринд сарҳайли, қиблагоҳ ...
Шоир шахсияти ва тақдирини акс эттирувчи ифодалар	қилмадим шукронай, мусофирлиғ...
Ижтимоий воқеликка алоқадор тушунчалар	Тафриқа тоши, чархи дун...
Ўзгаларнинг шоирга муносабати акс этган ифодалар	Ақраболар ор этар, қошин чатар...

9-синфда Огаҳийнинг “Даҳр уйи бунёдким...” таржиъбандини ўрганишда эса шеърни чуқурроқ ўзлаштириш учун ҳар бир бандга тааллуқли уядош сўзларни топиб қўчириш топширигини бериш тавсия этилган. Буни ҳар бир банд учун алоҳида қилса ҳам бўлади, лекин барчасини бир жадвалда акс эттириш янада маъқул иш. Масалан, қуидагича акс эттириш мумкин:

7-жадвал. Таржеъбанд матни устида ишлаш

I. Даҳр – сув узра қурилган уй.	II. Даҳр – бўйи, вафоси йўқ гулшан.	III. Даҳр – меҳр-вафоси йўқ айёра.
Осори вайроналиғ Аркон Гарди сақф	Ҳаз Оби ҳаво Баҳор	Жабр-у жафо Маккора Рахм-у мурувват

Маскан Мәхнатхона Макон Зиндони балият Вайрона	Хазон осиби Фасл Файзи сафо Гулеким очилур Қүш Нахл Сайр	Шарм-у ҳаё Ҳийла доми Ғамза-у ноз-у адo Ишвалар Юз найранг Ошуб-у балo Қадди шавқи Кирпики Зулфининг савдоси Ҳажр заҳри Васли нўши Қайди ғами
--	--	--

Дарсда бу топшириқларни бажаришга улгурилмаса, уй вазифаси қилиб берилади. Шеърнинг ҳажми, тилининг оғир-енгиллигига қараб тўлиқ ёки қисман ёд олдириш мумкин. Масалан, Фурқатнинг “Сайдинг қўябер сайёд” мусаддаси илгаридан тўлиқ ёд олдириб келинган. Яна бунда “лавҳа яратилиши усули” ҳам ўқувчилар учун ғоят қизиқарли самара берадиган шаклдир. Ўқувчилар шеърда англашилган маънони кино ва театр санъатидан олган тасаввур ва таассуротларига таяниб, ҳаёлан лавҳа яратадилар ва сўзлаб берадилар. Бу ғазалларнинг айрим байтларини шарҳлашда ҳам натижаси самарали бўлган усулдир.

Чистон илгаридан мактаб адабий таълимида Увайсий чистонлари мисолида ўрганилган, ҳозир ҳам бу анъана давом этиб келмоқда: бу жанр намуналари билан ўқувчилар 7-синфда танишадилар. Туркий адабиётда илк чистонлар XV асрда Алишер Навоий томонидан яратилган. Шоиранинг “Анор” чистони эса бу жанрни машҳур қилди. Шунинг учун ҳам адабий таълимга Увайсий чистонлари жалб қилинади.

Олдин дарсликдаги маълумотларга суюниб, чистон ҳақида тушунча берилади. Шундан сўнг шоиранинг учта шеърий жумбоғи – чистонларига эътибор қаратилади. Чистонларни ўрганиш асносида ана шу назарий билим мустаҳкамланади, шоиранинг бу жанр доирасида ҳам ўзини кўрсата олганлиги таҳлил қилинади. Албатта, еттинчи синфда ўқийдиган ўсмирлар

бу чистонларнинг жавобини қийналмай топадилар. Увайсий чистонлари азбаройи топишмоқ бўлгани учун эмас, балки баланд бадиий ифода тарзига эга бўлгани учун ўрганилади. Айниқса, анорга бағишлиланган машхур шеърий жумбоқдаги ҳар бир тимсол, ташбих баланд эстетик қудратга эгалиги билан ажралиб туради.

Ул на гунбаздир эшиги, туйнугидин йўқ нишон,
Неча гулгунпўш қизлар манзил айлабдур макон.
Синдуруб гунбазни, қизлар ҳолидин олсам хабар,
Юзлариға парда тортиғлиқ турарлар бағри қон.

Ўқувчилар анорнинг гумбазга, унинг доналарини қизларга, пардаларини эса қизларнинг юзидағи ҳижобга ўхшатиши сингари поэтик кашфиётларни ҳис этишлари лозим. Анорнинг қизиллиги ҳам «гулгунпўш» – қизил кийган, ҳам «бағри қон» ташбихлари ёрдамида ифодаланганлигини пайқаш муҳим. Ўқитувчи, албатта, анорнинг саройга, унинг доначаларини тутқин канизларга ўхшатилиши борасидаги чистоннинг ижтимоий талқинига ҳам болалар эътиборини қаратиши лозим.

Ёнгоққа бағишлиланган чистонда тазод санъатининг маҳорат билан қўлланганлиги ва ҳосил қилинган поэтик манзара ўқувчилар томонидан англаниши лозим. «Кўк тўнлик – яланғочлик», «ёз-қиши», «ич-таш» сингари тимсоллар чистоннинг бадиий қимматини оширишга хизмат қилиши ўқувчилар томонидан англаниши лозим.

Кун ва тунга бағишлиланган чистонда шоиранинг санъаткорлиги қай тариқа намоён бўлганлиги аниқ мисоллар асосида кўрсатиб берилади. Маҳбублик яқинликдир. Аммо чистондаги дўстлар бир-бирларини кўришмаган. Лекин улар шундай яқиндирларки, ораларига қил ҳам сифмайди. Чиндан ҳам кун билан тун орасида фақат кун билан тунгина бор холос. Орада ўзга замоний ёки маконий ҳодиса мавжуд эмас. Шоиранинг учқур фикри, толиқмас хаёли оддийгина топишмоқдан гўзал санъат яратиш имконини берган.

Дастурда яна кичик жанрлардан тарих ва тарафайндан намуналар ўқитиши назарда тутилган. Бу икки жанр 9-синфда Огаҳий лирикаси мисолида ўрганилади. Тарих илгари мактаб амалиётида ўқитилмаган. Шунинг учун мазкур жанр бу таълим босқичи учун янги. Ўтказган сұхбат ва сўровларимизда адабиёт муаллимларнинг кўпида тарих ҳақида етарли маълумот йўқлиги ойдинлашди. Бунда ўқувчиларга тушунтириш учун ҳамда ўқитувчининг ўзи учун билиш керак бўлган жиҳатлар бор.

Аввало тарих мумтоз адабиётда ва илмий манбаларда *таърих* шаклида қўлланишини билиш ва тушунтиришни шундан бошлаш керак. Кейин назарий маълумот тушунтирилиб, ёздириб қўйилади: “Таърих – мумтоз адабиётда машҳур кишиларнинг туғилиши ва вафоти, турли бино-иншоотларнинг қурилиши, китоблар таълифи ва бошқа муҳим воқеа-ходисалар вақтини англатувчи санъат... Таъриҳда қўлланган сўз ва иборлар, уларни ташкил этган араб ҳарфларининг абжад рақами билан қўшиб ҳисоблаганди, маълум бир сана келиб чиқади” [101; 311-б.]. Абжад ҳисоби ҳақида ҳам қисқача тушунча бериб, машҳур бирор таърих мисолида назарий маълумот мустаҳкамланади. Таърих ҳар доим мустақил ёзилмай, баъзи бир асарларнинг ичидаги ҳам айтиб ўтиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Ўқитувчининг ўзи учун билиши керак бўлган маълумот шуки, келтириб чиқариладиган санани билдирадиган сўз ва иборалар *таърих моддаси*, уларни ташкил этган ҳарфларнинг абжад бўйича йиғиндиси жумал дейилади.

Сўнг Огаҳийнинг бу жанрдаги ижоди тўғрисида тўхталинади. Шоир ижодида йигирма тўққизта таърих бўлиб, улардан иккитасигина ўзбекча, қолганлари форс тилида ёзилган [14; 374-б.]. Таърихларнинг аксарияти мадрасалар қурилишига (уларнинг санасини келтириб чиқаришга) бағишлилангандир. Ўқитувчи шоир таърихидан намунани дарсликда берилгани тарзда тушунтириб беради.

Шу ўринда таърихнинг чистон ва муаммога муносабатини ҳам ёритиб кетиш лозим. Таърих ва чистон бошқотирма эканликлари билан ўхшаш. Фарқи шуки чистонда яширилган нарса ёки тушунча шеърда берилган белги,

хусусиятларга кўра топилади. Таъриҳда эса абжад ҳисобига таянган ҳолда жавоб топиш керак. Муаммо билан таъриҳ абжадга асосланган бошқотирмалиги билан ўхшаш, лекин таъриҳда сана, муаммода эса сўз беркитилган бўлади. Бу маълумотлар ўрни билан ўқувчиларнинг мумтоз шеърият жанрлари билан кенгроқ танишишлари, уларнинг хусусиятларини чуқурроқ англашларига имкон яратади.

Тарафайн ўзбек мумтоз адабиётида ҳамма шоирларда ҳам учрамайди. Дастурда тавсия этилган Огаҳий ижодида мансуб тарафайн адабиётдаги, хусусан, шеъриятдаги соф санъат намуналаридан биридир. Дарсда бу шакл “мусовеъ ул-тарафайн” деб ҳам аталишини таъкидлаб ўтиш ортиқчалик қилмайди. У Огаҳийнинг ҳар қандай шаклда ҳам шеър ёза олиш истеъдодини кўрсатувчи бир далилдир. Жорий дарсликда келтирилган мазкур шеър ўқувчиларда катта қизиқиши уйғотгани, улар нодир бу намунани бажонидил ёд олиб, завқ билан айтиб юришганига амалиётда гувоҳ бўлдик.

Ўқитувчи бизга замондош бухоролик истеъдодли шоир Исройл Субхоний тарафайнинг яна бир намунасини яратганини айтиб, шеърни шогирдлари эътиборига ҳавола қилиши уларнинг мумтоз анъаналарнинг замонавий адабиётда давом этаётганини ҳис қилишларига, ижодда ворисийликни англашларига ёрдам беради [190; 36-б.].

3.3-§. Насрий асарларни ўргатиш самарадорлигини ошириш усуллари

Наср мумтоз адабиётда унчалик катта ўрин эгалламайди. Адабиётимиз тарихида бу адабий турда қалам тебратган адиблар кўп эмас. Аксарияти диний дидактика билан йўғрилгани боис шўролар даврида уларнинг аксарияти адабий таълимда ўрганиш обьекти қилиб олинмаган эди. Фақат “Бобурнома” ва “Зарбулмасал”дан парчалар ўрганилган холос. Мустақилликдан кейин умумтаълим мактаблари адабиёт дастурларига алмашиниб бўлса-да, мумтоз носирларнинг деярли барчаси киритилди. Дастурлардан халқимиз асрлар давомида севиб ўқиб келган Кайковуснинг

“Қобуснома” 5-синф (2004 йилги нашр); Саъдий Шерозийнинг “Гулистан” 5-синф (2007), “Гулистан” 10-синф (1995); Рабғузий, «Қисаси Рабғузий» 5-синф (1997), 6-синф (2002, 2005), 9-синф (1993, 2006), 10-синф (2004); Сайфи Саройининг “Гулистан бит-туркий”, 8-синф (1997), 9-синф (1993), 10-синф (2004); Навоий, “Махбуб ул-қулуб” 5-синф (2004), 6-синф (2008 йилги дастур), “Тарихи мулуки ажам” 8-синф (1997), “Мухокамат ул-луғатайн” 10-синф (1993); “Бобурнома”, 7-синф (1995), 9-синф (2006), 10-синф (1993), 10-синф (2004); Хожа, “Мифтоҳ ул-адл”, “Гулзор”, 5-синф (1997), 10-синф (2004); Машраб, “Қиссаи Машраб”, 9-синф (2006), 10-синф (1993); Гулханий, “Зарбулмасал”, 6-синф (2002), 6-синф (2005); Алмайи, “Калила ва Димнайи Туркий”, 10-синф (1993).

Кейинги дастурларга ҳам мазкур асарларнинг аксарияти кирилди.

Дарслекларга киритилган асарларни мумтоз ҳикоялар, қиссадан парчалар, масаллар, илмий ҳамда илмий-бадиий асарлардан парчалар ва пандлар ташкил этади. Уларнинг аксариятида диний-дидактика, диний тушунчалар, ислом тарихи билан боғлиқ далиллар тасвири етакчилик қиласи.

Шарқда кенг тарқалган мумтоз наср жанри ҳикоядир. Бадиий ва илмий адабиётларда кўпинча ҳикоят тарзида истифода этилади. Айтиш керакки, мумтоз ҳикояларнинг жанрий белгилари, бадиий-ғоявий хусусиятларини аниқлаш борасида муайян ишлар қилинган бўлса-да, ҳозирги қунда “...ўзбек миллий ҳикоячилигининг жанр тарихи ва назариясини яратиш зарур”, бунинг учун эса, аввало, “Шарқ ҳикоятлари анъанасининг реалистик ҳикояларни майдонга келтиришдаги роли ҳам алоҳида кузатишларга муҳтож” [17; 33-б.]. Бугунги жараён бўлган адабий таълим адабиётшуносликдаги бўшлиқнинг тўлдирилишини қутиб туролмайди. Шунинг учун дарслик ва методик қўлланма ёзаётган олимлар бу ишга ўз хиссаларини баҳоли қудрат қўшмоқдалар. 10-синф дарслигига ҳикоя жанри қўйидагича таърифланган: “Мумтоз ҳикоя қадим ўзбек насрининг бир шакли. Кўпинча, ҳикоя дейилганда, пайғамбарлар, ярим тарихий, ярим афсонавий шахслар, пирмуршидлар, хукмдорлар, фан-маданият, адабиёт-санъат соҳаларининг

машхур арбоблари ҳаёти, улар билан боғлиқ турли-туман ҳодисалар ҳақида битилган қисқа, ихчам, жажжи насрий лавҳалар қўзда тутилади” [204; 255-б.].

Мумтоз ҳикоятнинг жанр белгилари: а) асосан дидактик мавзуда яратилиб, ибрат, насиҳат асосий мақсад қилиб қўйилади; б) бош образ сифатида аксар ҳолларда тарихий шахслар олинади, тўқима образлар жуда кам бўлади ва бўлса ҳам уларга исм қўйилмай, “бир киши”, “одил бир подшо”, “пири комил”, “тақводор зоҳид” каби умумий тарзда берилади; в) ҳажми кичик, муҳтасар бўлади, асосан бир, баъзан ундан ортиқ ҳаётий лавҳа қисқа диалоглар билан кўрсатилиб, муҳим бир ҳаётий ҳақиқатни, ибратни очиқ ёки рамз билан баён этади; г) ўзига хос сиқиқ композиция ва тугал мазмунга эга бўлиб, ҳикоят охирида насрий ёки шеърий тарзда “қиссадан ҳисса” чиқарилади; д) ҳикоятларнинг тили мураккаб бўлмаслиги, ифода халқ оғзаки ижодига яқин турмоқлиги лозим. Ўқитувчи жанрнинг бу хусусиятларини яхши билиши, таҳлил давомида уларни инобатга олиб, тегишли синфларда назарий маълумот сифатида ўтиши керак.

Мустақиллик йиллари яратилган дастлабки ва охирги адабиёт дастурларида мумтоз ҳикоятлар 5-синфдан ўрганиш назарда тутилган. Б. Саримсоқов ва бошқаларнинг 1993 йили нашр қилинган дарслигига Хожанинг икки ҳикояти [188; 96–98-б.], С.Аҳмедов ва бошқаларнинг 2007 йилда нашр қилинган дарслигига Саъдий Шерозийнинг “Гулистон”идан тўрт насрий ҳикоят берилган [121; 278–281-б.]. Бир томондан ҳикоят майший эртакларга ўхшаб кетиши билан бу синф ўқувчиси учун яқин туради, таҳлилда енгиллик туғдиради. Иккинчи томондан ҳикоятни тушуниб етиш учун боладан ижтимоий, ахлоқий ва фалсафий мушоҳада талаб этгани боис мураккабликка сабаб бўлади. Биринчи жиҳатидан фойдаланиб, ҳикоятнинг мазмуни ўзлаштирилади ва бир ёки икки ўқувчига қайта сўзлаттирилади. 5-синфда ҳикоя тилининг оғирлиги ва ифодадаги бир оз бегоналик бола билан матн орасига биринчи тўсиқни қўяди. 6-синфда ғазал жанри матни билан ишлаш усулларидан ҳикоят таҳлилида фойдаланиш мумкин. Иккинчи бир

мураккаблик шунда намоён бўладики, болалар учун одатий бўлиб қолган эртакларда воқеалар, мазмун ва хулоса сюжет тугаши билан якун топади. Ҳикоятда эса асар сўнгида воқеа эмас, балки фикр, мулоҳаза, мушоҳада хулосаланади. Бундай якун ўқувчидан мазмун устида ўйлаш, уни идрок этиш ва ҳаётий умумлашмалар қилишга ундаиди. Ўқитувчи буни ўз зиммасига олмай, савол ва топшириқлар орқали ўқувчиларни ана шундай хулосаларга йўналтириши лозим. Ҳикоя матни ўзлаштирилгач, унинг мазмунига мос а) ҳадис ёки мақол келтириш; б) ҳаётий воқеаларни сўзлаб бериш; в) санъат асарлари: бадиий адабиёт, кино, драматик асарлар сюжетидан ўхшаш лавҳаларни топиш каби топшириқлар бериш мақсадга мувофиқдир.

Юқори синфларда ҳикоятнинг бадиий-ғоявий хусусиятлари атрофлича ўрганилишига эришмоқ керак. Ҳикоятлардаги ифода сиқиқлиги, ўзига хос услугуб ўқувчини чалғитиши, айрим жумлалар маъноси уқилмаслиги мумкин. Бу ўқитувчиdan зийраклик, учрайдиган қийинчиликларни олдиндан билиб, шунга яраша дидактик тадбирлар кўриб қўйишни талаб қиласди. Болаларга нотаниш бўлган ҳолат ва тасвиirlар ҳақида тушунча бериш, қўшимча йўналтирувчи савол ва топшириқлар тузиш, тарихий шахслар, воқеалар тўғрисида маълумотлар тўплаш каби ишларни олдиндан режалаштириб олган бўлмоғи лозим. Мумтоз ҳикоя бир қарашда содда кўринса ҳам унинг устида ишлаш анча билим, малака ва меҳнат талаб қиласди. Худди мумтоз шеърларда бўлгани каби ҳикоятларда ҳам ҳар бир жумла устида ишлаш керак бўлади. Мисол тариқасида, 9-синф дарслигидаги “Фақир дарвеш ва Ҳажжож” ҳикояти таҳлил қилинади:

Ҳикоят

Бир дуоси мустажоб фақир Бағдод шаҳрина кириб, Ҳажжож ибн Юсуфни кўрди. Бир киши ўтурмиш соғ элин белина қўйиб. Айтти: “Эй фақири муборак, менга бир хайрли дуо қилғил!” Фақир айтти: “Илоҳий, мунинг жонини олғил!” Ҳажжож айтти: “Эй фақир, бу не дуодурким, манга қилдинг? Фақир айтти: “Бу дуойи хайрдуур сенга дағи жумла мусулмонларга”.

Шеър

Эй жафонинг элин қўйиб белга,
Не қадар қилгасен бу зулм элга?
Соғин, ул кунниким, тутуб нетар,
Маликул мавт ҳалқингни элга [155; 173-б.].

Дарсликда берилган луғат ёрдамида ҳикоятнинг мазмуни ўзлаштирилади. Лекин ўқувчилар нотаниш сўзлар маъносини билгандан кейин ҳам жумлалардан маъно чиқара олмаслиги мумкин. Бир гапда дуоси мустажоб бўладиган фақир Бағдод шаҳрига кириб Ҳажжожни кўргани айтилмоқда. Иккинчи гап “Бир киши ўтурмиш соғ элин белина қўйиб”. Замонавий ҳикояларда бундай сиқиқ тасвир бўлмагани учун ўқувчига биринчи ва иккинчи гапнинг ўзаро алоқаси йўқдай туюлади. Дастребки гапда фақир билан Ҳажжож образлари, кейинги гапда учинчи образ – “бир киши” учради деб ўйлайдилар. Учинчи гапдаги “айтти” сўзи кимга тегишлилигига иккиланиб қоладилар: фақирга Ҳажжож мурожаат қиласпами ёки “бир киши”ми? Шунда ўқитувчи ана шу бир киши дейилганда Ҳажжожнинг ўзи назарда тутилаётганини уқтириши керак бўлади. Шунда болалар тушунчасига ойдинлик киради ва дастребки икки гапда дуоси худо даргоҳида қабул бўладиган бир фақир Бағдодга кириб Ҳажжож ибн Юсуфни кўргани ва уни ўнг қўлини белига қўйиб ўтирган ҳолида учратгани баён этилганини англайди. Кейинги гаплардан маълум бўладики, Ҳажжож фақирдан ўзининг ҳақига хайрли дуо қилишини сўрайди, бунга жавобан фақир худодан унинг жонини олишини сўрайди.

Ўқувчилар фақир ўзи учун хайрли дуони сўраган одамга ўлим тилаганлиги сабабини тушунмаслиги мумкин. Фақир ва Ҳажжожнинг кимлиги аниқланса, бу муаммонинг ечими топилади. Ҳикояларда фақир образи тасаввуф йўлига кирган, худодан бошқа ҳеч кимдан қўрқмайдиган тариқат ахли – сўфийлар тимсолидир. Ҳажжож эса мусулмон халқлари тарихида ўзининг золимлиги билан машхур хукмдор. Бу далил бир қатор диний ва

бадиий манбаларда қайд этилган [22; 141-б.]. Энди диалог ва лавҳадаги тасвир мазмуни бир мунча ойдинлашади. Демак, фақир ҳукмдорнинг золимлиги учун унга ўлим тилаган. Шунда ўқитувчи синфга қаратা “Нима деб ўйлайсиз, фақир хайрли дуо қилдими ёки йўқми?” муаммоли саволини ўртага ташлайди. Турли мактабларда ушбу мавзунинг ўқитилишини кузатганимизда, мазкур саволга ўкувчилар турлича жавоб берганларига гувоҳ бўлдик. Кўп ўкувчилар фақир бад дуо қилди, чунки ўлим тиляяпти десалар, иккинчилари ҳукмдор учун ёмон, халқ учун хайрли дуо деб биладилар, бошқалари елка қисади ва ҳоказо. Муаммонинг ечими қиссадан ҳисса сифатидаги қитъада берилган. Ўқитувчи мунозарани тўхтатиб, шеър таҳлилига синфни жалб қиласади. Ундан ушбу маъно англашилади: “Эй жафонинг қўлинини белига қўйиб турган (яъни золим) киши, элга қачонгача зулм қиласан? У кунни (яъни қиёмат, Маҳшар кунини) эсда тут, маликул мавт – ўлим фариштаси (Азроил) ҳалқумингдан тутиб, одамларга юзма-юз қилганда нима қиласан?”

Қиёматда барча жонзотлар: одамлар, ҳайвонлар, қушлару ҳашаротлар ҳашр қилинади (тирилтирилади). Ана шу кунни маҳшар куни дейилади. Маҳшарда бу ҳаётлик дунёдаги барча муносабатлар: бирорга (инсонларга ёки бошқа махлуқотларга) қилинган зулм, бошқаларнинг ҳақига хиёнат, ҳақдан уриб қолиш, қўли ёки тили билан, очиқ ё пинҳона озор бериш, кимнидир орқасидан ғийбат, тухмат қилиш кабилар ҳисоб-китоб қилинади. Зулм кўрганлар ҳақдор, жабр қилганлар қарздор сифатида бўладилар. Ҳайвонлар, қушлар, ҳашаротлар ким ёки нималардан қандай озор кўрган бўлсалар айни ўша тахлитда озор етказиб, орани очиқ қиласидилар ва тупроққа айлантириладилар. Лекин одамлар ўртасидаги ора очиқлаш ўзгача бўлади. Бу дунёда йиғилган моддий бойликлар у дунёда ҳеч қандай қийматга эга эмас. Орани очиқ қилиш учун ҳақдорларга қарздорлар ҳисобида бўлган савоблар олиб берилади, чунки у ерда инсонларнинг қиммати, борар ерининг (жаннат ва дўзахнинг) тайин қилиниши савоб ва гуноҳларга кўрадир. Агар бир одамда қўпчиликнинг ҳақи бўлса, унинг ҳисобидаги савоблари

ҳақдорларнинг бир қисмига етиб, бошқаларига етмаса, ҳақдорларнинг зиммасидаги гуноҳлар қарздорларга ўтказилади. Шу тариқа ҳисоб-китоб қилиб бўлингач, кейин ҳар бир инсоннинг қолган, эришган амаллари тарозуга тортилади ва улар абадий қолажак маконлари томон юборилади.

Мана шундай инсон охирати тўғрисидаги маълумотлар берилгач, яна охирги саволга қайтилади: энди нима деб ўйлайсиз, фақир Ҳажжожга хайрли дуо қилибдими ёки йўқми? Болалар аксар ҳолларда тўғри хulosаларга келадилар: у хайрли дуо қилган. Золимга ўлим тилаш унинг учун хайрлики, бошқаларга зулм қилиб, гуноҳ кўпайтиришдан халос бўлади, охиратга енгилроқ юк билан боради. Айни пайтда халқ учун хайрлики, одамлар золимдан қутуладилар. Шунда ўқитувчи бу ибрат Ҳажжож ва унга ўхаш хукмдорларгагина эмас, балки ҳар бир кишига тегишли. Чунки ҳар биримизнинг ичимизда Ҳажжож бор, у шайтон васвасасига учиб, бошқалар ҳақига тажовуз қилиш, кимгadir озор бериш, ғийбат қилишга ундайди, яқинлар қадрини унуттиради, яна бошқа қўплаб гуноҳлар томон етаклайди. Ҳикоятлардаги аниқ тарихий шахслар образида ҳам мажоз борлиги англаш ўқувчига ундан ўзи учун хулоса чиқаришга йўл очади.

Муаллифнинг характер яратиш маҳоратига ҳам алоҳида эътибор қаратиш керак. Ҳикоятларда тимсолларнинг сажияси алоҳида тавсифланмайди, замонавий ҳикоятларда бўлганидек, муаллиф таърифи берилмайди. Характерлар образларнинг ўзаро муносабатида, диалогларда, ўзини тутишларида намоён бўлади. Бу ўқувчилар томонидан кашф этилиши учун ўқитувчи дасрга тайёрланиш давомида бир нечта савол ва топшириқлар тайёрлаб қўйиши керак. Масалан, юқоридаги ҳикоят образлари характерини очиш учун шундай саволлар бериш мумкин:

1. Ҳажжожнинг мутакаббirlиги, золимлиги ҳикоят матнида ўз ифодасини топганми?
2. Шундай золим ҳам хукмдор бўла туриб фақирдан дуо сўрашини қандай изоҳлайсиз?

3. Фақирнинг сўзлари орқали унинг характерига хос қандай фазилатларини кўряпсиз?

4. Фақирнинг дуоси мустажоблигини изоҳлашга ҳаракат қилинг.

Бу савол ва топшириклар ўқувчини матн устида синчковлик билан ишлашга ундейди. Ҳажжожнинг ўнг қўлини белга қўйиб ўтириши унинг мутакаббирлиги ва золимлигини ифодалаш воситаси бўлиб хизмат қилган. Адид уни золим, кибрли, бошқаларни менсимайдиган тубан шахс деб ўтирмайди-да, бир жумлада “Бир киши ўтурмиш соғ элин белина қўйиб” дейиш билан характер яратади. Чунки қадимдан ота-боболар кишиларни ўзларини бундай тутишдан қайтарганлар. Исломий ахлоққа эга, камтарин, ҳалим киши ҳеч вақт қўлини белга қўйиб ўтирмайди.

Иккинчи саволга жавоб шуки, Ҳажжож оқ-қорани ажратадиган, кишиларни танийдиган, билим ва тажрибага эга одам. Ўз замонасининг кишиси сифатида дуоси мустажоб факирни – авлиё зотни танийди ҳамда мусулмон одам сифатида охирати учун қайғуриб, дуо сўрайди. Мурожаатда ҳам мулойим ва мулозаматда: “Эй фақири муборак, менга бир хайрли дуо қилғил!” Бу ерда унинг иймонини йўқотмаган, охиратини ўйлайдиган мўминлиги намоён бўлмоқда.

Энди фақирга келсак, бу ерда унинг феълидаги икки жиҳат кузатилади. Биринчиси – худодан бошқа ҳеч кимсадан қўрқмаслиги, бандалар олдида вазиятга кўра турланмаслигидир. Йўқса, золимлиги билан машҳур подшога ўлим тилашга журъати етмасди. Иккинчиси – унинг ростгўйлиги. Сўрагувчи хайрли дуо сўраган эди, ишнинг асл моҳиятини билган, дунё ва охират ишларига ақли етадиган бу зот ҳақиқатан хайрга қўл ва оғиз очди. “Охиратинг обод бўлсин” деб дуо қилса ҳам бўларди, лекин ҳукмдорнинг айни ҳолати, яшаш тарзига кўра амалга ошмайдиган, норост, ижобати мавҳум дуо бўлар эди. Охирги саволга жавоб ҳам унинг шу хислатидан келиб чиқади: ким худодан бошқасидан қўрқмаса ва ростгўй бўлса, дуоси мустажоб зотлар сирасига дохил бўлади.

Беш қатор наср ва тўрт қатор шеърдангина иборат мўъжаз бир ҳикоятда шунча ибрат, шунча ҳикмат ва маҳорат борлиги ўқувчиларнинг бу жанрга боғланиб қолишиларига сабаб бўлади ва улар мумтоз наср муҳлисига айланадилар.

Мумтоз ҳикоятларда сюжет сиқиқ бўлганлигидан шунга мос композиция ҳамда баён услуби талаб қилинади. Юқори синфларда бу жанр ўрганилганда (шунингдек, ўрта маҳсус таълимда ҳам) асарнинг шу жиҳатларига ҳам ўқувчилар эътиборини тортиш керак. Буни Хожа ҳикоятларидан бири мисолида кўриб ўтайлик.

Ҳикоят

Шайхи Баҳлул девона алайҳи роҳма бир кун Ҳорун ар-Рашид халифанинг девонхонасига кирди. Кўрдики, халифанинг ўзи ҳарамга бормишдур, кўришга чиқмойдур. Ул девона бориб халифанинг тахти устиға миниб ўлтириди. Ясавуллар Шайхи Баҳлулни тонимас эрдилар. Шайхни тушкил, деб бошиға таёқ бирла урдилар. Шайхнинг бошидан қон оқаберди. Ушбу ҳолда Ҳорун ар-Рашид ҳарамдан чиқиб келди. Кўрдиким, Шайхнинг бошидан қон оқатурур, Шайх тахтнинг устида кулуб ўлтуруубдур. Халифа Шайхнинг қошиға таъзим ва адаб бирла келди ва айди: “Эй Шайх, сизға не бўлди ва не учун мундоғ куласиз?” Шайх айди: “Ман бир соат санинг тахтингда ўлтурдим, эрса уруб бошимни ёрдилар. Санким, йиллардурким бу тахтнинг устида ўлтуруубсан, санинг ҳолинг на бўлгой деб куламан”. Шайх бу сўзни дегоч, халифа зор-зор йиглади ва Шайхнинг аёғига тушуб узроҳлик қилиб, таъзим ва икром бирлан узотти... [204; 238-б.]

Ортиқча тафсилотларга берилмаслик, дастлабки жумладаноқ мақсадга ўтиш, ўта қисқа, лўнда ифодаларда фикрни ифодалаш, жумлаларнинг тузилиши, тилнинг содда ва халқоналиги ушбу бадиий матннинг мумтоз ҳикоятларга хос белгиларидандир. Ортиқча тафсилотларга берилмасликнинг сабаби шундаки, ҳикоятда ўқувчининг ҳаётий тажрибаси, билимига, эшитганларига тўғридан тўғри суюнилади ва улар ҳисобга олинади. Ўрта аср ўқувчиси Шайх Баҳлул шахси, у мансуб бўлган сўфиийлик маслаги, яшаш

тарзи тўғрисида, одил ҳукмдор Ҳорун ар-Рашид ҳамда Шарқ ҳукмдорларининг тариқат аҳли ва авлиё зотларни эъзозлашини яхши билган. Шунинг учун ҳикояда ҳеч қандай изоҳсиз нақлга ўтилаверган. Лекин ҳозир адабиёт муаллими булар ҳақида, аввало, ўзи тушунчага эга бўлиши ва таҳлилдан олдин ёки ўрганиш асносида шогирдларига маълумот бериб қўйиши шарт. Йўқса, олдинги ҳикоятда кўриб ўтганимиздек, таҳлил чиқмай қолади. Моҳиятни англашга ёрдам берадиган тушунча, ҳолат каби маълумотлар берилгач, ўқувчи ҳикояни ўқир экан, гўё у бошлангунга қадар бўлган воқеа ёки ҳолатлардан табиий равишда ўзини хабардордай сезади. Ҳикоятга киришиш, уни қабул қилиш, тушуниш осонлашади. Шу тариқа дастлабки жумладаноқ мақсадга ўтилиши ўқувчини гангитиб қўймайди, диққатини бирданига асосий муаммо ёки зиддиятга тортган ҳолда тезда уни асар руҳига, ҳикоядаги воқелик моҳиятига олиб киришни таъминлайди.

Мумтоз насрга хос сикиқлик, ҳар бир сўз, ибора ва жумлага катта бадиий ва фикрий салмоқ юклаш хусусияти Хожанинг ушбу ҳикоясида ҳам мужассам. Унда сюжетнинг асосий қисмлари иштирок этган. Биринчи гап экспозиция, иккинчи ва учинчи гаплар тугунни юзага келтирган, халифанинг шайхни кўриб савол беришигacha бўлган ҳолат воқеалар ривожи бўлса, савол кульминация ва саволга берилган жавобни ечим деб олиш мумкин. Матндаги ҳар бир жумлага юклangan вазифалар ўқувчилар томонидан ҳис қилинишига эришиш керак.

Ушбу ҳикоятда жумлалар тузилиши алоҳида аҳамият касб этади. Матн асосан содда гаплардан тузилгани, қўшма гаплар кам иштирок этгани, келтирилганлари ҳам йиғиқ ёки бир бош бўлакли содда гаплардан иборат эканига ўқувчилар эътибори тортилади. Жумлаларнинг бундай сикиқ тузилиши ҳикоя қаҳрамонларининг руҳий ҳолати, кайфияти, ҳаракатларидағи ички ҳамда ташқи динамикани бўрттириш учун қулай восита эканлиги ойдинлашади. Бу восита бир “нафас”да айтилган ҳикояда воқеалар, ҳолатлар ва фикрларни тезда ибратли якунига олиб келишда қўл келган.

Ҳикояларнинг тил ва ифодалари ҳам жозибали. Мумтоз ҳикояда у ёзилган XVI аср шеъриятига хос жимжимадорлик, серҳашамлиқдан асар йўқ. Тилининг соддалиги, ифоданинг халқоналиги, бугунги кун ўқувчиси томонидан ҳам жуда осон ўқилиши ва тушунилиши эътиборни тортади. Халифа ва Шайхнинг савол ва жавобларида халқ латифаларининг нафаси уфуриб туради. Унда мумтоз адабиётнинг етакчи пафоси бўлмиш сўфиёна рух, мистик кайфият билан оғзаки ижодга хос бўлган самимийлик, юмор ҳамда оптимистик якун уйғунлашиб кетган.

Ҳикоятлар устида ишлаш тажрибаси масалларни ўрганишда қўл келади. Бу икки жанрнинг хусусиятлари бир-бирига яқин. Фарқи шундаки, ҳикоятнинг тимсоллари асосан тарихий шахслар бўлса, масалда ҳайвонлар, қушлар, баъзан предметлар бош образ сифатида иштирок этади. Шу жиҳати билан улар мажозий эртакларга яқин туради. Масални ҳикоят билан эртакнинг хусусиятларини ўзида жамлаган жанр десак, хато бўлмайди. Шу ўринда масални баён қилинаётган воқеаларнинг асарда жойлашуви: бошланиши, ривожи, кульминация ва ечими, шунингдек, қандай якунланаётганига кўра эртак билан ҳикояга қиёслаш дарсда муаммоли вазият яратиш, изланувчанлик муҳитини ҳосил қилишда яхши натижа беради. Бу каби қиёсни дарсларда давомли қўллаш боришни “Композицион солишиштирма усули” дедик. Тажриба объектларининг барчасида кутилгандан яхши натижага эришилди.

6-синфда берилган “Тошбақа билан Чаён” масал устида ишлашнинг бир қатор ўзига хос хусусиятлари бор.

1. Матн билан танишув. Масалдаги ҳар уч ёки тўртта гап биттадан ўқувчига ўқиттирилади ва шу ўқилганлар мазмуни ўзлаштирилиб борилади. Ҳар бир ўқувчи ўзи ўқиётган гапларни дарсликда берилган луғат ёрдамида тушунтириб, изоҳлаб боради. Ўқитувчи ва бошқа болалар уни кузатиб борадилар, йўл кўйган хато ва камчиликларни тузатадилар. Матн ҳажми унча катта бўлмаса, уни бир ёки икки ўқувчи ўқиб, шарҳлайди.

2. Мазмунни қайта сўзлатиш. Баъзи ўқувчиларга тўлиқ ёки икки, уч бўлиб сюжетни сўзлаб бериш топшириғи берилади. Шунда матн мазмунини тўлиқ тушунолмаган болаларга кемтикликни тўлдириш имконияти туғилади. Қолаверса, ўқувчиларнинг оғзаки нутқи ҳам ривожланади.

3. Образлар устида ишлаш. Бош образларни таҳлил қилиш учун ўқитувчида олдиндан тайёрланган савол ва топшириқлар бўлиши керак. Масалан, улар қуидагича бўлиши мумкин: а) Тошбақа тимсолига муносабатингизни билдиринг. У сизда қандай таассурот қолдирди? б) Тошбақанинг ижобий томонлари масалнинг қай ўринларида ва қандай ифодаланган? в) Чаённинг ички олами ҳақида нима дея оласиз? У нималарда намоён бўлганлигини изоҳланг. г) Чаённинг ношукурлиги ва тубанлигига жавобан Тошбақа қилган ишга муносабат билдиринг. Ушбу савол ва топшириқлар бир жавоб билангина якун топмаслиги, ўқитувчи улар атрофида кичик сухбат ёки мунозара ташкил қилмоғи керак.

4. Қиссадан ҳисса чиқариш, яъни хулосалаш. Бу вазифа ҳам синфга берилган саволлар воситасида бажарилади: а) Чаённинг ҳалокатига ким сабабчи? б) масал мазмунига мос келадиган мақоллардан келтиринг. в) агар масалга бошқа сарлавҳа қўйиш лозим бўлса, сиз уни қандай номлаган бўлардингиз?

5. Масал бадиияти устида ишлаш. Ўқитувчи асар бадииятини ҳис қилишга йўналтирувчи саволлар қўяди: а) “Сангпушт бирла Чаён ўтмоққа йўл топмай, тафаккур оғочи анга қўпрук бўлурга ожиз ва тадбир қамчиси сол бўлурға нобуду ночиз” жумласини лугат ёрдамида тушунтиринг. Бу гапни оддий тил билан содда ифодалаганда адиб нима демоқчи бўлган? Бу топшириқни бажариш асносида ўқувчилар жумланинг шоирона ифодаси билан унинг оддий ифодадаги шаклини (яъни “иккаласи нариги томонга қандай ўтишни билмай ҳайрон туриб қолдилар”) солиштирадилар ҳамда бадииятни ҳис қиладилар. б) “... нори ёғига ўтуб, қозу ўрдакдек силкиниб турди” тасвири орқали Тошбақанинг ҳолати ва кечинмаларини изоҳланг. Болалар бу тасвир орқали сувдан кечган ғоз ва ўрдакларнинг патларидаги

сувни қоқиши учун силкинишларига ишора қилиб, Тошбақанинг уларга ўхшатилганини идрок этишлари лозим. Бу тасвирида оғир бир иш уддаланганлигидан қониқиши туйиш ҳисси ифодаланган. в) Масалнинг қайси ўрнида қандай мақол ишлатилганлигига диққат қилинг. Бу мақолларнинг фикрни ва ҳолатни ифодалашдаги ўрнини, аҳамиятини тушунтиринг. Мазкур топшириқни бажариш асносида болалар мақолнинг фикр ва ҳолатга нақадар мос келганлиги ва воқеани чуқурроқ, теранроқ англашда уларнинг аҳамиятини ҳис этадилар.

6. Масалдан ҳаётий умумлашмалар чиқариш: а) масалдан ўзингизга қандай ибрат олганингизни сўзлаб беринг; б) ҳаётда, ўқиган бирор асарингиз, кўрган кино ёки саҳна асарларида бу икки образга ўхшаш одамлар, улар ўртасидаги кечмишга монанд воқеани кўрганмисиз?

Масалларни ўрганиш юзасидан методист олим Субутой Долимовнинг кузатишлари ҳам диққатга сазовор. Олимнинг Тошбақа ва Чаён образларини таққослаб ўрганиш, бунда асосий эътиборни уларнинг диалогига қаратиш юзасидан ҳамда “Бунинг учун ўқитувчи шарҳлаб ўқиш методидан фойдаланади. Масалан, ўқувчилардан бирининг диалогни персонажнинг характеристига мос оҳангда ифодали ўқиши орқали Тошбақанинг мулойимлик, дўстлик, ҳамкорлик, софдиллик каби фазилатлари очилади” [127; 101–102-б.] сингари фикрлари ҳар қандай масал намунасини ўрганишда адабиёт муаллимларига асқотиши турган гап. Шунингдек, унинг масал намуналарини ролларга бўлиб ўрганиш борасидаги тавсиялари ҳам адабиёт дарсларини жонлантириш, ўқувчилар ҳиссиётига таъсир кўрсатиш ва уларнинг асар мазмуни, ғояси, образлар қиёфаси, муаллифнинг бадиий маҳорати ҳақида ёрқин тасаввур уйғотишда муҳим методик бўлиб хизмат қиласди.

Адабий таълимда мумтоз қиссалардан «Қисаси Рабғузий» (9-синфда) ҳамда “Қиссаи Машраб”дан (7-синфда) парчалар ўрганилган. Рабғузийнинг асари олдинги дастурларга кўра 5- ва 6-синфларда ҳам ўқитилган. Бу синфларда қиссадан парчаларни ўқитиш юзасидан республиканинг етакчи

амалиётчи ўқитувчилари “Тил ва адабиёти таълими” журналида ўз тажрибаларини ёритиб, мақола эълон қилганлар [107; 15–20-б.].

2018 йилга қадар амалда бўлган дастурга кўра бу асар фақат 9-синфда ўқитилди. Охирги дастурга кўра 11-синфда ўқитилиши кўзда тутилган. Дарсликда берилган матн таҳлилини амалга оширишда хилма-хил самарали усуллардан фойдаланиш мумкин.

Асарни ўрганишга киришилар экан, ўқитувчи қуйидаги илоҳий кўрсатмани кенгроқ қилиб шарҳлаши керак: “Маъсият(гуноҳ)дан йиғилинг, халқ орасида кўни (тўғри) ҳукм қилинг, куч қилманг, зино қилманг, қон тўқманг, хиёнат қилманг”. Бу сўзлар Рабғузий асарининг мазмун-мундарижасини аниқлаб олишда калит бўлиб хизмат қиласди. Айни пайтда адабий таълимда ўрганилиши мўлжалланган қиссадан парчалар учун ўзига хос кириш вазифасини ўтайди.

Дарсликда берилишига кўра дастлаб “Қобил ва Ҳобил” ҳикояси ўрганилади. Тажрибалар шуни кўрсатадики, ўқувчилар берилган луғат ёрдамида асар матнини деярли қийналмасдан тушунадилар, мазмунини ўзлаштира оладилар. Фақат гаплардан маъно чиқаришга берилиб кетиб, улар ўртасидаги мазмуний алоқадорлик ҳамда лавҳалар орасидаги боғланишларни назардан қочиришлари мумкин. Шунинг учун адабиёт муаллими матнни ўзлаштириш жараёнини изчил равишда назорат қилиб туриши керак. Яъни ўқувчиларга ҳикоя матнининг ҳар бир жумласини навбатма-навбат ўқитиб, маъносини шарҳлатиши, жумлалар, фикрлар аро боғланишни англааб боришлини таъминлаши лозим.

Бизнингча, таҳлилда дастлаб қуйидаги гапга диққат қаратиш керак бўлади: “Одам ўз шариъатинча Қобил бирла туғған қизни Ҳобилга берур бўлди. Ҳобил бирла туғған қизни Қобилға берур бўлди, эрса Қобил унамади: “Манинг била туғған қизни олурман”, теди”.

Кўринадики, Қобил отасига исён қилди. Отаси эса пайғамбар, унинг шариъати Тангрининг амри эди. Демак, у отасига қарши бориш билан

Тангрига осий бўлди. Бу қиёматгача одамзотга бир ибрат эди. Буни ўқувчига унинг ўзи ёки теварагидаги одамлар мисолида тушунтириш лозим.

Адабиёт шунчаки дарс эмас, ҳаёт мактаби ҳам бўлиши керак. Кимdir сафарда ўзига номақбул киши билан йўлдош бўлиб қолади. Кимdir синфда ёқмаган синфдоши билан партадош бўлади. Яна кимdir бир умр суймаган одами билан яшашга маҳкум. Бу – тақдир ва айни пайтда инсонга берилган бир синов. Асосийси, Яратганинг иродасини, хоҳишини ким қандай қарши олишида. Қобил Яратганинг: “Менга итоат қилинг” фармонини бузди. Унга яна бир имконият берилди: қурбонлик қилиш. Шу ўринда дарслиқда берилмаган, лекин луғатлар қаторида қисқа эслатиб ўтилган қўшимча маълумотни батафсилоқ шарҳлаш керак: Оллоҳ Қобилга ҳам, Ҳобилга ҳам қурбонлик қилишни буюрди. Кимнинг қурбонлиги қабул бўлса, Иқлимога уйланади. Ҳобил чорва бокар эди. Подасидаги энг семиз, дуркун, соғлом қўйни қурбонликка келтирди. Қобил дехқончилик билан шуғулланарди. У етиштирган ҳосилидан ўзига ҳам раво кўрмаган сифатсиз улуш келтириб, қурбонлик учун қўйди. Табиийки, Ҳобилнинг қурбонлигини Оллоҳ қабул қилди. Шу ўринда тарбияланувчиларга бировга эҳсон, ёрдам учун нимадир берилар экан, инсон ўзига раво кўрган ва ундан ҳам яхшироғини танлаши кераклиги тўғрисидаги Ислом дини кўрсатмасини эслатиб ўтиш жоиз.

Қурбонлик воқеасидан кейин ҳам Қобил итоатсизлиқда давом этди. Шайтон (Иблис) васвасасига учди. Ўз укасини ўлдирмоқчи бўлди. Акасининг “Мен сени ўлтиурман” деб дағдага қилишига Ҳобилнинг “Мен сенга қатилмазман, Изи азза ва жалладан қўрқармен” деган жавоби унинг итоати, мустаҳкам иймонидан дарак беришига ўқувчилар диққати қаратилади. Қобил Ҳобилни ўлдирди ва бу билан навбатдаги икки илоҳий амрга қарши чиқди: куч қилманг, қон тўқманг. Ва бу икки гуноҳ яна бошқа бир хукмга осий бўлиш билан уланиб кетади: “Қачон Одам ҳажға борур бўлди эрса Ҳобилни кўкка тобшурди, ман келгинча сақлағил теб, қабул қилмади. Ерга арза қилди, қабул қилмади, тоғлар қабул қилмади, Қобил қабул қилди. **Омонатға хиёнат қилди**, ўлтурди. Қобил Ҳобилни ўлтурди эрса тун, кун ер тебранди”.

Шу ўринда «Қисаси Рабғузий”да муаллиф ўз фикрларини далиллаш учун Қуръон оятлари, ҳадисларга мурожаат қилиб, уларни тўлиқ келтирганлигини айтиб ўтиш жоиз бўлади. Юқоридаги воқеалар баёнидан кейин адид қўйидаги оятни келтирганига диққат қаратилиб, унинг мазмуни изоҳланиши керак: “**Биз Бани Истроилга шундай хукмни битиб қўйдик: Кимки одам ўлдирмаган ёки бирор фасод иш қилмаган одамни ўлдирса, у гўё (дунёдаги) барча одамларни ўлдиргандай бўлур ва кимики бир жонни ўлимдан сақлаб қолса, у гўё (дунёдаги) барча одамларни ўлимдан сақлаб қолган бўлур**”. Бу оят ўз мақсадлари йўлида инсонлар қонини тўкаётган сиёсий кучлар, ақидапараст террорчиларнинг хатти-ҳаракати гайриинсоний, ғайриисломий эканлигини таъкидлаш учун қўл келади.

Матнни ўрганиш давомида бир-икки бор гуноҳ қилган одам бошқа жиноятларга осон берилиши, иблис вассасасига учиб, аста-секин инсон қиёфасини йўқота бориши қўйидаги жумлалар орқали ўсмирларга исбот этилади: “Иблис келиб Қобилға сўзлади: ”Мавло таоло не учун санинг курбонингни қабул қилмади? Анинг учунким, сан ўтға тобунмазсен, хамр ичмазсен, ун ўткурмазсен. Қобил бу қамуғни ишлаб эрди. Анда кезин Қобил хамр ичди, бутға тобунди, унлар ўткуру бошлади”.

Гуноҳ ва жиноятларнинг хавфи шундаки, улар осий ва жиноятчининг ўзида қолиб кетмайди. Жамиятдаги бир кишининг маънавий иллати ва унинг касофати жуда кўп одамларни таназзулга бошлиши мумкин. Шу фикрнинг исботини ўқувчилар матндан топишлари керак: “Одам билди эрса Қобилни ул ишлардин йиғмоқ учун қирқ минг эр изди. Келиб Қобилни кўрдилар, ул унлар эшиттилар. Қамуғи муртад бўлди. Қобил бирла андағуқ қолдилар. Бу кун қамуғ маъсиятлар қиёматга таги Қобилдин қолди”. Матн сўнгидан Қобил каби гуноҳкор ва жиноятчиларни бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам қанчалик азобли жазо кутишига эътибор қаратиш керак.

Ўқитувчи матн таҳлилини қўйидаги шакллардан бирида амалга ошириши мумкин: а) матн ўқиши давомида бир йўла шарҳлаб, таҳлил қилиш; б) матн ўқилгач, ҳар бир лавҳа ёки фикрга навбатма-навбат шарҳ бериш; в)

асар ғоясини ифодалайдиган фикрлар (менга итоат қилинг, куч ишлатманг, қон тўқманг, хамр ичманг...) мазмунини берадиган жумлаларни топиш; г) дарслиқдаги савол ва топшириқлар билан ишлаш. Қайси бир шакл танланса ҳам, дарслиқда берилган қуидаги топшириққа тарбияланувчилар диққати жалб этилиши керак: “Мамлакатимиз ҳамда дунёда рўй бераётган воқеликлардан келиб чиқиб, бугунги кун қобиллари тўғрисидаги қарашларингизни билдиринг”. Токи, ўқувчилар экстремизм бўладими, шовинизмми, геноцидми ёки бошқа кўринишдаги жиноятларми, бугунги кун қобилларининг қиёфасини билсинглар, башараларини танисинглар.

2000 йили нашр қилинган 10-синф дарслик-мажмуасида “Намруднинг кўкка оғган сўзлари” матни берилган [203; 141-б.]. Айнан шу парча академик лицейларнинг биринчи босқич талабалари дарслигига ҳам киритилган [193; 121-б.]. Берилган матн анча қисқа. Шунинг учун асарнинг ўзидан унинг тўлиқ матни билан ишлаш маъқул. Ўқитувчи, аввало, Намруд ҳақида тушунча бериши керак. Йўқса, ўқувчилар матннинг мазмунини тўла идрок этолмайдилар, натижада моҳият кутилгандек англашилмайди.

Намруд – қадимги Мисрда хукмдорлик қилган фиръавнлардан бири. У бошқа фиръавнлар каби ўзини худо деб эълон қилган ва одамларни ўзига сажда қилишга буюрган. Иброҳим алайҳиссалом уни ва бошқа одамларни иймонга, Оллоҳга бўйсунишга даъват қилгани учун уни оловга ташлаб ўлдирмоқчи бўладилар. Намруд одамларга тўрт ой ўтин йиғдиради, уни ёқадилар. Пайғамбарни манжаниққа солиб, оловга отадилар. Оллоҳ амри билан ўт салқинлик ва омонлик касб этади. Олов ичида ҳатто Иброҳим алайҳиссалом атрофида гуллар очилади. Бу мўъжизадан тонг қотган Намруднинг кўнглига мусулмон бўлиш – Оллоҳни тан олиш фикри келади. Атрофидагилар билан кенгашади. Аъёнлари агар Намруд иймон келтирса, Иброҳимнинг ҳурмати ошади, бизни ҳеч ким иззат қилмай қўяди, деб ўйлаб, қаршилик билдиришади: “Неча йил тангрилик қилдинг, энди қул бўласанми? Бизни ҳам қул қиласанми?” Намруд уларнинг гапига кириб, иймондан бебахра қолади. Сўнг аксинча иш қилиб, Иброҳимнинг топингани Тангри

бўлса, мен ҳам тангриман. У тангри билан жанг қилай, деб осмонга кўтарилимоқчи бўлади. Дарсликдаги матн Намруд алайҳи лаънанинг шу мақсадда кўкка кўтарилигани тўғрисидадир. Демак, матннинг дарсликда йўқ шу қисмини ўқитувчи сўзлаб бериши лозим.

Аввало, матн мазмунини ўқувчилар қанчалик ўзлаштирганликлари текшириб кўрилиши керак. Уларга Намруднинг кўкка чиқишдан мақсади ойдинлашгач, тахлилга ўтилади. Фиръавнинг қай тахлит осмонга кўтарилиганлигига диққат қилинади: “Қора қушлар болаларин эктуладилар. Улгарди эса кезин бир сандук йўндуруди, икки қапуғлуқ – бири устун, бири остин. Секиз азоклиғ тўрти устун, тўрти остин. Устунги азокларинға қора қушларни боғлатди. Ўзи ёриқи, яшиқи бирла ўқ олиб бир иноғи бирла сандукқа кирди. Қушлар устун этни кўрдилар эрса ани олғали учтилар, сандукни ҳавоға кўтардилар”. Ушбу тадбирдан Намруднинг уддабуронлиги, ақл-заковати кўриниб туриди. Шундан келиб чиқиб, ўқувчилар олдига шундай савол қўйиш мумкин: “Ақл ва тадбирда, қудрат ва давлатда бошқалардан устун бўлган хукмдорнинг Оллоҳ билан teng бўлолмаслигини тушунишга нима халақит берди?” Ўқувчиларнинг диққатини шу саволга қаратиш ва улардан жавоб олиш асносида баҳс-мунозараага тортиш керак.

Ўқитувчи шогирдларининг мулоҳазаларини тинглаши, ҳар бирига эътибор қаратиши, ҳар бир фикрга ҳурмат билан қараши шарт, гарчи жавоб у қадар асосли, мантиқли бўлмаса ҳам. Ўқувчи дарсда унинг фикрига, мулоҳазаларига эътибор қилинаётганини, бу орқали ўзига ҳурмат кўрсатилаётганини сезиши керак. Жавобларни умумлаштириб, ўқитувчи ўз қарашини билдириши мумкин: Намруд ҳар қанча ақлли, тадбиркор бўлмасин, ундаги кибр жаҳолатга бошлади. Жаҳолат эса ақл кўзини тўсиб қўйди ва шундан у ҳақиқатни қўра олмади. Демак, қадимдан то бугунги кунгача инсонларга, халқларга озор, зулм етказган кучлар – сиёсийми, диний характерда ёки бошқа, ўзларининг жаҳолати туфайли ёвузликка қўл урадилар.

Матнда шундай лавҳа бор: “Аймишлар, Намруднинг қавминда юз минг эр ўврулуб Иброҳим ялавочға кўнгуллук эрдилар. Намруд келиб кўк тенгрисин ўлтурдум теб қонлиғ ўқни кўргузса ул сўзни қўнига тутуб яна кофир бўлдилар”. Шу лавҳага қуидагича савол қўйиш мақсадга мувофиқ: “Иброҳим алайҳиссаломга кўнгиллик бўлган юз минг кишининг ёлғон сўзга ишониб, куфр йўлига қайтишларини қандай изоҳлайсиз?” Тахлилда, бизнингча, 9-синф дарслигига берилган ҳикоядаги Қобилнинг касофати сабаб гуноҳ ишларга, фасод амалларга кетиб қолган қирқ минг киши ҳолатини бу лавҳадаги юз минг киши гумроҳлигига қиёслаш мумкин. Бу ўринда ҳам жамиятдаги маълум бир кишилардаги маънавий иллат юзлаб, минглаб одамларнинг баҳтсизлигига сабаб бўлиши яна бир бор таъкидланмоқда. Демак, ҳар бир инсон теварак атрофдаги иллатларга, маънавий нуқсонларга бефарқ бўлмаслиги лозим. Йўқса, уларнинг касофати кўпчиликка асар қиласи.

Кейинги таҳлилга тортиладиган лавҳа Оллоҳ таолонинг денгиз янглиғ темир совут кийган Намруд қўшинига қарши чивин лашкарини юборганлиги бўлиши керак. Бир қараганда чивин инсон олдида жуда кичик ва ожиз. Бир одам минглаб чивинларни йўқ қилиши мумкин. Лекин назарга арзимайдиган шу ҳашарот дунёдаги энг қудратли қўшинни бир зумда тумтарақай қилиб юборди. Оллоҳ хоҳласа, ўзининг энг заиф махлуғини энг қудратли қўринган бошқа махлук устидан ғолиб қилиб қўяди. Шунинг учун киши ўзининг кучи, бойлиги, мансабига қўп бино қўймаслиги керак. Чунки инсондаги барча нарса омонатдир, яъни ўзиники эмас, Яратганга тегишлидир. У эса хоҳлаган пайтда олиб қўйиши мумкин. Адабиёт муаллими ўқувчиларига мана шу хақиқатни англатиб қўйиши керак.

Намруднинг қазосини ҳам шу нуқтаи назардан асослаш мумкин. Ўзини худо деб эълон қилинган кимсани ушоқ бир чивин, чивинлар ичida энг заифи, оқсоғи жазолайди. Жазо ҳам даъвога яраша бўлди: “Мавло таоло бир заиф сингар азокли, сингар қанитлиғ, сингар кўзлук ахсоқ чибинга илҳом берди. Ул тешуқдин кириб келди. Намруднинг янгоқинға қўнди. Янгоқиндин

сўрди, оғзи теграсидин учар бўлуб бурнунга кирди, минисинга тегди. Минисин ею бошлади. Қирқ тун-кун еди. Каъбул Аҳбор ривоятинча, мавло таоло Намруд лаъинга тўрт юз йил мулк берди. Анда кезин бурнинга кирди яна тўрт юз йил анда турди. Ким қотинға кирса тўқ қилиб ани урдуур эрди. Анинг бирла тинмаса юмрук била урдуур эрди. энгсалаю бошладилар”.

Таҳлилга якун ясаш учун шундай савол-топшириқ қўйса бўлади: “Намруднинг қисматидан келиб чиқиб, золимларнинг оқибати қандай бўлишилигини мушоҳада қилинг. Тарихдан олган билимларингиз асосида яқин ва узок ўтмишда яшаган Намруд каби золимлар номини айта оласизми?” Бу топшириқ атрофида кичик сұхбат уюштириш мумкин бўлади. Бу орқали ўқитувчи бадиий матнни ҳаётга боғлайди ҳамда фанлараро интеграцияга эришади.

9-синф дарслигидаги “Расул алайҳис-салом вафоти сўзлари” матни таҳлили ҳам ўқувчилар бадиий-эстетик, маънавий, мафкуравий тарбияси учун катта аҳамият касб этади (Биз юқорида берган тавсиямизда 11-синф учун таклиф этдик). Бу дарсга ўқитувчи алоҳида тайёрлик кўриши керак. Чунки мазкур машғулотда инсониятнинг яралишига сабаб бўлган зот, оламларга раҳмат бўлиб келган, башариятга қиёматгача намуна, ибрат ва комиллик тимсоли бўлмиш Муҳаммад алайҳиссалом сиймоси талқин қилинади. Матнни ўрганишда ундаги лавҳалар, пайғамбар (а.с) таъриф, тавсифлари, ибратли панд-насиҳатлар алоҳида ажратиб олиниб таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Аввало, пайғамбар (а.с.)нинг саҳобаларга қаратса “Эй мўъминлар, ким эрсанинг маним уза ҳеч даъвоси ва хусумати борму?” дея уч бор сўровига саҳоба Укошанинг даъвоси билан боғлиқ лавҳа таҳлил қилинади. Лавҳадаги ҳар бир жумла, диалог ўқиб, шарҳланиши керак. Сұхбат, мунозара тарзида таҳлил қилингач, ундан келиб чиқадиган қуйидаги хуносалар билан ўқувчилар ибратланишлари керак:

1. Инсоннинг бошқа бир одам олдида на моддий, на маънавий ва на жисмоний ҳақи қолмаслиги керак. Ҳар қандай ҳолатда киши даъвогарнинг (агар у ҳақ бўлса), ҳақини адо этиши адолатдан бўлади.

2. Муҳаммад (а.с.) пайғамбар ҳам хукмдор эди. Шундай бўлса-да, даъвони қондиришдан бўйин товламади. Демак, ҳатто пайғамбар ўз уммати, хукмдор ўз фуқаросининг қилган даъвосидан фориғ бўлолмас экан, қолган инсонлар бир-бирларини рози қилиб яшашлари шарт. Бу тенглик рамзи эди.

3. Даъво қилингувчининг ўзи турганда (агар даъвогар рози бўлмаса) бошқаларнинг у учун омонатни адо этишлари мумкин бўлмас экан. Бу хукмдаги ижронинг ҳақиқат тамойилига асосланганлигидир.

Бизнингча, бу лавҳадан сўнг қуидаги насиҳат шарҳланиши керак: “Айди: “Эй ёронларим, азиз дўстларим, ул келган Малак ул-мавт – қариндошим Азоил эрди. Ўш қариндошим Жаброилма ҳозир туур, манга сўзлаюр: умматингга салом тегургил, бўғуз учун имонни илиқдин чиқармасунлар теб. Шайтонни, нафсу ҳавони изармасунлар, шак ва шарика инсунлар. Кўни имонға берк япушсунлар, ўлумни унутмасунлар. Ҳикд ва ҳасаддин ирок турсунлар, шариъат аҳкомини берк тутсунлар. Дунёга кўнгул боғламасунлар, Тенгри азза ва жала ёрлиқин оғирласунлар. Ўғил-қизқа ош, этмак отаси бўлмасунлар – дини ислом отаси бўлсунлар. Ёвуз эш қўлдошдин йиғилсунлар. Беш намозни азоқин тутсунлар. Кул, кунгни эзгу тутсунлар, дарвишларга раҳм қилсунлар. Ўгсўзларга шафқат қилсунлар, қазғулуг мунглуғларқа бўлушсунлар. Ўлумга ануқ турсунлар, қиёмат ишин битурсунлар тею туур”, теди”.

Парчадаги ҳар бир ибратли жумла сухбат ва мунозара асносида изоҳланиши керак:

“... бўғуз учун имонни илиқдин чиқармасунлар”, яъни нафсга берилиб, Ҳақни,adolatni, инсонийликни унутмасинлар.

“Шайтонни, нафсу ҳавони изармасунлар”, яъни шайтоний ўй-хаёллар, истакларнинг, ҳавасларнинг домига тушиб, тубанлашмасинлар.

“шак ва шарика инсунлар” яъни, жамиятда одамлар орасига нифоқ солувчи, динда тафриқага сабаб бўлувчи турли фасод мафкуралардан йироқ бўлсинлар.

“Кўни имонға берк япушсунлар”, яъни тоза исломий таълимотга эргашиб, иймоннинг тўғри йўлини танласинлар.

“Ўлимни унумасинлар”, яъни охиратни ёдда тутсинлар.

“Ҳикд ва ҳасаддин ироқ турсунлар”, яъни гина ва ҳасаддан йироқ туриб, ўзаро кечиримлик ҳамда ҳавас билан яшашни шиор этсинлар.

“...шариъат аҳкомини берк тутсунлар”, яъни дин буюрган эзгу амалларни оғишмай бажарсинлар.

“Дунёга кўнгул боғламасунлар”, яъни нафсга берилиб, маънавиятни унумасинлар.

“Тенгри азза ва жалла ёрлиқин оғирласунлар”, яъни Оллоҳ таолонинг адолат, тенглик, поклик, меҳр ва ҳакиқатдан иборат бўлган чақириғига жондили билан киришсинлар.

“Ўғил-қизқа ош, этмак отаси бўлмасунлар – дини ислом отаси бўлсунлар”, яъни фарзандларни факат моддий таъминлаш билан кифояланмай, ўғил-қизларни икки дунё саодатига элтувчи илмлар билан вояга еткисинлар.

“Ёвуз эш қўлдошдин йиғилсунлар” – маънавий тубан, жоҳил одамларга йўлдош бўлишдан қочсинлар.

“Беш намозни азоқин тутсунлар” – беш вақт намозни одат қилсинлар.

“Қул, кунгни эзгу тутсунлар, дарвишларга раҳм қилсунлар. Ўгсўзларга шафқат қилсунлар, қазғулуғ мунглугларқа бўлушсунлар” – меҳри, муруватли, сахий, шафқатли бўлсинларки, бу уларнинг маърифатидан дарақдир.

“Ўлумга ануқ турсунлар, қиёмат ишин битурсунлар” – ўлимни унумаган одам эзгу ишларни қўймайди, ўзидан яхши ном қолдиришга интилади.

Шу тариқа ўқитувчи ўқувчилар билан матнни таҳлил қилиши керак. Агар ўқитувчи матнларни керакли қисмларга бўлишга қийналса, дарсликдаги савол ва топшириқлар билан ишланса ҳам, бу вазифани адо этган бўлади. Чунки уларда матндан таҳлил қилиниши керак бўлган ўринларга алоҳида ургу берилган. Айниқса, 12-топшириқка алоҳида диққат қилмоқ керак: “Ушбу парча орқали покиза, инсонийлик дини бўлган Ислом мафкураси ҳақида мулоҳаза юритинг. Бу дин ниқоби остида бузғунчилик, зўравонлик фаолиятини олиб бораётган кимсаларни Исломга мансуб дейиш мумкинми? Фикрингизни матндан келиб чиқиб асосланг”. Бу топшириқни бажаарар эканлар, ўқувчилар у орқали мамлакатдаги, дунёдаги ижтимоий-сиёсий воқеликка муносабат билдирадилар ва бу орқали дарс материалларининг ҳаёт билан боғлиқлиги таъминланади.

Ўқувчиларга матндан Муҳаммад алайҳиссалом васф қилинган парчалардан бирини уйда ёд олиш вазифаси юкланди. Шунингдек дарсликдаги мавзу бўйича охирги топшириқ бўлмиш “Муҳаммад алайҳиссалом – инсон комиллигининг тимсоли” мавзусида уй иншосини ёзиш бўйича кўрсатма ва топшириқларни бериш керак.

Ўзбек тасаввуф адабиётининг йирик вакили Бобораҳим Машраб ижоди ҳам умумтаълим мактабларининг 9- ва 10-синфларида ҳамда ўрта маҳсус таълим ўқув юртларида биринчи босқичда кенг ўрганилади. 9-синфда “Қиссаи Машраб”дан парча ўрганилади. Ўқитувчининг тасаввуф ҳақидаги билими ҳамда у тўғрида ўқувчиларига тушунча берганлиги машгулотлар самарадорлигининг омили бўлиб хизмат қиласи. 9-синф дарслигига айтилганидек, Машраб ўзбек халқи ичидан асрлар ўтса-да, машҳурлиги туфайли ривоят ва афсоналарда яшаб келаётган покиза эътиқод тимсоли ва ҳақиқат куйчисидир. Одамлар ўзларига ва келгуси авлодга яшаш тарзи, қилмишлари ибрат, айтмиш ва ёзмиш сўзлари ҳақиқат бўлган зотлар тўғрисида ҳам ҳурмат, ҳам ҳикмат маъносида оғзаки ижод намуналарини тўқиб оладилар. Машраб ҳақида ҳам жуда кўп оғзаки ижод намуналари яратилган. Шунинг учун илк дарсни ўқувчилардан Машраб тўғрисида

эшитган ривоят, ҳикояни ёки латифа сўзлаб беришни сўраш билан бошлаш мумкин. Ўқитувчининг ўзида ҳам шоир тўғрисида биронта ғоят ибратли ривоят тайёр бўлиши керак. Бу авлиё зот шахсиятини англаш учун Навоий “Хамса”сини ўрганиш давомида олган билимлари, тушунчаларига суюниш маъқул дидактик тадбирдир.

Ўқитувчи шоир ҳақидаги ривоятлар асосида сухбат қуарар экан, эшитилган ривоят ёки ҳикояда Машраб қандай шахс ва ким сифатида тасвириланганлигини шарҳлаши лозим. Бир ривоятда у илоҳий сирлардан воқиф авлиё зот, бошқа бир ҳикояда покиза эътиқод ва ҳақиқат ҳимоячиси, латифаларда золимларни аёвсиз фош этадиган, аҳмоқлар, йўлдан адашганлар устидан куладиган халқ қаҳрамони сифатида гавдаланади. Шу тахлит сухбатдан сўнг дарсликдаги ва ўқитувчининг ўзида бўлган бошқа маълумотлар асосида Машрабнинг умрбаёни ўрганилади.

Халқимизда ўғил болага ҳам, қиз болага ҳам Машраб исми берилиши урф бўлган. Лекин бу исм шунчаки ҳавас қилиб қўйилмайди. Она қорнида овоз чиқарган ҳомила дунёга келгач, унга Машраб берилади. Буни қўпчилик эшитган ва билади. Лекин нима учун деган саволга ҳамма ҳам жавоб айттолмайди. Бу Машраб ҳаётига, тўғрироғи, унинг дунёга келиши билан боғлиқ ҳодисага алоқадордир. Дарсликларда шунга ишора қилувчи савол ҳам бор. Бу воқеа “Шоҳ Машраб қиссаси”да баён этилган.

“Киссан Машраб”ни ўрганишга ўзига хос ёндашув керак. Асарда шоир ҳаёти билан боғлиқ ривоятлар ва лирик ижодидан намуналар қоришиқ берилади. Шоир ғазаллари ўрганилган охирги дарсда уйга вазифа қилиб қисса матни билан танишиб келиш топшириғи ҳам берилади. Асадан берилган парчани уч қисм қилиб ўрганиш маъқул. Биринчи қисм ийдгоҳда Машрабнинг сувга чўкиб асарсиз кетиш лавҳасидан Мулло Бозор охунд ҳузуридаги диалоглардан кейин шаҳрини тарқ этгунча бўлган жойгача, иккинчи қисм шоирнинг жунунлари зиёда бўлиб, Офоқ Хўжа даргоҳига отланиш лавҳасидан Кошғарга етиб боргунча бўлган кечмишларини ўз ичига олади. Охирги қисм Офоқ Хўжа даргоҳидаги сухбат ва ҳолатлардан иборат.

Қиссани мутолаа қилган ҳар қандай ўқувчида Машраб нима учун сувга чўмиб, анча вақт асарсиз кетди? Ҳаётда шундай бўлиши мумкинми ёки бу қиссадаги афсонавий бир муболағами? Онасининг фарёдини эшитиб сувдан чиқкан Машрабнинг кетидан одамлар нима учун сайҳа тортиб эргашдилар? Пири хузурида шоирнинг ўзига нисбатан айтган тухмат гапларининг маъносини қандоқ тушуниш керак қабилидаги саволлар пайдо бўлиши табиий.

Навоий “Хамса”сидаги ишқ достонлари тасаввуп нуқтаи назаридан тўғри ўқитилган бўлса, мазкур қиссадаги ушбу ҳолатларни тушунтириш енгил кечади. Навоий “Хамса”си қаҳрамонлари Фарҳод ва Қайс туғилишларидан ишқ дардига мубтало бўлиб дунёга келган эдилар. Худди шу ҳолат Бобораҳим шахсиятида ҳаётда юз беради. “Қиссаи Машраб” асарида ёзилишича, у болалигидан мажнун табиат, сўфий сийрат, одамови ва хомуш қиёфада юради. Унинг ғайритабиий одатлари, гап-сўзлари, юрган йўлида айтадиган байту ғазаллари ота-онаси ва халойиқни ҳайрон қолдиради. Онаси не орзу-ҳаваслар билан унга янги либослар кийгизса, Машраб дуч келган ожиз-бечораларга кийимларини ечиб бериб, ўзи яланғоч юрарди (худди Фарҳоднинг “Бўлиб эл андуҳидин кўнгли ғамнок, Яқо чокни кўриб, кўксин қилиб чок” қилганидек). Ота-онаси изтироб билан бунинг сабабини сўраганларида, у “Яратганинг хузуридан қандай келган бўлсан, шундай юравераман” қабилида жавоб беради. Ўспиринлигига қаерда гўристон бўлса, зиёрат қилиб, одамларнинг суюкларини кўриб: “Эй одамзод, охир ўлиб бошингга тушадургон ишбу”, деб йиғлаб юрарди (Фарҳод ва Қайснинг ғамгинликларини эсланг). Ўғилларидаги бундай илоҳий ишқ сирларини тушунмаган ота-она хавотир ва ташвишга тушадилар (Қайснинг ота-онаси кўрган тадбирларни ёдга олинг). Машрабни шу худудда катта уламо, ҳақ йўлига бошловчи тариқат раҳнамоси саналган мулло Бозор охундга учраштирадилар. Машраб ундан зўр ихлос билан таълим олади, тарбия кўради. Лекин юрагидаги ишқ ҳарорати, шиддати туфайли у ўз маконига сифмай қолади, кўнглидаги илоҳий интилишлар, истаклар тугёнини

қондиришга қодир янада улут бир устоз тарбиясига эҳтиёж сезади. Кетай деса у учун азиз бўлган икки зот: онаси ва устози Бозор охунд юзларидан ўтолмайди, рухсат сўрашга тили бормайди, ботина олмайди. Шунда барча тасаввуф ахли каби ҳолатини рамз тили билан уларга баён қилиш йўлини тутади. Ийдоҳда одамлар олдида ўзини кўлга ташлаб анча вақт сув остида туриш билан кўнглидаги ишқ оловини кўл ва дарёлар ҳам ўчиролмаслиги, нафақат ўчириш, ҳатто пасайтира олмаслигини билдиради. Сувдан чиқиб, фарёд солиб турган онасига “Эй меҳрибоним аном,вой ғамгусорим аном, менингдек ноқобил фарзанддин ризо бўлунг, Худойи таоло мани шу кўйга солибдур”, – дея ҳам ижозат, ҳам узр сўрайди.

Кўз ўнгларида юз берган бу воқеадан одамларнинг кўзи очилади: шу кунгача устидан кулган, девона деб масхаралаган, орқасидан ғийбат қилганлари Машраб Аллоҳнинг дўсти – авлиё бир зот экан! Ўз айби, хато ва гуноҳларини англаб, шундок ёнгиналаридағи валийни танимаганларидан надомат чекиб, сайҳа тортишиб, унинг орқасидан эргашадилар.

Энди бироннинг хотини билан ошиқ-маъшуқлик қилгани ҳақидаги ёлғонига келсак, бу ерда ҳам рамз бор. Буни англаш учун тасаввуфдаги каромат тушунчасини билиш керак. Каромат авлиё зотлар томонидан содир бўладиган, оддий одамлар ақли бовар қилиши қийин бўлган одатдан ташқари фавқулодда ҳолатлар, воқеалардир. Масалан, дарё, денгиз устидан ерда юргандек юриш, кўрмаган нарсаларни ғойибдан билиш, бир неча кунлик, ойлик йўлни бир неча дақиқада босиб ўтиш, бироннинг кўнглидан ўтган пинҳона фикр, ўйларни худди эшитгандек англаш ва ҳоказо. Бундай ҳолат ва воқеалар пайғамбарлардан содир бўлса, мўъжиза дейилади. Пайғамбарлар ўзларининг ҳақиқатан ҳам Аллоҳ элчилар эканликларини исбот қилиш учун талаб этилганда мўъжиза қўрсатганлар. Кароматлар эса аксар ҳолларда валий зотлар ихтиёридан ташқари тарзда, баъзан жуда зарур, иложсиз қолган ҳоллардагина зоҳир қилинган. Тариқат ахли авлиёларнинг ҳеч сабабсиз, ўзича халқ олдида очиқ каромат кўрсатишларини катта айб, одобсизлик санаганлар. Зоҳиран олиб қараганда Машраб ҳам бу ўринда арзирли сабабсиз

ўзича каромат кўрсатди. Буни унинг ўзи гўё биронинг хотини билан ўйнашиш даражасидаги иш сифатида баҳолайди. Каромати зохир бўлиб қолган жойда авлиёнинг туриши ножоиздир. Чунки у одамлар орасида овозага, шуҳратга ботади. Нақшбандийлик тариқига кўра эса “шуҳратда оғат” [123; 77-б.] бор. Машрабнинг ҳам энди кетиши муқаррар. Мулло Бозор охунд “Сизлар беадаблик қилибсизлар, Машраб бу вилоятни фиску фужурини кўторур эрди, энди Машрабни кўрмоқ йўқтур” дейиш билан ишорани тушунган ҳолда шогирдига кетишга ижозат берганини билдиради. Шундан кейингина Машраб “Эй Охуним, сизга бу вилоят кутлуғ бўлсун, бизга йўл кутлуғ бўлсун!” деб йўлга равона бўлади. Зоҳирий бир беадаблик орқали икки кишидан одоб билан рухсат олинди. Ана шу беадабликнинг ўзи аслида (ботинга кўра) одоб эканлиги ойдинлашди.

Кейинги икки қисмда бу каби мураккаб, тушунилиши қийин ўринлар йўқ. Тасаввуф таълимоти тўғрисида тушунчага эга ўқитувчи қиссанинг давомини тушунтира олади. Шеърий парчаларни ҳам лавҳаларнинг мазмунига мувофиқ шарҳланишига дикқат қаратишни унутмаслик керак.

Дунё адабиёти ва фанининг шоҳ асарларидан бири бўлмиш “Бобурнома” жорий дастурга кўра 9-синфда ўқитилади. Бу асарнинг жаҳоний эътирофи, шуҳрати, бадиий ва илмий салоҳияти шу қадар баландки, ҳатто шўролар даврида ҳам уни адабий таълимдан четлатмаганлар. Яратилган методик кўлланмаларда ўша давр савияси ва имкониятлари доирасида тавсиялар берилганлиги кузатилади. Шуниси дикқатга сазоворки, бир неча ўн йиллар давомидаги тажрибалар натижаси ўлароқ “Бобурнома”даги қайси парчалар қай синфларда қандай ўрганилиши белгилаб олинди. Буни адабиёт ўқитишдаги ўзига хос ютуқ дейиш мумкин.

Тўққизинчи синф дарслигига “Бобурнома”дан олинган парчани ўргатиш ва мемуар асар тўғрисида маълумот бериш учун икки соат сарфлаш самарали бўлади. [124] Агар биографик маълумотларни ўрганишни ўқувчиларга мустақил иш қилиб берилса, бир соат ютиш ҳисобига уч соат давомида ўрганиш мумкин. Биринчи соатда бу асарнинг яратилиши тарихи, йўналиши,

ўзига хос хусусиятлари ҳақида дарсликда бўлмаган маълумотларни бериш маъқул. Шунингдек, асардан олинган “Андижон тасвири” парчаси ўқилади. Унда Фарғонанинг пойтахти Андижон, унинг ўрни, табиати, одамлари жуда нафис тасвирланган. Муаллиф бу ҳақда ёзар экан, масалага фақат тарихий, жўғрофий назар билан қарамайди. Андижон табиатига хос жиҳатларни бир четдан санаш йўлидан бормай, қасабага хос алоҳида қирраларга тўхталади.

Бобурнинг баён услубини тушунтиришда ўқитувчидан эҳтиёткорлик талаб қилинади. “Мухтасар вилояттур, ошлиқ ва меваси фаровон. Гирдогирди тоғ воқе бўлубтур. Ғарбий тарафидаким, Самарқанд ва Хўжанд бўлғай, тоғ йўқтур. Ушбу жонибтин ўзга ҳеч жонибтин қиши ёғий кела олмас” жумлаларида муаллиф услубининг ўзига хослиги намоён бўлади. Бу ерда Фарғонанинг Самарқанд ва Хўжанд томони текислик, қишида ҳам ҳаракатланишга қулайлигига ишора қилинган. Эътибор тортилиши лозим бўлган жиҳат шуки, Бобур қайси ҳудуд, вилоят ва шаҳар тўғрисида фикр юритса, уни четдан эмас, айни пайтда ҳудди унинг ўрамида, унинг ичида турган каби таърифлайди. Ўқитувчи бу ўринда “Бобурнома”дан қуйидаги мисолни ўқиб (парча дарсликда берилмаган), тарбияланувчилар диққатини тортиши ўринли бўлади: Кандибодом (ҳозирги Конибодом)ни тасвирлаб туриб, “Ҳамиша бу даштта ел бордур. Марғинонғаким, шарқидур, ҳамиша мундин ел борур” дейди. Бобур “ҳамиша у ердин” эмас, гўё Конибодомда тургандек, “мундин” (бу ердан) деб ёзади. Холбуки, муаллиф бу сатрларни ёзаётганда ватандан анча узокларда эди.

Бу маълумотлар берилгач, дарсликдан таҳлил қилинаётган жумлаларга қайтилади. Маълумки, киши бирор ерда турса, у ерга яқинлашаётганларга нисбатан “келмоқ” (келди, келяпти) феълини қўллайди. Шу боис зикр этилган парчада муаллиф (уни қаерда битган бўлса ҳам) гўё Фарғонада турган каби “ёғий кела олмас” дейди. Асар мутолаасида шу жиҳат доимо ўқувчи ёдида туриши лозимлиги уқтирилади.

“Қовун маҳали полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас” жумласи орқали берилган хабарни ўқувчиларга алоҳида урғу билан тушунтиromoқ керак. Унда

адиб шу яқин йилларгача давом этиб келган удум – дехқонларнинг ҳосил чўғи қандайлигидан қатъи назар қовунни худди бозордаги каби полизда донаалаб сотиш айб саналишини назарда тутган эди. Полиз бошида ё ушур берилган ёки худо йўлида эҳсон қилинган ёхуд ўзбекона жўмардлик билан келган одам қовун сўйилиб, меҳмон қилинган, сийланган. Миллий маънавиятимизга дахлдор бўлган мазкур танти удум кенгроқ изоҳланиши маъқул. Шунингдек, “Андижоннинг ношпотисидан яхшироқ ношпоти бўлмас” гапидаги “ношпоти”ни (хозирда нашвати) нок сўзининг маънодоши деб эмас, балки нокнинг Андижонда яхши бўладиган тури эканлигидан ўқувчилар хабардор қилиниши керак.

“Элининг лафзи қалам била росттур. Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бовужудким Ҳирийда нашъу намо топибтур, бу тил биладур” жумлалари бугунги кун кишисига лексик ҳамда синтактик жиҳатдан бир қадар “бегона” бўлганлиги туфайли уларни тушунишда ўқувчилар бир оз қийналишлари тажрибаларда кузатилмоқда. Ўқувчилар бугунги лексик маъноларидан келиб чиқиб, “қалам”ни ёзув қуроли, “рост”ни тўғри, чин, ёлғон бўлмаган маъноларида қабул қиласидилар ва бундан маъно англашилмайди. Муаллим бу ерда “қалам” – адабий тил, “рост” – мувофиқ деган маъноларда қўлланганлигини уқтириши керак. Шунда ўсмирлар жумладан элининг лафзи (сўзлашув нутқи) адабий тилга мувофиқ, яъни бу ерда одамлар адабий тилда гаплашадилар маъносини тўғри англаб етадилар.

Кузатишлардан маълум бўлдики, шу жумлалар охиридаги “биладур” сўзини ўқувчилар аксар ҳолларда “билмоқ” феъли деб ўйлайдилар ва “бу тилни билади” деб тушунадилар. Натижада маъно чиқаролмай қийналадилар. Муаллим албатта бу сўз “билан” кўмакчисининг архаик шакли эканлигига изоҳ бериши лозим. Шунда луғат ёрдамида ўқувчилар қуйидаги жумлаларни “қайта тиклайдилар”: “Элининг сўзлашув тили адабий тил билан мувофиқдир. Қайсики, Ҳиротда шухрат топган Мир Алишер Навоийнинг асарлари шу тилда битилгандир”. Ўқитувчи болалардан ушбу жумлаларни хозирги адабий тилнинг сўзлашув услубида қандай бўлиши кераклигини

сўраши лозим. Албатта, улар мазкур жумлаларни ҳозирда “Андижонликлар адабий тилда сўзлашади. Бунинг далили шуки, Мир Алишер Навоийнинг Ҳиротда ёзилиб шухрат топган асарлари бу тил (шева)да яратилгандир” тарзида бўлиши мумкинлигини осон фаҳмлайдилар.

Асардаги “Элининг орасида ҳусн хайли бордур. Юсуф Ҳожаким мусиқасида машҳурдур, Андижонийдур” жумлалари изоҳи ҳам мураккабдир. Биринчи гапдаги “ҳусн хайли” бирикмаси “Бобурнома”нинг қатор нашрларида “ҳусн хейли” тарзида берилган. Ҳозирги дарсликда “ҳусн хайли” шаклида тўғри берилди. Луғатларда “ҳусн” гўзаллик, чирой, “хейли” анча, жуда деб изоҳланган. Шунинг учун бирикмадан “гўзаллик анча бор”, яъни чиройли одамлар кўп деган маъно англашилгандай туюлади. Лекин Бобурнинг Андижонда чиройли одамлар кўп деб ёзиши мумкин эмаслигини ҳар бир ўзбек кишиси билади, ҳис қиласи. Негаки, гўзаллик туфайли аёлларгина мақталган. Бобур яшаган даврда эса аёлларнинг нафақат юзи, овози ҳам сатри аврат қилинар эди. Қолаверса, ҳамиятли бир эркак ўз хонадонидаги аёлларнинг гўзаллиги тўғрисида гапириб юрганидек, Бобур ҳам ўз юрти аёлларининг ҳусни жамолини бозорга солиши мумкин эмасди. Эркаклар чиройи ҳеч маҳал мақталадиган фазилат бўлмаган. Шунинг учун ҳеч бир асарда фалон жой эрлари чиройли деган таърифга дуч келмаймиз. Хўш, унда муаллиф бу ибора билан нима демоқчи?

1960 йилги нашрда Порсо Шамсиев домла бу иборани “ҳусн хили бор” деб ўқиган экан. Унда умуман маъно чиқариш қийин бўлиб қолади. Араб ёзувида “хили”, “хейли”, “хайли” сўзларининг бир хил ёзилишидан келиб чиқсан, мазкур бирикма аслида “ҳусн хайли” шаклида ўқилиши лозимлиги ойдинлашади. Ҳусн “гўзаллик” маъносини беради, гўзаллик эса санъат сўзининг маънодоши. Хайл “ахл” маъносида келади. Шундан келиб чиқиб, “ҳусн хайли”ни санъат аҳли деб қабул қилиш мумкин. Машҳур мусиқашунос Юсуф Ҳожа ҳақидаги фикр ҳам бунга мос келади.

“Ҳавосининг уфунати бор. Кузлар эл безгак кўп бўлур” жумлалари устида ҳам бироз ўйлашга тўғри келади. Луғатларда, жумладан, “Навоий

асарлари лугати”да “уфунат” “сассиқлик, бадбўйлик” маъносини бериши кўрсатилган. Шу боис барча дарсликларда “Бобурнома”дан олинган парчалар учун берилган луғатларда бу сўз айни шундай изоҳланади. “Бобурнома”ни мазкур луғатга таяниб ўқиган ўқувчи у пайтлар (балки ҳозирда ҳам) Андижоннинг ҳавоси сассиқ, бадбўй бўлган экан-да, деб ўйлади. Биз луғатларга мурожаат этганимизда “уфунат”га ўзакдош бўлган “афинун”нинг русча таржимаси бўлмиш “гнилой” сўзининг ўзбекчада “сернам”, “рутубатли” маънолари ҳам борлиги эътиборимизни тортди. Хўш, Бобур мирзо уфунат деганда сассиқлик, бадбўйликни назарда тутганми ёки сернамлик, рутубатними? Бу борада бир фикрга келиш учун асадаги тафсилотлар билан боғлиқ баъзи жиҳатларга тўхталишга тўғри келади.

Муаллиф Фарғона вилояти тўғрисида гапира туриб, “Етти пора қасабаси бор” деб ёзади. Матн таҳлилида ўқитувчидан “қасаба” сўзига аниқлик киритади. Қасаба луғатларда ва уларга суюнилган адабиётларда (айни пайтда дарсликларда ҳам) шаҳарча, шаҳар деб изоҳланган. Шу боис аксар китобхонлар Андижон, Ўш, Исфара каби қасабалар ҳақида гапирилганда шаҳарларнигина тушунадилар. Аслида эса Бобур маркази шу шаҳарлар бўлган маъмурий-худудий бўлинишларни назарда тутган. Узок-яқин аҳоли бозор-ўчар каби иқтисодий, илм олиш каби маданий-маърифий эҳтиёжларини қондириш учун тилга олинган шаҳарларга келишган. Жумладаги “пора” сўзи бўлак, қисм маъноларини англатадики, қасаба бу сўз билан биргаликда матнда маъмурий худуд маъносига тўғри келиши билиниб турибди. Ҳар бир худуд (қасаба) аҳоли яшайдиган қишлоқ, овуллар, шунингдек, кимса яшамайдиган тўқай, чакалакзорлар, тоғлик ва текисликларни ўз ичига олган. Андижон тасвиридаги “Қовун маҳали полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас”, Марғилон тўғрисидаги “пур неъмат; анори ва ўруги кўп хўб бўлур. Бир жинс анор бўлур, “дона калон” дерлар, чучуклигига зардолу майхушлигидин андак чошни бор”, Хўжанд ҳақидаги “Меваси фаровон ва бисёр яхши бўлур” каби жумлалар қишлоқ ва овуллар тавсифи бўлса, “Ови қуши доғи кўп бўлур, қирғовули беҳад семиз бўлур”,

“Оқ кийик ёвуқта бўлур” каби тафсилотлар чангальзор, тўқайларга тегишли. Бобурнинг “Соҳиби “Хидоя” Марғиноннинг Рушдон отлиқ кентидиндур” деб ёзишидан Бурҳониддин Марғилонийнинг ота юрти Рушдон (ҳозирги Риштон тумани) ҳам Марғилон қасабасига тегишли бўлганлигини билишимиз мумкин. Андижон қасабаси ҳозирги Асака, Андижон туманларидан бошлаб Балиқчи, Пахтаобод туманларигача бўлган ерларни ўз ичига олган. Асосан Қорадарё ва қисман Норин дарёси атрофидаги бу худудда ўша даврларда кўплаб аҳоли пунктлари бўлиши билан бирга овлоқ тўқайлар, уларга ёндош ботқоқликлар талайгина жойларни эгаллаган. Каттагина бу икки дарё, улар таъсирида шаклланган кичик сув ҳавзалари, ботқоқликлар туфайли қасабанинг аксарият қисми ҳавосида намгарчилик – уфунат юқори бўлган. “Кузлар эл кўп безгак бўл”ишининг сабаби ҳам шундан эканлиги маълум бўлади. Демак, “Ҳавосининг уфунати бор” жумласи Андижон қасабасининг сассиқлиги, бадбўйлигини эмас, балки сернам, рутубати борлигини англатади десак, хато бўлмайди. Бунга яна бир далил шуки, муаллиф Хўжанд табиати ҳақида ҳам шундай ёзади: “Ҳавоси бисёр мутааффиндор, кузлар безгак кўп бўлур. Андоқ ривоят қилдиларким, чупчук безгак бўлғондор. Дерларким, ҳавосининг таффуни шимолдағи тоғ жиҳатидиндур”. Парчадаги “мутааффин”, “таффун” сўzlари “уфунат” билан ўзакдош ва матнда бир маънони ифодалагани учун лугатларда уларни ҳам бадбўйлик деб берилади. Эътибор берилса, яна ҳаводаги уфунат билан безгакни қайд этмоқда. Бунга сабаб қилиб эса шимолдаги тоғ деб изохланмоқда. Маълумки, бирор жойнинг ҳавоси тоғ туфайли сассиқ, бадбўй бўлмайди, балки унинг таъсирида намгарчилик юқори бўлиши мумкин. Шунинг учун адабиёт муаллими мазкур жумлаларни тушунтирганда, Андижон сернам бўлгани учун куз фаслида эл орасида безгак кўп бўлишини тўғри талқин этмоғи керак. “Бобурнома”ни ўргатишига ажратилган вақтнинг иккинчи соатида шартли равища “Самарқанд тасвири” деб номланган парча ўқилади, изохланади, таҳлил этилади. Бу асарни шунчаки ўқиб кетиш билан дидактик мақсадга эришиб

бўлмайди. Бобурнинг насрий ифода йўсини замиридаги бадиий маъно кашф этилгандагина ўқувчилар бу асарга қизиқиб қолишлари мумкин.

Ўқитувчи Самарқанд шаҳрининг латифлиги ва “балдаи маҳфуз” – Аллоҳ томонидан сақланган, муҳофаза қилинган шаҳар эканлиги сингари сифатлардан ўқувчиларга маълумот берибгина қолмай, бу ҳолнинг сабаблари нималиги “Бобурнома”да қандай кўрсатилганлиги биргаликда изоҳланса, болалар дарсга кучлироқ жалб этилади. Муаллиф асарда Самарқанднинг Аллоҳ томонидан асралиши сабабини очик ёзмайди. Балки шаҳар аҳли исломни қабул қилган вақтдан уларнинг пок мазҳаб эгаси эканлиги ҳамда “Ҳазрати рисолат замонидин бери ул микдор аиммаи исломким Мовароуннахрдин пайдо бўлубтур, ҳеч вилояттин маълум эрмаским, пайдо бўлмиш бўлғай” деган маълумотни келтиради. Ўқувчилар бир-бирига алоқасиздай туюловчи икки ҳолат тасвири нима учун ёнма-ён келаётгани хусусида ўйлашга тугинсалар, Бобур айтмасдан ишора қилган сабабни топиб оладилар. Саҳобалардан тортиб қанча авлиёларнинг руҳлари Самарқанднинг сақлаб қолинаётгани сабаби экани англашилади.

Ўқувчилар Самарқанд ва Темурбек муносабатлари тасвирига алоҳида эътибор билан ёндашиши лозим. Акс ҳолда Амир Темур туфайли Самарқанд шуҳрат топдими ёки Самарқанд хукмдори бўлгани учун соҳибқирон машҳур бўлдими деган саволга тўғри жавоб беролмай қолишлари мумкин.

Жаҳон миқёсида эътирофга сазовор бу асардаги бобурона услугуб ўқитувчининг диққат марказида бўлиши лозим. Бобурнинг тасвир йўсинига хос хусусиятлардан бири шундан иборатки, у қайси бир нарса ҳақида ёзар экан, хукм чиқармайди, балки ўша нарсанинг шундай бир жиҳатини тасвирлайдики, натижада ўқувчи у тўғрисида асосли тўхтамга келади. Муаллиф Самарқандни ўраб турган қўрғоннинг катталигини таърифлаб ўтирумайди-да: “...буюрдимким, қадам урдилар, ўн минг олти юз қадам чиқди” дейиши билан мазкур қўрғон ҳақида маълум тўхтамга келиш имконини ўз ўқувчисига қолдиради. Бу билан тасвирнинг холислик даражасини оширади. Ўқитувчи Бобур учун Самарқанд ҳамиша қўл етмас

орзу бўлганини, бу шаҳарни неча бор қўлга киритиб, неча бор топширгани, ниҳоят унинг юртдан чиқиб кетишига ҳам бундаги мағлубияти сабаб бўлган эса-да, муаллиф шаҳарнинг эли ҳақида эҳтиром билан ёзганига диққат қаратиши керак.

Бобур ўз насрий тасвир услугига мувофиқ йўсинда Самарқандни тасвирилаш асносида ҳам бу ерда бошқа жойлардан яхшироқ ривожланган бирор хунар ёки мева ҳақида алоҳида тўхталади. Чунончи Самарқанд олмаси ва узумининг бекиёслигини, бозорларининг ўзига хослигини, новвойлик ва ошпазлик ривож топганлигини ўринли қайд этади. Унинг “Оlamda яхши қоғоз Самарқанддан чиқар. Жувози коғозлар суйи тамом Конигилдин келадур”, – дея берган маълумоти самарқандликлар ҳанузга қадар сақлаб келаётган қадриятларнинг илдизлари нечоғлик қадимий эканлигини кўрсатади. Бобур ўта синчков олим сифатида Самарқандга хос айрим жиҳатларни бошқа шаҳарларники билан солиштириш усулидан ҳам фойдаланади. Жумладан, Самарқанд қишининг қаттиқлигини таъкидлар экан, қори Кобул шаҳридагидай қалин бўлмаслигини, ёзда ҳаво яхши бўлишини айтар экан, Кобул баҳавороқ эканини таъкидлайди.

Самарқандда саккиз боғ борлиги ва ҳар бир боғнинг ўрни ҳақидаги маълумотлар, шаҳар атрофидаги ўланг – ўтлоқлар тасвири, Амир Темур, Мирзо Улуғбеклар томонидан қурдирилган олий иморатларга хос хусусиятлар тўғрисидаги битиклар фақат илмий қимматга эмас, балки муайян бадиий салмоққа эгалиги ўқувчилар назаридан четда қолмаслиги керак. Баъзан “Бобурнома” юзасидан олиб борилаётган машғулотлар тўлиқ жўғрофий қиёфа касб этадиким, бундан сақланиш керак. Чунки адабиёт дарслари учун “Бобурнома”да акс этган жойлар харитасини чизгандан кўра муаллиф ёки бирор тарихий шахснинг табиатини акс эттирадиган, сезимларини ифодалайдиган жиҳатларни пайқаш ва изоҳлаш муҳимроқ. Баъзи ўқитувчилар фанлараро интеграция дейилганда икки ва ундан ортиқ фанларни бир дарсда ўқитилиши деб тушунадилар. Аслида аксар ҳолларда бу ўқитувчининг ўз фанини ўқитишида, ўз дидактик мақсадини амалга

оширишда бошқа фанлар имкониятлари, маълумотлари, илмий хуносаларидан фойдаланишдан ўзга нарса эмас. Шунинг учун асарни ўқита туриб жўғрофия, тарих, ботаника, биология фанларига доир маълумотларни бериш эмас, аксинча, улардан ўзлаштирилган маълумотлар “Бобурнома”ни чуқурроқ тушунишига хизмат қилишига эътибор қаратиш керак. “Бобурнома” асаридан олинган парчалар асосида мемуар – ёднома асарларга хос хусусиятлар, уларнинг бадиий ва илмий асарларга ўхшаш ҳамда фарқли томонлари тўғрисида назарий маълумот берилади. Унда туркий мемуар адабиётга Бобур асос солгани, унинг дунё ёднома адабиёти тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳақида тўхтанилади. Мемуар асар илмий-тарихий асарлардан унда тасвирланган воқеаларга муаллифнинг ўзи бевосита иштирок этган ёки гувоҳи бўлган кечмишлари акс эттирилгани билан фарқланади. Муаллиф шахсияти қанчалик баланд бўлса, унинг битганлари бошқаларни шунчалик ўзига ром этади. Ўқитувчи “Бобурнома”ни шу жиҳатдан текширишни ўқувчиларга топширса, улар олдига муаммоли вазият қўйган бўлади ва дарснинг самарадорлиги ошади.

Адабиёт ўқитувчиси “Бобурнома”га бадиий ёдгорлик сифатида ёндашиши, унинг эстетик қимматга эга жиҳатларига эътибор қаратиши лозим. Битирувчи синф ўқувчилари бадиий ва илмий асарлар орасидаги фарқни тушунадилар. Уларда бадиий образ ва образли ифода борасида муайян тушунчалар шаклланган, шунинг учун “Бобурнома”ни ўрганиш жараёнида ундаги бадиий жиҳатларни топа биладилар.

Жорий дастур бўйича 6-синфда “Ҳикмат” сарлавҳаси билан Навоийнинг насрий асарларидан бири бўлмиш “Махбуб ул-қулуб”дан [173] қатралар – пандлар ўрганилиши назарда тутилган. Шунинг учун, аввало, дарсликда асар ҳақида берилган тушунча қўшимча маълумотлар билан кенгайтирилиб, ўқувчиларга сингдирилади. Ҳикматларни ўқитиш қўйидаги тартибда олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

1. Ҳикматларнинг мавзуси таҳлил қилинади. Одатда мавзу дарсликда сарлавҳада берилган бўлади. Масалан, “Ҳилм тўғрисида”, “Саховат ва

химмат бобида”, “Сафар манофии зикрида” ва ҳоказо. Ҳикматлар шу мавзуда экан деб қўявермасдан, матнни ўрганишдан олдин ўқувчиларнинг у ҳақда айни пайтдаги тасаввурлари, тушунчалари муҳокама тарзида ўрганилади. Бу босқич болаларни мавзуни ўзлаштиришга руҳан тайёрлайди, дарсни жонли ўтишига замин ҳозирлайди.

2. Ҳикматларнинг халқ мақоллари билан қиёсини бериш. Ўқувчиларнинг 5-синфда олган билим ва тушунчалари асосида мақоллар ва ҳикматлар ўзаро солиштирилади. Аввало, уларнинг ўхшаш томонлари аниқланади. Бунинг учун битта ёки иккитадан мисол олинади.

Мақол: Иззат тиласанг, кўп дема, сиҳат тиласанг, кўп ема.

Навоийдан: Ҳилм ахлоқи одамнинг қимматбаҳо либоси ва у кийим турларининг энг чидамли матосидир.

Ўқитувчининг йўналтирувчи саволлари асосида болалар уларнинг икки ўхшаш жиҳатини аниқлайдилар: биринчиси, улуғ аждодларимизнинг узок йиллар давомида кўрган-кечирганлари, тажрибалари асосида келган хулоса сўзларидир. Иккинчиси, улар ибратли ҳукм шаклида берилган. Кейин уларнинг фарқли томонлари текширилади. Ўқувчилар ўқитувчининг савол ва топшириқларига жавоб бера туриб, буни ҳам осон уddyалайдилар. Фарқ ҳам икки жиҳатга кўрадир: биринчиси, мақолларининг аниқ бир муаллифи бўлмайди, унинг ижодкори халқдир, ҳикматларнинг эса муаллифи аниқ – ҳазрат Навоидир; иккинчиси, мақол содда ёки қўшма гап шаклидаги ифодаси қисқа ва лўнда бир жумладан иборат бўлса, ҳикматларда таъриф қилинаётган фазилат ёки ахлоқий тушунча бир нечта гап, баъзан катта бир матндан иборат бўлиши мумкин.

3. Ҳикматлар композицияси ўрганилади. Ҳикматларда бирор ахлоқий сифат, ижтимоий тушунча изоҳланар экан, унинг қурилиши ҳам ўзига хосдир. Буни “Ҳилм зикрида” мисолида кўриб ўтайлик. Аввал мавзуга олинган тушунчанинг бадиий таърифи берилади: *Ҳилм инсон вужудининг хушманзара боғидир ва одамийлик оламининг жавоҳирига бой тогидир. Юмиоқ кўнгиллик ҳодисалар тўла денгиздаги кишилик кемасидаги лангари*

деса бўлади ва инсоният қадрини ўлчайдиган тарозининг тошига тенглаштирса ҳам бўлади.

Кейин унинг одамларга тушунарли ва кундалик турмуш тарзига яқин нарсаларга ўхшashi келтирилади: *Ҳилм ахлоқи одамнинг қимматбаҳо либоси ва у кийим турларининг энг чидами матосидир. У ёмон нафсни дайди шамол учиринидан асррагувчи ва иккиюзлама мунофиқларнинг беҳуда ҳаракатларидан ҳимоя қилувчи.*

Навбатда инсон ҳаётидаги аҳамияти изоҳланади: *Ҳилм натижасида одам халойиқнинг иззат ҳурматига сазавор бўлади; ҳилм туфайли катталардан кичикларга илтифот ва марҳамат етишиади.*

Кейинги сатрбошидан бу ижобий хислат ёки тушунчага тескари ҳолатлар талқинини бериш билан унинг фазилати бўрттирилади: *Катта кишилар ёшлиарни масхара ва кулги қилса, улар қошида ўзи шунча обрўсиз ва бачкана туюлади; ёшлиар ҳам катталарга нисбатан ҳазил ва енгилтаклик қилса, унинг қошида уятсиз ва эътиборсиз бўлади.*

Охирида жамият аъзоларининг бу фазилат ва иллатга кўра мансублиги ёки одамларнинг муносабати таҳлил этилади: *Бу давр богининг хас-хашак сингари одамлари шамолдек бетайин, енгилтаклик кишилари олдида ҳилм аҳли гўё оғир табиатли ва ёмон феълли, деб камситилади. Уларнинг ўзлари эса, қуюндек тупроқни ҳавога тўзитадилар ва енгил табиатилари билан бошларини гўё кўкка етказадилар. Тоз жуссасини оёқ ости қилмоқ одатлари; дала-даштлардаги зарраларни ҳавога совурмоқ – буларнинг салобатлари. Бундай одамлар елдек ҳар эшикдан киришига оз қилмайди. Ўтдек оташдонни қиздиришидан ўзга ишини билмайди. Ел – гарчи лоланинг тожини учиради, аммо тоз қоялари камарига қандай таъсир қила олади? Ўт тоз этагидаги хас-хашакларни куйдириши мумкин, лекин қуёш учқунига қандай тенглаша олади?..*

4. Матн бадиияти таҳлил қилинади. Матнлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳикматларнинг асосий тасвир воситалари ташbih ҳаётадир. Масалан, биринчи хатбошида ҳилм инсон вужудининг хушманзара боғига, одамийлик

оламининг жавоҳирга бой тоғига ўхшатилган. Бу каби ташбиҳлар кейинги жумла ва хатбошиларда изчил давом этганини кўрамиз. Тазод кўпинча бир жумла доирасида эмас, балки хатбошилараро мазмун муносабатида намоён бўлади. Учинчи сатрбошида ҳилм келтирадиган маънавий манфаат таъкидланса, тўртинчисида унга зид бўлган кибр ва енгилтаклик оқибати ҳақида сўз кетади. Баъзан эса бир жумла ичида параллел равища қарама-қарши ҳолат ва тушунчалар ташбиҳ асосида кўрсатилади: *Ел агар кўкка етса ҳам, барибир енгил ва қадрсиз; тоз агар тупроққа ботса ҳам салобатлидир.*

Сажъ ҳам айрим матнларда бадиийликни таъминловчи, фикр ифодасига зийнат берувчи восита сифатида қатнашади: *Ҳилм ахлоқи одамнинг қимматбаҳо либоси ва у кийим турларининг энг чидамли матосидир.* У ёмон нафсни дайди шамол учиринидан *асрагувчи* ва иккюзлама мунофиқларнинг беҳуда ҳаракатларидан *ҳимоя қилувчи*.

5. Ўзаро таассуротлар алмашинуви. Мавзу юқоридаги каби тарзда тўла таҳлил қилингач, ўқувчиларнинг тушунганлари, олган таассуротлари асосида кичик сухбат ўtkазилади. Буни ҳикоя ва масалларни ўрганишда бўлганидек, ўзлаштирилганлар асосида ҳаётий умумлашмалар чиқариш босқичи дейиш мумкин.

3.4-§. Лиро-эпик асарларни таҳлил қилиш методикаси

Лиро-эпик асарларидан намуналар ўрта мактабларнинг барча (V–XI) синфларида шу атама (лиро-эпик) қўлланилган ҳолда ўқитилмоқда. Бу турдаги кўркам битиклар ўқувчиларнинг ҳаётни эпик кўламда идрок этиш, одам, олам ва Яратган олдидаги бурч, масъулиятни англаш, ҳар бир ҳодиса, тасвир, нарса замиридаги ботиний ҳақиқатларни ҳис этиш қобилиягини шакллантиради, ривожлантиради. Маълумки, Шарқ мумтоз адабиётида рамзийлик тасвирнинг етакчи усули саналади. Шунинг учун ҳаёт воқеликлари эпик кўламда ҳиссий муносабат тарзида тасвирланган асарларни ўқитишида сюжет воқеаларининг зоҳирий мазмунини баён этиш билангина

чекланиб қолмай, улар воситасида талқин этилган, рамз тили билан баён қилингандык мөхият шарҳланиши лозим. “Бадий сўз ўзининг арши аълосидан ерга туширилиб, турмуш муаммоларини ҳал этишга хизмат қилдирила бошлан”ган [52; 175-б.] XIX асрдан шеърият ва насрда бўлгани каби лиро-эпик турда ҳам реалистик тасвир ва ифодалар етакчи мавқе тутган асарларга эса ўзига хос ёндашув талаб этилади.

Мактаб адабий таълимида Юсуф Хос Ҳожиб достони, Навоий “Хамса”си, Муқимий “Саёҳатнома”си ва “Танобчилар” ҳажвияси ўқитилиб келинмоқда.

Ишимизнинг иккинчи боб биринчи фаслида берилган тавсияларга кўра, 5-синфда Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”дан ижтимоий тоифалар таърифи берилган олти парча ўрганилиши назарда тутилган. Улар алоҳида алоҳида ўрганилса, ўз ҳолиша олтига мустақил шеърга ўхшаб қолади ва лиро-эпик асарларни ўрганишдан кўзланган мақсад юзага чиқмай қолиши табиий. Хўш, бу каби парчаларни қандай ўқитиш мақсадга мувофиқ?

Мустақилликдан кейин яратилган дарсликларда лиро-эпик асарларни ўқитиш юзасидан яхши бир тажриба қўллаб кўрилди ва амалиётда кутилган натижаларни берди. Унга кўра асардан олинган парчалар келтирилар экан, асар сюжети ҳақида тўлиқроқ тасаввур уйғотиш учун аввал насрий бошланма ва турли ўринлардан олинган қисмларини ўзаро боғлаш мақсадида насрий изоҳлар бериб борилади. Бу оқилона ижодий ёндашув даставвал Б.Қосимов, Н.Жумаев, С.Олимовларнинг 10-синф дарслигида [202; 183–226-б.] синов тариқасида қўлланган эди. Кейинчалик биз яратган 7-ва 9-синф дарсликларида [145; 304–341,146; 70-87-б.] давом эттирилди ва ривожлантирилди. Айни шу тажриба 5-синфда “Қутадғу билиг”дан парчаларни ўқитишда қўл келишини тажрибаларимиз давомида кузатдик.

Достон ўрганиладиган биринчи соатнинг дастлабки дақиқаларида а) муаллиф ҳақида маълумот; б) асар номланиши ва унинг маъноси (“Қутадғу билиг” – “Саодатга элтувчи билим”); в) достонда асосан тўрт бош образ борлиги ва улар орқали қўтарилилган масалалар (Кунтуғди элиг – адолат,

Ойтўлди вазир – давлат, вазирнинг ўғли Ўгдулмиш – ақл, унинг қариндоши Ўзғурмиш – қаноат); г) асарнинг мазмуни шу тўрт образ ўртасида бўлиб ўтган сұхбат, савол-жавоблардан иборат эканлиги айтиб ўтилади. Сўнг асар сюжети тўғрисида тасаввур уйғотувчи ўта қисқа насрий бошланма-изоҳ дарсликда берилади ва ўқитувчи уни айтиб беради. Унда Ойтўлдининг одил хукмдор Кунтуғди элиг хузурига бориб унинг хизматига кириши, ўзаро сұхбатларда унинг донишмандлиги аён бўлгач, вазир этиб тайинланиши, бир неча йил саройда хизмат қилиб, подшоҳга кўп насиҳатлар қилиши, саволларига жавоб бериши, вафоти олдидан ўғли Ўгдулмишга Кунтуғди элиг хизматига боришни васият қилиши ва у ҳам бунга риоя қилиб хукмдор хузурига келиши, савол-жавоб, сұхбатлар асносида отаси каби оқил инсон эканлиги билингач, у ҳам вазир этиб тайинланиши баён этилади. Насрий баён “Ўгдулмиш қаноат тимсоли бўлган Ўзғурмиш билан узоқ мулоқотда бўлади. Улар бир-бирларига фойдали насиҳатлар қиласидилар. Шундай сұхбатларнинг бирида Ўзғурмиш оддий одамлар билан муомала қилиш, улар билан муносабатга киришиш сирлари билан қизиқади. Ўгдулмиш халқ орасидаги бир неча тоифа, уларнинг жамиятдаги ўрни тўғрисида тушунча беради. Хурматли ўқувчи! Қуйида асардан Ўгдулмишнинг баъзи тоифаларга берган баҳоси ва таърифини келтирмоқдамиз. Ўйлаймизки, улар билан танишиш Сизнинг ҳаёт ҳақидаги қарашингизни кенгайтиради, тушунчангизни бойитади” қабилидаги жумлалардан кейин танланган парчалар келтирилади. Шунда мазкур насрий изоҳ шеърий парчалар билан биргалиқда лиро-эпик асар тусини олади. Ҳар бир шеърий парчага алоҳида савол ва топшириқлар тузилган бўлиши керак. Мавзуга ажратилган машғулот сўнгига ўрганилган парчалар мазмуни, ғояси, бадииятидаги умумийлик, ўқувчиларнинг олган таассуротлари юзасидан сұхбат ўтказилади. Жалолиддин Румийнинг 6-синфда ўрганилиши тавсия этилган “Маснавий”си, Ҳувайдонинг “Роҳати дил” достонидан парча, шунингдек, жорий дастур бўйича ўқитилаётган Муқимиининг “Саёҳатнома”си ва “Танобчилар” ҳажвиясини ўрганишда бу каби насрий бошланма ва баёнларга

Эҳтиёж йўқ. Чунки олинган парчалар ёки асар мустақил тарзда ҳам қизиқарли сюжетга ва ёрқин образларга, яъни лиро-эпик асар шаклига эга. Тахлил асарнинг тузилиши, жанри, композициясидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади. Бу асарлар вақт тақозосига кўра мисрама-мисра, байтма-байт тахлил қилинмайди. Фақат айрим мураккаб ифодали банд ёки байтлардагина бу тахлил шаклига мурожаат қилиниши мумкин. “Саёҳатнома”ларда ҳар банд (тўртлик)ни, маснавий шаклидаги асарларда эса лавҳалар ўзгариши, таъриф ва тавсияларнинг ўзаро алмашиниши олдидан қисмларга ажратиб тахлил қилинади ва бу билан синф ўқувчиларининг матнни қай даражада тушунаётганликлари, идрок этаётганликлари назорат қилиб борилади. Ҳар бир банд ёки ўқитувчи томонидан олдиндан ажратилган қисм бир ўқувчи томонидан ўқиласди ва шарҳ қилинади. Тавсия қилинаётган асарларга хос бўлган матн тилининг у қадар мураккаб эмаслиги, ифоданинг соддалиги мазмунни ўзлаштиришда қийинчилик туғдирмайди. Тахлил давомида ўқувчиларнинг асарда тасвирланган ҳаёт мураккабликларини, манфий ва мусбат томонларни кўра олишлари, образлар хатти-харакати, гап-сўзларига қараб уларнинг ички оламини, характер хусусиятларини идрок этишлари муҳим. Энг асосийси, 5- ва 6-синфларда лиро-эпик асарларни тахлил қила олиш қўнишка ва малакаларини шакллантириб олиш керак. Шунда ўқувчилар кейинги синфда Навоий “Хамса”сидан олинган тили оғир, ифодаси мураккаброқ бўлган парчаларни ўзлаштиришга билим, малака борасида, шунингдек, ҳам ақлан, ҳам руҳан тайёр бўладилар.

7-синфда “Сабъаи сайёр”дан “Мехр ва Суҳайл” ҳикояси ўрганилади (олдинги дастурга кўра “Ҳайрат ул-аброр”дан “Шоҳ Ғозий” ҳикояти ҳам киритилган эди). Аввало адабиёт ўқитувчиси дарслиқдаги маълумотлар асосида «Хамса» асари, унинг ўзига хос белгилари, унга қўйиладиган талаблар, “Хамса” ва достонларнинг ғоявий-бадиий йўналиши тўғрисида қисқа маълумот бергани маъқул. Ўқувчилар «Хамса» оламига киритиб олингач, достондан олинган парча ўқиб-ўрганишга тутинилади.

Ғазалларни ўрганишда қўлланган тажриба Навоий достонларини ўзлаштиришга ҳам татбиқ қилинади. Тўғрироғи, у давом эттирилади, янада ривожлантирилади. Бу дарсда энди ўқувчига таҳлил жараёнида, аввало, мисра ва байтнинг мазмунидан келиб чиқиб, матнга мувофиқ келадиган зарур сўзларни қўшиб, уни кенгайтириб олиш зарурлиги ўргатилган, мумтоз асарлар матнида жуда кўп учрайдиган араб ва форс тилларига хос бўлган изофа тўғрисида тушунча берилади. Ўқитувчи етовида 5-6 байт шарҳлангач, таҳлил қилиш аста-секин кўпроқ болалар зиммасига юкланаверади ва охири бориб уларнинг дарсдаги мустақил фаолиятига айланади. Ҳар бир байтнинг таҳлили қуйидаги тартибда амалга оширилса, кутилган педагогик натижани беради: 1) тушунилиши қийин сўзлар маъноси аниқлаб олинади; 2) ўқувчилар байтда изофали бирикма бор-йўқлигини аниқлайдилар, агар бўлса, уларни изофадан чиқарадилар; 3) ўқувчилар байт ёки мисраларни одатдаги гап бўлаклари тартибига келтириб, матн маъноси талабига кўра матнни тўлдирувчи қўшимча сўзларни қўйиб оладилар; 4) байтда шоир билдираётган фикрларни ўз сўзлари билан тушунтириб берадилар. Лекин дарс бутунлай матн (байт)дан маъно чиқариш машғулотига айланиб қолмаслиги керак. Айрим ўқитувчилар шогирдлари топшириқни кутилгандай уddaлаётганига берилиб кетиб, ҳар бир маснавийдан келиб чиқадиган ҳаётий мазмунни, ундаги бадиий жозибани аниқлашни унутадилар.

2005 йилда чоп этилган 7-синф “Адабиёт” дарслигига “Хайрат ул-аброр” достонининг “Салотин бобида” қисмидан бир нечта байтлар қуйидагича таҳлил қилиб кўрсатилган: “*Эй, фалак авжидин ўтиб рифъатинг, Ою қуёшидин чолиниб навбатинг*”. Байтдаги тушунилиши қийин сўзлардан «рифъат» — баландлик, улуғворлик, «навбат» — ногора маъноларини англатади. Гап бўлакларини одатдаги тартибга келтириб олсан, қуйидагича ҳолат пайдо бўлади: «Эй, улуғворлиги фалакнинг энг юксак нуқтасидан ўтган, Ноғоранг эса ою қуёшдан чалинган». Байт яна ҳам тушунарли бўлиши учун сўзлар маъносига қўшимча аниқлик киритиш зарур. Бу парча “Салотин” (султонлар) мақолати эканидан келиб чиқиб, “Эй” деб султонга мурожаат

қилинаётганини кўзда тутамиз. Султон шу қадар улуғворки, унинг шавкати осмоннинг энг юқори нуктасидан ҳам ошиб кетган. Иккинчи мисрани тушуниш учун фикрни кенгроқ олиш, хаёлни баландроқ парвоз эттириш керак бўлади. Хўш, ноғора нимага ўхшайди? У қандай қилиб ою қуёш томонидан чалиниши мумкин? Маълумки, ноғоранинг икки томони бўлади ва бу томонлар шаклан ой ва қуёшга ўхшайди. Чалинган ноғорадан овоз чиқади. Овоз бу – овоза демак. Овозанинг баландлиги ҳам ой билан қуёшнинг жойи сингари юксакда. Биринчи мисрадаги “рифъат”, “фалак авжи” сўзларидаги кўтаринкилик билан боғласак, у шунчаки овоза эмас, мақталган, шаън овозадир. Демак, иккинчи мисра маъносини қўйидагича талқин этиш мумкин: «Ой ва қуёш, яъни ноғоранинг икки тарафи сенинг овозангни (шаънингни) ўзларининг жойи бўлган кўкка таратади». Кейинги байтнинг таҳлилида ҳам шу йўсинда иш тутилса, таҳлил самаралироқ бўлади: **“Тахтинг ўлуб давлати жовиди мулк, Сояи чатринг аро хуршеди мулк”**. Луғатга эътибор қаратилади: ўлуб – бўлиб; давлат – баҳт, саодат; жовид – абадий, ҳамиша; мулк – мамлакат; чатр – чодир; хуршед – қуёш.

Биринчи мисрада бирин-кетин иккита изофали боғланиш бор: «давлати жовиди мулк». Олдин айтганимиздек, изофадан чиқариб ўзбекча гап қурилиши талабига мослаш учун мисра охиридан сўзларни тескари тарзда жойлаштирамиз: «мамлакатнинг абадий саодати». Бу бирикма шу ҳолича унчалик аниқ маъно ифодаламаса-да, унда биринчи мисранинг умумий мазмунини келтириб чиқариш имкони бор: «(Сенинг) тахтинг мамлакат учун абадий саодатдир». Иккинчи мисрадаги изофали бирикмалар сони иккита: сояи чатр – чодиринг сояси; хуршеди мулк – мамлакат қуёши. Султоннинг чодири дейилганда унинг саройи кўзда тутилаётганини ўқувчилар бир қарашдаёқ англайдилар. Мисра мазмуни: «Саройинг сояси аро мамлакат қуёши кўринади». (Олдин айтилганидек, “кўринади” сўзини ўзимиз қўйиб оламиз).

Султоннинг тожу таҳтни улуғлаши тасвирланган кейинги байтни ҳам шу усулдан фойдаланиб шарҳлаш мумкин: **“Тож бошингдин бўлибон**

сарбаланд, Тахт аёгингдин ўлуб аржуманд”. Байтдаги икки сўзнинггина маъносини изохлаш керак бўлади: сарбаланд – юксак, аржуманд – азиз.

Ушбу байт олдинги иккитасига нисбатан енгил тушунилади: «Тож бошинг (туфайли)дан юксалди, Тахт аёғинг (туфайли)дан азиз бўлди».

Султонлик тождорнинг хизмати эмас, балки Яратганнинг инояти эканлиги эслатилган қуидаги байт таҳлилида ҳам таклиф этилаётган усулдан фойдаланиш кутилган самарани беради:

Ҳақки, солиб сояи раъфат санга,

Рўзи этиб тахти хилофат санга.

Байтдаги «соји раъфат» изофали биримаси – меҳрибонлик сояси; «рўзи этмоқ» – насиб этмоқ; яна бир изофа бўлган «тахти хилофат» – халифалик (ўринбосарлик) тахти, ҳукмдорлик маъноларини ифодалайди. Яъни, Ҳақ таъало сенга меҳрибонлик кўрсатиб, ҳукмдорлик тахтини насиб этди.

Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонидан олинган каттагина парча – “Меҳр ва Сухайл” ҳикоясини ўрганиш бўйича олиб борилган изланишлар ва улар асосида ёзилган дарслик ва қўлланмада мавжуд тажрибалар янада ривожлантирилди ва такомиллаштирилди. Гарчи достоннинг ўзида бўлмасада, ўқувчига тушунишни енгиллатиш учун ушбу парча тасвирлар ўзгариши, воқеалар алмашинувига қараб олти қисмга бўлинди ҳамда уларнинг мазмунига кўра сарлавҳа берилди. Ҳар икки қисм матнидан сўнг уларнинг мазмунига тегишли савол ва топшириқлар ишланган. Ўқитувчи соатларни қуидагича тақсимлаши мумкинлиги қўлланмада кўрсатиб ўтилди: I–III қисмларга бир соат, IV–V қисмларга бир соат ҳамда охирги соат ВИ қисм, Навоий ижоди бўйича ўргатилганларни тақрорлаш ва учта шеърий санъатни ўргатишга бағишиланади.

I–III қисмлардаги ҳар бир байт остига уларнинг табдили берилган:

I. Сув ва қуруқликда зулмни ўзига касб қилиб олган золим қароқчи ва унинг макони таърифи:

Бор экандур Аданда жавр фане,

Жавр қилмоқ фанида сафшикане.

Аданда жабрни фан – касб (қилган киши) бор эди,

(У) жабр қилиши фанида сафиикан, яъни қаҳрамон эди.

Бори манзил ўлуб савоҳил анга,

Соҳили баҳр ўлуб манозил анга.

Барча манзиллар унга соҳил бўлиб

Денгиз соҳиллари унинг манзиллари эди.

Ҳам тануманду ҳам шужоу далер,

Ул сифатким жазира ичраки шер.

(У) ҳам кучли, ҳам ботиру қўрқмас (бўлиб),

Бу сифатлари (билан) жсангалзор ичра шер(га ўхшарди).

Ахзи моли ҳаром коми ўлуб,

Бўйла ком истабон ҳароми ўлуб.

Мақсади ҳаром, яъни ўзгалар молини талаши бўлиб,

Бундай истагидан (у) ҳароми(га айланганди).

Ўқувчи аввал дарсликдан ҳар бир байтни диққат билан ўқийди, кейин уни сатрлар остида бугунги тилда берилган мазмунни билан мисрама-мисра солишириди. Унда тушунилиши қийин сўзлар маъноси чизик (дефис) ёки “яъни” сўзидан кейин келтирилди. Агар бундай сўзлар бир неча марта такрорланса, маъноси изоҳланмай ўз холича қолдирилди. Қавс ичида эса мисраларда бевосита бўлмаса-да, байт мазмунидан келиб чиқиб қўйиб олиниши керак бўлган сўзлар келтирилди. Агар ўқувчилар шу уч қисм орқали байт мазмунини чиқаришни пухта ўзлаштирсалар, парчанинг қолган қисмини улар ўzlари мустақил тушуниб, таҳлил қила оладилар.

Ўқувчининг байтлар табдилини ўқиб, “Мазмуни шундай экан-да”, – деб ўтиб кетаверишига йўл қўймаслик керак. Чунки табдил байтнинг маъносини билиш учунгина келтирилган эмас. Эътибор қилинса, байтда қўлланган ҳар бир сўз табдилда ўз мисрасида қолдирилган. Ўқувчининг байт ва табдилни сатрма-сатр солишириб, мумтоз матнда сўз кўлланиши, фикрни ифодалашнинг ўзига хослиги ҳақидаги тушунчаларини бойитиши бу усулдан кўзланган бирламчи мақсаддир.

Бошланишига болалар ўқитувчи раҳбарлигига 10–15 байтдаги мисраларни, ҳатто ҳар бир сўзни таҳлилий нигоҳдан ўтказадилар. Бунда мисралардаги инверсия, изофа, сўзларнинг ўз ва қўчма маънода қўлланиши, тушунилиши қийин бўлган сўзлар изоҳи, бундай сўзлар бир неча марта такрорланганда изоҳсиз берилиши, қавс ичидаги матн талабига кўра қўйиб олинган сўзлар – умуман, табдилдаги барча жиҳатларга диққат қаратилиши керак. Кейин кўрсатилган намунада таҳлил қилишни давом эттирадилар.

Ҳикоядаги ҳар бир лавҳа ва тасвиirlар ўз ўрнида изоҳлаб кетилиши керак. Асарни тушуниш ва изоҳлашда китобхонга енгиллик туғдирувчи жиҳат шуки, Навоий муаллиф сифатида образлар, воқеалар, ҳолатларга бетараф турмайди, уларга салбий ёки ижобий муносабатини очиқдан-очиқ билдириб турди. Воқеалар аввалида таништирилган бош қаҳрамонлардан бири Жобир жисмонан ҳамда ақлу фаросат борасида табиатан сийланган одам. “Ҳам тануманду, ҳам шужоу далер”, тадбиру ройда мислсиз бу шахс ўзига ато қилинган шунча фазилатларни эзгуликка эмас, “Ахзи моли ҳаром”, яъни қароқчиликка йўналтирган. Демак, инсон ҳар қанча ақл-идрок, куч-қудратга эга бўлмасин, бу хислатлар тўғри йўналтирилмаса, тоза маънавиятга йўғрилмаган бўлса, у энг тубан бир кимсага, Навоий таъбири билан айтганда, “Бўйла ком истабон ҳароми”га айланиши ўсмиirlарга изоҳлаб берилади. Мехр, Суҳайл, Навдар ва Нуъмон тасвирида, характерлари баёнида, хатти-харакатларида эса ибрат бўладиган талай жиҳатлар борлиги кўрсатилади.

Ўқитувчи Мехрнинг саккиз байтда моҳирона чизилган портретига эътибор қаратади. Улардаги муболағавий тасвиир, сўз ўйинлари воситасида ўсмиirlар Навоийнинг сехрли бадиий оламини кашф қиласидилар. Тутқинликдаги ошиқ-маъшуқлар изтироби, фарзандлари мусибатидан ўртанаётган оталар кечинмалари тасвири орқали уларда инсон дардига ошно тутиниш, қайғусига ҳамдам бўлиш туйғулари тарбияланади.

Достондаги ҳаётий лавҳалар, қаҳрамонлар тушиб қолган вазиятлар таҳлили орқали тарбияланувчиларни ҳаётга, турмушга тайёрлаш мақсади ҳам амалга оширилади. Ҳар бир образда ўқувчилар ўзлари учун ибрат бўлгулик

рамз, ишораларни англашлари, асарнинг мавзуси, мазмунига кўра янада кенг, юқорироқ миқёсдаги миллий ва умуминсоний ғоялар талқин этилганлигини идрок этишлари ушбу матнларни ўрганишдан кўзланган асосий мақсад саналади. Достонда Мехр, Суҳайл ва Нуъмон шоҳ кўргуликлари билан баъзан инсоннинг тақдир бўрони қўлида ожиз қолиши мумкинлиги, Навдар шоҳ мисолида масъулиятли дамларда ўткинчи ҳавасни деб ўз вазифасини бир зумгина бўлсада унуган одамнинг омадсизлик илгидат тутқин бўлиши, бош қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари тасвирида инсон ҳар қандай оғир дамда ҳам умидсизланмаслиги ва курашдан чекинмаслиги лозимлиги, Жобир тимсоли орқали ҳар қандай зулм бир кун келиб барҳам топажаги каби ҳаётий ҳақиқатлар ўзининг бадиий ифодасини топган. Шунингдек, муаллиф мамлакатларнинг қўшилишини тасвирлаш орқали миллий бирлик ва марказлашган давлат ғоясини ҳам илгари суради. Асар қаҳрамонларининг исмларида ҳам рамзийлик бор. Бош қаҳрамонлар исми жисмига монанд: Мехр – қуёш, Суҳайл – порлоқ юлдуз, Жобир – жабр қилувчи, Навдар яшайдиган шаҳар Биҳиштсаро – жаннатга ўхшаш маъносини ифодалашига ўқувчилар эътибори тортилиши керак.

Дастурда тушунча берилиши тавсия қилинган шеърий санъатларни ўргатишда икки хил йўлдан бориш мумкин: ҳикоя матни ўзлаштирилган, улар ҳақида дарслиқда берилган назарий маълумотлар ўқиб ўрганилади ёки Навоий асарлари ўрганилаётганда шу уч шеърий санъат қўлланган байтларни таҳлил қилиш асносида тушунча бериб кетилади.

Навоий эпик ижодини, умуман, лиро-эпик асарларни ўрганишда ўқувчиларнинг қуидаги фаолиятларига эътибор қаратилади: а) байтларда ифодаланган фикрни тушунишлари; б) муайян бир тасвир, тавсиф ёки воқеий лавҳалар баён этилган парчаларни ўқиб, яхлит идрок этишлари ва шарҳлай олишлари; в) асар бадииятини хис этишлари; г) асар таҳлилида назарий маълумотлардан фойдалана олишлари; д) достондаги бадиий ҳақиқатларни ҳаётга боғлай олишлари; е) ёдланган парчани ифодали ўқишлиари ҳамда таҳлил қила олишлари. Ушбу фаолият кўникмаларини эгаллаган ўқувчилар

8- ва 9-синфларда мураккаблик даражаси бир оз юқори бўлган достонларни ўрганишга тажрибага кўра тайёр ҳамда руҳан созланган бўладилар.

8-синфда рамзийлик асосига қурилган “Кутадгу билиг” достонидан парчалар ўрганилади. Бу асарни ўрганиш бўйича методик қўлланмалар яратилган [192], уни таълим босқичларида ўқитишга бағишлиланган номзодлик иши [16] амалга оширилган. Мазкур тадқиқотларда адабий таълимда достонни ўрганиш йўриқлари етарли очиб берилган. Бу илк туркий достон мисолида ўқувчилар ижтимоий-ахлоқий тушунчалар моддийлашувини кузатадилар, мумтоз адабиётга хос бўлган рамзийликни чуқурроқ, теранроқ англай бошлайдилар. Тўрт асосий образларга ном қўяр экан, бунда адиб уларга юклатилган рамзий маънолардан келиб чиқади: Кунтуғди – элиг,adolat рамзи; Ойтўлди – вазир, давлат рамзи; Ўгдулмиш – вазир ўғли, кейинчалик вазир, ақл рамзи; Ўзғурмиш – вазирнинг қариндоши, қаноат рамзи. Бу рамзларнинг моҳияти қуидагича тушунтирилмоғи лозим: Кунтуғди кўтарилиган қуёш демак. Қуёш кўрилганда табиатдаги бутун борлиққа тенг нур сочади, иссиқлик, тафт улашади. Бу билан муаллиф жамиятда қайсиdir бир шахс ёки сулола эмас, балки АДОЛАТ ҳукмдор бўлиши лозим деган қарашни илгари суради. Ойтўлди тўлган ой маъносини беради. У ифодалаётган давлат рамзи бойлиқ, яъни иқтисодий тўқинлик маъносидадир. Демак, давлат (иқтисод) тўлин ой каби жамиятнинг қоронғу кечаларини ёритади. Иқтисодий баркамоллик бўлган жойдаadolat қарор топиши осон кечади. Шунинг учун ҳам у вазир, яъни подшонинг ўнг қўли сифатида талқин қилинган. Ўгдулмиш исми ҳам қўшма сўз бўлиб, қадимги туркий тилда ўг – ақл, дўлмиш – тўлган сўзларининг архаик шакли эканлигини болаларга уқтириб ўтиш ўринли бўлади. Ақлга тўлган маъносидаги бу образ донишмандлик, тадбир, ақл тимсоли. Ақл ва тадбирга таянган давлат иқтисодий тараққий қилади ва у ердаadolat ўрнатилишига асос бўлади деган фикр Ўгдулмиш воситасида сингдирилади. Лекин ҳар қандай мамлакатда хаёт бир текис кетмайди – маълум бир даврда ривожланиш бўлса, пайти келиб, бир жойда депсиниш ва ҳатто инқизозлар

бўлиши мумкин. Шунда жамият аъзоларидан сабр-қаноат ва ҳушёрик талаб қилинади. Бу шартни адиб Ўзғурмиш (бу исм *уйғоқ*, *ҳушёр* маъноларини беради) тимсолида талқин этади. Маънавияти уйғоқ, ижтимоий талотумларда қаноатли, сиёсий ҳушёр аъзоларга эга бўлган жамият ақлу тадбирга таяниб, давлат ва адолатни қўлдан бой бермайди. Достонни ўрганишда ана шу ижтимоий-фалсафий қарашлар мазкур рамзий образлар хатти-харакати, ўзаро сұхбатларида қай тариқа ифода этилганлиги машғулотлар дикқат марказида бўлмоғи лозим.

9-синфда ўзбек, умуман туркий адабиётнинг шоҳ асари бўлмиш “Хамса” ҳақида батафсилоқ маълумот берилади. 5-синфдан шаклланиш босқичларини ўтаб, ривожлантирилиб келинган билим ва малакалар натижаси ўлароқ ўқувчилар дарсликда берилган лугат ёрдамида матн мазмунини ўзлаштира оладилар, уни ғоявий-бадиий жиҳатдан таҳлил қила биладилар. Ушбу матнларни ўрганиш бўйича тажриба натижаларига асосланган тавсиялар “Адабий сабоқлар – 9” [148;28-53-б.] методик кўлланмасида берилган.

9-синфда “Фарҳод ва Ширин” достонини ўрганишга тўрт соат ажратилган ва шунга кўра олинган парчалар ҳам дарсликда тўрт қисм қилиб берилди. Асарнинг турли жойларидан олинган парчаларни яхлитлаш, мазмунан боғлаш учун тушунтириш-изоҳ берилган. Ҳар бир қисмдан кейин матн устида ишлашга йўналтирилган савол ва топшириклар тузилган. Асар икки босқичда ўрганилади: дастлаб сюжет билан танишиш, асар мазмуни ҳамда бадииятини таҳлил қилиш орқали достоннинг *зоҳирий маъноси* ўзлаштириллади. Иккинчи босқичда бир соат давомида дарсликда берилган комил инсон ҳақидаги назарий маълумотни ўрганиш, у ҳақда тушунча бериш асносида достоннинг *ботиний маъноси* ҳақида сўз юритилади. Асарни зоҳир юзасидан ўрганиш тавсиялари методик кўлланмада берилди. Ботиний мазмуни эса дарсликдаги комил инсон ҳақидаги назарий маълумотда бир қадар очиб берилган. Ўқувчиларга уни кенгайтириб тушунтириб берилмоғи лозим. Ўзининг муҳтасар маъruzасида ўқитувчи бу достон Фарҳод исмли

йигитнинг Ширин исмли қизга ошиқ бўлиши ва унга етишиш йўлидаги ҳаракатлари, лекин ошиқ-маъшуқларнинг бир-бирларига етишолмай ҳалок бўлганлари тўғрисидаги асар эмаслигини тушунтириш билан бошлаш керак.

Сюжет воқеалари бошланадиган Чин мамлакати, ҳоқон образлари ҳам бир рамздир. Достондаги Чин ҳозирги Хитой эмас, у чин покиза эътиқод, юксак маънавият макони (оила, муршид даргоҳи каби) бўлиши мумкин. Ҳоқон эса ана шу макон, даргоҳнинг раҳбари. Арман юрти Навоий даври одамлари учун олис мамлакат тимсоли эди. Шунинг учун бу юрт достонда ботинан висол манзили – илоҳий бир манзилни ифодалайди. Ширин эса гўзал бир қиз образи эмас, илоҳий маконга интилувчи кишига насиб этажак **висол** рамзи ўлароқ талқин этилиши мумкин. Шундан келиб чиқсан, Фарҳод Яратганинг висоли (Ширини)га интилаётган **солик** бўлиб чиқади. Ўқитувчининг йўналтирувчи саволлари ёрдамида ўқувчиларнинг ўзи бу хулосага келишлари мумкин. Саволга жавоб беролмаганлари тақдирда ҳам бу сўровлар ўқувчилар диққатини мазкур муҳим нуқтага қаратилишига хизмат қиласди. Шу ўринда ўқитувчи тариқат, солик – сўфий, муршид, тасаввуф йўлидан кўзланган мақсад тўғрисидаги тушунчаларни эслатиб ўтиши жоиз.

Тўрт фаслга мослаб қурилган тўрт қаср тамсили устида ҳам дарсда алоҳида тўхталиш керак. Тўрт фасл инсон ҳаётининг тўрт босқичи: болалик, ёшлиқ, ўрта ва кексалик даврларини билдиради. Шоирнинг “Хазойин ул-маоний”сидаги тўрт девон шу тахлит тартибланганлигини тарбияланувчиларга эслатиш орқали мазкур фикрни асослаш мумкин. Қасрлар эса умрнинг шу босқичларида инсон ботинида – қалбида қуриш, яъни шакллантириш керак 1) илм; 2) амал; 3) маърифат; 4) маънавият рамзларидир. Уларни ботинда шакллантирғандагина инсонда комиллик сифатлари бўй кўрсата бошлади. Бу ўз-ўзидан бўлмаслиги, ғоят мураккаб ва машаққатли иш эканини ўқувчиларга уқтириб, Фарҳоднинг устозлари образларига ўқувчилар эътибори тортилади. Улар шунчаки ҳунарманд усталар образлари эмас. Боний – қўнгилга ишқ биносини қурган ва қуришни

ўргатган пири комил. Моний – Оллоҳ ишқини қалбга нақшлаш сирларини англатган устоз. Коран – күнгилдаги тошдан ҳам қаттиқ нафсоний истакларни парчалаш илмини билдирган муршид.

Шунинг учун ҳам дарсликда Фарҳоднинг касбларни устозлари даражасида ўзлаштириши, ҳатто баъзисидан ўзиб ҳам кетганлиги ҳақидаги насрий баёндан кейин “*Бирақим зор йиглаб – йиглаб ул зор*”, “*Бўлуб эл андуҳидин кўнгли ғамнок, Яқо чокин кўриб, кўксин қилиб чок*” каби сифатлари ва ҳолатлари ифода этилган бир неча байтлар келтирилганки, покиза эътиқод, соф маънавият, юксак маърифат эгаларигина ана шундай мушфиклик фазилатига эга бўлишлари талқин этилганини тарбияланувчиларга сингдириш мақсади кўзланган.

Шу тариқа рамзлар кетидан рамзлар келишини ўсмирлар кузатиб боришлари керак. Мамлакат хазинасидаги сандиқда сақланаётган кўзгу инсон кўнгли, ечилиши лозим бўлган тилсим, одамни поклаш йўлидир. Тилсимни ечиш учун отланиш керак бўлган сафарнинг оғир, хавфли деб таърифланиши ҳам бежиз эмас. Негаки тасаввуфга кўра инсон учун энг машаққатли юмуш кўнгил поклигига эришишдир. Бу йўлда асар бош қаҳрамони аждарҳони, Аҳриман девни ҳамда темир одамни енгиш каби шартларни бажаради. Енгилиши керак бўлган бу маҳлуклар орқали энг катта душман бўлмиш **нафснинг** рамзий тимсоллари берилган. Тилсим қўлга киритилгач, кўзгуда Шириннинг акси намоён бўлиши орқали Навоий покланган кўнгилда Аллоҳ жилваси зухур этади деган ҳақиқатни илгари сурғанлигини тушунтириш орқали адабиёт муаллими шогирдларига вахдат ул-вужуд таълимоти моҳияти борасида ҳам илк тушунча бериб ўтиши мақсадга мувофиқ бўлади. Кейинчалик бу тушунча Машраб ижоди ўрганилганда кенгроқ шарҳ этилади.

Арманистондаги метин каби тошлардан иборат тоғни кесиши машаққатига маҳкум кишилар Яратган ризолиги, васлига даъвогар кишилар образи, тоғ эса маҳв қилиниши қийин бўлган нафс тимсолидир. Бу ердаги одамлардан фарқли ўлароқ Фарҳод нафсни енгиш илмини устоз-пири

комиллардан ўргангани ва бу борада тажрибаси борлиги учун бошқалар узок йиллар мобайнида жойидан силжитолмаган ишни – темир каби метин тоғни оз фурсатда тешади, яъни ўз ботинидаги нафсни маҳв қила олади.

Хусрав ва Шеруя образларига келсак, улар Фарходга бутунлай зид, унга тамоман тескари моҳиятдаги шахслардир. Агар Фарход нафсни енгиб, уни ўзига бўйсундирган бўлса, бу образлар ўз нафсларига тобе бўлган тубан кимсаларни гавдалантирганлигига дикқат қаратилади. Бу, айниқса, Фарход ва Хусравнинг диалог-айтишувида яққол намоён бўлгани учун дарслиқда мазкур мунозара тўлиқ келтирилди.

Бош қаҳрамонлар ўлимининг фожеа эмас, балки муродга етишиш воситаси эканлигини дарсда алоҳида уқтирилади. Мунозарада Хусравнинг: “Ишқ ичра қатлинг ҳукм этгум!” – деган пўписасига Фарход: “Ишқида мақсадимга етгум!” – деб жавоб бериши ҳам бежиз эмас эди. Илоҳий висолга лойик даражада комиллашган, Яратганинг ризолиги ва лутфига эришган зотларга бу дунёдаги тириклик мақсад йўлидаги тўсиқдан бошқа нарса бўлмай қолади. Ўлим уларни ўзлари интилган Мутлақ Маҳбуб висолига эриштиради. Демак, ўқувчилар Фарходнинг ўлимини кўзланган мақсадга етишиш шарти ҳамда орзунинг рўёби эканлигини тўғри англашлари лозим.

Фарходни Навоийнинг, умуман, Шарқ тасаввуф адабиётининг идеали десак, хато бўлмайди. Ушбу идеални адиблар турли даврларда турлича образ воситасида талқин этганлар. Лекин тарбияланувчилар тушунчасида улар факат хаёлий идеал сифатидагина қолиб кетмаслиги керак. Чунки ҳар бир инсон дунёга келиб яшаб ўтар экан, имкони қадар комиллик сари интилиши, мутлақ ҳолда (яъни Фарход даражасида) бўлмаса-да, қўлидан келганича ботиний покланиш томон интилмоғи лозим. Чунки интилган одам эришгани мақоми даражасида мукофотни қўлга киритади. Ёмони интилмаслик, Хусрав кабилар тоифасига мансуб бўлиб қолишлиқдир. Ҳаётда миллатнинг маънавият юлдузлари бўлган улуғлардан, устоз-муршидлардан ишқ сирларини, покланиш илмини ўзлаштирган инсонгина ҳаётлик даврида ўз ботинида дев, аждаҳо, арслондек бўлган нафсоний иллатларни енга билади,

кундалик ҳаётда дуч келадиган ўз нафсига қул Хусрав, Шеруя каби одам қиёфасидаги шайтонларга бас кела олади. Бир сўз билан айтганда, у инсоний ўзлигини йўқотмай, покланиш йўлида давом этади. Покланишга эришган комил инсон айни пайтда юксак ахлоқ ва одоб тимсолига айланади. Шу маънода Фарҳод ўзбек адабиётидаги ёш авлодга, умуман инсониятга ибрат бўлгалик мукаммал комил инсон образидир.

Адабиёт ўқитувчиси “Фарҳод ва Ширин” достонини алоҳида масъулият билан ўқитиши шарт. Чунки мумтоз адабиётнинг аксар намуналарига хос рамзийликнинг лиро-эпик асарлардаги кўриниши билан шу достон мисолида ажратилган 4 соат давомида нисбатан мукаммал танишадилар ва у кейинги соатларда ўрганилажак достонлардаги ана шу тасвир усули ва хусусиятларини англашга имкон беради. Навбатдаги уч достондан олинган парчалар “Фарҳод ва Ширин”га қиёсан ўрганилади. Агар “Хамса”нинг бу иккинчи достонида Аллоҳга етишиш йўллари, усуллари баён қилинган бўлса, “Лайли ва Мажнун”да илоҳий ишқ моҳияти ва бу туйғуга йўлиққан кишининг руҳий, жисмоний ҳолати тасвир этилган. Фарҳод Ширин орқали илоҳий висолга етишганидек, Қайс ҳам Лайли воситасида шу муродга ноил бўлди. “Сабъай сайёр”да эса шоҳлик ва ошиқлик бир юрак ва мақсадга жо бўлолмаслиги, улар ҳеч қачон мувофиқ келмаслиги ғояси талқин қилинган. Тўртинчи достон ўрганилишида шоҳ Баҳромнинг Фарҳод ва Мажнундан фарқли томонларига ўқувчилар эътибори тортилиши лозим. Достон сюjetи, мазмун ва ғояси тўғрисида маълумот бериб, дарсликда келтирилган парча ўрганилгач, “Баҳром Фарҳод ва Мажнун образларидан фарқ қиласими? Фарқланса, сизнингча, қайси жиҳатлари билан ажралиб туради?” кабилидаги савол бериш ўринли бўлади. Агар олдинги икки достон рисоладагидек ўрганилган, уларнинг моҳияти тўғри тушунирилган бўлса, ўқувчилар бу саволга қийналмай жавоб бера оладилар. Баҳром ошиқлик неъмати билан дунё лаззатларини келиштирмоқчи бўлди, ишқ қавмининг – Фарҳод ва Мажнунларнинг таомили, яшаш тарзига зид ўлароқ дунёвий истаклардан, нафсоний ҳаваслардан воз кечолмади, шунинг учун ҳам унда комиллик

сифатлари бўй кўрсатмади. Унинг ўлими ҳам олдинги достон қаҳрамонлари ўлимидан фарқ қиласди. Фарҳод ва Мажнун ишқ йўлида жон фидо қилган бўлсалар, Баҳром нафсоний истакларини рўёбга чиқара туриб фалокатга йўлиқиб, жувонмарг бўлди. Аввалги иккаласи шараф билан, муродлари ҳосил бўлиб, Яратганинг хузурига очиқ юз билан қайтган бўлсалар, бу ҳасрат ва армон, қўрқув билан дунёдан кетди.

Кўринадики, Баҳром раҳмоний сифатлар, руҳий поклик, маънавий комиллик билан шайтоний хуруж, нафсоний истаклар чегарасини билмай аросатда қолган шахс тимсоли экан. Ана шу чегара талқини бешликнинг охирги достони бўлмиш “Садди Искандарий”да талқин этилган Қирвон ўлкасида қурилган Искандар девори рамзига ўқувчилар эътибори жалб этилади. Буни “Нима деб ўйлайсиз, бу девор хаёлий ўлкадаги бир иншоотми ёки у орқали шоир қайсиdir тушунчага рамз билан ишора қилганми?” саволини ўртага ташлаш билан эришиш мумкин. Машғулотдаги мунозара, мулоҳазалар девор – бу инсон ботинидаги ёвузлик ва эзгулик, нафс ва ишқ, яхшилик ва ёмонлик орасидаги чегара, тўсик маъносини берувчи рамз эканлиги ҳақидаги ечимга олиб келиши керак. Яъжуҷ-маъжуҷлар эса киши маънавиятини пайҳон қиладиган, уни тубанлик сари итқитадиган нафс лашкарлари тимсолидир. Тасаввуф таълимоти бўйича олган маълумотларига таянган ҳолда ўқувчилар деворнинг бир томонида эзгулик, ишқ бўлса, бошқа томонида нафс, ёвузлик жой олганлигини идрок этадилар. Киши ҳар бир ҳаракати, фаолияти билан у ёки бу томонда бўлиши мумкин. Бироннинг дилига озор бериш, кимнингдир ҳақига хиёнат қилиш, ҳаром нарсалардан қайтмаслик, умуман, Яратганинг амрига осий бўлиш билан киши яъжуҷ-маъжуҷлардан бирига айланади. Бошқаларга меҳр ва мушфиқлик кўрсатиш, хайр саховатли бўлиш, ҳар ишда ҳалоллик, тўғрилик каби фазилатлар билан эса эзгулик, ишқ посбони ўлароқ маънавий юксалади. Дарснинг натижаси ўлароқ ана шу ҳақиқатлар тарбияланувчилар онгиди, тушунчасида қарор топиши мавзудан кўзланган ўзак мақсад саналади.

Учинчи боб юзасидан хулосалар:

1. Назарий билимларни беришда ўқувчиларнинг адабиётдан ва бошқа фанлардан олган билимлари, орттирган тажрибалари, кўникма ва малакаларига таяниш юқори самара гарови бўлиб хизмат қиласди.

2. Ўқувчиларда мумтоз бадиий тафаккур тарзини шакллантирмай туриб, уларнинг мумтоз асарларни ҳам ақлий, ҳам руҳий идрок этиш малакалари эга бўлишларини таъминлаб бўлмайди.

3. Лирик асарлар таҳлили аввало мазмунни ўзлаштиришдан бошланиб, бадииятни кашф қилиниши билан якунланиши лозим. Мумтоз бадиий тафаккур тарзининг барча бадиий-эстетик компонентларидан истеъфода этган ҳолда талқин ва таҳлилни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

4. Насрий асарларни ўқитишида бир томондан бу турдаги асарларнинг ғоявий-бадиий ўзига хослиги эътиборга олинса, иккинчи томондан ўқувчиларнинг лирик асарларни таҳлил қилишда эгаллаган кўникма ва малакаларига таянилади. Айниқса, мумтоз бадиий тафаккурга хос бўлган рамзийлик ва мажозийликни (асосан ҳикоятларда), маъно қатламлилик ҳамда тил хусусиятларини идрок этишда орттирилган тажрибалар қўл келади.

5. Адабий таълимда лиро-эпик асарларни ўқитиши ўқувчиларнинг ҳаётни эпик кўламда идрок этиш, одам, олам ва Яратган олдидаги бурч, масъулиятни англаш, ҳар бир ҳодиса, тасвир, нарса замиридаги ишоралар билан баён этилган, рамз воситасида тасвирланган ботиний ҳақиқатларни англаш, ҳис этиш қобилиятини шакллантиради, ривожлантиради. Мумтоз бадиий тафаккур тарзидаги етакчи образлар портрети, поэтик лексикадан фойдаланиш ҳам бу асарларни ўрганишда эътибор марказида бўлмоғи керак.

6. Ўқувчиларнинг дарсдан ташқарида, ўқитувчининг кўрсатмаларисиз ўз хоҳиш, қизиқиши билан бу даврга мансуб асарларни мустақил ва тўла ҳажмда ўқишига интилишлари 5-синфдан берилган билим, сингдирилган кўникма ва малакалар яхлит ҳолда мумтоз асар китобхонини тарбиялашга муваффақ бўлингандигига далолат қиласди.

IV БОБ. ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИНГ МАЗМУНИ ВА НАТИЖАЛАРИ

4.1-§. Тажриба-синов ишларининг мазмунни ва ташкилий жиҳатлари

Маълумки, умумтаълим мактабларида ўқувчиларни мумтоз адабиёт намуналари билан изчил танишириш 5-синфдан бошлаб амалга оширила боради. Лекин бу давр адабиёти намуналари билан танишиш ўқувчилар учун ҳам, уларни ўқитаётган адабиёт муаллимлари учун ҳам анча қийин кечаётгани бор гап. Тили ҳозирги замон адабий тилига яқин, ифодаси ҳам бир мунча содда бўлган халқ оғзаки ижоди ҳамда янги давр адабиёти намуналарини ўқитиши у қадар мураккаблик туғдирмайди. Негаки, бошланғич синф “Ўқиш” дарсларида бу борада тарбияланувчиларда муайян кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган кўплаб матнлар билан давомли ишланади. Ишимизнинг иккинчи боб биринчи фаслида айтиб ўтилганидек, бошланғич синфларда мумтоз матнларнинг асли билан деярли таниширилмайди, саноқли келтирилган намуналарнинг ҳам асосан тадбили берилади. Ўқувчиларда уларни тушуниш, ўзлаштириш бўйича умуман ҳеч қандай кўникма, малака йўқлиги боис дарс қийин, зерикарли, иштиёқсиз ўтиши табиий ҳолга айланиб қолади. Шу боис ўқитувчилар асосий мақсадга зид ҳолда осон йўлдан бориб, матнларнинг дарсликда берилган табдил варианти устида ишлаш билан чекланадилар ёки ундан ҳам ночор тарзда шунчаки матн мазмунини сўзлаб бериш баъзи ҳолларда эса улардан парча ёдлатиб қўйиши билангина кифояланадилар. Аксар адабиёт ўқитувчилари 5-синфдан ўқувчиларни мумтоз асарларнинг асл матни билан танишириш зарурлиги ва мумкинлигини тасаввур ҳам қилолмайдилар. Бунга мазкур синф дастурига ўzlари ҳам нафакат тушунтириш, балки тушунишга ожизлик қилаётган матнлар киритилгани ҳам сабаб бўлмоқда. Тажриба-синов давомида қўйидаги тамойилларга амал қилинди:

- асарларнинг фақат асл матни билан ишлаш лозим, уларнинг табдили билан чегараланишга умуман йўл қўймаслик;

- изчил, босқичма-босқич тарзда ўқувчиларда мумтоз асарларни тушуниш, идрок қилишнинг асосий омили бўлмиш мумтоз бадиий тафаккур тарзини шакллантириб бориш;
- машғулотларда асосий эътибор асар билан ишлаш, ҳар қандай талқин ва таҳлил матндан келиб чиқсан ҳолда амалга ошириш шартлиги;
- асар мазмунини сўзлаб бериш, сюжетбозликка йўл қўймаслик;
- таҳлилдаги устувор мақсад асарнинг бадиий-эстетик жозибасини, муаллифнинг бадиий маҳоратини очиб беришдан иборат бўлиши;
- ҳар бир адабий жанр бўйича ўқувчиларда таҳлил кўникма ва малакаларини ўқувчиларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб шакллантириш ҳамда ривожлантириб бориш;
- талқин ва таҳлилда автодидактизмга, у ёки бу томон фикрини мутлақлаштириш, ягона ечимга интилиш каби салбий ҳолатларга йўл қўймаслик, балки фикрлар плюрализми, мустақил қарашлар асослови, педагогик ҳамкорлик негизида ишлашни йўлга қўйиш, тарбияланувчиларни бунга одатлантириш;
- адабиёт дарсларида муайян бир ғоя тарғиби ёки инкори чақириқ, уқтириш, насиҳат билангина эмас, балки гўзаллик қонуниятлари асосида тарбияланувчилар кўнглига кучли эстетик таъсир кўрсатиш орқали уларнинг онгига сингдириш йўлидан бориш.

Тажриба-синов ишлари уч босқичда ташкил этилди. Дастребки босқичда 2011 йилгача бўлган тадқиқот ишларида жорий дастурда берилган мумтоз асарларни ўрганиш бўйича изланишлар олиб борилди. Бунда лирик ва эпик асарларни ўрганишда, тушуниш ва тушунишида катта фарқ мавжудлиги намоён бўлди. Рамз ва мажозларга, изофа ва инверсияларга бой, лексикасида ўзлашган қатлам кўп бўлган мумтоз лирикани, шунингдек, баъзи лиро-эпик асарларни тушуниш ифода йўсини халқимиз фикрлаш тарзига бир мунча яқин бўлган насрый асарларга қараганда анча мураккаблиги ойдинлашди.

Масалан, 5-синф ўқувчиларининг аксари дарсликдаги айрим рубоийлар мазмунини чақишга қийналишлари ва шу билан боғлиқ ҳолда уларнинг

бадиий хусусиятларини идрок эта олмасликлари кузатилди. 6-синф дарслигига [141;176-б.] Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонидан келтирилган “Сўз таърифида” бобидан парча ўқувчилар билан бирга дарсда таҳлил қилинганига қарамай, матн сўнгида берилган ўн учта савол ва топшириқларнинг икки-учтасигагина қисман жавоб айта олишгани кўрилди. Дарсликдаги “Достондан олинган парчадаги “*Борча эрур “коф” ила “нун” зодаси*” мисраси замиридаги чукур ҳаётий маънони топишга урининг”, “Парчадаги “*Зодасидин зода бўлиб беадад, Зодага ҳам волид бўлиб ҳам валад*” сатрлари замиридаги чукур маънони талқин этишга урининг”, “*Жон ўлуб ул, рух анинг қолиби, Ким танида рух анинг толиби*” мисраларида ифодаланган сўз, жон ва рух муносабатларининг алоқадорлиги ҳақидаги гўзал тасвирни англаб олишга урининг”, “*Мунчаки шарҳ этди қалам сўзига ҳол, Насридадур, назмига бор ўзга ҳол*” сатрларидаги оддий ва бадиий сўз ўртасидаги фарқнинг ғоят нозик ифода этилганлигини англашга ҳаракат қилинг” каби топшириқларни ўқувчилар бажаролмаганликлари кузатилди. Шунингдек, шу дарсликдаги Навоий рубоийлари учун тузилган “Ўқитувчингиз билан биргаликда “*май*”, “*майхона*” тимсолларининг асл маъносини чақишига урининг. Сиз шеърнинг қаҳрамонини майпаст деб ҳисоблайсизми?”; “*Жондин сени...*” тарзида бошланадиган рубоийда шоирнинг ҳаётсеварлик кайфияти қай тарзда акс этганлигини изоҳланг”; қитъалари учун берилган “*Чун гараз сўздин эрур...*” мисраси билан бошланаган қитъада сўзловчи ва тингловчи муносабатлари хусусида қандай фикр билдирилаётганлигини тушунтиринг”; “*Сўзчи ҳолин бокма, бок сўз ҳолини, Кўрма, ким дер ани, кўргил, ким не дер*” байтида чукур фикр гўзал шаклга солинган. Буюк шоирнинг нозик кашфиётини топишга ҳаракат қилинг. Бунда ажратиб кўрсатилган сўзларга эътибор қилинг” каби савол ва топшириқлар 6-синф ўқувчиси учун анча оғир эканлиги ойдинлашди. 7-синфда эса Турдининг “Ёд мандан ким берур яхши замонлар кўрдиман” мисраси билан бошланувчи мухаммасини ўқувчилар тугул ўқитувчилар ҳам таҳлил қилишнинг уддасидан чиқолмаслигига гувоҳ бўлдик. 8- ва 9-

синфларда барча лиро-эпик асарлардан парчалар, Лутфий, Навоий, Машраб, Огаҳий ғазаллари устида ишлаш ўқувчилар учун оғир кечиши кўрилди. Масалан, Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги 1-мактабнинг 6 “Б”-синф ўқувчиси Сайёра Холмуродова Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр”идаги

Сўз гуҳарига эрур онча шараф
Ким, бўла олмас анга гавҳар садаф

байтини қуидагича шарҳлади: “Сўз гавҳарига шунча шараф эдики, ким унга гавҳар садаф бўла олмайди?” Синфдаги бошқа ўқувчилар ҳам унинг хатосини тўғрилай олмадилар. Улар байтдан маъно чиқаришда яққол кўриниб турган мазмуний номувофиқликка эътибор ҳам бермадилар. Навоийнинг шу синфда ўрганилиши кўзда тутилган **“Жондин сени қўп севармен, эй умри азиз”** мисраси билан бошланувчи рубоийсини биз тажриба ўтказган Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги 1-мактаб, Сирдарё туманидаги 5-мактабдаги бирор ўқувчи шарҳлаб беролмагани ва навбатдаги ҳарфий санъатга асосланган **“Жон”имдаги “жим” ики “дол”ингга фидо”** мисраси билан бошланувчи рубоийси ўқитувчи томонидан тушунтириб берилганда ҳам уни бор нафосати билан идрок этиш, бадиий маҳоратни англаб этиш ўсмиirlар учун анча мураккаб эканлиги кузатилди.

Ўқувчилар мумтоз матнлардаги, айниқса, лиро-эпик асарлардаги ташbihи сарех (очиқ ўхшатиш)даги рамз, яширин ташbihҳ ортида яширинган мазмунни тушунмаганликлари боис байтлар, умуман, матн маъносини чиқара олмадилар. Навоий вилояти Зарафшон шаҳридаги 12-мактаб 7-синф ўқувчиси Аҳмаджон Валиев “Ҳайрат ул-аброр”даги “Салотин бобида” парчасининг дастлабки

Эй, фалак авжидин ўтиб рифъатинг,
Ою қуёшдин чалиниб навбатинг

байтини ўқиб, дарсликда берилган лугатдан фойдаланган ҳолда қуидагича маъно чиқарди: “Эй, фалак авжидан ўтиб баландлигинг, ноғоранг ой ва куёшдан чалинган”. Лекин бу билан шоир нима демоқчилигини шарҳлаб беролмайди. Айни пайтда синфдаги бошқа болалар ҳам.

8- ва 9-синфларда мумтоз матнларни оғзаки шарҳлатиш билан бирга ўқувчилардан ёзма ишлар ҳам олинди. Ёзма ишларнинг биринчи тури дастур талабига мувофиқ иншодир. 8-синфда “Мұхаббатнома” – нома жанрининг ибтидоси”, “Лутфий шеърияти шайдосиман”, “Навоий ғазалларидан олган таассуротларим”, “Нодира шеърларининг жозибаси нимада?”; 9-синфда “Хамса” – Навоий даҳосининг намунаси”, “Фарҳод – Навоий орзу қилган комил шахс”, “Машраб – аналҳақ шоир”, “Оғажий – юксак маҳорат эгаси” каби мавзуларда иншо ёздирилди. Ўқувчилар дарсликдан фойдаланиб ва бошқа манбалар материалларига суяңган ҳолда топшириқни ҳар қалай улдаладилар. Лекин мустақил, ижодий иншолар жуда кам кузатилди. Асосан китоблардан қўчириш кузатилди. Айни пайтда қўчирилган материалларни изчил жойлаштириш, мантиқий боғлаш ҳам ижобий иш сифатида қаралса-да, биз кутган натижа бўлмади.

Ёзма ишларнинг иккинчи тури эса дарсликда берилган ёки биз томондан тавсия этилган савол ва топшириқларга ёзма жавоб ёзиш шаклида бўлди. Масалан, 8-синфда Лутфийнинг “Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма” ғазали ўрганилгач, тубандаги савол ва топшириқларга жавоб ёздирилди:

1. Шеърдаги “хижрон кечаси”, “оҳи сахарим” каби ифодалар шоирнинг қандай ҳолатини кўрсатишга қаратилган?
2. Ошиқ учун ёр эшигидан бошқа саждагоҳ йўқлиги сабабини тушуниринг.
3. “Усрук қўзинг ашколи” бирикмаси маъносини тушунириб беринг. Байтнинг умуний мазмунида бу тасвирнинг ўрни қандай?
4. Ғазалда нима учун Яъқуб пайғамбар образи тилга олинган?
5. “Ишқ ўтида Лутфий юзи олтунни яшурди” мисрасининг мазмунини шарҳланг.

Мазкур топшириқ бўйича ташкил қилинган дарслар жуда оғир, қийинчилик билан кечди. Ўқувчиларнинг ёзма жавоблари ҳам эҳтиrossиз, қуруқ бўлди. Ишларнинг кўпчилиги бир-бирини такрорлайди, яъни ўқувчилар бир-бирларидан кўчиришган. Жавобларда изчиллик, фикрлар боғланиши етишмайди. Бошқа шоирларнинг шеърлари бўйича олинган ёзма жавоблар ҳам шунга ўхшаш ва яқин бўлди. Бунинг сабаби ўқитувчилар шеърларга ўқувчиларни етарли даражада қизиқтиrolмаганида бўлиши ҳам мумкин.

Шунингдек, мумтоз лиро-эпик асарлар бўйича ҳам савол ва топшириқларга жавоб ёзиш шаклида бир нечта ёзма ишлар олинди. Уларнинг бири “Фарҳод ва Ширин” достони юзасидан бўлди. Ҳавола этилган савол ва топшириқлар:

1. *Фарҳоднинг тугилиши билан боғлиқ гайриоддий, муболагали тасвирни қандай изоҳлайсиз?*
2. *Бош қаҳрамоннинг бошқа инсонларга, оддий халққа бу қадар мушифийлигининг сабаби нимада деб ўйлайсиз?*
3. *Шириннинг маънавий сифатлари намоён бўлган ўринларни топинг ва шарҳланг.*
4. *Фарҳод ва Хисравга хос бўлган маънавий-ахлоқий жиҳатларни солиштиринг.*
5. *Фарҳоднинг ўлими олдидағи тасвирланган руҳий ҳолатини кузатинг ва шарҳланг.*
6. *Навоийнинг тасвир маҳорати тўғрисидаги кузатишларингизни баён қилинг.*

Айтиш керакки, бу каби саволларга ўқувчилар шеърий шакллар – ғазал, рубоий, қитъаларга нисбатан анча дуруст жавоб ёзганлар. Бунинг сабаби, биринчидан, уларда муайян тажриба шакллангани бўлса, иккинчидан, лиро-эпик асарлардаги сюжетлилик фикрни изчилроқ баён этишга қулайлик туғдирган. Айни пайтда бу нарса бажарилган аксар ишларнинг камчилигига ҳам сабаб бўлди. Яъни ўқувчилар воқеаларни баён қилишга берилиб кетиб, фикрларни асослаш, қаҳрамонларнинг маънавий, ахлоқий, руҳий ҳолатлари таҳлилини назардан соқит қилганлар. Кутилган натижга бутун синфдаги бир ёки икки ўқувчидаги маълум даражадагина кузатилди.

2011-2012 ўкув йилигача бу каби ҳолатлар кузатилгач, тадқиқотнинг иккинчи босқичида (2012-2016 йиллар) матн устида ишлашга асосий эътибор қаратилди. Лирик ва лиро-эпик асарларни ўрганишда ҳар бир байт, мисра, эпик асарларда эса ҳар жумла устида ишлаш, улардан маъно чиқариш, поэтик хусусиятларини, ижодий маҳорат сирларини кашф қилишга, ўқувчиларда мумтоз бадиий тафаккур тарзини шакллантиришга жиддий киришилди, бу борада изланишлар олиб борилди. Ишимизнинг учинчи бобида баён этилган назарий билимларни шакллантириш, ҳар бир адабий тур ва шеърий шаклни таҳлил қилиш юзасидан берилган йўриқ ва тавсияларга асос бўлган натижалар юзага келди, билим ва тажрибалар тўпланди. Улар асосида дарслик ва қўлланмалар яратиш ишига ҳам қатнашдик. Кейинги такомиллаштирилган дастур асосида яратилган 7-синф дарслигига кузатишларимиз тақозосига кўра мумтоз шеърият образлари, поэтик образлар, поэтик лексика, инверсия, изофа тўғрисида назарий мақолалар киритилди, асарларни байтма-байт, мисрама-мисра таҳлил қилиш йўриқлари, йўсинлари берилди, мумтоз достонларни ўрганишда тажриба сифатида матнлар табдили, насрый баёнидан воз кечилиб, ҳар бир байтдан сўнг қавс ичида байтдан маъно чиқаришга ўргатувчи шарҳли изоҳ бериб борилди. 2014 йилда нашр этилган 9-синф дарслигига эса лиро-эпик асарларни дастурда белгиланган соатларга кўра қисмларга бўлиб, ҳар биридан кейин унинг мазмун-моҳияти, поэтик хусусиятларини очиб берувчи савол ва топшириқлар бериб борилди. Бундай индуктив ёндашув достонларни ўрганишда қулай эканлигини амалиётда мазкур дарслик асосида дарс ўтган ўқитувчилар ҳам эътироф этишди. 2014- ва 2015 йиллар давомида олиб борилган мазкур ишлар маълум даражада ўз самарасини берди. Мумтоз асарларни ўрганиш бўйича йиллик ўсиш назорат синфларига қараганда тажриба синфларида Хўжаобод туманидаги 1-мактабда 20%, Сирдарё туманидаги 5- мактабда 30%, Зарафшон шаҳридаги 12- мактабда 28% ни ташкил этди.

Хозиргача яратилган аксар дастурларга киритилган мавзулар, ўкув материаллари уларни тузган муаллиф нуқтаи назари, истак-хоҳишига кўра

танланган. Адабий сиймолар ва асарларининг берилишида изчиллик етишмаслиги, илмий асосланмаганлик тажриба ишларимизда ҳам бир қатор ноқулайликлар туғдирди. Шу боис мумтоз асарлар қачон, қанча, қай тартибда ўқитилиши ва нима учун шундай ўқитилиши лозимлиги түғрисида изланишлар олиб борилди, тавсиялар берилди, улар илмий асосланиб, ҳар бир мавзунинг аҳамияти дидактика, педагогика, психологика, маънавий-маърифий жиҳатдан изоҳланди. Танланган мактабларининг кейинги – бошқа синфларида ушбу тавсияларимиз асосида қўшимча дарслар тарзида машғулотлар ўтказилди. Эришганларимиз биз кутган натижага яқин бўлди. Аввало тадрижийликка – осондан қийинга, оддийдан мураккабликка бориш тамойилига асосланганлиги боис мумтоз намуналарни ўрганишда илмий асосланган изчилликка эрилишилди. Иккинчидан, танланган намуналарни ўзлаштиришда ўқувчиларда ортиқча зўриқиши, матн оғирлиги туфайли кузатиладиган дарсдан безиш, хафсаласизлик кузатилмади. Учинчидан, тарбияланувчиларда мумтоз адабиётга қизиқиши сезиларли тарзда кучайди, мумтоз асарларни идрок этиш даражаси ортди, уларда мумтоз бадиий тафаккур тарзини шакллантириш анча тезлашди ва осонлашди. Икки йиллик натижаларга кўра биринчи босқичдаги тажриба синфларига қараганда (назорат синфларига эмас!) иккинчи босқичдаги тажриба синфларидаги ўсиш Хўжаобод туманидаги 1-мактабда 15%, Сирдарё туманидаги 5- мактабда 18%, Зарафшон шаҳридаги 12- мактабда 16%ни ташкил этди. Мактабларда диссертация мақсадидан келиб чиқиб ўтказилган тажриба-синов ишларининг натижалари самарали, асосийси, ўқувчилардан мумтоз адабиёт китобхони тарбияланди, уларда мумтоз бадиий тафаккур тарзи шаклана бошлади.

Тажриба-синов ишларимизнинг учинчи босқичи 2016 йилдан кейин амалга оширилди. У умумлаштириш, хulosалаш, олинган натижаларни амалиётга кенг татбиқ қилиш босқичлари бўлди ва қуйидаги ишларда ўз аксини топди: 1) диссертациянинг иккинчи боб биринчи параграфида тавсия қилинган мумтоз намуналар бўйича адабий таълим мазмунини шакллантириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди; 2) оптималлаштирилган

дастур асосида 7-синф Адабиёт (Т.: “Шарқ” нашриёти, 2017 йил), 9-синф Адабиёт (Т.: “O‘zbekiston” нашриёти, 2019 йил) дарсликлари ҳаммуалифликда яратилди; 3) ўқитувчиларнинг талаб ва истакларига кўра Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари ХТХҚТМОИларида икки-уч кунлик семинар-тренингларда тўпланган тажриба ва эришилган натижалар ўқитувчиларга етказилди; 4) 2018 йил ноябрь ойида Навоий вилоят Зарафшон шаҳрида бир ҳафталик маҳорат курси ташкил этилди; 5) 2018 йилнинг ноябрь ойидан 2019 йилнинг март ойига қадар Андижон вилоят Халқ таълими бошқармасининг таклифига кўра Она тили ва адабиёт ўқитувчилари учун доимий ҳаракатдаги муаллифлик маҳорат курслари ташкил этилди ва бу янги тажриба “Маърифат” газетасида ёритилди (2018 йил 28 ноябрь сони).

4.2-§. Тажриба-синов натижалари таҳлили

Таълим жараёнида кўпинча фаолият натижаларини таҳлил қилишда ўқувчилар билимiga қўйилган баҳодан келиб чиқилади. Тажриба-синов ишлари мобайнида жорий баҳолаш тизими, мазмуни ва шакли тадқиқот мақсадига у қадар мос эмаслиги маълум бўлди. Гап шундаки, ҳозирда республикамиздаги аксар мактабларда мумтоз намуналар ўқитилганда ўқувчиларнинг матнларни ёд олиши, уларнинг мазмунини ўзлаштирилишлари, адиблар тўғрисидаги биографик маълумотларни билишлари баҳолаш учун асос бўлмоқда. Биз эса ўқувчиларнинг дарс машғулотларида мумтоз матнларни идрок этиш, англаш даражасини баҳолаш учун мезон қилиб олдик. Бунинг учун, аввало, мумтоз асарларни идрок этишга асосланган баҳолаш меъёри ишлаб чиқилди. Ўзимизга қулайлиги учун беш баллик тизимни танладик. Ўқувчилар қуидаги меъёр асосида баҳоланди:

Юқори идрок даражаси (“5”) – матнлардан, яъни байт ёки жумлалардан тезлик ва осонлик билан (ёдланган луғат захираси, баъзан дарсликларда

асарлар учун берилган луғат ёрдамида) тўғри маъно чиқара олса, муаллифнинг бадиий ниятини нозик илғай олса, ўрганилаётган асар ғоясини тўғри ва теран англаса, бадиий хусусиятларини етарлича таҳлил қила билса ва уларнинг барчасидан мантиқли хulosса чиқариб, ўз фикр ва қарашларини асосласа;

Яхши идрок даражаси (“4”) – матнлардан (байт ёки жумлалардан) луғат ёрдамида маъно чиқара олса, муаллифнинг бадиий ниятини илғай олса, ўрганилаётган асар ғоясини тўғри англаши қийинчилик билан кечса, бадиий хусусиятларини таҳлил қилишда муайян қўникма ва малакалари борлигини намоён қилса ва уларнинг барчасидан мантиқли хulosса чиқариб, ўз фикр ва қарашларини асослай олса;

Ўрта идрок даражаси (“3”) – матнлардан (байт ёки жумлалардан) мустақил маъно чиқариши маълум даражада қийин кечса, ўрганилаётган асар ғоясини англаса-да, муаллифнинг бадиий ниятини илғашда маълум чалкашликларга йўл қўйса, бадиий хусусиятларини таҳлил қилишда муайян қўникма ва малакалари бўлса ҳам, уларни етарли тарзда намоён эта билмаса ва уларнинг барчасидан мантиқли хulosса чиқаришда, ўз фикр ва қарашларини асослашда қийналса;

Қўйи идрок даражаси (“2”) – ўқитувчи ёки синфдошларининг ёрдамига таянган ҳолдагина матнлардан (байт ёки жумлалардан) маъно чиқарса, муаллифнинг бадиий ниятини илғай олмаса, ўрганилаётган асар ғоясини англашда янглишса, бадиий хусусиятларини таҳлил қилишда қўникма ва малакалари етарли даражада шаклланмаган бўлса ва уларнинг барчасидан мантиқли хulosса чиқаришга уринса-да, ўз фикр ва қарашларини асослай билмаса.

Таъкидлаш керакки, “2” балл билан белгиланган қўйи идрок этиш даражаси минбаъд амалиётда одатланиб қолинган “2” баҳо, яъни ўзлаштирмаслик мезони эмас. Бу гурухга кирган ўқувчилар топширилган вазифани муайян даражада уddyалайдилар, лекин уларнинг мумтоз асарларни идрок этиш даражаси бошқаларга қараганда пастроқ. Демак, уларда қўйи

даражада бўлса ҳам ўзлаштириш, яъни матнларни идрок этиш бор хисобланади.

Ушбу мезондаги “ўрта” кўрсаткичи стандарт талабига, “яхши” – дастур талабига, “юқори” дастурдан ҳам баландроқ талабларга жавоб берадиган ўқувчининг идрок даражаси саналади. Шунинг учун “3” ва ундан юқори балл (баҳо эмас) сифат кўрсаткичи деб олинди.

Албатта, адабиёт дарсларида баҳолаш ҳеч қачон қатъий ва мутлақ бўлмайди, аксинча, аксар ҳолларда нисбийлик устувор бўлади. Кўнгил иши бўлган адабиёт билан ишланадиган бу дарсларда ўқитувчи ёки синфдошлари томонидан айтилган фикрларни тўла англамай, ҳис қилмай туриб тўла-тўкис айтиб берган ўқувчини “аълочи”га чиқариб бўлмагандек, дарсда кўп гапирмаса ҳам асарда ифодаланган кечинма, қарашларни нозик илғагани юз-кўзларидан, айrim мулоҳазаларидан, хатти-ҳаракатларидан кўриниб турган болага паст баҳо қўйиш ҳам бадиий-эстетик ҳамда педагогик-этик меъёрларга мос келмайди. Баҳолаш ва натижаларни таҳлил қилишда ана шу жиҳатлар ҳам назардан соқит қилинмади.

Ўтказилган тажриба-синов ишлари хақида умумий қилиб шуни айтиш мумкинки, синфлар юқорилаб боргани сари тажриба синфларида ўқувчиларнинг мумтоз асарлар матни устида ишлаш бўйича кўникма, малакалари, уларни идрок этиш, ҳис қилиш даражалари ортди, фикрлари нисбатан чукурлашиб, асослари мантиқ касб этиб боради. Бу болаларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқадиган табиий ҳол, албатта. Масалан, 5-синф ўқувчилари эндиGINA бошланғич синфдан чиқсан, уларнинг табиатида тақлид қилиш, айтганни бажариш устуворлик қиласди. Уларда ижрочилик кучлилигини кузатиш мумкин. Айни пайтда берилган билимларни тез ва иштиёқ билан қабул қиласдилар, сингдирилиши қўзланган кўникма ва малакаларни ҳам шакллантириш бир мунча осон кечади. 7-8- синфларга ўтганда уларда шахсий қизиқишлар ортиб боради. Ўзгаларни кузатиш, баҳолаш, кўпроқ танқидий назар билан қараш кучая боради. Шунинг учун ҳам бадиий таҳлил жараёнида, тимсолларга баҳо бериш борасида ўзига хос

қарашлар, муносабатлар кўпроқ шаклана боради. Шу сабаб юқори синфда мустақил фикр, эркин мулоҳаза нисбатан кўпроқ эканини қўриш мумкин.

Хўжаобод туманидаги 1-мактабнинг 5-“А” тажриба синфида ўқув йилининг якунида 33 ўқувчининг 24 нафари ўрганилган мумтоз асарларни идрок этиш даражасида эканлигини кўрсатди, яъни синфнинг 75 фоизи у ёки бу даражада кутилган натижани кўрсатди. 8 ўқувчининг эса етарли кўникма ва малакага эга эмасликлари маълум бўлди. Бу фоизларга кўчирилганда 25% ни ташкил этди. 5-“Г” назорат синфида эса 32 ўқувчининг 16 нафари (50 фоизи) маълум даражада мумтоз асарларни идрок эта олишларини кўрсатди. “Аъло” ва “ўрта” баҳолар нисбатини ҳисобга олмай, ўзлаштириш, яъни идрок этиш даражаси бу икки синфлар ўртасида 25 фоиз билан фарқ қилмоқда.

Мактабнинг 6-синифдан олинган натижаларда ҳам фарқ унча катта эмас. Баҳолаш учун мезон қилиб олинган асарларни идрок этиш 6- тажриба ва назорат синфларидағи фарқ 24%, 7-синфда 24% ни ташкил этади. 8-синфларда бу фарқли кўрсаткичларнинг бир оз юқорилигини қўриш мумкин. Улардаги фарқ 27 фоиз эканлиги намоён бўлди. 9-синфда эса у янада ортган яъни 30 фоизни ташкил этди.

4.1- жадвал. Хўжаобод тумани 1-мактабда олиб борилган тажриба-синов ишлари натижалари

Синф-лар	Ўқув-чилар сони НС/ТС	Назорат синфларида (НС)				Тажриба синфларида (ТС)				ТС даги натижа НС га нисб. % ҳисобида	
		Идрок этиш даражаси				Идрок этиш даражаси					
		“5”	“4”	“3”	“2”	“5”	“4”	“3”	“2”		
5	33/32	-	4	12	17	4	8	12	8	25%	
6	32/30	-	3	8	21	3	4	10	13	24%	
7	31/28	-	2	7	22	2	3	10	13	24%	
8	34/31	2	5	9	18	4	7	12	8	27%	
9	30/29	1	5	8	16	4	6	12	7	30%	
Жами	160/150	3	19	44	94	17	28	56	49	26%	

Сирдарё туманидаги 5-мактабда кузатилган дарслар, ўтказилган тажриба-синов ишлари натижаси анча юқори. Бунда республикадаги таниқли ўқитувчи Дилфуза Ғазнаеванинг билим, тажриба ва маҳоратини алоҳида таъкидлаш лозим. Ишимизнинг биринчи боб биринчи фаслида адабиёт ўқитувчиларининг касбий тайёргарлиги ва мутахассис сифатидаги малакаси тўғрисидаги мулоҳазаларимиз айнан шу муаллима билан ҳамкорлигимиз давомида ўз тасдигини топди. Ўқитувчининг билимдонлиги, ўқитиладиган асарларни нозик тушуниши ҳамда методик маҳорати эришилган ютуқларнинг омили бўлиб хизмат қилди.

4.2.- жадвал. Сирдарё туманидаги 5-мактабда олиб борилган тажриба-синов ишлари натижалари

Синф лар	Ўқув- чи сони	Назорат синфларида (НС)				Тажриба синфларида (ТС)				ТС даги натижа НС га нисб. % ҳисо- бидা	
		Идрок этиш даражаси				Идрок этиш даражаси					
		“5”	“4”	“3”	“2”	“5”	“4”	“3”	“2”		
5	30/33	1	6	7	16	4	7	13	8	26%	
6	31/30	-	5	7	19	3	8	12	7	38%	
7	30/30	2	5	6	17	4	7	13	6	37%	
8	32/33	1	4	6	21	6	10	12	5	49%	
9	29/32	1	4	6	18	8	11	11	2	48%	
Жами	152/157	5	24	34	89	25	43	61	28	39%	

Навоий вилояти Зарафшон шаҳридаги 12- мактабдан олинган натижалар ҳам юқоридагиларга яқин бўлганини кузатиш мумкин. Йил охирида синфлар кесимидағи тажриба ва назорат гурӯхлари солиширилганда улар ўртасидаги фарқ 5-синфда 24 фоиз, 6-синфда 27 фоиз, 7-синфда 28 фоиз, 8- ва 9-синфларда 31 фоизни ташкил этди. Буни қўйидаги жадвалда акс этган натижаларда кўриш мумкин.

4.3- жадвал. Зарафшон шаҳридаги 12- мактабда олиб борилган тажриба-синов ишлари натижалари

Синф-Лар	Ўқувчи сони	Назорат синфларида (НС)				Тажриба синфларида (ТС)				ТС даги натижа НС га нисб. % ҳисобида	
		Идрок этиш даражаси				Идрок этиш даражаси					
		“5”	“4”	“3”	“2”	“5”	“4”	“3”	“2”		
5	29/28	1	5	6	17	3	6	9	3	24%	
6	26/28	-	3	6	17	4	5	8	4	27%	
7	30/29	-	4	5	21	3	5	9	3	28%	
8	27/30	1	3	5	18	4	7	8	4	31%	
9	28/29	-	4	6	18	4	6	9	4	31%	
жами	140/144	2	19	28	91	18	29	43	18	27%	

Олинган маълумотлар мутахассис томонидан Стъюдент-Фишер мезони асосида математик-статистик таҳлил қилинди. Адабий таълим жараёнида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини мумтоз асарларни идрок этиш бўйича тажриба-синов жараёнида 903 ўқувчи қатнашди.

4.4.- жадвал. Синфлар кесимида мумтоз адабиёт намуналарини идрок этишининг самарадорлик даражасини аниқлаш кўрсаткичлари

Мактаблар	Ўқувчи сони	Назорат синфларида				Тажриба синфларида					
		Баллар				Баллар					
		“5”	“4”	“3”	“2”	“5”	“4”	“3”	“2”		
Андижон в. Хўжаобод т. 1- мактаб	310	3	19	44	94	17	28	56	49		
Сирдарё т. 5-мактаб	309	5	24	34	89	25	43	61	28		
Навоий в. Зарафшон ш. 12- мактаб	284	2	19	28	9	18	29	43	54		
ЖАМИ	903	10	62	106	274	60	100	160	131		

Жами назорат синфларида 452, тажриба синфларида 451 ўқувчи тажриба-синов ишларида қатнашди. Мавжуд ўқувчилар сонидан математик-статистик таҳлил учун ўртача (ўқувчиларнинг умумий сони мактаблар сонига нисбатан олинди) 151 тадан ўқувчи танлаб олинди. Назорат ва тажриба синфларида кўрсаткичлар қуйидагича:

4.5 жадвал. Назорат ва тажриба синфларининг математик-статистик таҳлил учун умумий кўрсаткичлари

Синфлар	Ўқувчи сони	Баллар нисбати			
		“5”	“4”	“3”	“2”
Назорат синфларида	151	3	21	36	91
Тажриба синфларида	151	20	33	54	44

4.5. жадвал асосида назорат ва тажриба синфларидаги баҳолаш натижалариға мос частоталар тақсимотини тузамиш:


Назорат синфлари учун ($n=151$)

x_i	2	3	4	5	
n_i	91	36	21	3	$n=151$

Тажриба синфлари учун ($n=151$)

y_i	2	3	4	5	
n_i	44	54	33	20	$n=151$

Танламалар тақсимотларига мос полигонлар ясаймиз (\ddot{I}_f ва \ddot{I}_o)



4.1-расм. Танламалар тақсимотларига мос полигонлар

\ddot{I}_f ва \ddot{I}_o полигонлардан күриниб турибдики, тажриба синфи учун курилган \ddot{I}_o полигон асосидаги натижалар \ddot{I}_f га қараганда ижобий чиқади.

Хар бир танламанинг ҳажми $n=151$ бўлгани сабабли танламанинг модал қиймати 76- ўриндаги қийматга тенг бўлади. Демак,

$$M_H = 2, \quad M_T = 3, \quad M_T > M_H$$

Бу ҳолат ҳам тажриба синфидағи ўртача кўрсаткич юқори эканлигидан дарак беради.

Энди танламалар тақсимотларига асосланган ҳолда танлама ўрта қийматларни ҳисоблаймиз:

$$\overline{X}_H = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n n_i x_i = \frac{1}{151} (91 \cdot 2 + 36 \cdot 3 + 21 \cdot 4 + 3 \cdot 5) = \frac{1}{151} (182 + 108 + 84 + 15) = \frac{389}{151} \approx 2,6$$

$$\overline{Y}_T = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n n_i x_i = \frac{1}{151} (44 \cdot 2 + 54 \cdot 3 + 33 \cdot 4 + 20 \cdot 5) = \frac{1}{151} (88 + 162 + 132 + 100) = \frac{482}{151} \approx 3,2$$

Демак, тажриба синфларидағи ўртача ўзлаштириш назорат синфларидағи ўртача ўзлаштиришдан юқори экан:

$$\overline{Y}_T > \overline{X}_H \quad (3,2 > 2,6)$$

Ўртача танлама қиймат атрофида баҳоларнинг зич ёки тарқоқ жойлашишини аниқлаш мақсадида дисперсия, ўртача квадратик оғиш ва вариация кўрсаткичларни ҳисоблаймиз. Дисперсияларни топамиз:

$$\begin{aligned} D_H &= \frac{1}{n-1} \sum_{i=1}^n n_i (x_i - \overline{X}_H)^2 = \frac{1}{151-1} [91(2-2,6)^2 + 36(3-2,6)^2 + 21(4-2,6)^2 + 3(5-2,6)^2] = \\ &= \frac{1}{150} (91 \cdot 0,36 + 36 \cdot 0,16 + 21 \cdot 1,96 + 3 \cdot 5,76) = \frac{1}{150} (32,76 + 5,76 + 41,16 + 17,28) = \frac{96,96}{150} = 0,6464 \\ D_T &= \frac{1}{n-1} \sum_{i=1}^n n_i (y_i - \overline{Y}_T)^2 = \frac{1}{151-1} [44(2-3,2)^2 + 54(3-3,2)^2 + 33(4-3,2)^2 + 20(5-3,2)^2] = \\ &= \frac{1}{150} (44 \cdot 1,44 + 54 \cdot 0,04 + 33 \cdot 1,44 + 20 \cdot 3,24) = \frac{1}{150} (63,36 + 2,16 + 47,52 + 64,8) = \frac{177,84}{150} \approx 1,1856 \end{aligned}$$

Ўртача квадратик оғишларни аниқлаймиз:

$$\sigma_H = \sqrt{D_H} = \sqrt{0,6464} \approx 0,80$$

$$\sigma_T = \sqrt{D_T} = \sqrt{1,1856} \approx 1,09$$

Вариация кўрсаткичларини топамиз:

$$\delta_H = \frac{\sigma_H}{\bar{X}_H} = \frac{0,8}{2,6} \approx 0,31$$

$$\delta_T = \frac{\sigma_T}{\bar{Y}_T} = \frac{1,09}{3,2} \approx 0,34$$

Демак, ($D_H < D_T$, $\sigma_H < \sigma_T$, $\delta_H < \delta_T$) назорат синфидағи ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи 2,6 балл атрофида, тажриба синфидағи ўқувчиларнинг маълум бир қисмининг ўзлаштириш кўрсаткичи 3,2 атрофида бўлса, қолганлариники ундан юқорида экан.

Навбатдаги босқичда назорат ва тажриба синфларидағи тасодифий ўртача баҳолар учун (мос равишда a_H ва a_T каби белгилаймиз) ишончли интерваллар тузамиз.

5 фоиз хатоликка рози бўлган ҳолда статистик аломатни қийматдорлик даражасини $\alpha = 0,05$ деб қабул қиласиз. $\sigma_H = 0,8$ ва $\sigma_T = 1,09$ деб ҳисоблаб, ишончли интервалларни қуидаги формулалар билан аниқлаймиз:

$$\bar{X}_H - t_\gamma \cdot \frac{\sigma_H}{\sqrt{n}} \leq a_H \leq \bar{X}_H + t_\gamma \cdot \frac{\sigma_H}{\sqrt{n}}$$

$$\bar{Y}_T - t_\gamma \cdot \frac{\sigma_T}{\sqrt{n}} \leq a_T \leq \bar{Y}_T + t_\gamma \cdot \frac{\sigma_T}{\sqrt{n}}$$

Бу ерда t_γ - Лаплас функциясининг $\frac{1-2\alpha}{2}$ қийматига мос аргументининг қиймати, яъни

$$\Phi(t_\gamma) = \frac{1-2\alpha}{2}$$

t_γ жадвалдан аниқланади.

Ҳисоблаш ишларини амалга оширамиз:

$$\Phi(t_\gamma) = \frac{1-2 \cdot 0,05}{2} = 0,45$$

жадвалдан $t_\gamma = 1,65$ ни топамиз.

Ҳар икки танлама учун хатоликларнинг аниқлигини ҳисоблаймиз:

$$\delta_H = t_\gamma \cdot \frac{\sigma_H}{\sqrt{n}} = 1,65 \cdot \frac{0,8}{\sqrt{151}} \approx \frac{1,32}{12,29} \approx 0,12$$

$$\delta_T = t_\gamma \cdot \frac{\sigma_T}{\sqrt{n}} = 1,65 \cdot \frac{1,09}{\sqrt{151}} \approx \frac{1,7985}{12,29} \approx 0,15$$

Ишончли интервални келтирамиз:


$$2,6 - 0,12 \leq a_H \leq 2,6 + 0,12$$

$$2,48 \leq a_H \leq 2,72$$

$$3,2 - 0,15 \leq a_T \leq 3,2 + 0,15$$

$$3,05 \leq a_T \leq 3,35$$

Ҳосил қилинган интервалларни сон ўқида тасвирлаймиз:



Демак, $\alpha = 0,05$ қийматдорлик (95% ишончлиликт) даражаси билан айтиш мүмкінки, тажриба синфидаги натижалар назорат синфидаги ўртача натижалардан юқори экан.

Юқоридагиларга асосланған ҳолда тажриба-синов ишларини сифат күрсаткичларини топамиз: $K_{yc\delta} = \frac{\bar{Y}_T - \delta_T}{\bar{X}_H + \delta_H} = \frac{3,2 - 0,15}{2,6 + 0,12} = \frac{3,05}{2,72} \approx 1,12 > 1$

$$K_{\delta\delta} = (\bar{Y}_T - \delta_T) - (\bar{X}_H + \delta_H) = (3,2 - 0,15) - (2,6 + 0,12) = 3,05 - 2,72 = 0,33 > 0$$

$K_{yc\delta} = 1,12$ дан тажриба синфларида ўсиш күрсаткичи 12% ортиқ эканлиги, $K_{\delta\delta} = 0,33$ дан билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катта эканлиги келиб чиқади.

Статистик таҳлилларга асосланған ҳолда хулоса қилиб айтиш мүмкінки, тажриба синфларида ўқувчиларнинг мумтоз асарларни идрок этиш бўйича билим, кўникма ва малакаларини оширишда ижобий натижаларга эришилган.

Боб юзасидан хулосалар:

1. Мактабда мумтоз адабиёт ўқитишида пировард мақсадга етишнинг бош омили ўқувчиларда мумтоз бадиий тафаккур тарзини шакллантиришdir.
2. Мумтоз намуналарни ўқитишида ҳар бир адабий тур, жанрни таҳлил қилиш босқичлари, йўриқларига амал қилиш муҳим саналади.
3. Тажрижийлик тамойилига амал қилиш юксак самара омилидир.
4. Ўқувчилар билим, кўникма, малакаларига талаблар қўйишида, уларни баҳолашда мумтоз асарларни идрок этиш даражаларига асосий эътибор қаратиш лозим.

ХУЛОСА

Тадқиқотимиз давомида олиб борилган илмий кузатишлар, танишиб чиқилған назарий, фалсафий, педагогик адабиётлар, мактабларда ўтказилған тажриба-синов ишларидан олинган натижаларга ҳамда уларни қиёсий ўрганишга таяниб, диссертация ишида қуидаги холосаларга келинди:

1. Адабий таълимда нифузли ўрин тутишига қарамай, мумтоз адабиёт намуналарини ўқитиши ҳозиргача қониқарлы бўлмай келмоқда. Бунинг бирламчи омили сифатида қайд этилган таълим мазмунига оид хужжатлар – стандарт, дастурлар ва улар асосида яратилган дарслик, методик қўлланмалар эндиликда илмий жиҳатдан исботланган, амалиётда ўз тасдигини топган мезонлар асосида қайта кўриб чиқилиши ва такомиллаштирилиши лозим.

2. Қониқарсиз ҳолатнинг иккинчи омили дарснинг ижодкори, амалиётчиси ва ижрочиси бўлмиш ўқитувчи шахсига бориб тақаладики, эндиликда филолог-ўқитувчилар тайёрлайдиган олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлаш сифатига, хусусан, бўлғуси адабиёт муаллимларининг мумтоз адабиёт бўйича билим ва савияларига масъулиятни ошириш даркор.

3. Бўлажак педагоглар, амалиётда фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар учун назарий ва амалий жиҳатдан дастак бўладиган методик йўриқларнинг ўйқилиги, мумтоз адабиёт ўқитишининг асослари илмий жиҳатдан ишлаб чиқилмагани ҳам дарсларнинг савиясига салбий таъсир кўрсатиб келди. Буларнинг оқибати ўлароқ мумтоз асарлар матни устида ишланмаётганлиги, адиблар ижод намуналаридан ёки улардан парчалар ёд олдириш билангина чекланилаётганлиги адабиёт дарсларининг энг катта қусури бўлиб қолмоқда. Эндиликда амалга оширилажак илмий-тадқиқотларни ана шу муаммоларни ҳал этишга йўналтириш мақсадга мувофиқ.

4. Мумтоз адабиёт намуналарини ўқитишдаги мураккабликлар, бир томондан, асарларнинг тили, яъни уларнинг лексик қатлами, морфологик хусусиятлари, синтактик қурилиши билан боғлиқ бўлиб, ўқитувчи ўрганилаётган матннинг бу уч сатҳ билан боғлиқ юзага келиши мумкин

бўлган муаммоларини ҳал қила билиши керак. Бунинг учун эса ундан тилшунослик, хусусан, тил тарихи, лингвопоэтика бўйича етарли тасаввур, билим ва тушунчага эга бўлиш талаб этилади. Иккинчи томондан, мураккабликлар мумтоз адабиётнинг поэтик хусусиятларига алоқадорки, улар ўқитувчининг адабиётшунослик, хусусан, мумтоз поэтика юзасидан билим ва савияси даражасига кўра ҳал этилади.

5. Мустақилликдан кейин яратилган айрим илмий, методик адабиётлардаги эскича қарашлар ва муносабатларга нафақат илмий-филологик нуқтаи назардан, балки педагогик, методик ҳамда дидактик қўз қараш билан ҳам ёндашмоқ даркор. Чунки улар ўқитувчиларнинг мутахассис сифатидаги билими, савиясида акс этиб, охир-оқибат адабий таълимга, хусусан, мумтоз адабиётни ўқитилишида салбий таъсир кўрсатмоқда.

6. Мумтоз адабиёт намуналарини ўқитишда, бир томондан, олий санъат даражасида яратилган намуналарга таяниб тарбияланувчилар ўй-фикрлари, кечинмаларнинг, туйғуларининг тарбия топиши – тозариши мақсад қилиб олинса, иккинчи томондан, уларда миллий ватанпарварлик, юрт учун масъуллик туйғусини камол топтириш вазифаси амалга оширилади.

7. Ўқув дастурларини тузишда адабиёт ўқитишнинг умумий тамойилларидан келиб чиқиб, амалиётда синаб кўрилган, тажрибаларда ўз тасдини топган мумтоз адабиёт намуналари тадрижийлик асосида, яъни осондан қийинга, оддийдан мураккабликка бориш тамойилига асосланган ҳолда берилиши лозим. Шундагина 5-синфдан тили бир мунча содда, ифода тарзи бугунги адабий тилга яқин мумтоз матнларни бериб бориш билан болаларнинг матнга кириш, унинг мазмун-моҳиятини англаш, бадииятни ҳис қилиш малакалари аста-секин шакллантирилади ва кейинги синфларда назарий маълумотлар, малакавий тавсиялар бериш баробарида матнларни кескин фарқ қилмайдиган даражада мураккаблаштира бориб, мумтоз адабиёт намуналарини мутолаа қилиб, мустақил таҳлил эта оладиган, ундан завқланадиган китобхон ўқувчи даражасидаги битирувчиларни тарбиялаш марраси эгалланади.

8. Адабий таълимда мумтоз бадиий тафаккур тарзини ўқувчиларга сингдириш бирламчи муҳим вазифа саналиб, ундан келиб чиқадиган фақат мумтоз адабиётни ўқитишгагина хос бўлган тўртта: *адабий қолипларга риоя қилиши, тил хусусиятларини англаш, рамзийлик ва маъно қатламини идрок этиши* тамойиллари асосида дарс машғулотларини ташкил этиш кўзланган сифат ва самарага эришишнинг омили саналади.

9. Ўқувчиларда назарий билимларни шакллантиришда адабиётдаги назарий маълумотларни, қоидаларни ўзаро қиёслаган ҳолда фанлараро интеграцияни йўлга қўйиш орқали мураккабликларни соддалаштириш, қийин тушунча, қоидаларни осонлаштириш йўлини тутишлик мақсадга мувофиқдир. Назарий маълумотларни қуруқ ёдлатиш, уларга статистик характердаги схоластик топшириқларни бажартириш учунгина мурожаат этишдан қочиб, ўрганилаётган асарлар мазмунини англаш, ғоясини идрок этиш, бадииятини ҳис қилиш воситаси сифатида ёндашмоқ керак.

10. Диний-дидактик, тасаввуфий ҳамда агиографик асарларни ўқитишда ўқитувчилардан муайян даражада диний билимларга эга бўлиш, сўфиёна қараш ва тушунчалардан хабардорлик талаб қилинади. Ўқитишда уларга бадиий адабиёт маҳсули сифатида ёндашиш асосий мезондир.

11. Лирик асарларни ўрганишда шеър жанри, мавзуси, ҳажми каби жиҳатлар инобатга олиниши зарур. Шеърнинг жанри ва ҳажми уни таҳлиллаш йўриқларини белгилаб беради.

12. Ўқувчилар ҳар бир лирик жанр намуналарини таҳлил қилиш йўриқлари, кетма-кетлиги билан таништирилган бўлишлари керак. Таҳлилда аввало шеърнинг мазмуни, унда билдирилган фикр аниқлаб олинниб, сўнг шакл ва ифодага эътибор қаратилади. Мумтоз шеърият намуналарини ўқитишда шаклдан мазмунга эмас, балки мазмундан шаклга қараб борилади.

13. Мумтоз наср намуналарини ўрганишда ўқувчиларга рамзлар ортидаги ҳақиқатларни кўриш, идрок эта билиш малакаларини шакллантириш талаб этилади. Мумтоз насрга хос ўта сиқиқлик, ҳар бир сўз, ибора ва жумлага катта бадиий ва фикрий салмоқ юклаш хусусиятини

тарбияланувчилар дастурга киритилган асарлар мисолида ўрганишлари, уларни таҳлиллаш тажрибасига эга бўлмоқликлари лозим.

14. Мактаб адабий таълимида мумтоз лиро-эпик асарлар ўқитилганда, бир томондан, лирик намуналарни, иккинчи томондан, насрий асарларни ўрганишда орттирилган тажрибаларга суюнилади. Мавзу учун ажратилган вақтдан унумли фойдаланиш, ҳосил қилинган кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш мақсадида ўрганиш учун сайлаб олинган матнларни қисмларга ажратиб, ҳар бирини яхлит таҳлил қилиб бориш, сўнг умумлашма хulosалар чиқариш мақсадга мувофиқ.

15. Олиб борилган тадқиқот ишлари, ўтказилган эксперимент натижаларига асосланилган ҳолда диссертация мавзуси юзасидан қуидагилар тавсия этилади:

– тадқиқот давомида олинган натижалар, чиқарилган хulosалар асосида республикадаги адабиёт ўқитувчиларини қайта тайёрловдан ўтказиб, ўқувчиларда мумтоз бадиий тафаккур тарзни шакллантириш, мумтоз асарларни таҳлил қилиш йўриқлари ҳамда илмий-назарий, амалий-методик янгиликлар билан таништириш;

– диссертацияда қаламга олинган мумтоз адабиёт таълимидаги мураккаб жиҳатларини ўқитиш бўйича мулоҳазаларни мазмунан кенгайтириб, моҳиятан чукурлаштириб мутахассислар, адабиёт муаллимлари учун методик кўлланмалар яратиш;

– айрим университетларда танлов фани сифатида тавсия этилган “Ўрта мактаб, ўрта мухсус таълим муассасаларида мумтоз адабиёт ўқитиш методикаси” курсини олий ўкув юртларининг асосий фанлари сирасига киритиш;

– адабиёт бўйича янги ўкув дастурлари тузишда мазкур ишда таклиф этилган мумтоз адабиёт намуналарини беришда синфлар кесимида мавзулар кетма-кетлиги борасидаги тавсиялардан фойдаланиш;

– таълим босқичларида мумтоз адабиёт намуналарини ўқитишда узвийлик муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуманлар ўтказиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-хуқуқий хужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 46 б.
2. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. /Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: 1997. – 20–29-б.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». /Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: 1997. – 31–60-б.
4. Мирзиёев Ш. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. – Электрон манба: www.lex.uz/docs/4312785.
5. Мирзиёев Ш. “Ўзбекистон Республикаси халқ таълимни тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли Фармони. – Электрон манба: lex.uz/docs/3412785.
6. Мирзиёев Ш. Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббус. –Электрон манба: <https://www.gazeta.uz/.oz/2019/04/03/5-tashabbus/>.
7. Каримов И. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1999. –34 б.
8. Каримов. И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.
9. 7-синф учун адабиёт фанидан такомиллаштирилган Давлат таълим стандарти (ўқув дастури билан биргаликда). //Тил ва адабиёт таълими. –2007. –№ 5. – 16–37-б.
10. Умумтаълим мактаблари дастури. Ўзбек адабиёти. (Тузувчи: Норматов У. ва б.) – Т.: Жумҳурият ўқув-методик маркази, 1991. – 28 б.
11. Умумтаълим мактаблари дастури. Ўзбек адабиёти. (Тузувчи: Норматов У. ва бошқ.) – Т.: Университет , 1992. – 32 б.
12. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. (Ўрта, ўрта маҳсус таълим муассасаларининг X–XI синфлари учун). – Т.: Республика таълим маркази, 2017. – 197 б.
13. Ўзбек адабиётидан умумтаълим мактаблари учун дастур. (V–XI синфлар учун). Тузувчи Йўлдошев Қ. ва бошқ. – Т.: Республика Таълим маркази, 1998. – 24 б.

II. Монография, илмий мақола, илмий тўпламлар

14. Абдуллев. В. Ўзбек адабиёти тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1967. –384 б.
15. Абдуллаев К. Бобир ҳаёти ва ижоди бўйича семинар дарс. //Тил ва адабиёт таълими. – 2000. – № 1. – 23–28-б.
16. Абдураҳмонова Б. Таълим босқичларида “Кутадғу билиг” асарини ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари. – Т.: НДА, 2007. – 126 б.

17. Адабий тур ва жанрлар. Уч жилдлик. 1-жилд. Эпос. – Т.: Фан, 1991. – 384 б.
18. Адабий тур ва жанрлар. Лирика. – Т: Фан, 1992. – 396 б.
19. Азаллаев А., Раҳмонов Б., Мусурмонқулов Ф. Бадиий санъат жозибаси. – Т.: Янги аср авлоди, 2005. – 112 б.
20. Алиев А, Содиков Қ. Ўзбек адабий тили тарихидан. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – 178 б.
21. Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғати. II жилд. – Т.: Фан, 1983. – 630 б.
22. Афсаҳзод Аълоҳон. Лирика Абд ар-раҳмана Джами. Проблемы текста и поэтики. – Москва: Наука, 1988. – 328 с.
23. Ballantine J. H. The Sociology of Education: a systematic analysis. – Prentice Hall, 2001. – 400 р.
24. Бертельс Б. Е. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965. – 252 с.
25. Бобоев Т. Олий ўқув юртларида ўзбек шеърияти поэтикаси асосларини ўрганиш. – Т.: ДДҚ, 1997. – 268 б.
26. Бобур, Заҳириддин Мухаммад. Мухтасар. – Т.: Фан, 1971. – 590 б.
27. Болибеков А. Ўқувчиларда миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ҳадислардан фойдаланиш. //Тил ва адабиёт таълими. – 2000. – № 6. – 35–39-б.
28. Bombaci A. The Turkic Literatures. Introductory Notes on the History and Style. – PhTF. Т. 2, 1994. – 96.
29. Бондаренко С. М. Учите детей сравнивать. – Москва: Знание, 1981. – 96 с.
30. Бордовская Н. С., Реан А. А. Педагогика. Учебник для вузов. – СПб.: Питер, 2001. – 304 с.
31. Брушлинский А. В. Психология мышления и проблемное обучение. – Москва: Знание, 1983. – 96 с.
32. Валлон А. От действия к мысли. Очерк сравнительной психологии. Пер. с французского. – Москва: Иностранная литература, 1996. – 238 с.
33. Вопросы психологии восприятия и мышления. Труды института психологии. – Москва: Российская академия образования, 2018. – 204 с.
34. Выготский Л. С. Воображение и творчество в детском возрасте. – Москва: Просвещение, 1991. – 93 с.
35. Garcin de Tassy J. Rhetorique et prosodie de langues de l'Orient musulman. – Raris: 1993. – 282 р.
36. Голубков В. В. Методика преподавания литературы. – Москва: Госучпедгиз, 2002. – 464 с.
37. Гончарова Е. Б. Формирование мотивации учебной деятельности подростков. //Вопросы психологии. – 2000. – № 6. – С. 132–135.
38. Громцева А. К. Формирование у школьников готовности к самообразованию. – Москва: Просвещение, 1983. – 144 с.
39. Давлетшин М. Г. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 30 б.

40. Джадар А. Теоретические основы аруза и азербайджанский аруз. – Баку: Маърифат, 1977. – 194 с.
41. Давыдов В. В. Виды обобщения в обучении. – Москва: Педагогика, 1972. – 424 с.
42. Долимов С., Убайдуллаев Х., Ахмедов К. Адабиёт ўқитиши методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1967. – 448 б.
43. Долимов У. Туркистанда жадид мактаблари (тил ва адабиёт ўқитиши муаммолари). – Т.: Фан, 2007. – 204 б.
44. Elwell Sutton L. R. The Persian Metres. – Cambridge: Cambridge University Press, 2010. – 300 р.
45. Иванов С. Н. Пять веков узбекской газели. /В красе натленной предстаёт. – Москва: Наука, 1977. – 124 с.
46. Исҳоқов Ё. Фазал. – Т.: Фан, 1978. – 160 б.
47. Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. – Т.: А. Қодирий номидани халқ мероси нашриёти, 2002. – 120 б.
48. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Т.: Фан, 1983. – 198 б.
49. Йўлдошев Қ. Таҳлил машаққатлари. –//Ўзбек тили ва адабиёти. – 1993. –№ 3. –33 – 40-б.
50. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишининг илмий-назарий асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 192 б.
51. Йўлдошев Қ. Б. Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишининг илмий-методик асослари. Пед. фан. докт. ... дис. – Т., 1996. – 238 б.
52. Йўлдошев. Қ. Ёниқ сўз. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 548 б.
53. Йўлдош Қ., Йўлдош М. Бадиий таҳлил асослари. – Т.: Камалак, 2016. – 464 б.
54. Йўлдошев Қ. Сўз ёлқини. – Т.: Fafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – 504 б.
55. Кан-Калик В.А., Хазан В.И. Психолого-педагогические основы преподавания литературы в школе. – Москва: Просвещение, 1988. –172 с.
56. Комилов Н. Тасаввуп. Тавҳид асрори. 2-китоб. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 208 б.
57. Комилов Н. Комил инсон – миллат келажаги. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 134 б.
58. Кошифий, Ҳусайн Воиз. Футувватномаи сultonий ёхуд жавонмардлик тариқати. – Т.: А. Қодирий номидани халқ мероси нашриёти, 1994. – 110 б.
59. Köprülü-zade M. – Babur Şahının şiirleri. – İstanbul: 1956. – 204 s.
60. Лейтес Н. С. Умственные способности и возраст. – Москва: Педагогика, 1971. – 280 с.
61. Лесохина Л. Н. О проблемности урока литературы. //Литература в школе. –1995. – № 6. – С. 3–11.
62. Лутошкин А.Н. Эмоциональная жизнь детского коллектива. – Москва: Знание, 1978. – 148 с.

63. Мамажонов З. Шеърий санъат ҳақида айрим мулоҳазалар. //Тил ва адабиёт таълими. –2007. – № 2. – Б. 92–95.
64. Матчонов С. Умумтаълим тизимида адабиётдан мустақил ишларни ташкил этиш. Пед. фан. докт. ...дисс. – Т., 1998. – 268 б.
65. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш усуллари. Пед. фан. докт. ...дисс. – Т.: 1995. – 264 б.
66. Мирқосимова М. Ҳозирги ўзбек адабиёти намуналарини шархлаб ўрганиш. – Т.: ТДПУ, 2015. – 184 б.
67. Мирҳайдаров Х. Яна қофия ва шеър системаси ҳақида. //Ўзбек тили ва адабиёти. –1976. –№ 2. – 61 б.
68. Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая литература X–XV вв. – Москва: Наука, 1989. – 240 с.
69. Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Т.: Мовароуннаҳр, 2010. – 176 б.
70. Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. – Т.: Шарқ, 2007. – 640 б.
71. Навоий асадлари учун қисқача лугат. – Т.: Фан, 1993. – 376 б.
72. Носиров О. Ўзбек адабиётида ғазал. – Т.: Ўқитувчи, 1972. – 72 б.
73. Олимов М. Ўзбек танқидчилигига М. Бахтин полифония назариясини тушуниш ва талқин этищдаги айрим чалкашликлар ҳақида. Республика ёш олимларининг анъанавий илмий конференцияси материаллари. –Т.: Фан, 1989. – 202 б.
74. Олим, Султонмурод. Нақшбанд ва Навоий. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 216 б.
75. Очилов Э. Тасаввуф ва ирфоний шеъриятни ўрганиш муаммолари. //Ўзбек тили ва адабиёти. –2002. –№ 3. –33 – 40-б.
76. Очилов Э. Ўзбек адабиётида рубоийнинг ўрганилиши. //Ўзбек тили ва адабиёти. –2005. –№ 6. –19–32.
77. Петриева Л. И. Специфика изучения произведений русской классической литературы в старших классах гуманитарного профиля. Дис. ... докт. пед. наук. – Ульяновск: 2000. [http://www.dissertcat.com
/content/spetsifikasi-uzucheniy-proizvedenii-russkoi-klassicheskoi-literatury-v-starshikh-klassakh-gum](http://www.dissertcat.com/content/spetsifikasi-uzucheniy-proizvedenii-russkoi-klassicheskoi-literatury-v-starshikh-klassakh-gum).
78. Пидкастый П. И. Самостоятельная деятельность учащихся. – Москва: Просвещение, 1972. – 184 с.
79. Постникова О. А. Воспитательный потенциал поэтического наследия Рудаки в образовательном процессе. //Современные проблемы науки и образования. 2016 – science-education.ru
80. Пригарина Н. И. Хафиз и влияние суфизма на формирования языка персидской поэзии. //Суфизм в контексте мусульманской культуры. – Москва: Наука. 1989. – 356 с.
81. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 216 б.
82. Рустамов А. Қофия нима? – Т.: Фан, 1976. – 80 б.

83. Сатторов А. Аз таърихи афкори адаби-эстетикии форсу точик. – Душанбе: Ирфон, 1972. – 238 с.
84. Selvi D. Kaynaklariyla tasavvuf. – İstanbul: Semerkand, 2014. – 204 s.
85. Смагулов К. Н., Смагулов М. Н. Классические образовательные практики ислама на примере Центральной Азии: традиции и современность. //Мусульманский мир. – 2016. – <https://www.brighthubeducation.com>
86. Собирова М. Навоий ижодини ўрганиш бўйича норасмий дарс ўтиш тажрибасидан. //Тил ва адабиёт таълими. – 2000. – № 6. – 43–48.
87. Стеблева И. В. Семантика газелей Бабура. – Москва: Наука, 1982. – 268 с.
88. Тарозий Шайх Аҳмад Худойдод. Фунун ал-балоға. //Ўзбек тили ва адабиёти. – 2002. – № 4. – 1–6-б.
89. Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аruz системаси. – Т.: Фан, 1985. – 376 б.
90. Тўхлиев Б. Бадиий асарларни шарҳлаб ўрганиш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2013. – 147 б.
91. Тўхлиев Б., Ашурова Г. Таълим босқичларида Алишер Навоий хаёти ва ижодини ўрганиш. – Т.: Баёз, 2017 – 208 б.
92. Усмонов Р. Юқори синфларда ёзувчи биографиясини ўрганиш. – Т.: Ўқитувчи, 1968. – 102 б.
93. Фирдавсий, Абулқосим. Шоҳнома. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. – 688 б.
94. Шарқ мумтоз поэтикаси. Нашрга тайёрловчи, талқин ва шарҳлар муаллифи проф. Ҳ. Болтабоев. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 426 б.
95. Шидфар Б. Я. Образная система арабской классической литературы (VI–XII вв.). – Москва: Наука, 1974. – 336 с.
96. Юнусов М. Барҳаёт анъаналар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1969. – 208 б.
97. Юсупова Ш. Тил таълими ва фалсафа. – Т.: Мумтоз сўз, 2009. – 140 б.
98. Якобсон П. М. Психология художественного воспитания. – Москва: Искусство, 1964. – 85 с.
99. Яминова С. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиришда сценарийли ўқитиш усулидан фойдаланиш. Пед. фан. номз. ...дисс. – Т.: 1997. – 168 б.
100. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II жилд. – Москва: Рус тили, 1981. – 715 б.
101. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2004. – 704 б.
102. Қодиров М. Таълимда янгиланиш даври. /Миллий ғоя – илмий тадқиқотларнинг илмий-методологик асоси (тўплам). – Андижон: “Ҳаёт”, 2008. Б.19-24.
103. Фаззолий, Абу Ҳомид. Кимёёйёи саодат. – Т.: Адолат, 2005. – 342 б.
104. Ғойиблар хайлидан ёнган чироклар. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – 336 б.
105. Ҳазратқулов М. Тасаввуф. – Душанбе: Ирфон, 1988. – 284 б.

106. Ҳакимова Д. Адабий таълимда ноанъанавий дарсларни ташкил қилиш. //Тил ва адабиёт таълими. – 1998. – № 3. – 21–24-б.
107. Ҳасанов Ш. Мумтоз асарлар матнини таҳлил қилиш тажрибасидан. //Тил ва адабиёт таълими. – 2008. – № 5. – 15–20-б.
108. Ҳаққулов И. Ўзбек адабиётида рубоий. – Т.: Фан, 1981. – 100 б.
109. Ҳаққулов И. Камол эт касбким. – Т.: Чўлпон, 1991. – 188 б.
110. Ҳаққулов И. Аҳмад Яссавий. (Сўзбоши мақола). /Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Т.: Фан, 1991. – 3–26-б.
111. Ҳаққулов И. Ўзбек тасаввуф шеъриягининг шаклланиши ва тараққиёти. – Т.: ДДҚ, 1995. – 224 б.
112. Ҳаққулов И. Ким нимага таянади? – Т.: Зарқалам, 2006. – 144 б.
113. Ҳаққул, Иброҳим. Тақдир ва тафаккур. – Т.: Шарқ, 2007. – 336 б.
114. Ҳусайнин, Атоуллоҳ. Бадойиъ ус-санойиъ. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – 400 б.
115. Ҳусанбоева Қ. Адабиёт – маънавият ва мустақил фикр шакллантириш омили. – Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – 368 б.
116. Ҳусанбоева Қ. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мутақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. докт. ...дисс. – Т.: 2007. – 258 б.
117. Husanboyeva Q., Niyozmetova R. Adabiyot o‘qitish metodikasi. O‘quv qo‘llanma. – Т.: Баркамол-файз-медиа, 2018 – 352 б.

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар

118. Адабиёт ўқитиши методикаси (педагогика институтлари ва университетларининг филология факультетлари учун дастурий қўлланма). Тузувчилик: Йўлдошев Қ., Мадаев О., Абдураззоқов А. – Т.: 1994. – 116 б.
119. Алиев А. Мактабда ёзувчи услубини ўрганиш. – Т.: Ўқитувчи, 1977. – 86 б.
120. Аттор, Фаридиддин. Тазкират ул-авлиё. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1997. – 176 б.
121. Ahmedov S. va boshqalar. Adabiyot. 5-sinf uchun darslik. – Т.: Ma’naviyat, 2007. – 352 б.
122. Ahmedov S. va boshq. Adabiyot. 6-sinf uchun darslik. – Т.: Ma’naviyat, 2005. – 352 б.
123. Баҳоуддин балогардон. – Т.: Ёзувчи, 1993. – 292 б.
124. Бобур, Захириддин Муҳаммад. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1989.– 368 б.
125. Бобир шеъриятидан. – Т.: Ўзбекистон, 1982. – 144 б.
126. Воҳидов Р. Ж., Эшонқулов Ҳ. П. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006. – 527 б.
127. Долимов С. 8-синф “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслиги учун методик қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 144 б.

128. Завқий. Ажаб замона. – Т.: Шарқ, 2003. – 238 б.
129. Зебуннисо, Дилшод, Анбар Отин. – Т.: ЎзКПМКН, 1981. – 320 б.
130. Зоҳидова Д. Аруз сабоқлари. – Т.: Мумтоз сўз, 2016. – 112 б.
131. Зуннунов А. Мактабда Гулханий ва Муқимий ижодини ўрганиш. – Т.: Ўқитувчи, 1965. – 76 б.
132. Зуннунов А. V–X синфларда адабий-назарий тушунчаларни ўрганиш. – Т.: Ўқитувчи, 1967. – 142 б.
133. Зуннунов А., Усмонов Р. 7-синф “Ватан адабиёти” дарслик-хрестоматияси учун методик қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1975. – 120 б.
134. Зуннунов А. Ўзбек адабиёти методикаси тарихидан очерклар. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 196 б.
135. Зуннунов А., Хотамов Н., Эсонов Ж. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1992 – 200 б.
136. Исҳоқов Ф. Мактабда Гулханий адабий меросининг ўрганилиши. – Т.: Ўқитувчи, 1983. – 82 б.
137. Йўлдошев К. ва бошқалар. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Т.: Республика ўқув-методик маркази, 1994. – 96 б.
138. Йўлдошев К., Мажидов Р. Ўзбек адабиёти. 7-синф учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 272 б.
139. Йўлдошев К. Ўқитувчи китоби. 7-синф Ўзбек адабиёти дарслик-мажмуаси учун методик қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 132 б.
140. Yo‘ldoshev Q. va boshq. Adabiyot. 6-sinf uchun darslik. – Т.: Yozuvchi, 2002. – 352 б.
141. Yo‘doshev Q., Husanboyeva Q. O‘qituvchi kitobi. 6-sinf darsligi uchun metodik qo‘llanma. – Т.: O‘qituvchi, 2001. – 160 б.
142. Yo‘doshev Q. Adabiy saboqlar – 6 (6-sinf darsligi uchun metodik qo‘llanma). – Т.: O‘qituvchi, 2002. – 160 б.
143. Yo‘doshev Q. Adabiy saboqlar – 7 (7-sinf darsligi uchun metodik qo‘llanma). – Т.: O‘qituvchi, 2003. – 152 б.
144. Yo‘doshev Q. Adabiy saboqlar – 8 (8-sinf darsligi uchun metodik qo‘llanma). – Т.: O‘qituvchi, 2004. – 174 б.
145. Yo‘ldoshev Q., Qosimov B., Qodirov V. Adabiyot. 7-sinf darsligi. – Т.: Sharq, 2005. – 368 б.
146. Yo‘ldoshev Q., Qodirov V. Adabiy saboqlar – 7. O‘qituvchilar uchun metodik qo‘llanma. – Т.: Sharq, 2005. – 192 б.
147. Yo‘ldoshev Q., Qodirov V., Yo‘ldoshbekov J. Adabiyot. 9-sinf uchun darslik. – Т.: Yangiyo‘l poligraf servis, 2006. – 400 б.
148. Yo‘ldoshev Q., Qodirov V., Yo‘ldoshbekov J. Adabiy saboqlar – 9. O‘qituvchilar uchun metodik qo‘llanma. – Т.: Yangiyo‘l poligraf servis, 2006. – 160 б.
149. Кайковус. Қобуснома. – Т.: Ўқитувчи, 1967. – 151 б.
150. Karimov N. va boshqalar. 9-sinf darsligi. – Т.: Ma’naviyat, 2002. – 240 б.
151. Karimov N. va boshq. Adabiyot – 9. O‘qituvchilar uchun metodik qo‘llanma. – Т.: Ma’naviyat, 2002. – 160 б.

152. Каримов Ф. Ўзбек адабиёти тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1975. –320 б.
153. Каттабеков А., Раҳмонов В. Ўзбек адабиёти. 8-синф учун дарслик мажмуа. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 272 б.
154. Kattabekov A. va boshqalar. 8-sinf darsligi. – Т.: O‘qituvchi, 2001. – 448 б.
155. Комилов Н., Тўхлиев Б. Ўзбек адабиёти. 9. – Т.: Ўқитувчи, 1993. – 234 б.
156. Комилов Н., Тўхлиев Б. Ўзбек адабиёти. 9-синф дарслиги. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 256 б.
157. Коровин В. Я. Анализ художественного произведения в курсе литературы IV–VII классов. – Москва: Знание, 1977. – 204 с.
158. Лутфий. Сенсан севарим. – Т.: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – 464 б.
159. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1976. – 706 б.
160. Matchonov S. va boshq. 4-sinf uchun darslik. – Т.: Yangiyo‘l poligraf servis, 2008. – 216 б.
161. Матчон, Сафо. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 138 б.
162. Машраб, Бобораҳим. Мехрибоним, қайдасан. – Т.: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – 464 б.
163. Махтумкули. Шеърлар. – Т.: Фан, 2007. – 176 б.
164. Муборак мактублар. – Т.: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – 304 б.
165. Мунис. Сайланма. – Т.: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 368 б.
166. Мухторов А., Санакулов У. Ўзбек адабий тили тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 174 б.
167. Муқимий. Танланган асарлар. – Т.: Фан, 1958. – 308 б.
168. Мухаммад алайҳиссаломнинг васиятлари. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 24 б.
169. Мухаммад Сиддиқ Рушдий. Fav sul аъзам. –Т.: Нур, 1992. – 96 б.
170. Навоий Алишер. Асарлар. Ўн беш жилдлик. 14-жилд. – Т.: Фан, 1967. – 168 б.
171. Навоий Алишер. Топмадим. – Т.: F. Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – 784 б.
172. Навоий Алишер. Қаро кўзим. – Т.: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – 708 б.
173. Навоий Алишер. МАТ. XV жилд. Маҳбуб ул-қулуб. – Т.: Фан, 1990.– 124 б.
174. Навоий Алишер. МАТ. V жилд. Хазойин ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. – Т.: Фан, 1990. – 544 б.
175. Навоий Алишер. МАТ. VII жилд. “Хайрат ул-аброр”. – Т.: Фан, 1991. – 392 б.
176. Нисорий, Ҳасанхожа. Музаккири аҳбоб. – Т.: А.Қодирий номидани ҳалқ мероси нашриёти, 1993. – 344 б.

177. Огаҳий. Таъвиз ул-ошиқин. – Т.: Фан, 1960. – 648 б.
178. Olimov S. va boshqalar. Adabiyot. 8-sinf uchun darslik. – Т.: G‘afur G‘ulom nomidagi nashiyot-matbaa uyi, 2006. – 384 б.
179. Olimov S. va boshqalar. Adabiyot – 8. Metodik qo‘llanma. – Т.: G‘afur G‘ulom nomidagi nashiyot-matbaa uyi, 2006. – 190 б.
180. Орзивеков Р. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006. – 271 б.
181. Орифий, Шарафжон. Мактабда лиро-эпик асарларни ўрганиш. – Т.: Ўқитувчи, 1981. – 104 б.
182. Педагогика. Учебник под. ред. Бабанского Ю. К. – Москва: Просвещение, 1983.– 608 с.
183. Профессиограмма учителя русского языка и литературы. /Сост. М.Г. Качурин. – Ленинград: 1979. – 248 с.
184. Рабғузий, Носируддин Бурхонуддин. Қисаси Рабғузий. 1-, 2-жилд. – Т.: Ёзувчи, 1991. – 412 б.
185. Раҳимов Жўра. Адабиёт дарсларида ёзувчи шахсини ўрганиш. – Т.: Ўқитувчи, 1975. – 52 б.
186. Румий, Жалолиддин. Маснавийи маънавий. – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. – 368 б.
187. Сайдова Раҳима. 8-синфда Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганиш. – Т.: Ўқитувчи, 1984. – 35 б.
188. Саримсоқов ва бк. Ўзбек адабиёти. 5-синф дарслиги. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 352 б.
189. Саримсоқов ва бк. Ўзбек адабиёти. 6-синф дарслиги. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 352 б.
190. Субҳоний, Истроил. Бухоронинг етти юлдузи. – Самарқанд: Ғафур Гулом нашриётининг Самарқанд филиали, 1991. – 84 б.
191. To‘xliyev B. Adabiyot. Akademik litsey va kasb-hunar kollejlari uchun darslik. – Т.: O‘qituvchi, 2002. – 288 б.
192. Тўхлиев Б., Абдураҳмонова Б. “Қутадғу билиг”ни ўрганамиз. – Т.: Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2005. – 82 б.
193. To‘xliyev B., Abdurahmonova B. Adabiyot. Majmua. Akademik litseylarning 1-bosqichi uchun. – Т.: Cho‘lpon, 2007. – 216 б.
194. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 152 б.
195. To‘xliyev B., Karimov B., Usmonova K. Adabiyot. 10-sinf. 1-, 2-qismlar. – Т.: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2017. – 244 б.
196. To‘xliyev B., Karimov B., Usmonova K. Adabiyot. 11-sinf. 1-, 2-qismlar. – Т.: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2019. – 244 б.
197. Тўхлиев Б., Ашуррова Г. Таълим босқичларида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш. – Т.: Баёз, 2017 – 208 б.
198. Umarova M., Hakimova Sh. O‘qish kitobi. 3-sinf uchun darslik. – Т.: Cho‘lpon, 2008. – 214 б.
199. Фитрат, Абдурауф. Аруз ҳақида. – Т.: Ўқитувчи, 1997. 80 б.
200. Yusupova D. Aruz alifbosi. – Т.: Янги аср авлоди, 2015. – 136 б.

201. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Т.: Юлдузча, 1990. – 192 б.
202. Қосимов Б., Жумаев Н., Султонмурод Олим. Ўзбек адабиёти. 10-синф. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 400 б.
203. Қосимов Б., Жумаев Н. Ўзбек адабиёти. 10-синф дарслиги. – Т.: Ўқитувчи, 2000. – 464 б.
204. Qosimov B. va boshq. Adabiyot. Majmua. 10-sinf. – Т.: O'qituvchi, 2004. – 344 б.
205. Qosimov B. va boshqalar. Adabiyot – 5. O'qituvchilar uchun metodik qo'llanma. – Т.: Ma'naviyat, 2003. – 172 б.
206. Qosimov B., To'xliyev B., Yo'ldoshev Q. Adabiyot. 10-sinf darsligi. – Т.: O'qituvchi, 2004. – 400 б.
207. Qurbonov A. Aruz vazni bo'yicha saboqlar. 1–4-sonlar. – Т.: Ertakchi-repetitor, 2006. – 231 б.
208. Ҳаёт васфи. Тўплам. – Т.: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – 704 б.
209. Ҳасанова А., Зуннунов А. Мактабда Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш. – Т.: Ўқитувчи, 1983. – 88 б.
210. Ҳожиаҳмедов А. Мактабда аruz вазнини ўрганиш. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 192 б.
211. Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи лугати. – Т.: Шарқ, 1998. – 224 б.
212. Ҳожиаҳмедов А. Мактабда ўрганиладиган мумтоз шеъриятнинг вазн кўрсаткичлари. – Т.: Шарқ, 2001. – 64 б.
213. Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатларини биласизми? – Т.: Шарқ, 1999. – 96 б.

Адабиётдан методик қўлланмалар: ютуқ ва камчиликлар таҳлили

Кейинги йилларда мактаб учун ёзилган дарсликлар уларга илова тарзида ўқитувчилар учун тавсия характеристида бўлган методик қўлланмалар билан биргаликда яратилмоқда. Бошқа фанлар тўғрисида бир нима дейишимиз қийин, лекин мактаб дарсликлари тавсия характеристидаги қўлланмалар ёзиш анъанаси она тили ва адабиёти фанларида ўтган асрнинг 70-йилларидаёқ бошланган эди. Мустақилликдан кейинги қисқа даврда адабиёт дарсликлари ва уларга ёзилган методик қўлланмаларнинг уч авлоди нашр юзини кўрди. Бу дарслик ва қўлланмаларда янги давр адабиётшунослиги, методикаси ва педагогиканинг ютуқ, камчиликлари муайян тарзда ўз ифодасини топган. Ушбу мақолада мустақилликкача ва ундан кейин яратилган адабиётдан методик қўлланмаларда берилган мумтоз намуналарнинг ўрганилишига бевосита ёки билвосита алоқадор бўлган тавсиялар юзасидан мулоҳазаларимизни баён этамиз.

Шўролар давридаги методик адабиётлар ҳақида гапирганда муайян бир синф адабиёт дарслигига ёзилган ўқитувчилар учун методик қўлланмаларга махсус тўхталиб ўтмоқ жоиз. Бизнинг тадқиқ обектимизга тааллуқлиси иккита – 7- синф дарслик-хрестоматиясига А.Зуннунов ҳамда Р.Усмоновлар¹ томонидан ва 8- синф дарслиги учун С. Долимов² томонидан ёзилган қўлланмалардир. Биринчи қўлланмада дастурда белгиланган икки мумтоз сиймо – Навоий ва Махмур ижодини ўрганиш юзасидан тавсиялар берилган. Биринчи мавзу – Навоий ижодини ўрганишга киришишдан олдин адабиёт тарихи тўғрисида маълумот бериш зарурлиги айтилган. Бу тўғри. Ҳақиқатан ҳам илк бор адабиёт тарихини тизимли ўрганишга киришган ўқувчиларга бу маълумотни бериш ўринли бўлади. Муаллифлар ўқитувчи бериши керак бўлган маълумотларнинг қисқача мазмунини ҳам келтирганлар. Шунингдек, дарсликда берилган қитъа ва фардларни таҳлил қилишдан олдин бу жанрлар тўғрисида тушунча бериш кераклиги ўринли тарзда уқтириб ўтилган. Мавзулар бўйича тавсиялар охирида ўқитувчиларга қўшимча фойдаланиш учун илмий адабиётлар рўйхати берилганлигини ҳам қўлланманинг бир фазилати сифатида баҳолаш мумкин. Афсуски, қўлланма бундай фазилатлардан кўра хато ва қусурларга бойроқлигини эътироф этишга тўғри келади. Биз уларнинг айримларига тўхталамиз.

Иккала мумтоз шоирлар (Навоий ва Фурқат ижроди)ни ўрганишда асосан дарслиқдаги саволлар устида ишлашга диққат қилинган. Бунда қайси

¹ Зуннунов А., Усмонов Р. 7-синф “Ватан адабиёти” дарслик-хрестоматияси учун методик қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1975.

² Долимов С. 8-синф “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслиги учун методик қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1980

саволга ўқувчи қандай жавоб бериши, унга нисбатан ўқитувчининг муносабати қандай ифодаланиши кераклиги олдиндан белгилаб қўйилади. Мана, бир қитъанинг таҳлил этилиши бўйича муаллифлар тавсиясига диққат қиласли:

“Ўқитувчи қитъанинг мазмунини сўзлаб беришни талаб қиласли. Ўқувчилар ўқитувчининг бу талабига тахминан шундай жавоб берадилар:

- Алишер Навоий “Камол эт қасбким...” қитъасининг биринчи байтида киши илм-хунарни мукаммал эгалласа, дунёдан ғам-ғуссасиз ўтади, – дейди.
– Иккинчи байтда илм билан камол топмаган одамни ҳаммомга тушиб, тоза бўлиб чиқмаган кишига ўхшатади.

- Тўғри, - дейди ўқитувчи ўқувчилар жавобини тўлдириб, - бу қитъадаги биринчи байтда Навоий бир-бирига ўхшаш икки ҳодисани, яъни илм-хунарни мукаммал эгаллаш, дунёдан ғам-ғуссасиз ўтишнинг зарурлигини ҳаммомдан тоза бўлиб чиқмаган одамга ўхшатиш орқали таъкидлади”.¹

Таҳлилнинг ўзи нотўғрилиги, ночорлиги хатоларнинг боши бўлган. Муаллифларни “қасб” сўзи чалғитган. Негадир уни “илм-хунар” деб талқин этганлар. Диний-тасаввуфий руҳдаги мазкур шеърда бу арабча сўз шаръий атамалар бўлмиш “қадар” ва “қазо” орасидаги тушунча бўлиб, ўзбек тилида “қозонч” ёки “эришиш” (яъни қозонилиши керак бўлган нарса) маъносини беради. У билан ёнма-ён қўлланган “камол” сўзи орқали маънавий камолот, руҳий покланишга ишора қилинган. Биринчи мисрадаги “Камол эт қасбким” бирикмаси “руҳий покланишга эришгин”, “маънавий камолатни қозонгин” маъноларини беради. Унинг давоми ва иккинчи мисра тўлигича “Оlam уйи бўлмиш бу дунёдан нопок – руҳий покланмай ўтиш сенга фарз эмас”, бошқача қилиб айтганда, “дунёдан камолатга эришиб, пок бўлиб чиқишинг ва Парвардигоринг хузурига маънавий юксалиб қайтишинг фарз (шарт)” деган исломий-ирфоний маънони уқтиришга хизмат қилган. Кўлланмада қитъа ўша давр мағкураси ва қараашларига ҳамоҳанг тарзда моҳияти бузиб талқин этилган. Бу масаланинг бир томони. Иккинчидан, берилаётган саволларга республикадаги барча 7-синф ўқувчилари худди қўлланмадаги каби жавоб беришлари керак қабилидаги ҳукм етакчилик қиласли. Хўш, ўқувчи уни бошқача тушунса, бошқача талқин этса-чи? Унинг оғзига уриб, билимсизга чиқариладими? Гарчи шеърнинг таҳлили тўғри берилганда ҳам ўқувчи ўз нуқтаи назарига, бадиий асарга индивидуал ёндашишга ҳаққи борлиги бу ерда писанд қилинмайди. Навоийнинг фардлари, “Лайли ва Мажнун”дан олинган парча, Махмурнинг ғазалларини ўрганиш учун берилган тавсияларда ҳам ана шундай ёндашув етакчилик қиласли.

¹ Зуннунов А., Усмонов Р. 7-синф “Ватан адабиёти” дарслик-хрестоматияси учун методик қўлланмана. – Т.: Ўқитувчи, 1975. 35-бет.

Таҳлил деганда факат байтларнинг маъносини сўзлаб бериш тушунилади ва тушунтирилади. “Шоир бу байтда ундей деган, у байтда бундай деган” каби баёнлар, “демак, у шеърида шу-шу нарсага чақирган, унга-бунга унданаган” қабилидаги холосалар шеърий матнни ўрганиш намунаси сифатида берилади. Ҳозиргача бу “таҳлил” шакли Ўзбекистондаги мактаб адабий таълим мининг асосий қусури бўлиб қолмоқда.

Ўқувчиларга илгари умуман аруз тўғрисида тушунча берилмагани ҳолда ҳар бир шеърий шаклдаги (лирик, лиро-эпик) асар ўрганилаётганда унинг вазн хусусиятлари ҳақида томдан тараша тушгандай қисқача тарзда маъруза қилиш тавсия этилган. Мумтоз шеърияти вазн, руқн ва баҳрларнинг ҳосил бўлиши борасида тасаввuri бўлмаган болаларга у ёки бу асарнинг вазн хусусиятлари ҳақида ваъз айтиш тўғри бўладими, умуман, 7-синф ўқувчиси арузни тушуна оладими, йўқми, деган савол методист олимларнинг хаёлларига келмаган кўринади. Кўлланмадаги “Қисқа талаффуз қилинадиган унли товуш билан тугаган очиқ бўғинлар қисқа бўғин, чўзиб талаффуз қилинадиган унли билан тугаган очиқ бўғинлар ва ундош билан тугаган ёпиқ бўғинлар узун бўғин ҳисобланади. Ёпиқ бўғин “—” белгиси билан, очиқ бўғин “V” ёки “ - - ” белгиси билан кўрсатилади”¹ жумлаларини ўқиб, муаллифларнинг аруз ҳақидаги билимларига нисбатан иштибоҳ туғилади ҳам.

35- бетда ўқувчиларга Навоий фардларидаги сўзларни бўғинларга ажратиш топширифи бериш лозимлиги айтилади ва намуна сифатида икки фардни бўғинларга ажратиб берилади. Гарчи шундан кейин “Ўқувчилар бу топшириқларни бажариш билан фард ва унга хос белгилар ҳақида маълум тасаввурга эга бўладилар” дейилса-да, лекин бунинг нима учун кераклиги, “фард ва унга хос белгилар ҳақида маълум тасаввурга эга бўл”ишидаги аҳамияти умуман англашилмайди. Бизнинг назаримизда бу аниқ бир мақсадсиз топшириқдай таассурот қолдиради.

Дарсликда берилган асарлар бадииятини очишга қаратилган, қаҳрамонлар руҳий оламини тадқиқ этишга ўқувчиларни йўллайдиган савол ва топшириқлар бўлса-да, айнан улар билан ишлаш тўғрисида батафсил тўхтамай, умумий тарзда ишора қилиб кетилади.

Мавзулар ўтиб бўлингач, уйга матн устида ишлаш, образларни таҳлиллаш каби ўқувчини изланишга, ижодий ёндашишга ўргатадиган топшириқлар эмас, балки дарсликдаги шу асарлар ҳақидаги тайёр мақолани ўқиб келишдай ўта умумий вазифа берилади.

¹Зуннунов А., Усмонов Р. 7-синф “Ватан адабиёти” дарслик-хрестоматияси учун методик кўлланма. 37-бет.

Қўлланмада шўролар даври ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси илмининг барча чекланган жиҳатлари ўз ифодасини топган.

Таниқли методист Субутой Долимовнинг қўлланмасида бошқача ҳолат ва муносабатга дуч келамиз. Тўғри, юқорида қайд этилаган қусурларнинг муайян шакллари бунда ҳам қайсиdir даражада кузатилади, лекин китобнинг кенг таъриф ва тавсифга лойик фазилатлари, соҳанинг билимдони бўлмиш муаллифнинг амалиёт орқали илмий асосланган тавсиялари олдида улар узрли кўринади.

Муаллифнинг ўқитувчига қандай тавсия беришни билиши, аввало, дастурга кўра ҳар бир мавзу материалини ажратилган соатларга тўғри тақсимлай билишида намоён бўлади. Ҳар қандай тажрибали адабиёт муаллими бу тақсимотни ҳеч эътиrozсиз ва ўзгартиришсиз (ёки ўта кичик таҳrir билан) қабул қилишига шубҳа уйғонмайди.

Катта ўкув материалини ўз ичига олган умумий обзор характеридаги мавзулар учун ўқитувчиларга тўғри йўналиш бериш мақсадида машғулот режасини ҳам келтиради ва унга тегишли ўқитувчи топишга қийналиши мумкин бўлган маълумотларни қисқача баён этади.

Мавзу бўйича фикрлар якунлангач, охирида қўшимча бадиий, илмий ва методик асарлар рўйхати илова қилиниши билан бирга баъзан сўз юритилаётган муаммога дахлдор ўринларда ёрдамчи адабиётлар ҳам ўз жойида тавсия этиб кетилади. Масалан, 29-бетда “Қутадгу билиг”ни ўқитища унинг вазни ҳақида ҳам сўзлаш лозимлигини айта туриб, “Бу ўринда ўқитувчи А. Ҳожиахмедовнинг “Мактабда аruz вазнини ўрганиш” (“Ўқитувчи”, 1978) методик қўлланмасидан фойдаланиши лозим” дея уқтириб ўтади.

С. Долимовнинг дарсликдаги саволлардан ташқари, тўғрироғи, улардан мазмунан анча баланд бўлган савол ва топшириқларни деярли ҳар бир мавзу учун тавсия этиб боргани алоҳида диққатга сазовордир. Уларнинг аксарияти концептуал характерда бўлиб, ўқувчини фикрий зўриқишига мажбур қиласи, мушоҳада қилишга ундейди. Биргина мисол келтирамиз (Навоий ғазалиёти мавзусидан):

1. *“Меҳрибоне топмадим” газалининг ҳар бир байти маъносини айтиб беринг.*
2. *“Сода шайх” газалидаги лирик қаҳрамон билан “Меҳрибоне топмадим” газалидаги лирик қаҳрамонни аниқланг ва бу қаҳрамонларнинг фарқини сўзлаб беринг.*
3. *Алишер Навоийнинг “Меҳрибоне топмадим” шеъри тематик томондан қайси шеърга киради?*
4. *Шеърнинг композициясини аниқланг.*

5. Шоир қандай бадиий воситалардан фойдаланган? Шеърдан мисоллар келтиринг.

Мукаммал бўлмаса-да, ўз даврида яратилган қўлланмаларга нисбатан лирик асарларни ўрганиш, бадииятини таҳлил қилиш бўйича жўяли фикрлар, тавсиялар келтиради. Айниқса, Навоий ғазал, рубоий, туюқлари, Бобур лирикаси, Муқимий шеъриягини ўрганиш юзасидан билдирган фикрлари диққатни тортади.

Муаллиф лиро-эпик қаҳрамонларини ўрганиш бўйича ҳам ўзига хос йўл тутади. Ҳар бир образни ўрганиш учун синф иштирокида характеристика режаси тузиб чиқилади. Масалан, Ширин (“Фарҳод ва Ширин”) учун қуийдагича режани тавсия этади: 1. *Ширин – гўзал ва оқила қиз.* 2. *Инсонпарварлик – Шириннинг асосий фазилатларидан.* 3. *Ширин – вафодор ва саботли маъшуқа.*

Мазкур режа ўқитувчи раҳбарлиги билан бутун синф иштирокида тузилади, таҳлил қилинади ҳамда маълум тўхтам ва ечимга келинади. Бу ҳозирда ғоят қадрланаётган ҳамкорлик педагогикасининг адабиёт дарсларидағи ўзига хос кўриниши эди.

Китобнинг яна бир талай ютуқлари, фазилатлари тўғрисида гапириш мумкин. Лекин энг асосий жиҳати шундаки, у ўз даврида мумтоз адабиёт ўқитиш бўйича нисбатан мукаммал ва кўп фикрлари ҳозирда ҳам амалий қимматга эга бўлган қўлланма бўлганлигини, муаллиф С. Долимов эса ўз сафдошларига нисбатан анча илгарилаб кетган, соҳа назариясини пухта ўзлаштирган, амалиётни яхши билган етук методист олим эканлигини эътироф этиш лозим.

Истиқлолгача яратилган мумтоз адабиёт ўқитишга алоқадор методик қўлланмалар орасида мавзу, мазмун ва моҳиятан долзарблигини йўқотмаган, маънавий жиҳатдан эскирмаган асар Анвар Ҳожиахмедовнинг “Мактабда аruz вазнини ўрганиш” китобидир¹. Шунинг учун бу қўлланманинг қайта ишланган, тўлдирилган нашри амалиётдаги талаб ва эҳтиёж туфайли 1995 йили қайтадан чоп этилди. Қўлланма кириш ва хulosса қисмларидан ташқари “Аруз шеърий тизими назарияси асослари”, “Мактабда аruz илмини ўрганиш”, “Аруз вазnidаги асарларни ифодали ўқиши” каби уч асосий бобдан иборат бўлиб, унда аруз ҳақида бир мутахассис билиши керак бўлган илмий-назарий, методик билимлар, тушунчалар ва методик тавсиялар баён этилган. Китобдаги аруз вазнини ўрганиш 5-6-синфларданоқ бошланиши лозимлиги, бу синфларда асосий эътибор шеърий асарларни вазнга мувофиқ ифодали ўқишига, қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқ бўғинларни ўзлаштиришга қаратилиши; 7-

¹Ҳожиахмедов А. Мактабда аruz вазнини ўрганиш. – Т.: Ўқитувчи, 1995.

8-синфларда аruz назариясини ўрганиш бироз чуқурлашуви, ўқувчиларнинг ўзбек аруzinинг мураккаб бўлмаган ўлчовлари билан танишишлари, шеъриятимизда кенг қўлланган вазнларни, уларнинг руқнлари таркиби ҳамда чизмаларини мустақил аниқлашни машқ қилишлари, ифодали ўқиш малакаларини такомиллаштириш; 9-синфдан эса аruz назарияси ва амалиётини изчил равиша ўрганиш бошланиши каби фикрлар тўғрилигини, методикага мувофиқ келишини адабий таълим амалиёти йиллар давомида тасдиқлади. Таклиф ва мулоҳаза тариқасида айтиш мумкинки, кириш қисмида таъкидланганидек, “асосий дикқат мумтоз адабиётимиз намуналарини ифодали ўқиш масаласига қаратилган” бу қўлланмани аruz вазнини ўқувчиларга ўргатиш, тушунчаларини сингдириш, ҳар бири юзасидан амалий кўникмаларни шакллантириш жараёни борасида методик тавсиялар билан бойитиш зарур. Шунда унинг амалий аҳамияти ортган бўлур эди. Шу ўринда илмда А.Хожиаҳмедовга издош олимлар – аruz вазни ҳақида ёзаётган, шунингдек, бу шеър тизимини ўқитиш масалаларига эътибор қаратадиган кейинги авлод вакиллари ҳам борлигини қайд этиш жоиз. Кўқонлик истеъдодли олима Дилдора Зоҳидованинг “Аruz сабоқлари”¹, Дилновоз Юсупованинг “Аruz алифбоси”² китоблари фикримизнинг далилидир. Муаллифлар асосан вазн ҳақида, унинг тушунчалари ҳақида маълумот беришган, ўрни билан ўқитиш билан боғлиқ жиҳатларга ҳам тўхталганлар.

Мустақилликдан кейинги илк йиллардаёқ умуман педагогикада бўлгани каби адабиёт ўқитиш методикасида ҳам туб бурилишлар юз бера бошлади. Сезиларли ижобий ўзгаришлар яратилган янги дарсликлар билан бир қаторда соғлом қарашларга асосланган методик қўлланмаларда ҳам ўз аксини топа бошлади. Бу борада методист олимлар Қ.Йўлдошев, О. Мадаев, А. Абдураззоқовлар томонидан тузилган “Адабиёт ўқитиш методикаси” (педагогика институтлари ва университетларининг филология факультетлари учун дастурий қўлланмана)³ алоҳида эътибор ва мавқега эга. Унда ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарига қадар қўлланиб келган адабиёт таълими методларининг ютуқ, камчиликлари таҳлил қилинган, уни танқидий ўрганиш ва бу методлардан ижодий фойдаланиш йўриқлари кўрсатилган, методика борасидаги илғор тажрибалар имкон қадар кенгроқ шарҳланган ва айни пайтда янги методлар қандай бўлиши лозимлиги тўғрисида ҳам мулоҳазалар юритилган. Энг эътиборлиси, янги шароитда адабиёт ўқитиш тамойиллари қандай бўлиши кераклиги, методологик асоси, бадиий асарга ёндашув

¹Зоҳидова Д. Аruz сабоқлари. – Т.: Мумтоз сўз, 2016.

² Yusupova D. Aruz alifbosi. – T.: Akademnashr, 2015.

³ Йўлдошев Қ. ва бошқалар. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Т.: Республика ўқув-методик маркази, 1994.

жихатлари, дин ва тасаввуфнинг адабиётга алоқадорлиги ва бундаги меъёр, ўқитувчи ва тарбияланувчилар муносабати каби адабий таълимнинг ўзак масалалари методикамиз илми тарихида биринчи марта кўтарилиган ва ҳал этишга уринилган. Айни пайтда адабий таълим мининг ташкилий масалаларига янгича ёндашилган, бир қатор тушунчаларга ойдинлик киритилган. Умуман олганда, дастурий қўлланмани соҳадаги янгиланишлар томон қўйилган дастлабки дадил одим сифатида баҳоласақ, муболаға бўлмайди.

Қ. Орипов, М. Обидоваларнинг ўтган асрнинг 70-йиллари ёзилган “Ифодали ўқиши” қўлланмаси ҳам мустақилликдан сўнг кенг эътироф ва эҳтиёж натижаси ўлароқ қайта нашр юзини кўрди¹. Унда ифодали ўқиши тарихи, нотиқлик тарихи алоҳида бобларда баён этилган. Ифодали ўқиши тил сатҳлари, бирликлари ҳамда адабиётшунослик тушунчалари билан алоқадорликда изчил ёритилган. Қўлланмани шу йўналишда яратилган ишлар орасида бир қадар мукаммал эканлигини қайд этиб ўтиш лозим. Китобда “Аруздаги шеърларни ўқиши” номли алоҳида фасл бор. Афсуски, тадқиқ обьектимизга тааллуқли бу фаслда илмий ва методик жихатдан талайгина хатоликлар борлигига гувоҳ бўлдик.

Қўлланмада аruz шеърий тизими бўйича айрим тушунчалар тўғрисида маълумот беришда методик жихатдан малака етишмагандай туюлади. Ҳижо, руҳи, баҳр ҳақидаги маълумотлар таҳрирга муҳтож. Билдирилаётган фикрлар илмий асосланмайди, айрича ҳолатлар сабаблари ойдинлаштирилмайди. Масалан, Оғаҳийнинг “Келдилар” радифли ғазалини икки хил ўқилиши мумкинлиги айтилади, лекин бунинг нега ва нима асосга кўра эканлиги шарҳланмайди. Биринчи хил ўқилишида ғазал қайси вазнга тушади-ю, икки нчисида қайси баҳрга тўғри келади? Қайси бири тўғри ҳисобланади? Агар иккаласи ҳам тўғри деб олинса, бунга нима асос бўлади? Бу каби саволларга жавоб берилмаган. Бундан ташқари мисрадаги сўзларни ҳижоларга ажратишида ёки рукнларга бўлишда, шунингдек, баҳрларни аниқлашда қўпол ҳатоларга йўл қўйилган. Мисол тариқасида рисоланинг 78-79-бетларида бирин-кетин берилган уч байтни олайлик.

Ҳазажи мусаммани солим баҳри учун мисол тариқасида келтирилган байт қуидагица руҳи ва ҳижоларга ажратилган:

Зи-ҳи-хус-нунг/зу-ҳу-ри-дин/туш-уб-ҳар-ким/га-бир-сав-до
Бу-сав-до-лар/би-ла-кав-на/йн-бо-зо-ри/да-юз-ғав-ғо.

Бу байтнинг учинчи ҳамда олтинчи-еттинчи рукнларида сўзлар ҳижоларга нотўғри ажратилган. Учинчи руҳи *туш-уб-ҳар-ким* эмас, балки

¹Орипов Қ., Обидова М. Ифодали ўқиши. Т.: Ўқитувчи, 1976.

ту-шуб-ҳар-ким; 6-7-рунлар эса би-ла-кав-на/йн-бо-зо-ри эмас, *би-ла-кав-най/н-бо-зо-ри* шаклида бўлиши лозим. Ундан кейинги

Не-а-жаб-гар/бор-э-сам-де/во-на-ваши-лиғ/бир-ла-хаш

Ким-қўнг-ул-ол/ған-па-ри-рўй/им-э-рур-де/во-на-ваши

байти ҳазажи мусаммани мақсур баҳрида ёзилган деб берилган. Лекин бу ғазал ҳазажда эмас, балки рамал баҳрида битилган. Унинг иккинчи мисрасини *Ким-қўнг-ул-ол/ған-па-ри-рўй/им-э-рур-де/во-на-ваши* тарзида ҳижо ва руңларга бўлиш тўғри бўлади. Навбатдаги ражази мусаммани солим вазнида ёзилган

Вай-ро-на-и/дур-ма-с-ка/ним-ан-дин-ман/га-бис-ёр-ғам

О-ҳим-би-ла/э-шик-та-ўрт/аш-ким-би-ла/де-во-р-нам

байти гўё ҳижо ва руңларга тахминан ажратилгандай таассурот туғдиради.

Аслида у

Вай-ро-на-и/дур-мас-ка-ним/ан-дин-ма-нга/бис-ё-р-ғам

О-ҳим-би-ла/э-шик-та-ўр/таш-ким-би-ла/де-во-р-нам

тарзида бўлиши керак. Бирин-кетин келтирилган уч байтда шунча хато. Кейинги бетларда келтирилган ўнлаб байтларда ҳам шу каби янгиликлар мавжуд. Уларни кўздан кечириб, муаллифлар кўлланманинг шу фаслини арузни мукаммал биладиган мутахассис нигоҳидан ўтказиб, таҳрир қилдириб олмаганликларига ачинади киши. Ҳеч бўлмаганда мустақиллик йилларидағи қайта нашрида бу ишни қилиш керак эди.

Адабиёт ўқитиши соҳасидаги инқилобий ўзгаришлар таниқли методист ва адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошевнинг илмий изланишлари ҳамда амалий фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Олимнинг “Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишининг илмий-методик асослари” мавзусидаги докторлик иши ҳамда у асосида тайёрланган “Адабиёт ўқитишининг илмий-назарий асослари” номли монографияси¹ адабий таълим методикасида туб бурилишларга асос солди. Монография республикамизнинг филолог мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юртларида, ўз ишига вижданан ёндашадиган ўқитувчилар учун амалиётда асосий кўлланма сифатида фойданилмоқда. У “янгиланаётган педагогика илмида ҳамда адабий таълим методикаси фанида рўй берган, бераётган ва бўлиши кутилаётган ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятларини назарий жиҳатдан умумлаштириш ва педагогик тажрибага таянган ҳолда амалий жиҳатдан тадбиқ қилишни асослаш самараси ўлароқ вужудга келди”².

¹ Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишининг илмий-назарий асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.

² Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишининг илмий-назарий асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.4-бет.

Рисоланинг умумий яхлитланган ҳолдаги фазилатлари, бизнингча, қуидагилардан иборат:

Ишда мактабда адабиёт ўқитишининг мақсад, вазифалари, мазмуни сингари масалаларга алоҳида эътибор қаратилган ва бу тушунчаларга илк бор узил-кесил аниқлик киритилган.

Адабиёт ўқитиши ишини синфийлик, ижтимоийлик, ғоявийлик нуқтаи назаридан тадқиқ этилишини танқид остига олинниб, эндиликда амал қилиниши керак бўлган соф бадиий-эстетик ва маънавий-педагогик ёндашув тамойиллари белгилаб берилган.

Методикада биринчи марта ўқув таҳлили тўлиқ умумназарий тарзда ўрганилган ва таҳлил турлари, уларга қўйиладиган талаблар, дидактик таҳлилнинг тамойиллари, таҳлилни амалга ошириш усуллари ҳақида батафсил фикр юритилган.

Ўқувчилар бадиий адабиётни нима учун ўқишлари кераклиги, уларга қандай асарлар тавсия этилиши лозимлиги, бу асарларни ўзлаштириш жараёнида тарбияланувчиларда қандай сифатлар шакллантириш кўзда тутилиши аниқ-равshan белгилаб берилган.

Бадиий адабиётни ўрганиш машғулотига жамият томонидан белгилаб берилган бош умумий мақсаддан ташқари ҳар бир ўқитувчи ва ўқувчининг хусусий мақсади ҳам бўлиши мумкинлиги сингари бутунлай янгича фикрлар илгари сурилган.

Мазкур қўлланмада, шунингдек, адабий таълим иштирокчиларининг сиёсатдан, мафкурадан холи туриши ҳамда дунёқарашлар хилма-хиллиги шароитда иш кўришига мослашиш тамойиллари тадқиқ қилинган.

Адабиёт ўқитишида соғлом фалсафий асосларга таяниш, айни вақтда, дунёқарашни шакллантиришда ўқувчи шахси ва унинг тафаккур тарзига тазиик ўтказишга йўл қўймаслик кераклиги таъкидланиб, дидактик плюрализм комил шахсни шакллантиришнинг энг мақбул йўли эканлиги ҳисобга олинган ҳолда хulosалар чиқарилган ва тавсиялар берилган.

Ўзбек адабиётини ўқитишига доир янгича хulosаларга келишда ўтмиш тажрибаси билан бирга замонавий ўзбек методика илмининг намоёндалари қарашлари ҳам атрофлича таҳлил қилинган. Шунингдек, қардош ва жаҳон методист олимларининг илғор фикрларини синчиклаб ўрганилган ва ўзбек адабий таълими назарияси ҳамда амалиётига мувофиқ келадиган хulosалар сараланган. Назарий ва амалий жиҳатдан бекиёс аҳамиятга эга бўлган бу рисола яратилгандан буён адабий таълимнинг давлат таълим стандартларини белгилашда, унинг концепциясини яратишда, ўқув режаларини тузишда, ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва дарсликлар ёзишда таяниладиган соғлом илмий асос бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Баён этилган илмий-назарий

қарашларни, амалий натижаларни бевосита, тўғридан тўғри мумтоз адабиёт намуналарини ўқитиш жараёнига тадбиқ этиш мумкин.

Шу каби умумназарий масалалар ва амалий тасвиялар Сафо Матчоннинг “Мактабда адабиётдан мустақил ишлар” қўлланмасида¹ баён этилган. Унда адабиётдан мустақил ишлар муаммоси ўрганилган илмий-амалий ва методик адабиётлар таҳлил қилинган, уларга муносабат билдирилган.

Адабий таълим жараёнида қўлланадиган мустақил ишларнинг ўзига хос хусусиятлари, дарс машғулотлардаги ўрни ва аҳамияти аниқланган, турлари тасниф этилган.

Мустақил ишлар воситасида ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантириш юзасидан аниқ таклиф, тавсиялар берилган.

Мустақил иш турларининг адабий таълим самарадорлигини таъминлашга қаратилган қулай, самарали усуллари тадқиқ этилган. Кўйилган муаммоларни ҳал этишдаги мумтоз адабиёт намоёндалари ижодига мурожаат этилган ўринлар бизнинг мавзуумизга бевосита алокадордир. Эътиборли томони шундаки, тадқиқот натижаларидан ҳозирда республикамизнинг адабиёт муаллимлари кенг фойдаланиб, ўз фаолиятларида қўлламоқдалар.

Мустақиллик йиллари янги дарслик яратиш баробарида уларнинг ҳар бири учун муаллифлар томонидан ўқитувчиларга ёрдам сифатида методик қўлланмалар ёзилди. Уларда бугунли кун адабиёт ўқитиш методикасининг кучли ва заиф томонлари акс этган. Уларнинг сони ўн иккита бўлса, еттитаси профессор Қозоқбой Йўлдошев томонидан ёки унинг иштирокида ёзилган. Турли йилларда ёзилган бу олти қўлланмани кўздан кечириб, уларнинг тоборо такомиллашиб, илмий-методик тавсиялар, амалий ўриклилар билан бойиб борганлигини кузатиш мумкин. Таниқли методист олим ва унинг ҳамкорлари қўлланмаларидағи ижобий фазилатлар, ютуқлар ҳакида сўз кетганда қўйидагиларни қайд этиш мумкин.

1. Ҳар бир қўлланма аввалида кириш қисми берилган бўлиб, уларда педагогика, методика фанларидағи сўнгги ютуқлар асосида ўқитувчилар янги қарашлар тизими билан таништирилади, жорий дастур, дарсликларнинг ўзига хослиги, олдингилардан фарқи тўғрисида тушунча берилади. Бу билан қўлланмалар филолог мутахассисларни илмий-методик, амалий томондан қайта тайёрлаш ишига ҳисса қўшмоқда дейиш мумкин.

2. Барча синфлар учун қўлланмаларда ҳар бир мавзуга дастурда белгиланганига кўра машғулот материаллари соатларга тақсимлаб берилган. Бу тақсимотда материалнинг характери, қийинчилик даражаси,

¹Матчон, Сафо. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.

ўқувчиларнинг ёш хусусияти каби жихатлар эътиборга олинади. Шунинг учун мазкур тавсияларнинг амалиётга мувофиқлиги эътироф этилмоқда.

3. Ўрганишга тавсия этилган матнларни шарҳлаш асосида бадиий асарни эстетик таҳлиллаш намунаси адабиёт муаллимлариға ҳавола этилиб борилади. Бу билан уларга адабий таълимни том маънодаги нафосат машғулотига айлантириш таълими берилади.

4. Муайян мавзу, хусусан, мумтоз адабиёт намуналарини ўрганишда ҳозирги пайтда ўқитувчилар йўл қўяётган хато ва камчиликлар танқид қилиниб, уларнинг тўғри ечимлари кўрсатиб ўтилади.

5. Таълим самарадорлигини таъминлаш мақсадида адабиёт дарсларини ташкил этиш бўйича ҳам доимий ва тизимли бўлмаса-да, тавсиялар берилади: ўрганилаётган адабий материалга вақт тақсимоти; машғулот босқичларини дарс композициясига жойлаштириш; ўқитувчи – ўқувчи, ўқувчи – ўқувчи шаклидаги бадиий коммуникация жараёнини йўлга қўйиш; айрим дарсларни интерфаол усулларда олиб бориш; ўрни билан баҳолаш тарзи, шакллари бўйича ҳам йўриқлар бериб борилганлигини кузатиш мумкин.

6. Адабиёт муаллимларининг аксарияти, хусусан, ёш мутахассисларнинг дарс мақсадларини тўғри белгилашда малакалари етишмаётганлидан келиб чиқиб ҳар бир мавзунинг биринчи соати учун намуна сифатида тарбиявий, таълимий ҳамда ривожлантирувчи мақсад бериб борилгани ўқитувчиларга айни муддао бўлди. Жойларда ўқитувчилар билан учрашувларда улар буни катта қониқиши билан эътироф этдилар.

7. Мураккаб мавзуларни, хусусан, мумтоз адабиёт намуналарни ўрганишда янгича усул ва ёндашувлар кузатилади. Масалан, 7-синф дарслиги учун ёзилган “Адабий сабоқлар – 7” қўлланмасида Атоий ғазалиётини, Турди Фарогий мухаммасини, “Адабий сабоқлар – 9” қўлланмасида Оғаҳийнинг “Даҳр уйи бунёдким...” таржиъбандини ўрганишда жадваллар билан ишлаш, уларни тасвир ифодаси ва йўсинидан келиб чиқиб тўлдириш, чизмалар асосида тушунчаларни мустаҳкамлаш каби методик тадбирлар тавсия этилган.

8. “Ўқитувчи китоби – 6”, “Адабий сабоқлар – 7” ва “Адабий сабоқлар – 9” қўлланмаларида мумтоз эпик (“Қиссаи Рабгузий”, “Зарбулмасал”) ҳамда лиро-эпик (Навоий “Хамса”си) асарларни ўрганиш бўйича республикамизда кейинги йилларда тўпланган тажрибалардан келиб чиқиб, янги усул ва шакллар баён этилган.

9. Тасаввуф адабиёти намуналари, мумтоз шеъриятга хос бўлган маъно қатламлилик хусусиятини ўқитиши, улар билан боғлиқ мураккаб

тушунчаларни ўқувчиларга сингдириш юзасидан ҳам амалий йўриқлар илк бор тизимли равишда баён этилганлигига гувоҳ бўламиз.

10. Мумтоз намуналар ўрганилаётган машғулотларда таҳлилни кенгайтириш, чуқурлаштиришга қаратилган дарсликларга қўшимча тарзда савол ва топшириқлар, тест топшириқлари ҳавола этиб борилади. Улар дарс машғулотлари самарадорлигини ошириш баробарида ўқитувчиларни дарсликка ижодий ёндашишга, мустақил савол, топшириқлар тузишга ҳам ўргатиб боради.

Саналган мазкур ютуқлар билан бир қаторда Қ. Йўлдошев қўлланмаларида мулоҳазабоп ўринлар ҳам йўқ эмас. Улар қўйидагилар:

- мураккаб мавзуларни ўтиш бўйича тавсия этилган янгича усул ва ёндашувлар изчил давом эттирилиб, ривожлантирилмаган. Масалан, негадир юқори самара берадиган жадваллар билан ишлаш, методик жиҳатдан қулийлик туғдирадиган чизмалар асосида тушунча бериш Навоий “Хамса”сини ўқитиши жараёнига татбиқ этишга диққат қаратилмаган. Холбуки, бу асар мактаб адабий таълимидағи энг қийин мавзу саналади;

- деярли барча мумтоз намуналар бандма-банд, баъзан мисрама-мисра шарҳ этилгани ҳолда айрим ҳолларда асарлардан олинган йирик парчалар юзасидан умумий тавсиялар бериш билан чекланиш ҳоллари учрайди. Масалан, умумтуркий архаик сўзлар кўп қатнашган, таҳлилда ўқитувчилар ҳам қийналадиган “Қутадғу билиг” асарини ўрганиш бўйича берилган тавсияларда шу ҳолат кузатилади¹;

- дарсликка киритилмаган асарлар юзасидан ҳам дарсда ўрганиш учун методик йўриқлар берилганлигини кўриш мумкин. Масалан, “Адабий сабоқлар – 9” қўлланмасида дарсликда йўқ бўлган Бобурнинг маснавийси, Машрабнинг “на қилай” радифли ғазали борасида маслаҳатлар берилган;

- асосан бадиий-тадқиқий вазифаларни ҳал этиш бўйича тавсиялар берилган, аммо бадиий-ташқилий, бадиий-конструктив, бадиий-коммуникатив вазифалар борасида кўрсатмалар жуда оз, баъзи ўринларда йўқ ҳисоби. Адабий ўқитиши илмий асосда идрок этолмайдиган, методиканинг нозик жиҳатлари билан таниш бўлмаган, факат тендер (конкурс) талаби учунгина қўлланма ёзган бошқа муаллифларга бундай юқори талаб қўйиш ўринли бўлмас, лекин республикадаги соҳанинг етакчи мутахассисидан бундай муаммолар ечимини кутишга ҳақлимиз.

Шу ўринда адабиётшунослик ва адабиёт ўқитиши методикаси фанларига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган заҳматкаш олим профессор Боқижон Тўхлиев фаолиятига тўхталиб ўтиш ўринли бўлади. Бу иккала фан

¹ Yo'doshev Q. Adabiy saboqlar – 8. 8-sinf darsligi uchun metodik qo'llanma. – Toshkent: O'qituvchi, 2004. 25-30-бетлар.

йўналишида кўплаб шогирдларни тарбиялаган, қатор илмий тадқиқотларга раҳбарлик қилган, мустақилликнинг ilk йилларидан адабиёт дарслекларининг муаллифи бўлиб келаётган олим 2006 йили ўзининг тажрибаси ва кузатишларини умумлаштириб “Адабиёт ўқитиши методикаси” кўлланмасини¹ яратди. Китоб ОЎЮларининг филология факультетларида, республикадаги малака ошириш тизимида фойдаланадиган асосий манбалардан бирига айланди.

Олимнинг Б. Абдураҳмонова билан биргаликда ёзган “Қутадғу билиг”ни ўрганимиз² кўлланмаси² методика илмидаги мавзуга (“Қутадғу билиг”га) дахлдор дастлабки иш ҳисобланади. Китобда умумтаълим мактабларининг 4-ва 8-синфларида, академик лицей ва касб-хунар коллекларида асарни ўқитиши бўйича бир қатор тавсиялар берилган. Ажратилган соатни тақсимлаш, режалаштириш, достон матни устида ишлаш, асарни шарҳлаб ўрганиш каби каби масалалар қўйилиб, баҳоли қудрат уларнинг ечими берилганки, амалиётда ўқитувчиларга методик дастак бўлиши шубҳасиз. Айниқса, сюjetи йўқдай туюлган асарни эртак шаклига солиб, 4-синфда ўрганилиши бўйича тавсиялар шу каби бошқа мавзуларни ўтишда андаза вазифасини бажаради, деб ўйлаймиз.

Шунингдек, адабиётшунос ва методист олимнинг Г.Ашуррова билан ҳаммуаллифликда ёзган “Таълим босқичларида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш” китоби алоҳида эътиборга молик методик қўлланмадир. Қўлланма муқаддима, асосий тўрт боб ва хulosадан иборат яхлит илмий тадқиқот тарзида ёзилган. Биринчи бобнинг ўн саҳифасида мутафаккир ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши тарихига назар ташланган. Иккинчи боб умумтаълим мактабларида Алишер Навоий асарларини ўрганиш масалаларига бағишланган. Унда дастлаб бошланғич синфларда, кейинги фаслда эса юқори синфларда Навоий ижодини ўрганиш хусусиятлари ҳақида сўз юритилади. Бунда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ҳамда ўрганишга тавсия этилган асарларнинг мазмун-моҳияти ҳисобга олинган ҳолда методик тавсиялар берилганини қўлланманинг алоҳида фазилати дейиш мумкин. Учинчи бобда масаланинг олий таълим босқичида ўрганилиши ёритилган. Дастур ва ўқув режасидан келиб чиқиб, бу босқичда адабнинг лирик, эпик ва илмий асарларини ўрганиш хусусиятлари алоҳида уч фаслда баён этилган. Тўртинчи бобнинг алоҳида ўзига хослигини, ёритилаётган мавзуга ижодий ёндашилганлигини қайд этиш лозим. Китобда муаллифлар бошқа методик

¹Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиши методикаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006.

²Тўхлиев Б., Абдураҳмонова Б. “Қутадғу билиг”ни ўрганимиз. – Тошкент: Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2005.

қўлланмаларда учрамайдиган масалага – Навоийни ўрганишда кириш ва якунловчи машғулотларнинг аҳамиятига алоҳида тўхтагланлар. Методикадан энди яратилажак қўлланмаларда айнан мана шу жиҳат барқарор ва бардавом бўлиб қолиши мақсадга мувофиқ.

Адабиёт ўқитиши методикаси ривожига катта ҳисса қўшган олим педагогика фанлари доктори Қундузхон Ҳусанбоеванинг илмий фаолияти ҳамда нашр эттирган илмий-методик ишларини ичидаги “Адабиёт – маънавият ва мустақил фикр шакллантириш омили” монографиясини¹ алоҳида таъкидлаш лозим. Унда:

- адабиётнинг маънавиятни шакллантирувчи бош омиллардан бири эканлиги адабий таълим мисолида асосланган;
- адабиёт дарслари орқали ўқувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари қўрсатилган;
- муаммоли савол, муаммоли вазият, муаммоли таълим каби тушунчаларга таъриф берилган ва уларнинг адабий таълим самарадорлигини таъминлашдаги аҳамияти очиқланган;
- ўқувчиларда мустақил фикрлашнинг бош омили бўлмиш муаммоли таълимни юзага чиқарувчи таълим технологиялари, интерфаол усуллар, дарс ишланмалари тавсия этилган;
- тавсия этилган технология, усул ва бошқа шакллар мақсад эмас, балки ўқув материалини онгли равишда ўзлаштириш ва ўқувчи қобилиятини ошириш воситаси эканлигига таъкид билан ургу берилган.

Шу сирада адабиёт ўқитиши методикаси бўйича амалга оширилган икки тадқиқот тўғрисида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Уларнинг бири профессор Роза Ниёзметованинг “Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси”² монографияси бўлиб, гарчи тадқиқот рус гурухлари мисолида бўлса-да, олиманинг таҳлилда бадиий матнга ёндашиш, таҳлил йўсими ва йўриклирига оид фикрларидан адабий таълимнинг барча шакл ва босқичларида фойдаланиш мумкин. Айниқса, адабиёт дарсларига ахборот технологияларни татбиқ этиш борасидаги кузатишлари, тавсиялари машғулотлар самарадорлигини оширишнинг омили бўлиб хизмат қиласиди.

Педагогика фанлари доктори Улуғбек Долимовнинг “Туркистонда жадид мактаблари (тил ва адабиёт ўқитиши муаммолари)” номли рисоласи³ миллий таълим тизимимизда тил ва адабиёт фанларини ўқитиши методикаси тарихи ва тараққиёти янгича педагогик тафаккур билан чуқур таҳлил қилиб

¹Ҳусанбоева Қ. Адабиёт – маънавият ва мустақил фикр шакллантириш омили. – Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009.

²Ниёзметова Р. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси. – Т.: Фан, 2008.

³Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари (тил ва адабиёт ўқитиши муаммолари). – Тошкент: Фан, 2007.

берилган жиддий тадқиқот саналади. Бу иши билан олим адабиёт ўқитиши методикаси фанида янги саҳифа очди десак, янглиш бўлмайди.

Энди бошқа муаллифлар томонидан ёзилган методик қўлланмалар хусусида ҳам қисқача тўхталашиб. Уларни кўздан кечириб, муаллифларнинг методика фанидан узоқ эканлигига иқрор бўлади киши. Қўлланмалардаги нокомликлар тўғрисида сўз кетганда қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

- мазкур методик рисолаларда мавзуларга ажратилган соатлар тақсимоти бўйича мактаб амалиётига номувофиқ бўлган тавсиялар берилган. Б.Қосимов ва бошқалар томонидан ёзилган 5-синф дарслиги учун қўлланмада¹ мавзуга дастурда икки соат бўладими ёки ундан ортиқми вақт белгиланган бўлса, унинг бир соатини адибнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга ажратилиши айтилади. Н.Каримов ва бошқалар томонидан ёзилган қўлланмада² эса бунга икки соатгача вақт ажратиш тавсия этилган. Мутахассис педагог-филолог тайёрлайдиган олий ўкув юртларида муаллиф ҳаёти ва ижодига шу каби бир ёки икки соат вақт ажратиш мумкинdir. Ўшанда ҳам ажратилган соатлар миқдори қўп бўлиб, шунга имкон берса. Лекин муаллифлар талабаларни эмас, 5- ёки 9- синф ўқувчиларни ўқитадиган ўқитувчиларга тавсия бераётганликларини унтиб қўйишган кўринади ёки олий ва ўрта мактабда адабиёт бир хил ўқитилади деб ўйлайдилар. Агар адабиёт дарслари мактабда шу тариқа ўқитилса, ўта зерикарли, болаларни безитадиган машғулотларга айланади.

– Муаллифларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш бўйича берилган тавсиялар амалиётга мос эмас. Масалан, юқорида эслатилган 5-синф дарслиги учун қўлланмада монографик пландаги илмий асарлардан фойдаланиш, муаллиф асарлари нашрини хронологик тарзда баён этиш, адабий таъсир масалаларини ёритиш каби тавсиялар берилган. Буларни ўқиб, 5-синф боласига-я? дейсиз. Бир ўринда шу 5-синф ўқувчилариға қуйидаги тарзда маъруза қилиш маслаҳати берилади: “Хурматли ўқувчи! “Саёҳатнома”лари тили, банд тузилиши ва қофияланиш системаси билан узвий боғлиқ ҳолда ғоявий тематик мазмун билан чамбарчас алоқадорликда бир томондан содда, иккинчи томондан жўшқин, учинчи томондан ихчам ва лўнда шеърий услубни талаб қиласи. Натижада ҳар бир сўз, ҳар бир жумла, ҳар бир сатр ўзида жуда катта ғоявий вазифани ташийди. Мавзунинг лиро-эпик планда акс этирилиши гоҳо сатирик, гоҳо юмористик, гоҳо реалистик услубларнинг қоришиқ ва алмашиниб келиши, шунга мос ҳолда бандларнинг жойлашуви сўзларни нуктадонлик билан ишлатишни тақозо қиласи”³. Ўн-ўн

¹Qosimov B. va boshqalar. Adabiyot – 5. O‘qituvchilar uchun metodik qo‘llanma. – T.: Ma’naviyat, 2003.

²Karimov N. va boshq. Adabiyot – 9. O‘qituvchilar uchun metodik qo‘llanma. – T.: Ma’naviyat, 2002.

³Qosimov B. va boshqalar. Adabiyot – 5. O‘qituvchilar uchun metodik qo‘llanma. – T.: Ma’naviyat, 2003.

бир яшар бола бу маърузадан бир нимани тушунадими? Бу ҳақида ўйлаб кўрилмаган. 9-синф дарслиги учун қўлланмада ҳам шу ҳолат кузатилади. Сирасини айтганда, мазкур сатрлар университет домласининг қайсиdir босқич талabalари учун ёзган маъруза матнидан эканлиги кўриниб турибди.

- Ўқувчини кўз олдига келтира олмаслик, ёш хусусияти ва имкониятидан бехабарлик, ўқув дастурини яхши билмаслик йўл қўйилган камчиликларнинг бош сабаби бўлган. Йўқса, 5-синфда Бобур рубоийлари ва Муқимий “Саёҳатнома”сининг руқн, баҳрларини аниқлаш бўйича кўрсатмалар берилмас эди.

- Кўлланмаларда методик йўриқлар беришдан кўра фактларни баён қилиш, дидактик таҳлилдан кўра филологик (илмий) таҳлилнинг етакчилиги кузатилади. Мумтоз асарлардан олинган намуналарнинг умумий мазмуни сўзлаб берилгани ҳолда ўқитувчилар ҳам тушуниши мураккаб бўлган сатрлар, бандлар, лавҳалар моҳияти очиб берилмайди.

- Баъзи ўринларда ўқитувчига мавзу юзасидан нимани тушунтириш кераклиги эслатилади, лекин аксар ҳолларда қандай тушунтириш мумкинлиги ҳақида сўз бормайди. Масалан, 9-синфдаги Машраб ғазаллари ҳақида гапира туриб, “Бу масала бевосита тасаввуф таълимоти билан ҳамда дастлабки дарсда ўрганилган ваҳдут ул-вужуд билан чамбарчас алоқадорликда талқин қилинади”¹ дея кўрсатма берилади. Лекин қандай талқин қилинади, таҳлил йўсини қай тарзда кечиши мумкинлиги борасида ҳеч нима дейилмайди. Ўқитувчига айнан шу нарса керак, тасаввуфга кўра талқин ва таҳлилни билиш, унинг методик йўриқлари юзасидан тавсиялар олиш мақсадида қўлланмани қўлга олади. Методик қўлланманинг асосий вазифаси ҳам шу.

Хуллас, айтилганидек, илмий-педагогик, методик адабиётларнинг ўқитувчилар илмий-назарий билими, педагогик савияси, методик тайёргарлиги борасидаги аҳамияти жуда катта. Улар ўқитувчини тузиши ҳам, бузиши ҳам мумкин. Тузиши шундаки, соҳанинг етук билимдонлари томонидан ёзилган, амалиётда синалиб, самара берган натижаларнинг илмий хulosалари ўлароқ юзага келган илмий адабиётлар, методик қўлланмалар талабани мутахассис бўлиб етишувига, дипломли мутахассисни том маънодаги ўқитувчи бўлиб шаклланишига, педагог сифатида юксалишига ёрдам беради. Бузишига келсак, бунинг акси бўлган адабиётларга суюнган ўқитувчилар улардаги фикрларни ижодий, танқидий ёндашиш керак бўлган тавсиялар эмас, мутлақ ҳақиқат деб билганлари ёки ўзларида бошқача қараш, ёндашувларнинг бутунлай йўқлиги туфайли амалиётда фақат уларга суюниб

¹ Karimov N. va boshq. Adabiyot – 9. O‘qituvchilar uchun metodik qo‘llanma. – T.: Ma’naviyat, 2002. 49-бет.

иш күришлари боис қанчадир муддат, балки бир умр ўқитувчилик фаолиятларида бутунлай нотұғри ёки самаrasиз қарашлар, тавсиялар билан иш күрадилар. Бунинг асорати ўқувчилари маънавиятида яраланишдан қолган чандық каби из қолдиради. Шунинг учун методик қўлланмаларни оммавий нашрдан чиқаришдан аввал улар методист олимлар кўригидан, таҳриридан албатта ўтказилиши керак.

Мумтоз адабиёт намуналарини ўқитишида таълимнинг илғор технологияларидан фойдаланиш

Ўрта асрларда Шарқ донишмандлари орасида “Усул бўлмагунча вусул бўлмас” ҳикмати машхур бўлган. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир иш унинг моҳиятига мувофиқ усул билан амалга оширилса, вусул (висол, бу ерда: мақсадга эришиш) бўлади. Бу, айниқса, таълим амалиёти учун ғоят мос келадиган ҳақиқатдир.

Таълимда қўплаб усул, метод ва технологиялар қўлланмоқда. Уларнинг баъзилари бошқа мамлакат таълим тизмидан ўзлаштирилган бўлса, айримлари юртимизда фаолият кўрсатаётган методист олимлар, илғор фан ўқитувчиларининг касбий ижод намуналари саналади. Бу усул, метод ва технологиялар мазмун-моҳияти маҳсус қўлланма, мақолаларда¹ ёритилгани боис улар ҳақида тўхталмаймиз. Мақсадимиз мумтоз адабиёт намуналарини ўқитишига хос бўлган, ўзимиз томонидан тажриба-синов ишлари давомида яратилган оптималь усул ва технологияларни баён қилишдир.

“Оптимал шарх” технологияси

Кейинги йилларда “оптимал”, “оптималлаштириш” сўзлари таълимга оид тушунча ва атамалар орасида кенг қўлланмоқда. “Оптимал” лотинча *optimus* сўзидан олинган бўлиб, энг, яхши, энг мувофиқ, энг қулай деган маъноларни англатади². Демак, муайян фаолиятни амалга ошириш учун мос келадиган энг мувофиқ шакл, ҳаракат ёки ҳолатга нисбатан мазкур тушунча қўлланади. Биз тажриба-синов ишларини олиб бориш жараёнида ўқувчиларга матнларни осон тушуниш йўлларини топиш борасида ҳам изландик. Республикастон барча худудларида нафақат ўқувчилар, адабиёт ўқитувчилари ҳам мумтоз матнлардан маъно уқиши қийналадилар. Ўрганилаётган матндан маъно чиқарилмаса, тушунилмайди, тушунилмагач асар ўзлаштирилмайди: унинг бадиияти, муаллиф маҳорати каби жиҳатлар очик қолаверади. Масалан, қуйидаги машхур рубоий шарҳлаш учун ҳавола қилинади:

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
Хар неники севмак ондин ортиқ ўлмас,

¹ Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиилар. Т.: Истебод, 2008.; Жўраев Л. Шахсга йўналтирилган таълим нима? “Тил ва адабиёт таълими” журнали, 2013, №2. 3-7-бетлар.; Ubayxo‘jayeva R. O‘quvchilarga lirik asarlarni o‘rgatish usullari. “Тил ва адабиёт таълими” журнали, 2012, №3. 21-25-бетлар.

²Ўзбек тилининг изохли луғати. Т.:Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. 131-бет.

Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.

Рубоий қайси мавзу ёзилганлиги сўралганда ҳам назорат, ҳам тажриба синфларидағи ўқувчилар бирдек ишқий мавзуда ёзилганини айтишган. Бундай жавобни республиканинг турли вилоятларида ўтказилган семинар-тренингларда ўқитувчилардан ҳам олдик. Биз машғулот ўтказган туман ва шаҳарларнинг аксар адабиёт муаллимлари рубоийни худди ўқувчилар каби шарҳладилар. Ўқитувчи ва ўқувчиларни “севармен” сўз адаштиради. Ёки

Қаро кўзум, келу, мардумлуғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил

байтининг таҳлилида “қаро кўзум” деганда ким назарда тутилаётгани сўралди. Кимdir маъшуқа дейди, кимdir фарзанд деб ўйлайди ёки яна бошқа таъвилни олға сурадилар. Етакчи адабий тур лирика бўлган мумтоз адабиётни шарҳлаш ва таҳлил қилишда шу каби янгишишлар, иккиланиш ҳолатлари ўқитувчиларнинг ўзида кўп учрайди. Адабиёт машғулотларида мумтоз намуналарни ўзлаштиришни осонлаштириш ва ўқувчиларга тўғри йўналиш беришда биз томонимиздан ишлаб чиқилган “**Оптимал шарҳ**” технологияси самарали натижа бериши амалиётда тасдиғини топди. Биз аввал уни “Шеър шарҳига тўрт савол” технологияси деб атаган эдик. Ифодада ихчамликка интилиш мақсадида “Оптимал шарҳ” тарзида номладик. Бунда ғазал байти, рубоий, туюқ каби шеърларни (баъзан катта ҳажмли шеър бандларини) ўрганишда ўқувчилар (ўқитувчи, талаба, умуман, шеърни шарҳлаш ва таҳлил қилишга чоғланган шахс) эътиборига қўйидаги тўрт савол ҳавола қилинади:

шу шеърда айтилаётган фикрни

1. Ким айтяпти?
2. Ким (нима)га айтяпти?
3. Нима деяпти?
4. Қандай айтяпти?

Биринчи ва иккинчи саволлар шеърда иштирок этаётган образларни аниқлаб беради. Учинчи саволга жавоб бериш билан шеърнинг мавзуси ойдинлашади. Тўртинчи савол шоирнинг поэтик маҳоратини очишига қаратилган, яъни шоир фикрни қай тарзда ўзига хос тарзда ифодаламоқда, бошқаларнинг ифодасидан нимаси билан ўзгача? саволига жавоб топилади. Айтайлик, Навоийнинг “Қаро кўзум...” ғазали ўрганилмоқда. Юқорида келтирилган матлага эътибор қаратиб, (байтда ифодаланган фикрни) “Ким айтяпти?” дейилганда, аксарият ҳолларда “Ошиқ” деб жавоб берилади.

“Кимга?” дейилганды, “Маъшуқага” деган жавоб олинади. Күп ҳолларда шу қарашга муқобил тарзда ким(лар)дир биринчи саволга ота (ёки она), иккинчи саволга фарзандига айтапти тарзида жавоб беради(лар). Ягона холосага келишгә интилиш адабиёт ўқитишининг тамойиллариға зид ҳолат, лекин ечимда мантиқийликка риоя қилиш ҳам муҳимдир. Ҳар қандай шарх, таҳлил мантиққа таяниб асосланиши лозим. Қарашлари турлича бўлган томонлардан ўзларининг фикрларини мантиқий далиллашлари сўралади. Уларга ёрдам учун йўналтирувчи савол ва топшириқлар бериб борилиши мумкин. Масалан, қўйидаги савол тўғри ечимга етаклайди: Ўйлаб қўринг, биринчи мисрада қора кўз (*ёр//фарзанд*)им дер экан, “келу, мардумлуғ эмди фан қилғил”, яъни кел, менга бир одамгарчилик қилгин тарзида ошиқ маъшуқага зорланиши мантиққа мувофиқми ёки ота (она)нинг фарзандига? Кейинги яна бир савол мумтоз бадиий тафаккур тарзидан келиб чиқиб ўртага қўйилади: қатъий шаклланган образлар, муносабатлар ва тасвир тарзига кўра қора кўз бўлиш ёки иккинчи байтда тасвирланганидек, юзнинг гулга, қаднинг ниҳолга қиёсланиши юқорида муқобалатда турган икки образнинг қайси бири учун мос келади? Бу каби савол ва муҳокамадан сўнг ўқувчи (шарҳловчи, таҳлил килувчи) тўғри (бу ерда тўғрилигидан кўра мантиқий) ечимга ўзи келади. Дастребки икки саволга мантиқ асосида жавоб топилгач, ўқувчи учинчи савол (у моҳиятнан маънони уқиши топширифи) жавобига тўғри йўналиш олади. Шарх: *Қора кўзлигим, келгин, одамгарчилик (мардумлуғ)ни энди одат (фан) қилгин.* Ўқитувчи сўрайди: ошиқ зорланиб сўраётган ёрнинг одамгарчилиги нимадан иборат бўлиши керак экан? Жавоб (шарх): *Кўзимнинг қорачигида кўз гавҳари (мардум) каби ватан қилгин (жойлашиб олгин).* Яъни икки киши юзма-юз ўтиrsa, уларнинг қиёфаси бир-бирининг мардуми – кўз гавҳаридан акс этиб туради. Демак, ошиқ маъшуқасини доимо ўзининг қаршисида бўлишини хоҳлайдики, шунда унинг гулдек жамоли ўзининг мардумида ватан тутади. Шу тариқа учинчи саволга – байтда нима дейилаётганига ҳам жавоб олинади.

Тўртинчи савол мазкур технологияда ғоят муҳим аҳамият касб этади, чунки унда адабиётнинг сўз санъати эканлиги ойдинлашиши керак, яъни бу шеър нимаси билан санъат асари эканлиги шарҳлаш, таҳлил қилиш орқали юзага чиқарилади. Байтнинг ҳар мисраси бошида икки сўз қатнашади: қаро, кўз. Биринчи мисрада қаро кўзум деб мурожаат қилинса, иккинчи мисрада кўзим қароси бирикмаси келган. Шу ердаги санъатнинг ўзи ҳайратга сабаб бўлади: тарди акс санъати орқали қора кўзли ёр жамоли (қиёфаси) ўзининг кўзи қаросида доимий бўлишига доир истагини изҳор қилади шоир. Сўзларнинг ўрин алмашиб такрорланиши маънони қучайтириш, фикрга урғу беришга хизмат қилмоқда. Кўз сўзларидаги тегишлилик, қарашлилик

маъносини ташийдиган -ум эгалик қўшимчаси ҳам ўзига хос поэтик вазифани бажармокда. Бу қўшимча биринчи мисрада қора кўзли бўлган ёрнинг ўзи (қалби, тақдири)га тегишли эканлигини ифодалаётган бўлса, иккинчи мисрада бу қўшимча ўз маъносида келаётган кўзнинг сўзловчига тегишлилигини англатиш учун хизмат қилмоқда. Бу ерда *кўзим* сўзидан кейин келаётган *қароси* таркибидаги *-си* З-шахсга ишора қилаётган эгалик қўшимчаси ҳам поэтик юк олган. У фақат грамматик З-шахснигина билдиrmаяпти, айни пайтда ошиқ кўзининг қароси шеърда ифодаланаётган нутқий жараёндаги З-шахс бўлган маъшуқага ишора қиласпти, чунки бу қўз қароси энди ошиқники бўлмай, унда ватан тутажак ёрга тегишли бўлиб қолади. Байтда яна бир санъаткорона маъно кўчириш бор: иккинчи мисрадаги *қароси* сўзи ранг маъносидагина эмас, балки қорачиқ маъносида ҳам келган. Ёрдан ана шу қорачиқда мардум каби ватан тутишини, яъни доимо ўзининг олдида – қаршисида бўлишини сўрайди. *Мардум* сўзининг қўлланишида ҳам навоиёна санъаткорлик бор: сўз *одамлар* ва қўз қорачиги маъноларида келиб, тажнисни ҳосил қиласпти. Биринчи мисрадаги *мардумлуғ* ифодасида *одамларга* ишора бор, -луғ қўшимчаси қўшилиб, одамийлик (одамгарчилик) маъносини ифодалайди. Иккинчи мисрадаги *мардум* ўзининг ҳар икки маъносида қўлланган, яъни ийҳом санъатини юзага келтирган. Бу сўз кўп адабиётларда айтилганидек, гавҳар (қорачиқ)ни билдирса, иккинчи мисра шундай маъно касб этади: “сен мен учун қўз қорачигидай азизсан, жойинг кўзим ичида”¹ бўлсин. Агар бу сўз одамлар (халқ) маъносида қўлланса, шундай ифода юзага келади: (одамлар қаернидир доимий макон тутганларидек) сен (худди шу) халқ каби кўзимнинг қорасини ўзингга ватан қилгин.

Байт маъносини, унга жо қилинган юксак бадииятни очиқлашга қаратилган тўрт савол ўзаро яхлит узвий бир жараён ўлароқ шарҳни, таҳлилни мукаммал амалга оширишнинг омили бўлиб хизмат қиласпти.

Навоийнинг “Жондин сени кўп севармен...” рубоийси таҳлилида ҳам мазкур тўрт саволнинг биринчи ва иккинчиси берилганидаёқ аксар ўқувчилар (ўқитувчилар ҳам) янгилишилари кузатилади. Юқорида айтилганидек, ифодаланаётган мурожаат ошиқ томонидан маъшуқага деб биладилар. Бунда даставвал матнга тил нуқтаи назаридан ёндашиб, “эй умри азиз” ундалма эканлигига эътибор қаратилади ва бу орқали иккинчи савол (кимга айтятпти?) жавоби “маъшуқага” эмас, балки “инсоннинг азиз умрига” эканлиги ойдинлаштирилади. Шунда биринчи саволга жавоб ҳам ўзгаради: фикрни ошиқ эмас, ҳаёт ҳақиқати тўғрисида мушоҳада қилаётган донишманд

¹ Навоий ғазаллари (насрий баён, шарҳ ва изохлар). Тузувчи ва нашрга тайёрловчи Б.Тўхлиев. Т.: Bayoz, 2017. 220-бет.

шахс (лирик қаҳрамон) айтмоқда. Шу тариқа учинчи ва тўртинчи саволларга жавоб излаш орқали рубоийнинг бетакрор маъно-моҳияти ва юксак бадиияти юзага чиқарилади.

“Ижодий лавҳа” усули

Мумтоз шеърлар шарҳи ва таҳлилида “Ижодий лавҳа” усули ҳам матн мазмуни ҳамда бадииятини ўзлаштиришда ўқитувчига кўл келади. Ўқувчилар шеърда англашилган маънони кино ва театр санъатидан олган тасаввур ва таассуротларига таяниб, хаёлан лавҳа яратадилар ҳамда сўзлаб берадилар. Бу ғазалларнинг айрим байтларини шарҳлашда ҳам натижаси самарали бўлган усулдир. Лекин унинг бирданига амалга ошиши осон бўлмайди. Бунинг учун ўқитувчи йўналтирувчи савол ва топшириқлар ёрдамида синфни тайёрлаб олиши лозим. Масалан, Фурқатнинг “Сайдинг қўябер, сайёд” мусаддаси шу усул орқали ўрганилганда қўйидагича саволлар берилиши мумкин:

1. Нима учун шоир сайд – ов қилинган кийик (ёки оху)ни ўзига ўхшатиб, “сайёра экан мендек” дейди? Қайси жиҳатлари ўхшаш?
2. Сайднинг бечоралигига сабаб бўлган дом (сиртмоқ) тушунарли, лекин шоир бечоралигининг сабаби нима? Унинг бўйнида ҳам дом борми?
3. Шеърдаги икки ночорнинг “куйган жигар-бағри содпора экан” лигини изоҳланг.

Шу каби саволлар билан ўқувчиларни шеърнинг мазмуни, руҳи ва кайфиятига олиб кирилади. Шундан сўнг ёзма ёки оғзаки лавҳа яратиш топшириғи берилади. Ўқувчилар хаёлан қўйидагича лавҳа яратишлари (ёки ўқитувчининг ўзи шундай лавҳани хаёлан гавдалантириши) мумкин.

Кўп ўлкаларни *сайёр кезган* (бу бирикма шеърдаги “сайёра экан мендек” ифодасига эътибор қаратиш учун) шоир фурқат (айрилиқ)даги ҳаётидан дилтанг бўлиб, кўнгил ёзиш мақсадида дашт (чўл) томон юзланади. Лекин юрт соғинчи, Ватандан айрилиқ ҳисси унинг юрагидаги андуҳни ёза олмайди. Шунда узокдан қўлга туширган сайдини судраб олиб келаётган сайёдга кўзи тушади. Яқинроқ келганда кўрадики, сайд забун ҳолда: бўйнида дом, кўз ёшлари равон, чорасиз. Айрилиқ сиртмоғи (доми) бўйнида, Ватанини қўмсағ гирён бўлган, юртга қайтишга чора топмаган шоир сайд тимсолида ўзини кўради. Беихтиёр қалбидага алам тутғонга келади-да, тилига кўчади, сўнг тақдир сайёдининг илгида тутқин бўлган шоирнинг бечора жониворни асоратга солган овчига мурожаат шаклидаги мусаддасга айланади: “Сайдинг қўябер, сайёд, сайёра экан мендек...” Бу усул орқали шеърнинг мазмуни осон ўзлаштирилади, ундан ҳам муҳимроғи, ифодаланган туйғу кечинма ва ҳиссиётлар тарбияланувчилар кўнглига кўчирилади, яъни адабиёт

ўқитишдаги ғоят аҳамиятли юмуш – рухий идрок этиш жараёни юзага келади.

Навоийнинг “Кеча келгумдур дебон” ғазалидаги

Ул париваш ҳажридинким йигладим девоновор,

Кимса бормукин анга кўрганда кулгу келмади

байтидан истисносиз барча ўқувчилар (шунингдек, аксар ўқитувчилар) “Ўша париваш айрилигидан девоналардек йигладим, бу ҳолимни кўрганда бирор кимсага кулгу келмади” тарзида нотўғри маъно чиқарадилар. Шунда ўқитувчи (ёки андрогог) тушунишни осонлаштириш учун қуидагича лавҳа яратади: *Тасаввур қилинг, шу синфингиз деразасидан кўриниб турган анави кўчанинг қоқ ўртасидан бир ошиқ “ёrim кечқурун келаман деб келмади” деб бор овозида девоналарча дод солиб йиғлаб кетяпти* (бу гапни эшитиб хаёлда гавдалантирилган лавҳадан синфдаги ўқувчиларининг юзида кулгу пайдо бўлади ва ўқитувчи сўзида давом этади). *Кўряпманки, мен хаёлан яратган лавҳани тасаввур қилиб, деярли барчангиз кула бошлидингиз. Кимдир мазкур ҳолатни ҳаётда кўрса, янада қаттиқроқ кулса керак. Шундан келиб чиқиб, иккинчи мисрадан қандай маъно уқии мумкинлигини яна бир бор ўйлаб кўринг.* Синфдаги қайсиdir зукко ўқувчи(лар) тўғри маънони илғайди(лар): бирор кимса бормикан, унга (девона ҳолимни кўриб) кулгу келмаган бўлса, яъни кўрган кишики, ҳамма кулди.

Бу усул истисносиз ҳамма шеърларни шарҳлашда қўлланади, деган фикрдан йироқмиз. Кўпинча воқеабандлик хусусияти бор шеърларда ўқитувчига қўл келади. Лекин маҳоратли, компонентлиги юқори ўқитувчилар воқеабандлик кўзга ташланмай турган шеърлардан ҳам лавҳа чиқара оладилар (тўғрироғи, яратадилар).

**Мұмтоз адабиёт намуналарини ўрганишда илғор таълим
технологиялари ва усуллардан фойдаланиш**
(тавсия этилған слайдлар)

Ўрганилаётган асарнинг ўзига хос адабий-бадиий хусусиятларини чуқур таҳлил қилиш асосида ўрганишнинг замонавий интерфаол усуллари:



I. “Т-чизмаси” асосида мұмтоз шеърият образлари табиатини тушунтириш

1. Маъшуқа ва ошиқ образларининг қатый қолипдаги портрети ва характер хусусиятлари

«Т-чизмаси» методи

Маъшуқа		Ошиқ	
Ташки күриниши ифодалари		Характер хусусиятлари	<ul style="list-style-type: none"> Шўх Илтифотсиз Зулмкор Ситамгар Қаҳрли Магрур в.б.
<ul style="list-style-type: none"> Гўзал Лаби гунча Сочи сунбул Бели хинча Нигохи ўт Сарв қомат 		Ташки күриниши ифодалари	<ul style="list-style-type: none"> Ҳоли забун Зорланувчи Қадди дол Кўз ёши кон Ранги сарик Жисми заиф в.б.
			<ul style="list-style-type: none"> Сабрли Ёзғирмайди Хокисор Вафодор Ишиқда баркарор Васлга умидвор в.б.

Ҳар бир таъриф ёки тавсифга ғазаллардаги байтлардан мисол келтирилиши ҳамда фикрни мантиқи далиллар билан исботлаш юқори баҳо (балл) учун асос бўлиши керак. Метод таърифланган адабиётларга кўра жараён шу ўринда якунланади. Лекин ...

2. Образларнинг портрет ва характер хусусиятларига кўра ўзаро зиддиятдаги бирлик ҳосил қилиши

«Т-чизмаси» МЕТОДИ

хар қандай метод қайси фанда, қандай дарс материалига татбиқ қилинаётганига кўра ўзгача қўлланиши табиий. Ўқитувчи методни ижодий давом эттирган холда икки чизмадаги ўзаро боғланиши мумкин бўлган жиҳатларни аниклаш топширигини бериш мумкин. Ўқувчилар бу икки образ чизмасини синчиклаб ўрганиб, улар ўзаро тазодий муносабатларда боғланишини аниклашлари керак. Аввало бир гурух томонидан икки образнинг биринчи жиҳати бўлган ташки кўринишларидаги ўзаро боғланиш аникланади.

Ошиқ ва маъшуқанинг ташқи кўринишларига кўра ўзаро тазодий боғланиши

Маъшуқанинг ташқи кўриниши ифодалари <p>Гўзал Нигоҳи ўт Сарв қомат Кизил юзли Жисмоний баркамол</p> <p>в.б.</p>		Ошиқнинг ташқи кўриниши ифодалари <p>Холи забун Кўз ёши кон Қадди дол Ранги сарик Жисми заиф</p> <p>в.б.</p>
--	---	---

Ошиқ ва маъшуқанинг характер хусусиятларига кўра ўзаро тазодий боғланиши

Маъшуқанинг характер хусусиятлари <p>Шўх Шодон Бевафо Ситамгар</p> <p>в.б.</p>		Ошиқнинг характер хусусиятлари <p>Хокисор Тинимсиз ёрга интилувчи Қайгуга ботган Вафодор Ишқда барқарор</p> <p>в.б.</p>
---	---	--

Бу тазодий (ўзаро зидланган) муносабатларга газалларда аввало алоҳида-алоҳида келган, сўнг бир байт доирасида параллел тасвиirlangan мисоллар келтирилиши сўралади. Бунда ўқувчиларга дарсликдан, кўёшимча материал – девон, баёзлар, тўпламлардан фойдаланишга рұхат берилади. Чунки барча мисолларга ёддан мисол айтиш ўқувчилар учун кийин бўлиши мумкин. Ўқитувчи йўналтирувчи саволлар восита сидада тазодий воқелик аслида икки субъект (ёки обьект)ни бир-биридан итарувчи, боғланиш, алокадорликни бартараф этувчи муносабат саналиши, лекин бу бадиий воқеликда эса уларни ўзаро боғловчи, поэтик воқеликни юзага келтирувчи восита эканлиги ҳақидаги хуносага ўқувчиларнинг ўзлари келиши адабиёт муаллиманинг маҳоратини кўрсатади.

II. Достонларни ўрганишда SWOT – КЗИХ усули

Усул номини ўзбекчалаштириш

S (Strengths – кучли томонлар)	W (Weaknesses – кучсиз томонлар ёки заифлик)
O (Opportunities – имкониятлар)	T (Threats – ташқи мухитда мавжуд хавф-хатарлар)
I (Imperfections – имкониятлар)	K (кучли жиҳатлари)
X (хавф-хатарлар)	Z (заиф томонлари)

КЗИХ усулига кўра Фарҳод ва Хусрав образларининг қиёси таҳлили

**“Фарҳод ва Ширин” достонидаги Хусрав ва Фарҳод образларига тавсиф
бериш, уларга хос жиҳатларни таҳлил қилиш
1-гурух (Хисрав образи)**

K (кучли жиҳатлари) ҳукмдон сифатида катта қудратга эга	Z (зайф томонлари) ҳамма нарсани зўрлик, бойлик ҳал этади деб ўйлади
I (имкониятлар) куч билан Ширинга эгалик қилиши мумкин	X (хавф-хатарлар) ўғли Шеруянинг ахлоқсизлиги, отасини юз-хотир қилмаслиги, қўл остидагиларнинг норозилиги ва б.

**“Фарҳод ва Ширин” достонидаги Хусрав ва Фарҳод образларига тавсиф
бериш, уларга хос жиҳатларни таҳлил қилиш
2-гурух (Фарҳод образи)**

K (кучли жиҳатлари) жисмоний имкониятлари, кўп ҳунар эгаси эканлиги. Баъзи ўқувчилар унинг маънавий баркамоллиги деб ҳисоблашлари мумкин. (Бу тажрибаларда кузатилди)	Z (зайф томонлари) ишонувчанлиги, садда беғуборлиги
I (имкониятлар) жисмоний имкониятлари, эгаллаган ҳунарлари ва муҳораба қилиш салоҳияти туфайли душман қўшинини бутунлай йўқ қилиши мумкинлиги	X (хавф-хатарлар) Ишонувчанлиги ва саддалигидан ёзув кучларнинг фойдаланиши ва Ш.К.

III. “ФСМУ” методи

«ФСМУ» интерфаол методи мунозарали масалаларни ҳал этиш, баҳс-мунозаралар ўтказиш ёки ўқув семинари якунида тингловчиларнинг ўқув машғулотлари ҳамда ўтилган мавзулардаги муаммоларга нисбатан фикрларини билиш мақсадида қўлланилади. Бу технология таълим олувчиларни ўз фикрини ҳимоя қилиш, эркин фикрлашга ўргатади.

Ундан фойдаланишда таълим берувчи тингловчилар билан баҳс мавзусини белгилаб олади ва гурухларга 4 босқич ёзилган қоғоз варакларини тарқатади ва тўлдириши айтилади.

Бунда:

Ф – фикрингизни баён этинг;

С – фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг;

М – кўрсатган сабабингизни асословчи мисол келтиринг;

Ү – фикрингизни умумлаштиринг.

- **Намуна:**
- **1. Вазифа: Бобур рубоийлари юзасидан фикрларингизни баён қилинг.**
- **Ф** – Бобур рубоийларининг кўпчилиги ҳасби ҳол характерида.
- **С** – Ватандан бош олиб чикиб кетишга мажбур бўлган шоир ўз рубоийларида ҳаётда кўрган озорларини, бошидан ўтган қийинчиликлар ҳамда қалбда туйган юрт соғинчини бошқа жанрларда бўлган каби рубоийларида акс эттирган.
- **М** – Толеъ йўқи жонимға балолиғ бўлди,
- Ҳар ишники айладим, хатолиғ бўлди.
- Ўз ерини қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
- Ё Раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.
- Бахтим йўклиги жонимга бало бўлди, дейди шоир. Чунки баҳтсизлик уни ватанидан айирди. Демак, унинг баҳти – ватанда бўлишдир. Иккинчи сатрда нима ишни килган бўлсам, хато бўлди, дейди у. Демак, Ватанин ташлаб чиқиши – хато, унинг учун жонини бермагани ва бошқа элларга бош олиб кетиши – хато. Ўз ерни қўйиб, Ҳиндистон томон кетиши тақдирида бор эди. Ана шу айрилиқни юз қаролиғ деб билан Бобур.
- **Ү** – Бобур Ватанда яшаш, ундан айрилмасликни баҳт деб билган. Умр бўйи ўз юртига қайтишни орзу қилиб яшаган.
- Бошқа бир ўқувчи (гурух) “Бобур юксак маҳоратга эга рубоийнавис” деган фикрни шу босқичларда асослаши керак бўлади.